

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабиёт журнали

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов — кенгаш раиси
Ўрозбой Абдураҳмонов
Эркин Воҳидов
Тўра Мирзаев
Минҳожиддин Мирзо
Абдулла Орипов

Иқбол Мирзо
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Шарап Уснатдинов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир в.б. — Улугбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Асад Дилмурод



МУНДАРИЖА

СЎЗ ЖАВҲАРИ

Алишер Навоий. Ғазал. 3

НАСР

Хуршид Дўстмуҳаммад. Куза... Қисса. 4

ШЕЪРИЯТ

Омон Матжон. Дийдорга инондим. Шеърлар. 39

Қутлибека. Сўзтуморим сиз мани... Шеърлар. 43

ДРАМАТУРГИЯ

Жуманиёз Жабборов, Уйқусиз кеча.

Икки пардали драма. 46

НАСР

Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон. Этакдаги кулба. Ҳикоя. 63

ШЕЪРИЯТ

Ҳусниддин Шарипов.

«Шоҳмот достони» китобидан. 66

Ойгул Суяндиқова. Хаёлимда гуллар экаман.

Шеърлар. 70

Ҳалим Карим. Дунёнинг сиридан ўйга толаман.

Шеърлар. 74

НУҚТАИ НАЗАР

Матназар Абдулҳаким. Нур васли. 77

НАЗМ БЎСТОНИ

Япон шеъриятидан намуналар. 88

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН ЁЗУВ

Ҳабибулло Қодирӣ. Эски Тошкантида. Тарихий қисса. 91

ТУТАШ ТОМИРЛАР

Муланафас. Ишқ ўтига жоним ёқа билмадим.

Шеърлар... 104

МУЛОҲАЗА, МУШОҲАДА, МУСОҲАБА

Ҳаким Сатторӣ. Инсон феъл-атвори сиралари. 107

БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Тўлибой Қобулов. Дунё бўлсин сенга садаға.

Шеърлар. 113

ТАФАККУР МИНТАҚАЛАРИ

Иброҳим Ғафуров, Ўлдош Солижонов.

«Улисс» дунёсидаги эврилишлар. Суҳбат... 116

НАСР

Ҳасан Манзур. Ўғай она. Ҳикоя. 124

БОЛАЛАР ДУНЁСИ

Рустам Назар. Ўзлингдан тонма ҳеч. Шеърлар. 130

ИЖОДХОНАДА БИР СОАТ

Сўз — бу сеҳрли дунё.

Ўтқир Ҳошимов билан суҳбат. 132

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Саида Зуннунова. Ранглар жилваланар қалбингни ёқиб.

Шеърлар. 137

МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ

Абзам Қозихўжа. Мулоқот мақоми. 141

ДИЛЛАРДАН - ДИЛЛАРГА

Зулҳумор Мирзаева. Чўлпон шеърлари

таржимасининг қиёсий таҳлили. 146

ЁДНОМА

Жўра Фозил. «Бухорони таниган куним». 152

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Қозоқбой Ўлдошев. Моҳиятни англатиш йўли. 156

Узоқ Жўракул. «Телбага йўқтур қалам...» 166

Аҳмад Абдуллаев. «Шеъримда узоқ бир

ишқнинг шарҳи бор». 172

ЗАКОВАТ НУРИ

Абдулаҳат Қаҳоров. Маърифат осмонидagi юлдуз. 178

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ТАҚДИРЛАР

Улутбек Долимов. Абдий зиё маскани. 183

ГУЛҚАЙЧИ

Ўктам Мирзаёр. Ямоқ, Ҳажвий ҳикоя. 189

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

2010

1-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин.

Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

* Обунага монъелик кўрсатилса Тошкент — 100000, Амир Темура тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Манзилимиз: 100127, Тошкент шаҳри. Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй. Телефонлар: 227-00-81, 239-26-97 E-mail. sharqyulduzi@yahoo.com

Босишга рухсат этилди ..11.2009 йил. Қоғоз бичими 70x108 1/16. Офсет босма усулида тип. № 1-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 18,4. Адади 1500 нусха. Буюртма № ...

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0562—рақам билан рўйхатга олинган. «Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.

Техник муҳаррир: Абдурауф Эшимқулов

Саҳифаловчи: Акбарали Мамасолиев

Мусаҳҳих: Дилфуза Маҳмудова

Матн терувчи: Шаҳноза Халифаева



Алишер Навоий

ҒАЗАЛ

*Эй қуёшқа кўз қамаштурғон жамолинг партави,
Сарви раъноликда хушрафтор қаддинг пайрави.*

*Қоф тоғин гар парилар маскан этмишлар, не тонг,
Қарилардур навжувоним ҳижлатидин мунзавий.*

*Ўйлаким, Моний ишидин зойиъ ўлди нақши Чин,
Ул бути Чин сувратидин бўлди нақши монавий.*

*Ишқ илги қуввати мен хастани қилмиш забун,
Эй кўнгил, не чора айлай мен заифу ул қавий.*

*Булбул ар гулбонг урар гул сувратидин мен хомуш
Ким, такаллум тахтиға кирмас адойи маъनावий.*

*Ишқ сиррин ринди дурдийкаш билур, йўқ аҳли дарс,
Улча авроқ узра сабт ўлмас не билгай Мавлавий.*

*Демангиз булбул Навоийни, самандардекки, бор
Назми ичра шуълайи Жомию сўзи Хусравий.*



КУЗА...

Қисса

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

...замонавий инсон кузатилувчи инсондир...

Ф. Дюрренматт

Умиднинг қўл телефони шивирлаб гапирган одамнинг овозидек эшитилар-эшитилмас «тринг»лади.

– Қаердасан? – дея сўроққа тута кетди Фарҳод.

– Устоздан хабар олмоқчиман...

– Азиз бугун тунда юртига жўнайди-я, эсингдами?

– Эсимда.

– Кечқурунга ваъдалашганмиз-а?

– Ўзи билан гаплашдингми?

– Кеча гаплашдим. Кечикмай келинглари деди. Эртарақ борсак, кетар жафосида би-ир ёнбошлаб отамлашар...

Умид дўстининг гапини бўлди:

– Нима қиламиз эртарақ бориб, Фарҳод? Ўзиниям иши бошидан ошиб ётгандир! Ваъдалашган вақтида борсак ҳам бўлар.

Хаш-паш дегунча бир ой ҳам ўтиб кетди! Уч оғайни ҳарчанд уринмасин, Фарҳоднинг уйдаги тонготар ҳангамадан сўнг бир-икки дафъа бирров-бирров дийдорлашувни ҳисобга олмаганда, Фарҳод айтмоқчи, ёнбошлаб отамлашишнинг иложи топилмади. Азизнинг гап-сўзига қарасанг анча вазминлашган, сермулоҳаза ёши улуг кишилар нуқси уриб қолибди, лекин разм солиб қараган одам ундаги ички беҳаловатликни, қандайдир ўзи ҳам англаб етмаган аллақандай мақсадга интилаётганини, кўзлаётган муддаосининг қанчалик аниқ-равшанлигини эса ўзи ҳам дурустроқ англамаслигини яққол сезарди. Уни ундай деса, Умид билан Фарҳоднинг ҳам бемалол қолган кунлари бўлмади ҳисоб. Бир ойлик ганимат кунларни

шу тахлит ўтказган қиёматли уч оғайни бугун жўнаб кетар жафосида отамлашиб ўтира олишига Умиднинг кўзи етмади. Буниси оздек, ўзи игнанинг устида ўтиргандек безовта, ҳардамхаёл... кун пешиндан оғди, Устоздан бирров хабар олса-ю, гизиллаб уйига қайтса, уйда хотиржамлик бўлса, сўнг Азизникига бориш чорасини кўрса...

Устознинг ҳўп аломат феъли бор. Ўзи кимсан фалончи фалончиевич, номдор, қаттиққўл, талабчан раҳбару, унда-бунда ўйлаб топадиган хурмача қилиқлари, инсоф билан айтганда, қуошқонни ошириб-тошириб юборади. Аломатлиги шундаки, беўхшовдан-беўхшов қилиқларидан хижолат чекмайди ҳам, устига-устак, «Ҳазилимни «зил»ини топ, ақлинг киради» деб одамни ҳоли-жонига қўймаслиги ошиб тушади.

Умиднинг назарида Устознинг шу алфоз ётиши ҳам гоҳо ҳазилга ўхшаб кетар, ҳализамон у киши ирғиб ўрнидан туриб чопқиллаб қоладигандек, устоз — шогирдлик ришталари ниш бера бошлаган жойидан гуркираб давом этадигандек туюлади. Фақат кейинги икки кунги аҳволни ҳазилга ёхуд яхшиликка йўйиш...

Умид кеча эрталаб уйғонгач, бет-қўлини ювди, артинаётиб бир муддат ҳовлида туриб қолди. Аҳвол-руҳияси дам енгил тортаётган, дам хавотирли тус олаётган Устозига ғойибона шифо тилади, шогирдлик ва инсонийлик бурчини адо этганидан кўнгли таскин топган заҳоти хаёли Котибага қочди. Қизнинг оппоқ юзи, ўзига ярашган кўзойнаги остидаги тим қора қош-кўзлари кўз ўнгида гавдаланди. Майин ёқимли шабада унинг димоғини сийпалаб ўтди. Назарида дам ҳовлининг бир чеккасидан, дам уйга кираверишдаги зина тепасидан, дам ошхона ичкарасидан Котиба қиз Умиддан кўз узмай кузатаётгандек бўлди. Умид майкачан турганидан хижолат чекиб, беихтиёр қўлидаги сочиқни ёйиб кифтига ёпди. Котиба қиз йўлак ўртасида ийманибгина турар, Умидга тик қарай олмас, Умид эса уни ичкарига — ҳовлига, ҳовлидан уйга чорлайдиган бирор сўз тополмай ўнғайсизланар эди. Шу пайт Опаси ўзи яшайдиган хонасидан чиқиб, индамайгина айвондан тушиб келди. Умид зумда хаёлларини йиғиштириб олиб салом берди, Опаси алик олмади. Чурқ этмай шарпадек сузиб ошхона томонга ўтиб кетди. Умид бир қарашнинг ўзида Опасининг авзои айниганлигини, унинг кўзларидан маъно қочганини пайқади. Сергак тортди.

Умид ҳарчанд уринмасин хавотирли ўйлар унинг хаёлларини ўз ҳолига қўймаётган, хаёллари қолиб, унинг жисми жонини таъқиб этаётган эди. Уйдаи-кўчадами, вақт-бевақт Устознинг оқиш гулли чойшаб остида беҳол-бемажол ётиши мойбўёқда матога чизилган суратдек Умиднинг тасаввурига мухрланиб қолган, бу суратдаги сўниқ ва мазмунсиз боқишлар Умидни қадам-бақадам таъқиб этар, Умид бу мўътабар нигоҳдан ўзини чалғитишга урингани сайин Устозга хиёнат қилаётгандек хижолат тортиб кетаётганди.

Мана, оқиш гулли чойшаб остида тирик жон ётганга ўхшамас, бамисоли сўнги кунларда Умиднинг шуурини тарк этмаётган изтиробли манзара энди унинг кўз ўнгида намоён бўлаётган эди.

Умид кўз ўнгида кун ва соат сайин паймонаси тўлиб бораётган қадрдон инсоннинг жонига оро киришдан ожизлигини ўйлаб, аламдан ичи ўртаниб кетди. «Кечагина дунёни бошида кўтариб юрган одам... инсоннинг ҳоли шу экан-да...»

Умид дилидаги шу ожизона истиҳолани ўзича айтиб улгурмаган ҳам эдики, Устознинг нурсиз кўзлари катта-катта очилиб, унга қадалганича тошдек қотди. Шу ҳолида у садоқатли шогирдини ҳозир нима дединг, дея сўроққа тутаетгандек эди. Умид номаъқул қилмиш устида қўлга тушган одамдек ўзини йўқотиб қўйди. Кўзини олиб қочди, ён-верига аланглади. Азбаройи Устозга бўлган ҳурмати боис у кишининг ҳатто нур сўниб бораётган нигоҳларига ҳам бемалол қарашга боти-

нолмади. Ҳозиргина кўнглидан кечган ўй учун дилини тирнаган хижолатпазликдан ўзини чалғитиш ниятида бирон нарса керакми, деган маънода беморга қаради. Бироқ тўшакда ётган беморнинг заиф нигоҳида тайинли маънони уқиб бўлмади. Умид буни пайқаб улгурмай Устознинг садоқатли ва арзанда шогирдини танимас даражага етган нигоҳлари оҳиста юмилди.

Умиднинг юраги баттар увишди, жимгина туриб равонни, равондан чиқиб ҳовлини тарк этишга чоғланди, бироқ боягинда у кириб келгач, неча ҳафта-неча ойлardan буён касал боқиб тинка-мадори қуриган опоқи билан Устознинг кампиргина опаси ташқарига чиқиб кетишган, шундан Умид кенгина равоннинг бир чеккасидаги яғриндор каравотда тўшак билан битта бўлиб ётган беморни ёлғиз қолдиришга ботинолмади.

Умид қия очиқ дераза ёнига борди, ҳовли томондан опоқи рўпарасига келиб, унга савол назари билан қаради.

– Мақсуд йўқми? – пичирлаб сўради Умид бошқа жўяли гап тополмай.

– Ҳозир кеп қолади... – жавоб қилди опоқи ундан баттар шивирлаб, кўча томонга имо қиларкан. – Тоғаси билан бир жойга юборгандик...

Умид Устоз билан янги танишган, нари борса икки-уч дафъа суҳбатлашган кезлари эди, иттифоқо у киши фалон куни, фалон пайтда хонамга киринг, деб қолди. Ҳатто, тўғридан-тўғри кириб бораверинг, деб тайинлади ҳам.

Умид айтилган ишни қилди – айтилган куннинг айрилган соатида тўппа-тўғри қабулхона бўсағасига етиб келди. Унинг шу топдаги ташрифидан Котиба огоҳлантирилган шекилли, у ўтирган жойида кираверинг, деган маънода бош иргаб қўйди-ю, ёзётган қоғозидан бош кўтармади. Умид ҳам қизга эътибор бермади, оҳиста эшикни очиб ичкарига қадам қўйганини биллади, азбаройи шамолдай югуриб келиб пешонаси билан деворга урилган одамдек таққа тўхтади-қолди.

Телефон мингирлади. Умид уни қулоғига тутди.

– Қаердасан? – дарҳол зугумга ўтди Фарҳод.

– Устознинг уйидаман дедим-ку, – деди Умид бемордан нари бориб.

– Сен Азиз билан гаплашган эдингми?

– Ўша, ўзинг билан бирга ўтиришганимиз. Кейин бир марта... бирров... дурустроқ гаплашмадик ҳам.

– Кўришмадинг ҳам, гаплашмадинг ҳам. Шундайми?

Умид дўстининг феълени яхши билса-да, унинг айна дамдаги гапириш оҳанги дилига пича оғир ботди.

– Фарҳод, тушунмадим, сўраб-суриштиришми бу ёки сўроққа тутишми?

Фарҳод ҳиринглаб кулди, сўнг жиддийлашди.

– Оғайнигарчиликда икковиям бўлаверади. Чидайсан. Истасам – сўраб-суриштираман, истасам – терговчидан баттар сўроққа тутаман, уқдингми энди?

Умид унга муносиб жавоб ўйлаб улгурмай Фарҳод муомала оҳангини ўзгартирди.

– Бир ой ўтиб кетди-я, дўстим! Оқибатти уйига ўт тушсин, бундан кўра!.. Ўзимиздан ўтди, мусофирчиликдан келган дўстимиззи ёлчителиб йўқлашгаям ярамадик!..

– Йўқланмаган одам йўқолади-да...

– Яшшавор, ука, точкасига урдинг! Шу гапингга Азизтойни ерни остидан бўлсаям топаман! Йўқлайман, йўқолишига йўл қўймайман!..

Умид Устознинг қабулига кирганида етти-саккиз чоғли эркак-аёл кўр тўкиб ўтиришар, уларнинг аҳвол-руҳиясидан машварат айна авжига чиққани кўриниб турарди. Туйқус бир-бирдан басавлат ёшулли ялписига «ялт-юлт» этиб Умидга ўтирилиб қараса бўладими! Эҳтимол, шунча одам бир йўла милтиқдан ўқ узган тақдирда ҳам у бунчалик каловланиб қолмас эди. Ғалати-ғалати маъноларга тўла

назар-нигоҳлар эса милтиқнинг ўқидан-да оғирроқ зарб-залвор билан унинг кўзига, кўзи орқали вужуд-вужудига урилди – шўрлик Умид ёмон довдиради, ногаҳон бошига ўн ботмонлик гурзи тушган одамдек гангиб, турган жойида чўккалаб қолаёзди, шу пайт ўзини тугул, кўзини қаёққа олиб қочарини билмай тургани устига қулогининг остида кимнингдир шипшиганини элас-элас эшитди:

– Уст-бошингизга қараб қўйинг, йигит...

Қулогига шипшип айтилган ўша бир чимдимгина жумла Умиднинг тилига елимдек ёпишди-қолди: қаерда, қай ҳолатда бўлмасин, ҳатто таниш-нотанишлар орасида, ҳатто мавриди келса-келмаса ушбу луқмани сопқондан отгандек қилиб айтишга одатланди: «Уст-бошингизга қараб қўйинг, йигит!..»

Йўқ, Умид бу гапни киноя, пичинг ё кесатиқ оҳангида айтмайди, кейин ўйлаб кўрди, домласининг мана шу айтишга, ёдда сақлаб қолишга арзимасдек кўринган ҳазили ҳам аслида ҳазил эмас, балки унинг замирида обдон ўйлаб пишитилган «зил» бор эди.

Умид беихтиёр Опасининг изидан термилиб қолди, илтижоларга тўлиб-тошган шу қарашлари билан Опасини тўхтатиб қолмоқчидек, унинг кўзларига йўқолган маънони қайтармоқчидек эди, афсуски, дилининг тубидаги ниятларини тилига кўчира олмас, негаки бундай дамларда Опасига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бисотидаги жамики гап-сўзларни айтиб адо қилган, ўйлай-ўйлай, қолаверса, Устознинг кишибилмас айтган йўл-йўригидан келиб чиқиб кейинги пайтларда Опасининг касали тутган пайтларда сас-садо чиқармай уни изма-из пойлоқчилик қилиб эмас, балки наридан туриб кузатишни тажриба қила бошлаган эди.

«Бошланяпти...» деди у Опасининг ортидан зимдан кузатиб. Бир йўла ошиқиб йўлакка назар ташлади – ҳозиргина ийманибгина бошини ҳам қилиб турган Котиба қиз йўқ эди. Умиднинг нигоҳи ошхонага, ошхонадан айвонга кўчди – Котиба қиз ҳамма жойдан бирваракайига рўёдек ғойиб бўлганди. Умид беихтиёр уф тортди. Бу Опасининг дардига даво топилмаслигидан туғилган изтироб ифодаси эдими ёхуд унинг хаёлларини, хаёлларигина эмас, кундалик, ҳар лаҳзалик ҳаётини ишғол этиб улгурган Котиба қизнинг эндигина хонадонга қадам «ранжида» қилган жойида кўздан ғойиб бўлишидан туғилган афсус-армонли хўрсиниш эдими – буни Умиднинг ўзи ҳам фарқига етмади.

Бир талай аҳли йигиннинг бирваракайига назар-нигоҳ ташлаши, унга «илова» сифатида қулоққа туйқус шивирлаб айтилган беозордан-беозор лутфи-карам одамни замбаракнинг ўқидан баттарроқ ер билан яксон қилишга қодирлигини Умид ўшанда ўз танасида бошидан ўтказди. Ваҳоланки, у Устознинг хос хонасига ўзича бостириб кириб бормади, Устоз йўригидан чиқмай айтилган кунни, айтилган дамда, айтилганидек тарзда тўғридан-тўғри кириб борди, нуфузли аҳли машварат учун бу беилтифот ташриф фавқуллодда беадаблик бўлиб кўринган бўлса – бунинг гуноҳи Устознинг шаънига ҳавола, илло-билло, кимсан – ёш ва норғул олим йигитсан, Устоз айтмоқчи, иқтидорли ва умидли тадқиқотчисан, шундай экан, Устознинг қулогинга шипшиган бўлса, яхши, осмон бошингга ўпирилиб тушгани йўқ, энгил-бошингга ров кўз югуртир – ёқаси, тугмаси, бурмаси, кисса-писсаси жойидами-йўқми – қара, олам гулистон, гангитиб-эсанкиратиб қўйган офатдан беталофот қутиласан-кўясан! Йўқ, бунинг эпини қилолмаган Умидбой дам қўйлаги тугмаларини, дам бўйинбогини пайдар-пай пайпаслашга тушди, нима қилаётганининг фарқига бормади ҳам, гарданидан потирлаб чиққан муздай тер томчилари икки курагининг ўртасидан жўяк очиб қуймичи томон чопқиллаб тушаётганини сезди, бунинг таъсирида қаҳратонда қолган одамдек эти жунжикиб қунишди.

– Эртага бизникида меҳмон бўласан, – деди Фарҳод Азизни қучоқлаганича бағридан қўйиб юбормай. – Сен, Умид – учовимиз бўламыз, холос.

– Ҳай-ҳай, ҳовлиқма, – деди Умид Фарҳодни шаштидан қайтармоқчи бўлиб. – Намунча жоникмасанг? Ахир ҳали осмондан тушиб оёғи ерга тегиб улгурмади-ку! Уйига борсин, ота-онаси, қариндош-уруғ, қўни-қўшни дегандай, келдикетди сал пасайсин, борармиз.

– Тўғри, эртадан кейинроқ...

– Йўқ, – деди Азизнинг гапини чўрт кесиб Фарҳод, – кейинроқ вақт йўқ, чоршанба куни деловой ишларим бор. Гап битта – эртага иссигида бизникага!..

– Пайшанба-чи? – сўради Умид.

– Меҳмондорчилик бор.

– Жума, шанба?..

– Жума, шанба, якшанба – қаторасига улфатчилик! – тантанавор оҳангда эълон қилди Фарҳод.

– Яшаш қийинлашиб кетди деганларинг қатта-ю, кунига зиёфатхўрлик қатта?! Тушунолмамай қолдим!.. – елка қисди Азиз кулимсираб.

– Қанақа улфатлар, улар? – чинакамига ҳайрон бўлиб сўради Умид. – Дуч келган даврага қўшилиб кетаверасанми? Ким, қандай одамлар, суриштирмай-нетмай...

Фарҳод истеҳзоли кулди.

– Сан замонни тушунмайсан, ука, – деди у Умиднинг елкасига қоқиб. – Гап тамом-вассалом, дедим, чўзма лағмон қилмаларинг-да, эртага кечқурун уйда кутаман. Айтиб қўяй: ўзимиз – тройка, бошқа ҳеч кимни қўшмаймиз!

У одатдагидек Опасининг изидан тушмади, нима қилсам экан деган саросимада югуриб-нетмади. Ваҳоланки, ҳар сафар аҳвол бирдек: туппа-тузук юрган Опаси тўсатдан савдойисифат бўлиб қолар, бундай пайтларда унга ҳеч бир гап-сўз қор қилмас, ҳушига келган ишга унаб кетар, укаси унинг атрофида гирён уриб не кўйларга тушса-тушардики, қандай бўлмасин, Опасини ҳушига қайтариш чораларини изларди.

Шу умидда унга нималар деб кўрмади! Яхши гапирди-ёлборди, алдади-сулдади, чалғитди, юпатди, кези келганда пўписа қилишдан ҳам тоймади. Бир сафар Опасининг қўл-оёқларига арқон солиб чандиб ташлашга чоғланди. Бироқ на дўқлари, на ўқрайиш-ўшқаришлари, на қўлидаги арқон-чилвир Опасига қор қилди...

Опаси ошхона остонасига икки қадам қолганида кутилмаган ҳолат юз берди! Опаси бирдан тўхтади, Умид кўнглидан кечирган илтижолари қор қилдимикан деган уйда жони ҳаприқиб кетди, Опаси астагина ортига ўгирилди, оҳиста ва бир-бир қадам ташлаб укасининг ёнига қайтиб келди, гўё сўрамоқчи бўлган нарсани унутиб қўйгандек ғалати анграйиб унга бош-оёқ разм солиб турди, туси ўзгарди ҳатто нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади ҳам, Умид опасига бирров назар ташлади-ю, дарҳол кўзини олиб қочди, у Опасидаги фавқулудда бу ўзгариш боисини англаб етолмади.

У фикрини жамлаб улгурганида Опаси ошхонага кириб кетиб, у ердан қайтиб чиққан, бир қўлида қозон, капгир, иккинчисида коса, тўрт-бешта тақсимча кўтариб олган эди.

Умид ўзини четга олиб, йўлни бўшатди.

Умид гўргина эмас, ҳали анча-мунча хом экан, бўлмаса Устознинг беўхшов қилигидан арзирли бир ҳикмат топмай неча кунгача ўзидан-ўзи тумшуқ қилиб, ҳуноби тошиб, боши қотиб юрармиди!

– Ташқарига чиқиб, эшикни бетига ёпган заҳоти ўзингизни қушдай енгил ҳис қилдингизми? – деб сўради орадан беш-олти кун ўтказиб Устоз Умиддан.

– Ҳм... – дея олди Умид худди ичидан ўтганини тўкиб солса, ўша ўсал ҳолатга қайта тушадигандек хавотирда. Сўнг илова қилди: – Елкадан тоғ қулагандек бўлди.

– Яша-анг! – дея маънодор савол назари билан боқди Устоз шогирдига. Унинг нигоҳида тайинли мўлжал билан бошлаган иши кутилган натижа берганлигидан мамнунлик аломати бор эди. – Хўш, кейин-чи?

– Нима, кейин? – деб юборди кўққисидан Умид. У шундай деб Устоздек бообру ва эътиборли раҳбарнинг ўзига ярашмаган совуқдан-совуқ қилигига ўпкагинаси ва арази борлигини билдириб қўймоқчидек эди. Устоздек қаттиққўл инсон ёш ва гўр шогирдининг бу тахлит гўдакларча «исёнча»сига эътибор ҳам қилмади.

– Тоғ қулагандек бўлди денг? – Шундай деганча ўйчан бир тарзда нигоҳини олиб қочди у. Бир муддат ўтказиб нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, дамани ичига ютди. Умид буни сезиб Устознинг оғзини пойлади. Устоз эса аксинча, йўқ, зинҳор сирни очмайман, қабалида лабини баттар қимтиб, сукутини бузмади.

Азиз олис хориждан қайтган куннинг эртаси намозгарда Фарҳодникига йигилишган уч қиёматли оғайни мижжа қоқмай тонг оттиришди. Гўё ҳали-замон дунёнинг уч томониға тарикдек сочилиб кетадигандек, қайтиб яқин-орада дийдорлашиш насиб этмайдигандек талашиб-тортишиб, баъзан ҳатто даҳанаки жангу жадалга айланиб кетаёзган гурунгда Фарҳод айтмоқчи, анча-мунча сўзлардан анча-мунча кўзлар очилди. Ҳали дилимда тугун бўлиб ётган, айтмасам хумордан чиқмайдиган гапларим уюлиб ётибди, деди Азиз. Умиднинг назарида эса... Азиз хориждан топиб келган, айтган ва айтиб улгурмаган гапларига тайинли жавоблар топилмаганига ортиқча ҳайрон бўлмади, балки уни пайдар-пай тугилган жавобсиз саволлар кўпроқ қизиқтирган эди...

Устознинг бу сафарги сукути соат сайин хавотирли тус олмақда. У кишининг кўнглидан нималар кечаётган экан шу топда?.. Бу аҳволда ётган беморнинг тепасида туриш, унинг инжиқликларини кўтариш, уни оқ ювиб-оқ тарашга унча-мунча сабрли банданинг юраги дош бермайди. Опоқи ҳам, кампиргина опа ҳам тамом ҳолдан тойиб, ана, ташқарида ўтиришибди. Умид эса... У ўзини қаёққа қўйишини билмас, дам-бадам Устознинг юмуқ кўзларига умидвор термилар, гўё шундай қилса – у ич-ичида Устозга соғлик ва умр тилаётганини ўзи ҳам сезмаётган эди – Устоз кўзини очса, Умид у кўзларда умидлар тугдирувчи шуълани кўрса, Устоз билан лоақал битта-яримта мулоқотга кириша олса ҳовлининг тепасидан босиб тушаётган темирдек совуқ ва зил-замбил зимистон ҳадемай равонни ҳам комига тартадигандек туюлмас эдими?!

Опаси ошхонадан қўлига илинган тақир-туқурни ўзи яшайдиган хонага ташмалашда давом этди. Умиднинг онаси айвон зинасининг ёнига келиб кутиб турди, Опаси навбатдаги сафар ошхона томон йўл олганида унга ҳам зарда, ҳам ялинчоқ аралаш илтижо қилди.

– Жон қизим, шу қилигингни бас қилақол, болам...

Опаси миқ этмади, қайрилиб онасига қарамади ҳам – индамайгина ошхона томон бораётиб яна кутилмаганда зум тўхтаб укасиға разм солди. У укасининг қандайдир сиридан воқиф бўлган-у, шуни сўрамоққа чоғлангандек сўлгин нигоҳида «ийлт» этган шуъла кўринди, ваҳоланки, зинҳор Опаси дарди тутган чоқларда бош кўтариб кимсаға назар ташламас, бошқалар тугул ўзини туққан онасини ҳам танимас, одам зотини кўрарға кўзи бўлмасди.

Умид Устознинг кумуш толаларидек оппоқ сочини бармоғининг учлари билан оҳиста таради. Устоз ўзига етгунча ўжар, қайсар одам эди, бундай феълли одамларнинг сочи тароққа бўйсунмайди дейишади. Лекин шу топда Устознинг сочи у кишининг қайсарлигидан эмас, балки мажолсизлигидан Умиднинг бармоқларига бўйсунмаётган, тўғрироғи, ҳатто бўйсунишга ҳам ҳоли қолмай, бе-

морнинг чап қулоғи-чап қаншари аралаш ёйилиб тушган эди. Умид ўзи ҳам эшитмайдиган қилиб, мийиғида кулимсираб аини Устоз айтган оҳангда шивирлади:

– Уст-бошингизга қараб қўйинг, йигит...

– Топиш-тутишдан гапир, ука-а, – деди сиполикни йиғиштириб қўйиб Фарҳод «ука-а» сўзини атайин киноя оҳангида чўзиб, – сал кам уч йилда «кўк»-иними, бошқасиними супириб-сидириб... роса топгандирсан ахир?!

– Супуриш-сидиришни эплотмадим, дўстим, лекин топишга топдим, – деди Азиз жиддий қиёфада. – Топганим... чиқарган хулосам шу бўлдики, инсон боласи борки, кучи-қурби етган ишга қўл урсин ва...

– Яъни?

– Яъни... ҳар ким иқтидорига яраша, яъни қўлидан келган касбнинг бошини тутсин ва бошлаган ишига астойдил киришсин экан! Демокчиманки, ҳамон бир ишни бошладингми, ўша иш-юмуш ҳаёт-мамотинга айлансин! Қанча ақл-идрокинг, қанча умринг ва қанча куч-қудратинг бўлса, бориша шу ишни қойиллатиб битиришга сарфла!

– Кейин-чи? – савол қотди Умид.

– Кейинми? – деб фикрини давом эттирди Азиз. – Ҳамма бало – кейин нима бўларкин деб мижговланиб ўтиришда! Иккиланиб, қўрқа-пуса ёки ланжлик билан бошланган иш ҳеч қачон битмайди. Битса – чала битади. Бир ишга киришдингми, ўша иш, ўша мақсад – сенга пошшо, вассалом, бошқасини, барини йиғиштир, унут! Иккинчи, учинчи... юзинчи ишни бетига тупур. Кейинпейинда худо пошшо!..

– Масалан, мен савдогарман...

– Сен тадбиркорсан, Умид – олим, тўғрими? – Азиз шундай деб Фарҳодни гап бошлашига қўймади ва берган саволини дўстлари томонидан тасдиқланишини кутмай сўзида давом этди: – Шундай экан, бошқа ҳар қандай борди-келди, майда-чуйда юмуш сенлар учун бегона, бекор!

Умид тагдор қилиб кулимсиради, унинг табассуми замиридаги истехзони пайқаган Азиз дўстига савол назари билан қаради.

– Ҳа, – деди у фикридан қайтмаслигини таъкидламоқчи бўлгандек ҳамон совуққонлик билан, – ўйинга келганини қайтарма, индаллосини совутмай айт, айтавер. Орамизда бегона йўқ-ку!

Умид айтди:

– Оила, қариндош-уруғ, яқин-йироқ... умуман одамгарчилик деган гаплар, тушунчалар нима бўлади?

Фарҳод саволни маъқуллаган маънода бош ирғаб, Азизга дўлайиб қаради.

Азизнинг эса пинагини бузиш у ёқда турсин, кўзи чақнаб кетди.

– Мен тополмаётган гапни, яъни индаллосини сен айтдинг! – деди у Умидга бошини устма-уст силкитиб. – Сен... сенлар айтаётган, назарда тутаётган ҳамма одамгарчиликлар аҳамиятини йўқотади!

Фарҳод жони ҳалқумига етган одамдек сапчиб ўрнидан туриб кетди. Қўлини паҳса қилиб Азизнинг тепасига бостириб борди.

– Ўша ёқларда уч йил санғиб, ортирган ақлинг шуми? – энсаси қотиб ва дағдага аралаш сўради у.

Азиз шаштидан тушмади, қизишмади ҳам.

– Шунини билиб қўй, Фарҳод, ўша ёқми-бу ёқми – ҳозирги замонда бунинг аҳамияти, фарқи қолмади, оғайни. Тушунапсанми, аҳамияти қолмади. Иккинчидан, янаям индаллосини айтайми?

– Айт, – деди Фарҳод Азизнинг кўзига тик қадалиб. – Қўрқма, айтавер!..

– Шундай қилиб, эшикни бетига ёпган заҳоти ўзингизни қушдай енгил ҳис қилдингиз, кейин-чи? – дея дабдурустдан савол қотди Устоз яна уч-тўрт кун

ўтказиб. Саволнинг айнан такрорланишидан Умиднинг назарида унинг иззат-нафсига игна суқишдан ўзга муддао йўқдек эди. Унинг энсаси қотди-ю, дамани ичига ютди.

– Ҳм... – дея аввалги жавобини такрорлади у тескари ўгирилиб. – Кейин...

Умид шундай деди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Наҳотки, Устоз хабар топган бўлса?! Ахир Котиба қиз билан ораларида ҳеч қандай тайинли гап-сўз ўтмади! На у чурқ этди, на қиз! Устознинг ер остида гимирлаган илонни пайқаш шудир-да?!

Хайрият, Устознинг кейинги гапи Умиднинг кўнглига гулгула солган хавотир булутини ўша зоҳоти тарқатиб юборди.

– Ўша ҳолатни, яъниким хонага – бизнинг ҳузуримизга кирган пайтдаги ҳолатингиз билан қабулхонага қочиб чиққан ҳолатингизни чоғиштириб кўрдингизми? Ёш ва изланувчан тадқиқотчи сифатида таҳлил қилдингизми?

Устознинг оғзидан айтилган бу таъриф-тавсифдан ҳаяжонланган Умид шошиб қолди. Ахир у бу илм даргоҳига келганига кўп бўлгани йўқ, Устознинг ишончи ва эътиборини қозонишга лойиқ шогирдликни ёлчителиб қўйгани ҳам йўқ. Қачон «изланувчан тадқиқотчи»га айланади-ю, қачон арзигулик каромат кўрсатиши ўзига ҳам ноаён.

– Домланг уччига чиққан қув одам экан, – деди Фарҳод Умиднинг «саргузашт»ларини тинглаб.

– Танимаган-нетмаган одамнинг ёмонотлиқ қилишга ошиқма, – норозиланиб деди Умид.

Фарҳод кулди.

– «Қув одам» дейиш ёмонотлиққа чиқариш дегани эмас, олим ука, – деди у, – одам яхшилик йўлида ҳам қувлик ишлатиши мумкин. Айтмоқчиманки, устозинг сенга ишқи тушиб қолган, сендан олим чиқармоқчи. Мени айтди дурсан, ўзингга сездирмайгина аллақандай илм йўлига бошлаяпти сени, ука!

Умид ишга жойлашаётганида Лариса Латиповна исмли хушрўйгина хотин унинг ҳужжатларини эринмай синчиклаб кўздан кечирди.

– А что такое ва-сии? – пешонаси тиришиб сўроққа тутди у Умидни.

Лариса Латиповна кўз ўнгида шумшук ялмоғизга айланиб қолгандек туюлди.

– Как переводится слово «ва-сии»? – деди у ижикилаб, баттар ижирганиб. Умиднинг назарида шундай лавозимда ишлайдиган хотин бу сўзнинг маъносини тушуниши шарт эди. Начора, у мажбуран жавоб қайтарди:

– Опекун, – шипшиди Умид айбига иқрор бўлган маҳқумдек бўйнини қисиб. – Не васии, а, ва-сий-й.

– О-о! – деб наъра тортиб юборди мошак хотин ва талвасага тушгудай ҳовлиқиб ўтирган жойида чайқалиб. У шундай деб Умидни саросар кўздан кечирди, унинг уст-боши, қўл-оёқларига кўз югуртириб ҳеч бир шубҳали иллат топмай пича вазмин тортди. Қаттиқ кетганини сизди шекилли худди рўпарасида ўтирган йигитчага ҳамдардлик изҳор этаётган одамдек мулоиймлашиб сўради: – Если ты сам опекун, как будешь у нас работать? Я обязана тебя предупредить. Ты хорошенько подумал об этом?

Ялмоғиз Лариса бошини елкасига қийшайтириб, кўзойнагининг биқинидан уккиқараш қилганча тек туриб, саволига жавоб кутди. Умид газабдан гезариб кетди-ю, ўзини босди.

– Не я больной, – деди у босиқлик билан ҳар бир сўзни алоҳида таъкидлаб. – Я опекаю больного. Ей нельзя работать, а мне можно и нужно.

Лариса Латиповнанинг афтида ҳамдардлик аломатлари кўпайди. У энди яна буткул хушрўй аёл қиёфасига кирди.

– Директор знает об этом? – деб мингирлади у алланималарга имзо чека туриб.

Умид елка қисди. Лариса Латиповна сўзсиз жавобга эътибор ҳам қилмай, ҳужжатларни тахлашга киришди ва аҳамиятсиз нарсани сўраётгандай яна савол қотди:

– А кто она больная? И что с ней?

– Сестра, – деди Умид овозини пастлатиб. – Старшая сестра...

У иккинчи саволни жавобсиз қолдирди.

Ишга зўр-базўр жойлашган Умид кўп ўтмай Устоздек номдор олимга шогирд тушганига бошқалар эмас, ҳатто ўзи ҳам ишнололмайд юрди. Ҳатто Устоз, «Мақсуд қатори ўғлимсиз» деганида Умиднинг кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди, камтарин бисотидан бундай меҳрибончиликка лойиқ миннатдорчилик сўзини тополмади.

– Ҳа-а, отангиз... – деди Устоз Умиднинг ҳужжатларига кўз югуртириб ўтириб ўйчан бир алфозда. – Онангиз... Ҳм-м... Опангиз бор эканлар...

Умиднинг боядан бери кўнглининг бир чеккасида пусиб ётган хавотир бутун вужудига тарқади. «Ўша ялмоғиз етказган!» деди ичида ҳужжатхона раҳбарини яниб. Умиднинг назарида Устоз «Опангиз...» деган жойида овози баландлашиб чиқди. Демак, ҳозир у Умиднинг Опасини сўраб-суриштиради, кейин бир нарса дейди.

Умиднинг тақдирини Устознинг ана шу кейинги гапи ҳал қилиши муқаррар эди!..

Бемор нимадир сўз айтмоқчидек оғиз жуфтлади-ю, лекин тили калимага келмади, тамшанди, афти бужмайиб оғир уф тортиди. Чамаси сурункали азобли оғриқ уни тамом ҳолдан тойдирган эди. Умид йигилиб-ғижимланиб қолган оқ гулли чойшабни тортиб, Устознинг қоқ суяк тиззасини беркитди. Тўсатдан «йилт» этиб Устознинг кўзи очилди. Умид буни кутмаган эди, шошиб қолди, ўзига қараб ётган Устозга нимадир гапириши зарурлигини ўйлаб тарадудланиб улгурмай «йилт» этиб очилган кўз қайтиб юмилди.

Умид ўзига билдирилган катта ишончни оқлаш учун Устознинг айтганларини ўйлайвериш бошига оғриқ туриб кетди, бироқ у Устознинг беўхшов ҳазили тагидаги «зил»ни илғай бошлагани сари севинчи ичига сиғмай бораётган эди. «Дабдурустдан бир гала одамнинг назар-эътиборига тушиш жўн ҳодиса эмас. Унчамунча одам гангиб қолади, хурсандлигидан ўзини йўқотиб қўяди, довдирайди. Умуман, назар-эътибор... яхшилаб ўйлаб кўрасиз, изланасиз, Умиджон, назар-эътибор одамни минг бир кўйга соладиган ажабтовур бир ҳолат, ҳодиса. Тушунтира олдимми?...»

Назар-эътибор... Одамни минг бир кўйга солади... Тўғри, бунинг бир қарашда ҳеч бир ажабланарли жойи йўқ, лекин... минг бир кўйга соладиган ҳолат, ҳодисани ўйлаш, ўрганиш... у ҳақда бош қотириш?..

Умидни таажжубга солаётган жойи... нима сабабдан Устоз айнан шу мавзуни Умидга раво кўрмоқда? Нима сабабдан Устоз Умидни «Мақсуд қатори ўғлимсиз» деди?

Устознинг эътиборига тушиш Умидни кейинги кунларда бошқача одамга айлантириб қўяётган эди.

– Тушунапман... – Умид шундай деб гап бошлади-ю, бир зум тайсаллади. Сўнг хаёлига келганини айтишга жазм қилди: – Ўзим сизнинг эътиборингизга тушганимдан босар-тусаримни билмай қоляпман-у, бу ҳам минг бир кўйнинг биттасидир-да?

Устоз шу қадар қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордики, Умид гапи шунчалар таъсирли чиқишини ўзи ҳам кутмаган эди. Умид Устоздек жиддий раҳбар одамлар ҳам ҳамма қатори баралла, яйраб-яшнаб кулиши мумкинлигини ўшанда кўрди, билди.

– Қойил! – деб Умиднинг елкасидан кучиб бағрига тортиди Устоз, – синчков ва хушёр одамдан изланувчан ва топқир олим чиқади. Ҳозирнинг ўзида минг бир кўйнинг биттасини кашф этиб қўйдингиз, ўғлим!

Умид бошқа гап қўшмади. Устоз эса жиддийлашди.

– Айтдим, назар-эътиборнинг минг битга мўъжизаси бор. Одамни иззат-обрўсини оширади, шон-шуҳратини тоширади... Мартабасини, унга қўшиб давлатини зиёда қилади... Тарбиялайди, йўлга солади... Эсдан оғдиради... Юрак ўйноғи қилади... Махлуққа айлантиради, қора ерга тиқади...

– Қизиқ, саногига етиш ҳам қийин...

Устоз тўғри деган маънода бош ирғади.

– Шундай, бунинг бошланиши ҳам, адоғи ҳам йўқ. Инсон ҳаётининг бошидан охири назар-эътибордан иборат. Ҳамма ҳамманинг назарида, кузатувида...

Устоз жим бўлди, лекин унинг фикри тугамаганлиги чехрасидан сезилиб турарди. Бир неча сония ўтиб-ўтмай Умиднинг тахмини тасдиқланди.

– Ҳамон ҳамма ҳамманинг кузатувида экан, одамни одам қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам – ана шу кузатув, ана шу назар-эътибор! Яхшилаб ўйлаб қаралса, бутун инсониятнинг яшаш тарзи яхлит олганда кузатиш ва кузатилишдан иборатга ўхшайди. Одам – кузатувчи ва кузатилувчи махлуқ...

Умид бутун диққат-эътибори билан Опасини зимдан кузатаётганини сездирмади, Опасидаги ўзгаришни пайқамаган одамдек ўзини бепарво тутиб тураверди, ҳатто Опаси томон ўгирилиб қарамади ҳам. Аксинча ошхонадан яна алланима идиш-товоқларни кўтариб чиқиб келган Опасига йўлни бўшатиш учун нари кетди. Опаси ошиқмай зинадан айвонга чиқди, тўхтади, орқасига ўгирилди.

– Ўз ҳолимга қўясанми-йўқми, ит?! – ўшқирди у тўсатдан. Опаси ҳатто савдойилиги қаттиқ ҳужум қилган пайтларда ҳам камдан-кам овозини бу қадар кўтарарди. Шунда ҳам Умид ўзини босди. Шафтоли дарахтининг қийғос гуллаган новдасини авайлабгина эгиб, унга разм солиб, ўзини эшитмаганликка олиб жим тураверди. Ахир шу сафар у Опасини ўз ҳолига қўя бошлади. Мумкин қадар ундан ўзини олиб қочяпти, унинг кўзига камроқ кўринишга ҳаракат қиляпти. Бироқ Опасининг гапи ҳали тугамаган экан. У айвонга қўшиб ҳовлини бошига кўтаргудай ўшқирди: – Изимдан юриб адо қилдинг мани! Ҳу, бетинг курсин сани!

Умид шошиб қолди. Майли, Опаси уни нима деб ҳақоратласа-ҳақоратласин, итдан олиб битга солсин, лекин кўни-қўшни нима дейди?! Нима қилиши керак? Опасига бир оғиз сўз айтиб обрў топиши даргумон. Онаси чўк тушиб зинага суянганича кўзларидан ёш оқизмай юм-юм йиғлагани-йиғлаган.

Нихоят, Умид Опасини юпантиришга қарор қилди.

– Хўп, майли, – деди у мумкин қадар овозини мулойимлаштириб айвон томон яқинлашар экан, – хўп, опажон.

Унинг товушидаги илтижо Опасига кор қилди чоғи, у индамай хонасига кириб кетди, Умид енгил тортиб улгурмаган ҳам эдики, ичкаридан Опасининг бўғилиб қаргангани эшитилди:

– «Опа» деган тилиннга куйдирги чиқсин!

Умид Устознинг ич-ичига тортиб кетган чакакларига, гезарган ва қимтилган лабига ночор ва ожизона бир изтиробда термилиб ўтириб беихтиёр бармоғининг учи билан беморнинг қумушдек ва хийла сийрак тортган сочини силар экан, Устознинг ёд бўлиб кетган гапларини ўзича такрорлади: «Одамни одам қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам – назар-эътибор... инсонларнинг яшаш тарзи кузатиш ва кузатилиш... Одам – кузатувчи ва кузатилувчи махлуқ»...

Навбатдаги сафар учрашув чоғида Устоз аввалги суҳбатни чала қолган жойидан давом эттираётган оҳангда гапиратуриб ёзиб олинг деган маънода иягини чўзиб шогирдини қалам-дафтар олишга ундади. Умид дафтарни очди. Устоз тик турган ҳолича оёғининг остидаги бир нуқтадан кўз узмай ва ошиқмай, донадона қилиб гапирди:

– Кузатувчининг кузатишлари даставвал кузатилувчига ижобий таъсир кўрса-тиши мумкин, чунки қўпчиликнинг назарига тушиш истаги аслида жуда табиий ҳолат, қолаверса, обрў-эътибор, шон-шуҳрат ҳам назарга тушишдан бошланади! – шу боис ҳар қандай одам назар-эътиборга тушишдан маст бўлади, роҳатланади, ўзини қўярга жой тополмайди, бунинг жозибаси олдида ҳеч бир банда ўз ожизлигини яширолмайди, яширадими-йўқми, буниси алоҳида муаммо, илло уни енголмаслиги тайин. Оқибатда, кузатув, яъни назар-эътибор, демак, шон-шуҳрат узлуксиз зўрая боргани тақдирда бояги жозоба кузатилувчини маҳв этувчи жодуга айлана боради. Бу – бир!..

– Ҳеч бир назарга тушмай, шон-шуҳратдан холи яшаб ўтиши ҳам мумкин-ку, одам?

– Айтишга осо-он, – деди бош чайқаб Устоз, – иззат-обрў, шон-шуҳрат макрига илинмаган тирик жон йўқ дунёда. Чунки...

– Чунки назар – инсоннинг қонига, вужудига сингдирилган тузоққа ўхшайди!..

Устоз иягини қаттиқ чимдиганича жим бўлиб қолди, у Умиднинг оғзидан бундай фавқулудда хулосани эшитишни кутмага эди. Шунга қарамай, унга муносабат билдирмади. Яна пича ўйга чўмиб тургач, «чунки...» деб гапи узилган жойидан мулоҳазасини боғлаб юборди:

– Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу – кузатилувчи кузатувчининг назар-эътиборини кўтара олиш-олмаслиги, яъни, кузатилувчилик миссиясини удалаши... эшитяпсизми, миссиясини!.. – Бирдан Устознинг овози титраб чиқди ва тенгқур жўраси билан гурунглашаётган оҳангда давом этди: – Қаранг, Умиджон, инсоннинг зиммасида кузатилувчилик вазифасини эплаш миссияси, яъни бурчи ҳам бўлар экан, буни алоҳида ўйлаб кўришга тўғри келади... Бунда гап кўп!..

Устоз шундай деди-ю, асосий фикрини ниҳояладими ёхуд ундан чалғиб кетдими, янаям бўлакча оҳангда, ҳатто кулимсираб сўзлашга ўтди:

– Елкамдан тоғ қулагандек бўлди, деганингиз ичкарида сиз рўпара келган назар-эътибор босимидан халос бўлиб енгил торганингиз дегани. Мисол келтирадиган бўлсак... – Устоз шундай деб пастак курсида турган шиша идишдан пиёлага пича сув куйди-да, туринг, деди Умидга. Умид ўрнидан турди, Устоз уни девор томон боришга ундади, Умид рўпарадаги девор ёнига борди. Энди менга қараб келаверинг, деб амр қилди. Устоз шу топда яна бир хурмача қилиқ ўйлаб топганини Умиднинг кўнгли сезди, фақат у мавҳум тахминлар билан Устоз томон яқинлашиб келишидан ўзга иложи йўқ эди. У бир-бир босиб кела бошлади. Шу пайт Устоз туйқус пиёладаги сувни Умиднинг афтига сепди. Азбаройи чўчиганидан Умид беихтиёр бошини буриб чап бермоқчи бўлди-ю, шу заҳоти ҳушёр тортди – қимир этмай, бошини олиб қочиш уёқда турсин, ҳатто киприк қоқмай Устозга бақрайиб қараб тураверди. Назарида ҳозир сепилган сув юз-кўзи, елкаси, кўйлагини жиққа ҳўл қилиб, уст-бошига оқиб тушадигандек эди, бироқ... Устоз сепган сув қулоғининг ёнидан ўтиб девор томон сочилган, Умидга томчиси ҳам тегмаган эди.

Устоз ўтказган бу «нодир» тажрибаси кўнгилдагидек чиққанидан мамнун бўлиб амалиётнинг илмини изоҳлашга кўчди.

– Мана, сувни пиёлада сепганим учун кўпда сесканмадингиз, парво ҳам қилмадингиз, демоқчиманки, битта-яримта, яккам-дуккам назар-эътибор мен сепган ярим пиёла сувчалик бетаъсир ва юқмас бўлиши мумкин. Лекин шуни унутмангки, юқмаса-да, ургандан туртган ёмон дейишади-ю, ўшанга ўхшаб, битта қаттиқроқ қараш, шундоққина кўз ташлаш одамни туйқус туртгандек қалқитиб юбориши ҳам ҳеч гапмас...

Устоз ўйланиб қолди.

– Маҳмуд деган шоир йигит икки мисра шеърида «Тикилган кўзларнинг тикони бордир», деб ёзганди.

Устоз ялт этиб шогирдига қаради.

– Боπλαбди! Топиб ёзибди! – деди у ҳамон ўйланиб. – Ўша йигитнинг китобини топинг, ўқиб чиқаман... Сўнг, ҳа, айтмоқчи, биринчи сафар назар-эътиборга тушиш одамга мойдай ёқади, чунки унинг зарар-зиёни, ўша шоир айтганидек, бошланишида тикилган кўзнинг тикони сезилмайди. Лекин...

Умид бош ирғаб эшитиб тураверди. Устоз давом этди:

– Лекин, дейлик, тўсатдан бетингизга бир челак сув сепиб юборилса, ёки бўлмаса, мана шу эшикнинг ҳар иккала тавақаси тарақа-туруқлаб очилса-да, зумда шу хонани тўлдирадиган оқим ёпирилиб кирса – унда қай аҳволга тушасиз?.. Тек тура оласизми?... Ағдарилиб-нетмайсизми?! Тўлқин сизни жонсиз бир ғўладек оқизиб, деворга олиб бориб урса-чи? Кўмиб, гарқ қилиб юборса-чи?.. Унда аҳвол нима кечади?..

Устоз хийла фурсат жим бўлди, афтидан у Умидга фикрини жамлаб олиши учун имкон бераётган эди. Ниҳоят, у мулоҳазасини якунлади:

– Мана шу хонада йигилиб ўтирган кишиларнинг, айтмоқчиманки, кўпчиликнинг, яъни, тумонатнинг назар-эътибори, айтдим-ку, эшикни тўлдириб ёпирилиб кирган сувнинг босимидан қудратлироқ! Бу назар-эътибор, ўзингиз айтмоқчи – тоғ! Лаҳзада елкангизга миниб олган тоғ!.. Хонадан қочиб чиққан замони ўзингизни қушдай энгил ҳис этганингиз боиси шу! Яъни, елкангиздан босиб турган тоғдан қутилгансиз!

Ўша қуни Устоз яйраб-яшнаб гапирди. Умид эшитганларининг барини дафтарига қайд этиб боришга ҳарчанд уринмасин нималардир қолиб кетётганидан хавотирда ёзиб улгурмаётганларини ёдида сақлаб қолишга ҳаракат қилди.

Умиднинг биқинидаги телефон «тринг»лади. У телефонни ортиқ «жавратмаслик» учун дарҳол уни оғзига тиққудек жавоб қилди:

– Жуда хит қип юбординг, Фарҳод! Сабр қип тургин, ўзим кўнгироқ қиламан.

– Сабр қилмай-ман-н! Кўнгироқ қилавераман-н! – Фарҳод шундай деб, ўз билгисидан қолмади.

– Азизни тополмаётганим етмайдим?! – давом этди у астойдил хуноби ошиб. – Кетар арафасида ҳангамалашайлик деб ҳоли-жонимизга қўймади. Яна ўша ёқда орттириб келган ақлларида бордир? Айтар ўшаларни!.. Шунга сен ҳам йўқолиб қолма, тагин!..

– Ҳар қалай мусофирчиликка жўнаб кетаётган оғайнимиз, тагин дилини оғритиб қўйма, Фарҳод.

Умид дўстини ҳовурдан тушириш учун айтган гапи унга унчалик кор қилмаган кўринди.

– Ажнабийлашган дилидан ўргилдим! Ақли балога етади деймиз-у, кўрдингми, ҳар кимга яшаган жойининг сиёқи урмай қолмайди, – дея тўнғиллади Фарҳод. – Мусофир одамнинг қадам олишию қаричи... кўнглигача мусофирлашиб кетади.

– Яна бир томони бор, шуни ёдингда сақла, болам, – деди тўсатдан сенсирашга ўтиб Устоз, – ярим пиёла сув сепдим-а?.. Ярим пиёла сув афтинга, энгилбошинга юқмаслиги ҳам мумкин. Битта-яримта одамнинг назар-эътиборига тушиш ҳам шундай – юқмайди, унутилиб кетади. Лекин ярим пиёла-ярим пиёла қилиб сувни сепаверса-сепаверса, яъни, кўпроқ-кўпроқ одамларнинг назарига тушиб, олқиш ола бошласанг, у олқишлардан ўзингни йўқотар даражада талтайсанг... сув ёруглик, ювиняпман, чўмиляпман деган хаёлда ё тоқат қилиб, ё алданиб юраверсанг, аслида эса шилтаи шалаббо бўлаётганингни сезмасанг. Сезганигда эса анча кечиккан, кўп-кўп нарсаларга қўшиб иззатингни бой бериб ултурган бўлсанг... Буниси бир бало... Иккинчи бало, мутгасил кузатув остида яшаш одамни абгор қилади!.. Бирортасини эртаю кеч изидан қолмай пойлаб юравергин, асти ўз ҳолига қўймагин, чурқ этиб оғиз очмасанг ҳам, танбеҳ бермасанг ҳам, кетидан юришинг-

ни ўзига адои тамои бўлади. Эс-хушини йўқотади, эс-хушини йўқотмаган тақдирда сил бўлади, сил!..

Умид шу гапни онасига айта олмади, айта олмаган эса-да, ўзи Опасига бўлган муносабатини ўзгартириш йўллари излай бошлади. Энди ўйласа... нима учун у илгарироқ Опасини ўз ҳолига қўйишни ўйлаб кўрмади, ҳақиқатда Опасининг дарди ўзига етмасмиди?! Унга кўз-қулоқ бўлиш, эҳтиётлаш ўз йўлига, лекин... эҳтимол у ўз ҳолига қолгиси, тизгинсиз хаёллари гирдобда кезгиси келгандир? Бундан чиқди...

Умид Устознинг ҳузурида қай аҳволга тушганини Устознинг ўзига икки-уч қайта айтди, шунчаки айтиб қутилмади, балки ётиги билан батафсил сўзлаб ҳикоя қилиб берди. Кўпчиликнинг дабдурустан назар-нигоҳ ташлаши одамга милтиқнинг ўқидан оғирроқ тегишини тасвирлаб берди-ю, кези келганда, бир кишининг назар-нигоҳи ҳам одамнинг жонини олмаса-да, оёғидан йиқмаса-да, ҳар қалай эс-хушидан айириши мумкинлигини, худди шундай ҳолатга Устознинг қабулхонасида дучор бўлгани ҳақида лом-мим демади. Тўғрироғи, уни мисол тариқасида айтиб беришга истиҳола қилди.

— Айтавераман, оғир олмасаларинг бас, — деди Азиз ҳар иккала дўстига бирма-бир қараб олиб.

Фарҳод билан Умид чурқ этмай айтадиганингни айтавер, кўрқадиган жойимиз йўқ қабилида кечагина олис хориж сафаридан қайтган Азизнинг оғзига тикилиб ўтираверишди. Ниҳоят, Азиз чертиб-чертиб муддаога кўчди:

— Яшашдан мақсад одамгарчиликми, айт — Фарҳод, айт — Умид! — Азиз шундай деб икки ёнидан ўзига тикилиб ўтирган иккала дўстига бир-бир рази солиб олди-да, давом этди: — Шундай экан, марҳамат, фақат одамгарчилик билан шуғуллан. Одамгарчиликни осмонга кўтар, сен бозорни йиғиштир, сен эса олимпикни унут. Унут-да, ўзларинг тиш-тирноғинг билан қапишиб олган одамгарчилик соҳасининг пирига айлан! Одамгарчилик орқасидан дунёга танил! Марҳамат!

Орага тушган жиндек жимликни Фарҳоднинг тагдор пичинг аралаш кулгиси бузди.

— Қуруқ одамгарчилик билан қозон қайнамайди-да, ука, — деди у ясама салмоқланиб.

Умид дилидагини тилига кўчирадиган мавриди келмади деган ўйда сукут сақлади. Азиз баттар жиддийлашди. У хорижда орттирган «ақли»нинг барини тўкиб солмаганини сездирмоқчи бўлгандек ҳар иккала жўрасига боягидан-да синчковлик билан кўз югуртириб олди.

— Ҳа, яш-ша-а! — деди у Фарҳоднинг тирсагидан тутиб, — шуни унутмаларинг: қора қозон қайнаб турганига шукр дейдиган замонлар ўтиб кетди, энди қозон мазали қайнасин, жонон масаллиқларга тўлиб қайнасин деб яшайдиган пайти келди. Бунинг учун...

— Бунинг учун ҳамма ўзини бозорга уриши...

Азиз қўлини пеш қилиб, Фарҳоднинг оғзига урди, ўзи бошлаган гапни давом эттирди:

— Бунинг учун нафақат бозорда, балки бошлаган ҳар қандай ишингга бутун ва яхлит одам бўлиб киришмоғинг керак!.. Айтмоқчиманки, бир ишга бош суқдингми, кўзингга бошқа нарса кўринмасин, сени тилка-пора қилиб, майдалаб-бурдалаб ташлайдиган нарсалардан қоч! Андиша, истиҳола, камтарлик, камсуқумлик, орият-морият... хуллас, бизларнинг... одамларимизнинг назаридаги одамгарчилик бор-ку, шуларнинг бари ҳар бир одамни ўзи танлаган мақсаддан чалғитади, бошини қотиради, бутун бўлишига йўл қўймай парчалаб ташлайди!

Суҳбат шу ерга етганда уч оғайни ўртасига очиқчасига совуқчилик тушди. Қарийб уч йилдан буён ўзини соғинтирган Азиз Фарҳоднинг назарида етти ёт

бегонага айлангандек эди, Умид қатъий қарор чиқармаган бўлса-да, дўстининг нордон мулоҳазаларини ҳам қилиш чорасини излаётган, Азизнинг бўғилиб уқдирмоқчи бўлаётган фалсафасини тушунишга уринаётган эди.

– Гапир, ука, – деди Фарҳод Умидни Азизга гиж-гижлаб. – Ман бир бозорчи савдогар бўлсам, сан олим одамсан-ку, истиҳола, орият-пориятни йиғиштириб қўйиб жавобини бер.

– Пичинг қилмай гапиравер, – деди Азиз зўраки жилмайиб.

Фаҳод ўзини базўр босди.

– Уйимда меҳмонимсан, огирроқ гапириб юбормаслик учун ҳам пичинг қиялпман...

Устоз машварат ўтказаетган хонадаги мўътабар назар-нигоҳлар бир муштга айланиб ўзининг пешонасига гурзидек урилганини Умид бот-бот эслашга одатланди. Ахир у йўқ ердан бўй-басти билан оёқ остига қулашига оз қолди, мувозанатини сақлашга сақлади-ю, ёмон довдиради, нимадир деди, ҳа-я, гап айтиш қаёқ-да! – нимадир деб гўлдиради, қўр тўкиб ўтирганлар орасидан битта-яримта ҳингир-ҳингирга, пиқир-пиқирга ўхшаш узук-юлуқ товушлар чиқди, хуллас, Умид нима қилаётганини ўзи ҳам англаб-англамай хонадан шиша оғзига тикилган пўкакдек отилиб чиқди, залворли эшик ортидан «қарс» этиб ёпилгандагина Умид уни тутиб қолишга беҳуда қўл чўзди, ўн чақирим масофани бетўхтов югуриб ўтган чопардек «ҳарс-ҳарс» нафас олганича орқаси билан деворга суяниб, тек туриб қолди.

Умид бирор касб-кор бошини тутса, онасининг маҳаллама-маҳалла изғиб келинликка лойиқ қиз излашини бас қилиши учуноқ тезроқ уйлана қолса, бу ёқда Опасига кўз-қулоқлик бурчини адо этиб юрса пешонасига битилган тақдир азал ёзувига заррача гина-кудурати йўқ эди. Орзу-ҳаваслари мустажоб бўла қолмаётганидан эзилиб увоққина бўлиб қолган онасини зимдан кузатиб ичи ачишиб кетар, келин топилмаётганининг асл боиси онасини қанчалик изтиробга солса, буни Умид ҳам ич-ичидан шунчалик чуқур ҳис қилар, лекин ҳис қилаётганини на онаси, на-да у оғиз очиб гапирмас, айни шундай кўнгил хуфтон дамларида онасини чалғитиш ва овутиш учун атайдан ҳазил-хузуллар ўйлаб топар, топарди-ю, ўзи ичидан зил кетиб юарди.

Умид, ўзи айтмоқчи, орқаси билан деворга беҳол суянганича турганида елкасидан тоғ қулаганини яққол ҳис қилди, азбаройи вазнсизлигидан қуш мисол қанот қоқиб учиб кетишга ҳам шай эди. Нафаси равонлаша бошлади, кўз олди тиниқлашди-ю, ўзи томон ялт этиб қараганча туриб қолган Котиба қизни кўрди.

Бу ёқда девордан ўсиб чиққан тош ҳайкалдек Умид қимир этмади, ундан садо чиқмади. У ёқда қиз ҳам жим эди, у ҳам йигитдан, йигитнинг кўрқув, хавотир ва ҳаяжон тўла нигоҳидан нигоҳини узолмади. Икки ўртада сукутдан бўлак... ҳеч зог, ҳеч вақо йўқ эди...

– Сукутдан сукутнинг фарқи ер билан осмонча, – деган эди Устоз. – Шундай сукутлар бўладики, ўша лаҳзаларда кўнгилдан кечган кечинмаларни кейин соатлаб сўзлаб ҳам адо қилолмайди одам.

Бемор яна тамшанди, лабининг бир чеккаси аранг қимирлаб улгурмай бутун вужудига огриқ турди чоғи, огир уҳ тортиб юборди. Умид Устознинг муддаосини тушунолмай хавотирда ҳовли томонга ўгирилди, опоқи билан кампир бояғи-бояғи сўри қирғоғида сўзсиз-несиз бошларини ҳам қилиб ўтиришарди. Умид ўз тахминича курсича устида турган пиёладан ярим қошиқ совуқ чой олиб Устознинг оғзига тутди. Беморнинг лаблари орасида пайдо бўлган икки томчи совуқ чой қай томон йўналишини билмай турди-турди-да, ярим-ёртиси амал-тақал қилиб беморнинг лаблари орасига сизиб ўтди, ярми унинг яқин уч-тўрт кун мобайнида қиртишланмаган ияғи, ундан бўйни томон ўрмалаб тушиб кўздан йўқолди.

Телефон садо берди. Умид телефонни оғзига келтириб шивирлади:

– Сабр қилиб ўтиргин, бу ердан чиққан заҳотим ўзим сим қоқаман... –
Топдингми?

– Топмай қўймайман! Соткаси бор-ку, ахир. Ерга кирса – қулоғидан, осмонга қочса – оёғидан илинтириб топиб келаман, бетайинни. Фақат сен ҳам йўқолиб қолма, тагин!..

Йўқолганда Умид ёмон йўқолди. Бошқалар тугул, унинг ўзи ўзини тополмайди билан бўлиб йўқолди. Ётса ҳам, турса ҳам, ҳушидаю тушида Котиба қиз билан суҳбат қурадиган, унинг қадамини пойлайдиган, буниси камлик қилиб, ўтирган, овқатланаётган, юриб бораётган жойида бирдан вужудидан ҳарорат кўтарилар, азбаройи иссиқхонадан чиққан одамдек қизариб кетар, неки юмушга қўл урса, кийим кийса, соч тараса назарида Котиба қиз бир чеккада туриб уни кузатиб қараб тургандек бўлаверар, бунга сайин Умид ўзига Котиба қизнинг назари билан қарайдиган, ўзини Котиба қиз бўлиб кузатадиган, таъқиб остига оладиган одат чиқараётган эди. Шу аснода у онам топган бирортасига уйланавераман-да, деган фикридан қайтди. Онасининг келин излаб эшикма-эшик юришлари унга ўта мазмунсиз ва аҳамиятсиз нарсага айланди.

– Қўйинг, ойи, – деди у асл ниятини ошкор этмай, – овора бўлиб, келин излаб юрманг.

Онанинг кўнгли ўғли пинҳон тутган муддаони фаҳмлаб улгурди, кампирнинг кўзлари намланди.

– Кошкийди! – деди енгининг учига кўз ёшини артиб. – Худонинг ўзи ёмон кўздан асрасин, болам!..

Умид ташқарига қаради. Қуёш ботган, супада ҳануз қимир этмай ўтирган опоқи билан кампирнинг устига қоронги тушаётган, уларнинг юз-кўзини ажратиб бўлмас, кўлагага айланиб улгуришган эди.

Мезбон эканлигига қарамай аччиқланаётганини яширолмаган Фарҳод қизишгани сайин аксинча Азиз вазминлашди.

– Сен ҳақсан, оғайни, – деди у Фарҳодни юпатишга ҳаракат қилиб, – мени еб қўядиган важоҳатда ўтирибсан, ҳойнаҳой тўппончанг бўлса отиб ташлашдан ҳам тоймасдинг, шундайми?

Фарҳодга гап топилди.

– Ҳайрият, бизда бунақа ёвузликлар расм бўлиб улгурганича йўқ. Ўша сен ақл ўрганиб келган томонларда жини суймаган одамини отиб ташлаш айб саналмайди, тўғрими? – деди у истехзоли илжайиб.

– Намунча бўғилмасанг, Фарҳод, – орага тушди Умид. – Азиз Америка очгани билан бу ердаги одамлар ёппасига ўшанақа бўлиб қолармиди?!

– Бўп кетадиям, бола! Мана машинага ўхшаш гурбатлардан биттаси келиб айтади, иккитаси айтади-да, эшитган сари қулоғинг ўрганади, кўрган сари – кўз кўникади. Аста-секин бу кўникишлар феъл-атворга кўчади, қарабсанки!..

– Э-э, Фарҳод дўстим... – Азиз бўшашиб, норозиланиб бош тебратди.

Умид беихтиёр зимдан икки дўстини қиёслаётган эди. Илгари бунақанги пайтларда ким бўлмасин юмдалашиб кетгудай таллашиб-тортишадиган, айтганидан, билганидан қайтмайдиган Азиз хийла вазмин торгани, айни тутақиб кетадиган ҳолатларда аксинча босиқ бўлишга одатлангани, Фарҳоднинг эса феълида айтарли ўзгариш йўқлиги кундек равшан кўриниб турарди. Фақат Азиз «кўтариб» келган янгиликни аслида Умиднинг ўзи ҳам кўнглининг бир чеккасида ўйлаб юрар, лекин уни ҳеч ким билан ҳеч ерда ошкор муҳокама қилишга жазм этмаган, энди эса уни «ҳазм» қилиш нечоғли осон кўчмаслигини янада чуқурроқ тушунаётган, шу боис у ҳақда бафуржа мулоҳаза қилиб кўришни мўлжаллаб қўйганди.

– Ойдай келин бўғанди, кундай келин бўғанди! Эрию қайнона-қайнотаси еру кўкка ишонмасди! Кенг уйнинг эркатойи эди! Шундай боламга қатган ёпиша қолди, бу тузалмас бало, худойим-а?!

Онаси куюнганидан айтиб-айтиб зорланишича бор, ҳақиқатда Опаси хушр-ўйгина эди, файзли хонадонга арзанда келин бўлиб тушди-ю, чиройига чирой, хуснига хусн қўшилди. «Асал келин»нинг бахти қисқа экан, ким билсин, онаси айтиб-айтиб йиғлаганидек...

– Қайси кўзи тешилгурри кўзи, қайси суллоҳнинг тўймаган суқи кирган бўлса, ўзгинасига қайтсин!..

Умид онасининг алам устида айтадиган бундай қарғишларига ортиқ эътибор бермас эди, кейинги пайтларда ўйлаб қолди. Кўз тегиши ҳам, суқ кириши ҳам назар-эътибор-да!.. Бировларнинг қарашини кўтаролмаслик-да!.. Тўғри, яхши ни-ятда, ҳавас билан қарайдиганлар бор, ҳасад ўтида ёниб-қуйиб назар соладиган-лар бор. Ҳам ҳавас, ҳам ҳасад билан қарайдиганлар қанча?! Ҳасад ҳам, ҳавас ҳам кузатувнинг бир хили, кузатилувчи уларга дош берса хўп-хўп, акс ҳолда...

Умид онасидан яширганини дўстига тўкиб солди.

– Бир қиз бор, кўрмасам ўлиб қолай деяпман!..

– Ҳа, писмиқ! – деди Фарҳод кулиб. – Индамай юрган одамдан кўрқ, деганлари шу-да! Ким ўзи? Кўрсак бўладими? Жа-а, тилингдан бол томаяпти?

– Кўрсатишга кўрсатаман-у, кўз тегишидан кўрқаман. – Ҳаяжонини босол-мади Умид. – Оппоқ, пахтадай! Ўзиям аллақайси замон аслзода сарой маликала-рига ўхшайди!

– Йўғ-э! Аслзодалигини қаердан била қолдинг? – ўсмоқчилади Фарҳод.

– Юз-кўзи, гап-сўзи, юриш-туриши шундоққина айтиб турибди. Устозга қариндошлиги бор дейишди.

– Ў-ў, – дея туриб нафаси ичига тушиб кетди Фарҳоднинг. – Буёғи чатоқ, чато-оқ.

Умид чўчиб тушди.

– Нимаси чатоқ? – сўради сипо тортиб, жиддий.

– Баланд дорга осилма, бола! – деди Фарҳод ортиқча гапга ўрин йўқ деган мазмунда каттазанглик билан. – Баланд дорни нағмаси баланд бўлади. Сан билан биз жайдари одамлармиз, ука...

Телефон садо берди. Умид уни қулоғига тутди.

– Лаббай, ойи! – деб овоз берди у дарҳол. – Тинчликми?

– Тез қайтаман, дегандинг, ўғлим...

– Тўполон қилмаяптими? – сўради Умид хавотирланаётганини сездирмас-ликка уриниб.

– Икки марта ҳовлига чиқди, аланглай-аланглай... назаримда сени излади, Умид.

Умид учун бу яна бир янгилик эди. Ахир Опаси дарди тутган пайтда ҳеч ким билан гаплашмас, гаплашиш у ёқда турсин, инсон зотини кўрарга кўзи бўлмас, баъзан хонасига қамалиб олиб, кун ё тун бўйи қорасини кўрсатмас эди. Бу са-фар...

– Ойи, – деди Умид бу ҳақда бафуржа ўйлаб олишни дилига туғиб, – яхшиси, унинг кўзига кўринманг, ўз ҳолига қўйинг, мен бориб, тезда қайтиб келишга ҳаракат қиламан.

Умиднинг ишга жойлашиши осон кўчмади. Лариса Латиповнанинг тегир-монидан бешикаст чиққач пича хотиржам тортди-ю, унинг натижаси бир неча кунгача мавҳумлигича қолаверди. Шундай кунларнинг бирида иттифоқо Ус-тоз ҳузурига таклиф қилиб қолди. Умид ичкарида қандай саволларга жавоб бериши эҳтимоли борлигини ўйлаб, ҳаяжондан хаёлан неча тер босиб, неча

кўчага кириб чиқди. Лекин Устоздек номдор раҳбарнинг ўзаро мулоқот асосида мутлақо оддий одамлардан фарқ қилмаслигини кўриб, бирдан хотиржам тортди, дадиллашди.

– Қизиги шундаки, – Устоз кутилмаганда муддаога кўчди. Афтидан у на ўзи, на Умидга дахли бўлган мавзудан гап очгандек кўринди. – Дунёда одам деб аталган гаройиб жондор бор, ука. Етти қават осмонни, етти қават ер-сув остини ўрганаман деб неча-неча умрларни зое кетказди-ю, ёнидагини билмайди, тушунмайди.

Умид нима деб гап қўшишини билмай Устоздан кўз узмай, унинг оғзига мўлтираб ўтираверди. Устоз ҳазиллашяптими-жиддий айтяптими – бунинг ҳам фарқига етмади. Устоз давом этди:

– Ёнидагини дебман, ўзини билмайди!.. – Устознинг товушига мутойиба аралаш зарда оҳанги қўшилгандек туюлди. Сўнг у ўйга толган кўйи, шунчаки аҳамиятсиз жўн гапни айтаётгандек бўшашиб илова қилди: – Ваҳоланки, ҳамма кузатувчи... ҳамма кузатилувчи...

Умид юмуши бўлса-бўлмаса оёғи қабулхона томон тортадиган, Котиба қизни бирров кўрмаса кўнгли жойига тушмайдиган, йўқ ердаги важлар билан уни гапга соладиган одат чиқарди. Ўзини шундай деса, қиз ҳам унга рўпара келди дегунча дув қизарадиган, унинг ҳурмати учун ўрнидан турадиган, кўзини олиб қочадиган, сутга чайилгандек сулув чеҳрасини яширмоқчидек хижолатланиб бошини эгиб оладиган бўлиб қолди.

Бир сафар Умид ёмон изза бўлди.

Тушлик пайти эди, Умид қабулхона бўсағасига етган жойида ичкаридан Котиба қиз чиқиб қолди.

– Тушлик бўлдими? – туйқус оғзига келган саволни берди Умид.

– Ҳамма тушликдаю, – деди Котиба қиз ўзини қўлга олиб.

– Мен ҳам...

Умид нега бундай деди, нима демоқчи эди – ёдида йўқ, аслида нима тўғрисида, қандай мавзуда бўлмасин Котиба қиз билан гаплашса бас, шунинг ўзидан маст эди у!

– Ишингиз бўлса... айтаверинг, – деди Котиба қиз, Умиднинг кўзига ер остидан нигоҳ ташлаб.

Умид шу гапни кутаётган эди, илтижоси худога етди, мана, қизнинг ўзи сўраб, айт-айтавер деб турибди! Умид ҳозироқ, ҳеч ким йўғида дилидагини шартта тилига кўчирса олам гулистон!.. Фақат, фақат... Умиднинг тили танглайига ёпишиб қолган, гапирай деса гўлдираб, баттар шармандаси чиқиши муқаррар эди!..

Умиднинг оёғи ерга тегмаётгандек эди, у қанотга айланган қўлларини сал силкитса учиб кетадигандек эди. Шундай бир ҳолатда Котиба қизнинг навбатдаги сўзи Умидни тамом эс-ҳушидан айирди:

– Ўзингиз овқатланиб олинг...

Тўсатдан Устозга жон кирди. У узоқ тин олиб ухлаган одамдек қўл-оёқларини баралла чўзиб керишмоқчи эди, яйраб ҳаракатлана олмади, аъзои бадани қақшади, афти бужмайди, аччиқ ва алам аралаш оғир ва чўзиқ «Уҳ-ҳ!» тортди. Умид беморнинг туйқус қимирлашидан кўнглининг бир чеккасини умид учқунлари чарақлаб ёритган эса-да, чўчиб, хавотирга ҳам тушди. Унинг вужуди кўзга айланиб Устознинг ҳар бир ҳаракати, юз-кўз ифодасини назардан қочирмай кузатишга тутинди.

Умид опоқига, бораману бирров хабар олиб изимга қайтаман деб кўчага чиқди-ю, уйи томон жадал равона бўлар экан, кўнглидаги гашлик баттар зўрайди. У бемор ётган равонни тарк этганида ўзини енгил ҳис қилгандек эди, бироқ

бу енгиллик узоқ чўзилмади, назарида Устоз, йўқ, Устознинг назар-нигоҳи унинг изидан эргашиб чиққан, бирон лаҳза-бирон қадам ундан ортда қолмаётган эди. Қисқа фурсатда менга қаттиқ боғланиб қолдинг, деди Устоз Умидга маҳзун тикилиб, ўзимнинг ҳам сенга ихлосим баланд... Мақсуд қатори ўғлимсан, дедим... Умид қувончдан ўзини қўярга жой тополмай қолди... Энди Устознинг уни ўз ҳолига қўймаётган нигоҳлари унга малоллик туғдирмоқда... Устозга бўлган ҳурмати заррача сўнгани йўқ... Неча дафъа у қабулхона остонасидан қайтди, дам хизмат сафарида дейишди, дам зарур топшириқ билан бандлар деган жавобни айтишди. Умид етовсиз қолган бўтадек гангиб юрганди, иттифоқо Котиба оқибат кўрсатди!

– Домла мазалари йўқроқ... – Фақат Умид эшитадиган товушда шивирлаб деди у.

Умид бу совуқ хабардан анг-танг бўлиб қолган бўлса, унинг айтилиш тарзи, яъни Котибанинг ўзига сирдош тутган одамдек шивирлагани Умиднинг қалбидagi чўғни алангалатиб юборди. Демак, қизнинг кўнгли!.. Афсуски, қувончдан дўппини осмонга отиш ёки ипи узилган улоқдек ирғишлаш мавриди эмас, бунинг устига Умиднинг кўнгли аллақандай мавҳум бир хатарни туйгандек бада-нига муз югурди. Қизга ортиқ савол беролмай серрайганича туриб қолди.

– Икки марта хорижга бориб, катта мутахассисларга кўрсатиб келдилар...

«Тушунарли...» деган сўз Умиднинг кўксига жазиллатиб чизиқ тортди.

– Келадиларми?...

Умид шу саволни овоз чиқариб айтдими ёхуд дилидан тилига кўчирмадими – ёдида йўқ, фақат, ўша куннинг эртасига Котиба қиз шитоб билан юриб унинг хонасига кириб келганида минг бир хаёлда ўтирган Умид қотиб қолди, зумда шуурини қамраб олган қоп-қора гумон таъсирида юраги орқасига тортиб, ҳатто жойидан жилолмади ҳам.

– Сизни домла сўраяптилар, кирар экансиз, – деди Котиба ўктам бир товушда.

Шу топда Умид учун бундан қувончлироқ хушхабар йўқ эди. Ҳозиргина ўтакасани ёраёзган хавотирли ўй у ёқда турсин, аксинча Котибанинг овозидаги кечаги маҳзунлик, тушкунликдан асар қолмаганини сезиб, қувонганидан ҳатто қизни кучоқлаб олай деди.

Ҳақиқатда Азиз ич-ичидан тутақиб турса-да, ўзини жиловлай олишга одатланибди. Умид дўстини кузатиб ўтириб бунга яна бир карра иқроп бўлди.

– Дунёда энг кадрдон, жонажон дўстларим деб сенларга кўнглимни ёрган-дим, – деди Азиз маъюс тортгандек бўшашиб. – Дунё кенг, ақлли одамлар кўп, ўшаларни билиб қўйсаларинг, ҳар қалай...

– Билиб қўйишимиз учун бўлса, айтсанг айтавер, – деб унга шафқат қилгандек мингирлади Фарҳод.

Азиз Фарҳоднинг далдаси замиридаги қувликни илғамади, шу хаёлда у боя узилиб-нетиб қолган мулоҳазаларини келган жойидан давом эттиришга киришди:

– Ўша мен борган томонларда одамлар ҳаётда бирор мақсадни кўзладими, тамом, дунёдаги ҳамма нарсани унутади-ей! Нафақат ошна-оғайни, қариндош-уруғ, ота-она, ҳатто фарзандларидан ҳам кечворади. Керак бўлса, худони унутади!.. Энг муҳими, ҳеч ким буни айб санамайди. Ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши йўқ, сен нимага бундақ-анавундақ қилияпсан, деб биров бировга қайрилиб қарамайди. Ақл бовар қилмайдиган кашфиётлар, ақл бовар қилмайдиган ихтиролар, ақл бовар қилмайдиган... ишқилиб, осмондаги юлдузни уриб туширадиган рекордлар шунинг натижаси, меваси! Инсон зотининг эсини тескари қилиб юбораётган тараққиётнинг сири ҳам шунда!..

Орага зилдек жимлик чўкди.

Умид Опасининг дардига даво истаб дўхтирма-дўхтир юрди – бирор тайинли наф топмади, онаси шўрлик не-не илинжларда қатнамаган дуоғўй-ю, қилмаган илми-амали қолмади, афсус, уларнинг ҳеч бири қизини бебахт қилган на кўзнинг, на суқнинг кучини қирқа олди. Икки-уч ҳафта, нари борса, тўртинчи ҳафта ўтарида Опасининг дарди ғалаён кўтариб қолар, девона ўйда нима қиладинима қўяди – олдиндан билиб бўлмас, кундуз бўлса-кундузи, тунда бўлса-тун бўйи она ва ўғил ҳаловатдан воз кечишар, бемор лоақал ўзига шикаст етказиб қўймасин, кўча-кўйга чиқиб кетиб, йўқолиб-нетмасин, уй-пуйга ўт қўйиб юбормасин деган хавотирда уни бирон дақиқа ҳам назардан қочиришмас, Умиднинг қўлидаги васийлик, яъни пойлоқчилик васиқаси шунинг учун берилган эди.

Орада кўз илгамас нимадир юз берди, ўша нимадир Умиднинг қўл-оёғини, инон-ихтиёрини, хоҳиш-истакларини, ҳатто ўй-хаёлларини чандиб-чирмаб ташлади. Котиба қиз афтидан Умиднинг ичида юз бераётган ана шу нимадир воқеалардан воқифдек туюлар, лекин у ўзини ўта бепарво тутар, бу бепарволик Умиднинг кўнглида бош-кеги кўринмас гулгулаларни гужғон ўйнатар, буни у гоҳ қизнинг аслзодалар тоифасидан эканлигига, гоҳ беҳад сулувлигига йўяр, баъзан эса... ўзининг оиласидаги шарт-шароитни ўйлаб ич-этини кемирар, борди-ю, таваккалига Умид юрагини ёргудай бўлса, Котиба қиз, «Сезиб юрибман Умид ака...» деб табассум ҳада қилса хўп-хўп, ёки бўлмаса фалокат босиб, бутун жамоа ўртасида шармандасини чиқарса, уйда савдойи Опаси борлигини бетига солиб (ҳа, Лариса ялмоғиз буни қизга етказганига Умиднинг имони комил!), подумашь, мен ундай хонадонга келин бўлиб тушмайман деса ким деган одам бўлади?! Шартта ичкарига кириб, ҳаммасини оқизмай-томизмай Устозга етказса-чи?! У ҳолда Умид қаёққа бош олиб қочади? Қайси бет билан Устознинг ҳузурига киради?..

Ҳар сафар шуларни ўйлаганида Умид хийла ҳушёр тортиб қолар, эзгин ўйларга чўмар, лекин қизнинг садафдек оппоқ манглайи, яноқлари, бўйни... нозик бармоқларига кўзи тушганида тамом дунёни унутар, бу бармоқлар, бу яноқлар, бу кўзлар менга, фақат менгагина аталган деб жони жаҳони ўртаниб кетар, айниқса қадрдон сирдошдек ўзига яқин олиб гапиришлари аллақачон йигитнинг ҳушини ўғирлаган, ҳушига қўшиб кўнглидаги алмойи-алжойи гулгулаларни тўзондек тўзитиб юборган, шу боис барча-барча шубҳа-гумонлардан қалбини забт этган муҳаббат алангаси устун чиқар ва осилсам, баланд дорга осиламан, дея билганидан қолмас эди...

Умид суҳбат кескин тус олиб кетишига йўл қўймаслик дардида дўстларини чалғитиш учун Устоз ҳақида сўз очди. Устозининг галати-гаройиб муносабатларини, у кишининг етовида етакчилигида бошлаётган ишини атайин эзмаланиб гапириб берди.

Бу гапларнинг Фарҳод учун янгилиги йўқ эди, шу боис у Умиднинг жигарини хун қилиб ҳикоя қилишига ортиқча эътибор бермади, Азиз эса Умиднинг гапларини жон қулоғи билан тинглади.

– Жуда қизиқ, – деди у бошини тебратиб. – Умид, мен сенларга уқдирмоқчи бўлаётган гап ҳам асли шунга яқин, илдизи бир!

– Йўғ-э! – деди Умид тушунмайроқ ва фавқулудда қизиқиши ортиб. – Қанақасига яқин бўлади? Устознинг фикрича, ҳамма ҳаммани кузатув остида тутиши бир ҳисобда яхши ва табиий бўлса, иккинчи ҳисобда... ҳали масаланинг бу томонини чуқурлаштириб улгурганимизча йўқ, лекин гап шундаки, ўзини муттасил ўзгаларнинг назари остида ҳис қилиш одамнинг эркини, ихтиёрини бўғади...

– Устозинг «одамни эркини, ихтиёрини бўғади» дебди, мен инсоннинг бутунлигини парчалайди деяпман. Ўша амма-тоғачиликлар, амаки-холочиликлар инсонни асосий ишидан, юмушидан чалғитади, майдалаштириб юборади, биз эса буларнинг барига одамгарчилик, қариндош-уруғчилик деб чиройли ном қўйиб

олганмиз! Тўғрими, оғайни?! Бу одатларимизга юз йил муқаддам Қодирий «ош-наликка қурбон бўлган халқ» деб қалампир боғлаб кетган!..

Ўзи алоҳида яшайдиган хонага ошхона жиҳозларини ташмалаб киритган Опаси пича муддат алланималарга унадими, овози чиқмади. Лекин бу жимлик узоққа чўзилмади. Капгирнинг даранглаб қозонга урилиши эшитилди. Нимадир тарақлади. Опаси дам минғирлаб, дам шовқин кўтариб жаврашга тушди.

– Сан итга қараб қоган жойим йўқ! Ўзим бўлак рўзгор қиламан, тугаман. Боламга овқатлар пишириб бераман. Ҳу-у, ер ютсин, сенларни!

Умид онасининг имлашини кутмай айвонга чиқди. Оёғининг учида юриб Опаси кириб кетган хона эшигига яқинлашди. Ичкарига мўралади. Опаси ошхонада ишлатиладиган калта этакчани белига боғлаб олган, энгларини шимариб пичоқ билан сабзи тахтани боши узра кўтариб турарди.

Умид дарҳол ўзини четга олди. Бироқ Опаси унинг шарпасини сезиб улгурганди.

– Келдингми? Ичкарига кир, сўтак! Пишириб қўйипман, чапиллатиб е, ит!

Умид зина ёнида гўдак болаларча жонини ҳовучлаб ўзига савол назари билан мўлтираб турган онасини тинчлантирди:

– Ўт ёқмаяпти, ақли жойида.

– Жойида бўмай қолсин-а! Гугурти йўқми?

– Кўринмади... Узоққа чўзилмайди, ойи, ҳадемай қайтади, – деди Умид онасини юпантириб. – Сиз бу ерда пойлаб турманг, боринг, ишингизни қилаверинг, мен бирров Устоздан хабар олиб келаман.

– Пича кетмай тур, болам, бир балони бошлаб қолса мани кучим етмайди.

Умид майли деган маънода бош иргади.

Умид Устозининг тепасида термилиб ўтириб, у киши айтган гаплари, маслаҳатлари, йўл-йўриқларини бирма-бир ўйлади, ўша гаплар, маслаҳатлар, йўл-йўриқлар ўзи учун доимо асқотишини, уларнинг бирортасини унутишга ҳаққи йўқлигини астойдил англаб етган эди. Бордию Устознинг аҳволи ўнганмаса, шу ётиш у кишининг видо онларига айланса... Умид хувиллаган дунёда бир ўзи қолаётгандек, эндигина маъно-мазмун кириб бораётган ҳаёти баттар издан чиқадигандек, худди шунинг учун ҳам, қолаверса, Устозга бўлган ҳурмати, садоқати ҳаққи у кишининг руҳини шод қилиш йўли Устоз ўғитларини ёдда сақлаш, уларга риоя қилиш деб билаётганди.

Онаси-чи? Шўрлик, муштипар онасининг бирдан-бир суянчиғи – Умид. Ундан ўзга умиди йўқ кампирнинг. Ҳатто Опаси соппа-соғ юрган бежавотир кунларда ҳам онасининг дилидан хавотир аримайди. Қизининг дарди бедаволигидан худога зорини айтиб адо қилолмас, дарди кўзиган кунларда эса унинг ёнида бўлиш, уни қалтис хатти-ҳаракатлардан асрашга ҳоли-мажоли етмас... Онасининг шундай дамлардаги илтижоларга тўла қарашлари, назар-нигоҳлари Умидни узоқ кетишга йўл қўймас, Умид онаси ҳақида ҳам, Опаси ҳақида ҳам бирдек қайғуриш мажбуриятини зиммасидан соқит қилолмас эди.

Мана шундай хаёллар Умиднинг яшаш тарзини, ҳаётий мақсад-маслакларини белгилаб берган, ҳатто уйланиш зарурияти ҳам унинг учун шодумон янгиликдан кўра оддий мажбуриятдек туюлар эди.

Ҳаммаси Котиба қиз туфайли бузилди, пароканда бўлди. Котиба қизнинг назар-эътибори бошқа барча назар-эътиборлардан, мажбурият заруриятлардан ошиб тушди.

Умид қўл-оёғи билан Котиба қизнинг сиртмоғига – инсоният азал-азалдан оддийгина қилиб атаб келаётган – муҳаббат сиртмоғига боғланди-қўйди.

Тонг отиб қолаёзганига қарамай Фарҳодникида қизигандан-қизиган суҳбат кўчада Умид билан Азиз ўртасида давом этди. Умид қилаётган ишлари, Устози ҳақида ҳаяжонланиб гапирди.

– Устозинг кексами? – сўради Азиз тўсатдан.
 – Унчалик эмас... ёш ҳам эмас...
 – Ёшидан қатъий назар ҳаётини тажрибаси катта, кузатувчан ва донишманд одам экан!
 – Нега бундай хулосага келяпсан? – қизиқиб сўради Умид.
 – Сенга тушунтиришга уринаётган мавзуни ҳар ким ҳам фаҳмлаб етавермайди, дўстим. Фаҳмлаган тақдирида ҳам унга илмий муаммо тусини кийгизиш жўн иш эмас...
 – Азиз шундай деб туриб бирдан жим бўлиб қолди. Қоронғуда кўзи чарақлаб нимадандир мамнун бўлгани кўринди. У эҳтиросини жиловлашга уринмай бир нарса топиб олган одамдай ҳаяжонланиб сўради: – Домланг билан танишсак, бир суҳбатлашсак қандай бўларкан?!
 Умид афсусланиб бош чайқади.
 – Нега? Шунчалик катта раҳбарми?! Вақт ажратолмайдими?
 – Бир оз мазаси йўқ... Соғайиб кетса, кейин ўйлашиб кўрамиз...
 Азиз «Эҳ, аттанг!» дегандек бош қашиб қолди.
 – Мен бўғилиб сен билан Фарҳодга уқдирмоқчи бўлган масала билан Устоз сенга тушунтираётган муаммо бир-бирдан узоқ эмас! Жуда яқин! Қарийб битта нарса! Тушуняпсанми, Умид? Гап нима ҳақда бораётганини яхшилаб ўйлашиб олишимиз керак... Иложи бўлса, кўнглинга олмагин-у, Фарҳодсиз, икковимиз очиқ-ойдин суҳбатлашайлик. Хўпми, Умид? Бу ерда халқимизнинг умуман яшаш, фикрлаш тарзини ўзгартиришга доир муаммо бор! Билиб қўй, Устозинг жўн одам эмас, авлиё экан!..

Умид ориққина, бўйдор шифокор йигитни дастлаб яна уч нафар устоз шифокорлар билан йиғилишиб келишганида кўрган эди. Устозлар беморни, унинг хасталигига тааллуқли ёзув-чизувларни, дори қоғозларини синчиклаб кўздан кечиришди, ўзлари тушунадиган тилда ихчамгина машварат ўтказишди. Беозор ҳазил-ҳузуллар билан Устознинг кўнглини кўтаришди. Устоз ҳам бу қадар нуфузли эътибордан миннатдорлигини айтди. Пиравордида сочи кумушдай оқ, кекса шифокор бўйдор йигитни Устозга, опоқиға таништирди.

– Бу укамиз орамизда нафақат бўйдорлиги билан, балки ёш ва билимли мутахассислиги билан ҳаммамиздан баланд. Кўряпсиз-а?

Устоз мийиғида кулимсиради. Кекса шифокор давом этди:

– Шу йигит биздан, Марказий шифохонадан ишончли вакил. Сиз шу йигитнинг назоратида бўласиз. Бу йигит эса бизнинг назоратимизда. Келишдикми?

Устоз овоз чиқармай миннатдор бош ирғади. Масала ҳал бўлди. Бўйдор йигит ўз уйига кириб чиққандек кунда-кунора Устоздан хабар олиб туришни канда қилмади.

Ўша – ўртада сукутдан бўлак ҳеч зоғ, ҳеч вақо йўқ сонияларда кўзларини катта-катта очиб ўзига тиккасига қараб турган Котиба қизнинг нигоҳи Умиднинг кўнглига шу қадар фароғат бағишладики, Умид руҳи енгил тортиганини, сеҳрли меҳр-шафқат оғушига чўмган гўдакдек эркаланиб кетганини ҳис қилди.

Ҳозиргина елкасидан босиб қолган кўзга кўринмас залворли юк аста-секин сирғалиб туша бошлади, кўз ўнги тиниқлашди, назарида хона чароғонлашиб кетди, у қизнинг кўзида, қарашларида халоскор меҳрни туйди.

Бу ҳолат, бу манзара Умиднинг хотирасига ўчмас бўлиб муҳрланди-қолди. Энг мушкул вазиятларда ҳам ана шу меҳрли боқишдан нажот топди. Сутдек оппоқ чеҳра, меҳр-шафқатга лиммо-лим тим қора кўзлар, кейин ҳар сафар ўйлаганида Умид бу гўзал нигоҳлар тубида қандайдир мунислик, маъюслик пинҳон эканлигини сезди, шу билан бирга, қиз вужуд-вужудидан фавқулодда бир меҳрибонлик билан йигитнинг аҳволини ҳис қилгани, унинг жонига оро киргани, яна унга нажот, кўмак ва мадад бериш, суянчиқ бўлишга мойиллик кўрсатаётгани сезилиб турарди.

Телефон безовта садо берди. Умид унга кўз ташлади-ю, қулоғига тутди.

– Лаббай, ойи? – деди у онасининг гапини кутмай.

– Бир келиб кетгин, ўғлим. Уйини бир бало қилиб ташлаяпти, зўрайиб кетса, мен эплломайман, болам...

– Хавотир олманг, кўзига кўринманг. Бир сафар уни ўз ҳолига қўяйлик, ойи. Қайтага яхши бўлади, хўп денг. Салдан кейин бораман.

Умид шундай деб телефонни ўчирганида онаси гапини тугатмаган эди.

Икки кун бурун шекилли кечки овқатдан сўнг Опаси дастурхонни йиғиштириб, идиш-товоқларни дасталаганича ошхонага кириб, уларни ювишга тутинди. Умид гира-шира қоронгилик чўкаётган ҳовлида хаёлга толган, дам яккам-дуккам милтираб кўзга ташлана бошлаган юлдузларга, дам кўз ўнгида бетартиб ўсган дарахт шохларига разм солар, бир замонлар раҳматли отаси даврида амалтақал қурилиб қолган уй-жойнинг «мункиллаган» қоматига қараб уларни қайтадан бунёд этишни дилига тугар... дарҳақиқат, агар тўй бошланиб қолса, йўқ, дастлаб агар Котиба қиз розилик берса... Умиднинг назарида Котибанинг майли йўқ эмас, у қанчалик сездирмасликка уринмасин буни Умид пайқаб турибди, фақат қиз хоҳишини, йигит эса пайқаб турганини дангалига тилига кўчиролмаяпти, холос. Шундай экан, ҳаммадан бурун Котиба Умиднинг хонадонидаги аҳволдан хабар топса, ундан сўнг розилигини билдирса, шундан сўнг совчилар, тўйолди борди-келдилар жой-жойига қўйилса, ана ўшандан кейин, ўша кезларда шу уй-жойни бир кўтариб ташлаб, қайта қурса, келин тушадиган уйнинг қадди тикроқ қурилса, ахир яшайдиган, келди-кетдилар бўладиган тураржой кимсан Котиба қизнинг ҳусни-таровати, аслзодалиги... қадди-қоматига муносиб бўлмоғи керак!.. Котиба қиз келин бўлиб шу ҳовлида елиб-югуриб юрса, дам сайин Умид ака дея тилидан бол томса, оқшом чоғлари ошхонадаги юмушларни ўзидан орттирмай, Опаси бундай юмушларга қўл урмаса!..

– Ҳа, Уми-ид...

Умид чўчиб тушди. У ошхона томондан идишларнинг бир-бирига урилганидан чиқаётган шақир-шуқурлари тиниб-тинчиб қолганига ҳам, ошхона эшиги гичирлаб очилганига ҳам эътибор бермаган, эшитмаган ҳам, ҳатто ошхонадан чиқиб ёнгинасига келиб қолган Опасининг шарпасини сезмаган ҳам эди.

Опаси унга ниҳоятда меҳрибон, эътиборли эди.

– Нималарни ўйлайдиган бўлиб қолдинг, Умид? – оҳиста сўради Опаси.

Умид кулди, лекин кулгиси зўрма-зўраки чиққанини яширолмади. У Опасига ҳеч қандай устамонлик ёқмаслигини яхши биларди. Афсуски, бу сафар у сирбой бермаслик эпини қилолмади.

– Бирор ўйда юрган бўлсанг, айт, – деди Опаси. Шундай деди-ю, қизариб-бўзариб ўзи ҳам укасининг бетига қаролмай маслаҳат берган бўлди: – Менга айтмасанг, ойимга айт. Чораси топилади...

– Нега сизга айтмас эканман, опа? – шошиб деди Умид. – Ойимга ҳам, сизга ҳам айтавераман... Ҳозир, нимани ҳам айтардим?.. Зарурат тугилса, айтмай нима қиламан?..

– Майли, ўзинг биласан... Опаси укасининг кўзига қарамасликка уриниб, гуноҳқорона оҳангда шундай деди.

Умид бўйдор шифокор йигит билан кўзтаниш бўлиб қолди. Бир сафар келганида дўхтир йигит аёлларникидек узун-узун ва нозик бармоқларини Устознинг биллак томирига оҳиста боса туриб, соатига термилганича ўй суриб қолди, сўнг асбоб-анжомлари ёрдамида беморнинг кўкрак қафасига қулоқ тутди, сўнг алланималарни чамалади шекилли, жомадончасидан узун қорамтир елим ичак чиқарди. Унинг қандай муолажа воситаси эканига ақли етмай турган Умид савол назари билан дам шифокор йигитга, дам Устозга анграйди. Устоз мийиғида кулимсираб, бошини ҳам қилди.

– Билимдон кишилар анча таъсирчан бўлишади, – деди шифокор йигит қорам-тир резина ичакни ҳозирлаётиб, беморга далда берар экан. – Биринчи, иккинчи сафар салгина қийналдингиз, холос. Энди анча кўникиб қолдйиз, тўғрими?

Устоз ориқлаб кетган қоқсуяк оёқларини каравотдан осилтириб ўтирган кўйи тақдирга тан бергандек бошини сомеъларча силкиди.

– Бу матоҳни икки қайта ютдим, – деди сўнгра синиқ жилмайиб, – ошқозон-ичакни ёритса ёритгандиру илло, ичим ёришганини сезмадим...

Котиба қиз билан юзма-юз келиш, у билан бир дам суҳбат қуриш Умид учун шодиёнага айланди. У қабулхона томон қандай бориб қолганини, қизни кўрган заҳоти оғзига келган гапни қай тарзда айтиб юборганини ўзи ҳам билмай қолар, назарида йигитнинг бу тахлит саросимага тушиши Котибага ҳам ёқаётгандек, қизнинг ўзи ҳам Умиднинг кириб келишига илҳақдек туюлаётган эди.

Аксига олиб кечагинда Умид не умид ва журъатлар билан қабулхонага етиб борди-ю, бекорчиликдан ичкарида гап сотиб ўтирган Лариса Латиповнага кўзи тушиб, капалаги учиб кетди. Йўқ, Умид ҳужжатхона бекасининг ўзидан эмас, у Умиднинг Опаси ва у билан боғлиқ васиқа ҳақида Котиба қизга гуллаб улгурган деган ўйда таъби айниди. «Наҳотки, етказган бўлса?!» Умиднинг кўл-оёғи бўшашди. Манглайда зера-зера совуқ тер томчилари пайдо бўлганини сизди. Вужуди қақшади. Бироқ сир бой бермасликдан бошқа иложи йўқлигини ҳам зудлик билан тушуниб етди.

– Келинг, – деди оҳиста Котиба қиз. У шундай деб бирров кўз қирини ташлаб, йигитдаги галати ўзгаришни сизди. Овозини янада мулойимлаштирди:

– Келинг, кираверинг...

Умид салом бердим-йўқми, эслай олмади, лекин Лариса Латиповна бош ирғаб кўйди. Қайтиб Умиднинг тили айланмади. Ранги қум ўчди. Биринчи бўлиб Котиба қиз ўзини қўлга олди.

– Домла ҳали келмагандилар, – деди у совуққонлик билан. – Кечроқ келмоқчи эдилар...

Шу бир оғиз лутф Умид учун ҳалоскорлик вазифасини ўтади. Унинг нигоҳида Котиба қизга миннатдорлик изҳори лиммо-лим эди. У ўзини алланима ўқиб ўтиргандек кўрсатаётган Лариса Латиповнага зимдан назар ташлади, Устознинг гапини эслади-да, «шу ерда ҳам хизматини ўтапти» деб ичида хотин шўрликнинг шаънини бўралатиб «бежади»...

Умид эшикка етай деган жойида Устоз тўсатдан ёдига тушиб қолган гапни айтаётгандек уни тўхтатди.

– Дарвоқе, – деди у ярим жиддий-ярим истеҳзоли табассум билан, – Латиповнанинг муомаласидан ранжиманг. Унинг вазифаси шундай, яъни ҳужжатхона раҳбари сифатида ҳар бир ходимнинг ҳаётига доир маълумотларни алоҳида дафтарга тиркаб кўяди. Билмаган нарсаси йўқ.

«Опамнинг касаллигини, манга васийлик васиқаси расман берилганини шу ялмоғиз етказган» деган хаёл кечди Умиднинг кўнглидан.

– У кишидан раҳбарлар талаб қилишар экан-да, – деди у ўйламай-нетмай ва бу сўзи Устозга иддао бўлиб ботишини кечикиб пайқади.

Устоз мийиғида кулди. Нимадир демоқчи, ёш ва умидли шогирдига нималарнидир очилиб-сочилиб тушунтирмақ учун оғиз жуфтлади-ю, ўзининг раҳбарлигини эслаб қолдими ёхуд бошқа истиҳолага бордим, гапни қисқа қилди:

– Латиповна тушмагур аломат аёл... Кўл остимда ишлайди-ю, баъзан менга ҳам бўйсунмайди баччагар!.. Оғзимдан чиққан ҳар бир гапни... неча марта йўталишимгача ёзиб юради. Вазифаси шундай дедим-ку...

Умид уйи томон жадал борар экан, йўл-йўлакай Онасини ҳам, Опасини ҳам, Устозу Фарҳод билан Азиз дўстини ҳам эмас, Котиба қизни ўйлаб кетди.

Шу кунларда у ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳақида эмас, фақат Котиба ҳақида ўй суришдан кўнгли таърифлаб бўлмас ором олар, Котиба ҳақида хаёл суриш, у билан хаёлан суҳбатлар қуриш унинг учун жон сақлайдиган руҳий бошпанага айланган эди.

Аксига олиб ҳар қандай одам билан (ҳатто Устоз билан ҳам!) дарҳол тил топишиб кетадиган Умид Котибага келганда гунг-соқовга айланар, унга рўпара келди дегунча ўйлаб келаётганларини унутар, бахтига Котиба қиз тортинчоқлик қилса-да, унинг бийрон жавобидан кўнгли равшан тортар, қайси мавзуда суҳбатлашмасин Умиднинг назарида севги-муҳаббат ҳақида сирлашаётгандек, бу тариқа савол-жавоблар муқаррар икки дил розилигининг ифодасига айланаётгандек туюлар эди. Ҳатто Котиба қизнинг бошқалар билан мулоим гаплашишлари ҳам Умидга аталгандек туюларди.

Икки ҳафта бурун тўсатдан Азиз кўнгироқ қилиб қолди.

– Умид, ярим соат вақтим бор, – деди дабдурустдан.

– Нима, келмоқчимисан? – сўради Умид.

– Бораман, кўришайлик...

Умид кўчага чиқар-чиқмас Азиз етиб келди. Чоққина хиёбон кимсасиз, бу икки сирдош суҳбатдош учун айни муддао эди.

– Умид, дўстим, гапларимга диққат билан қулоқ сол. Мен бу нарсани ўша ёқларда юриб-кўриб, роса ўйладим. Кимга, нима деб айтишни мўлжаллай-мўлжаллай, ниҳоят, сен билан Фарҳоддан ишончлироқ одам топмадим. Афсуски, Фарҳод тушунгиси ҳам келмаяпти.

– Фақат Фарҳод эмас, ҳар қандай одам ҳам дабдурустдан тушунмайди, тушунса-да, ҳазм қилолмайди бундай фикрларни, Азиз, – деди Умид дўстининг кўнглини кўтариб. – Бундай гаплар ётиги билан, арқонни узун ташлаб, бир чимдим-икки чимдим тушунтирилмаса, Фарҳоднинг жигибийрон бўлгани ҳолва, сени душманга, мияси айниб қолган девонага чиқаришлари ҳам ҳеч гапмас!

– Тушунтирмоқчи бўлганларим шунчалик хом, гўр, ахмоқонами, Умид?! Шундай дегин, қайтиб оғзимни очмай!.. Сен ҳам, одамларимиз ҳам эски ҳам-мом-эски тос яшайверсин. Лекин шуни билиб қўй, оғайни, дунё эндиликда сермулоҳазакорликдан, ётиги билан, арқонни узун ташлаб қўйиб кун кўришдан воз кечган, юз ўгирган! Тезлик, шиддат дунёни ютиб юборай деяпти!.. Наҳотки, жоним ачишганидан шу гапларни кўтариб келганим – ниятим яхшилиги сезилмаётган бўлса, оғайни?! Арқонни узун ташлаб ўйчи ўйига етгунича анавилар арқонингни минг жойидан қирқиб, ишини битириб кетяпти. Шунинг учун ҳам дунё ўшаларнинг қўлида, тушуняпсанми?!

Устоз эндигина кўчага чиқолмай ётиб қолган кезлар эди. Умид неча сафар келиб, Устознинг оғзини пойлади, лекин Устоз у кутган мавзудан сўз очмади. Умид атайин сўрашга ботинмаган кунларнинг бирида ниҳоят Устоз гапни узоқдан бошлаб муддаога кўчди.

– Умиджон, – деди у каравот қирғоғида оёғини осилтириб ўтирган қўйи тиззалари узра бош эгиб. – Ниятлар катта эди...

Негадир Устоз Умиддан узр сўраётган оҳангда гап бошлади, бироқ у дарҳол жим бўлди. Чамаси у иккиланаётгандек, фикрининг давомини охиригача айтмасликка қарор қилгандек эди. Умид ичида «гапирсин-да, ишқилиб» деган илтижода вужуди қулоққа айланди. Хайрият, илтижосини худо Устознинг кўнглига солди, уни гапиришга ундади. Ундабгина қолмай, энди у пича тайсаллангани демаса, сўнг хасталигини ҳам унутиб, кутилмаган шиддат билан сўзлай кетди:

– Кўп ўйладим... Сиз билан танишганимда шу ишга муносиб, яъни мавзубоп одам топилганидан севиниб кетдим. Афсусландим ҳам... Фақат, биласанми, бу муаммо одамзодни бошини шунақаям қотирадики ҳали!.. Инсоният ўзини ўзи боши берк кўчага тикади.

Устоз пича нафас ростлаб олгач, овози бардамлашиб сўзида давом этди:

– Қизиқ-да, ҳамма ҳаммани кузатади, демак, ҳамма томонидан кузатилади! Шу тўғрими? Мутлоқ тўғрими, Умид?.. Ҳозир одамзод шу таомил измида яшай-веради, шу мақсадда, яъни бировларни кузатишга қаратилган минг бир хил хийла-найрангларни ўйлаб топади, ақл бовар қилмас асбоб-ускуналарни ихтиро қилаверади, бироқ, шуни унутма, ўғлим, бу таомилдан воз кечган қавм ҳам кўпайгандан-кўпайиб бормоқда ер юзида. Бировларни кузатувчи, қай гўрдаги кимсалар томонидан кузатилувчи бўлиб юришдан қутилишнинг ягона чораси бор. Бу – ўзини ўзи кузатиш!.. Иймон билан, диёнат билан кузатиш!.. Инсон ақлининг кемтиклиги шундаки, ҳарчанд кузатма, миллиард кузатувчини жам қилма, бир одамни тўкис тушунолмай овора бўласан!..

Умид Устознинг сўзини бўлмади, унинг жўшиб, ҳаяжонланиб гапираётганидан завқланиб, Устоздан кўз узмади.

– Эҳтимол, – деди Устоз бир оз шаштидан тушиб, – кузатишни бас қилиш керакдир? Шу борада одилона, оқилона яшаш тарзини жорий этаётганлар йўқ эмас... Одамлари кузатув остига олинмайдиган, одамлари энг инсоний фазилатлари измида яшайдиган жамият қуришнинг иложи топилади...

Устоз ўрнидан азот туриб олганини, ҳолсизликдан чайқалиб кетмаслик учун тиззалари билан каравотнинг чеккасига суяниб турганини Умид кейин пайқади, у ҳам ўрнидан турди, Устознинг билагидан тутди.

– Бош қотиб қолди... Балки... бу муаммони кўзгаб одамзотни бошини қотирмаслик керакдир?.. Мавриди билан бўлар, ёки...

Умид хаёлан боши берк кўчага кириб қолди. Нима бу? Устознинг навбатдаги таги зил ҳазилими? Ёхуд, наҳотки у жиддий гапираётган бўлса?! Ёки шогирдини синамоқчими?..

– Тўғри, масаланинг бош-адоғи йўқ, – деди Умид, – уни тугал қамраб олиш ҳам мушкул, эҳтимол, имкон қадар шуғулланиб юрилса, вақт-соати етиб...

Аранг қад ростлаб турган Устознинг қўл-оёғи қалтиради, у жон ҳолатда Умиднинг билагини чангаллади. Умид авайлаб бемор ўрнига ётиб олишига кўмаклашди. Оғир-оғир нафас ростлаётган Устоз кўзларини юмиб олган, ранги қум ўчган, пешонасида совуқ тер томчилари пайдо бўлган эди. Умид беморни безовта қилиб қўйганидан хижолат тортиб, уни ўз ҳолига қолдириш ниятида оҳиста юриб равондан чиқаётганида қутилмаганда узоқдан Устознинг хаста товуши базўр эшитилди:

– Вақт-соати етганга ўхшаяпти, уф-ф...

Ўғлига муносиб қайлиқ излаш ташвишидан қутилиб, анчагина енгил тортган Умиднинг онаси энди ўғлининг оғзини пойлаб тоқати тоқ бўла бошлади. Умиддан эса садо чиқмас, аксинча ҳар қачонгидан кам гапирадиган, нуқул ўй-хаёлга гарқ бўлиб юрадиган қилиқ чиқарди. Унинг ҳардамхаёллигини онаси ўзича тушунди.

– Опангни Чуқурсойдаги баннисага ётқизсакмикан, нима дейсан?

– Нега энди ётқизишимиз керак? Тагин Чуқурсойга дейсиз. Биласиз-ку, у ерда соғ одамми жинни қилишади!..

– Айтаман-да... – деди онаси енгининг учи билан ҳали ёшланиб улгурмаган кўзларини артиб. – Одамлар гап қилади-да, анувнақа Опаси бор деса, қизини бераман деганлар ҳам ўйлашиб қолади.

Умид онасини юпатди.

– Ўйлашиб қолмайдигани топилади, ойи, – деди у онасини бағрига тортиб елкасидан кучар экан. – Опам тузалади, мен ишонаман, ойи, қараб туринг, тузалиб кетади. Опам, биласиз-ку, жуда кўнгличан одам, фақат унда-мунда асабийлашиб, ўзини бошқаролмай қоляпти, холос. Шунга қарамай, кўнглим сезяпти – Опам соғайиб кетади, ойи.

Умиди узилмаган одамнинг жони ҳам узилмайди, деган эди Устоз. Бу гап

Умиднинг сира хотирасидан ўчмас, айниқса қийин дамларда шу гап унга далда берар, уни эслагани, ичида такрорлагани сари вужудига куч-қувват оқиб кира-ётгандек ҳис қиларди ўзини.

Шу топда у ўзидаги ана шу ишонч ва умидворлик туйғуси қандай бўлмасин Устозга кўчиб ўтишини жуда-жуда истар, шунинг иложини топса шифокор йигитнинг ашқол-дашқолларига ҳам ҳожат қолмас эди. «Умиди узилмаган одамнинг... Умиди узилмаган одамнинг... Умиди узилмаган одамнинг...» Умид шу гапни бир неча бор Устознинг қулоғига энгашиб такрорлади, ҳадемай, мана, ҳозир у киши кўзини очади, баралла очиб унга қарайди, «Ҳа, ўғлим, ўтирибсизми?» деб сўрайди. Умид шунга ишонади, Устоз кўзини очган заҳоти унга танбеҳ беради – «Уст-бошингизга қараб кўйинг, йигит» дейди. Аввалига Устози тушунмайди, ҳайрон бўлади, шунда бирдан фикри тиниқлашади, хотираси жонланади, қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборади. «Оббо, Умидвой-ей, мени бопладингиз-ку!» деб елкаларини силкита-силкита кулади, кулгани сайин вужудини ишғол қилган дард тўкилиб-тўкилиб кетади!.. Умид бунга ишонади!..

Телефон нағма қилди. Умид уни қўлга олди.

– Топдингми? – шивирлаб сўради Умид дўсти гап бошлашини кутмай.

– Топилмаганига кўймадим, топдим! – Фарҳоднинг овозида голибона кўтаринкилик сезилиб турарди. – Астойдил киришдим-да ўзиям! Қаловини топсанг – илонни инидан сугуриб чиқарсан, ука!

– Уйингда ўтирган жойингда изқуварлик қилибсан-да? Қойил!

– Хуллас, аллақандай ҳужжати тайёр бўлмаган экан, аллақайси идора раҳбарининг қабулхонасида қон бўлиб кутиб ўтирганакан. Ўша ҳужжати бут бўлмаса, самолётга чиқармас экан.

– Самолётга чиқадингиз ҳужжати шу кунгача битмабдими? Ол-а!..

– Уйида қариндош-уруғи тўпланиб ўтиришибди. Ҳаммалари хайрлашиш учун келишган акам билан.

Умид Фарҳоднинг кесатишга ўтганини сезиб, жиддийлашди.

– Фарҳод, мен бу ердан чиққач, бирров уйга кириб ўтаман, ўзинг тушунасан-ку...

Фарҳод тушунди.

– Майли, бемалол кириб чиқавер, хотиржам бўлиб, кейин борарсан. Унгача, мен ҳам улфатлардан бирига учрашиб келаман.

– Бугун улфатчилик йўқ эди, шекил?

– Зарур иш чиқиб қолди, Азиз билан боғлиқ!..

Азизнинг жонини жабборга бериб бўғилишларими ёки юз йил муқаддам айтилган «қалампир» гапми – Фарҳодга бошқача таъсир қилди. Тўсатдан у Азизнинг оғзидан чиққанини маъқуллашга тушиб кетди.

– Азизтой, қадрдоним, – деди у дона-дона гапириб, – ҳамма ҳаммага хўжайинми, хўжайин эмасми ёки боши оғрмаган Умид айтмоқчи, ҳамма кузатувчими-кузатилувчими – ўзбекча қилиб айтганда, булар қариндош-уруғчилик, маҳалла-кўйчилик, ошна-оғайнигарчилик, амма-холачилик деб аталади. Бу одат оиладан, гўдакликдан бошланади. Бола туғилганидан ота-онаси учун – бола, гўдак! Эликни, боринги, юзни уриб кўйсаям, ота-онанинг измида.

– Ота-она – кузатувчи, ўгил-қиз – кузатилувчи, – илова қилди Умид.

– Кўчага чиқди дегунча кўни-кўшни, маҳалла-кўй – кузатувчи, одамлар – кузатилувчи!

– Қариндош-уруғ, ёру биродар – кузатувчи!

– Бозорда паттачи, налогчи – назоратчи, бизга ўхшаш бозорчилар – кузатилувчи!

– Ишхонада раҳбар – кузатувчи, ходимлар – кузатилувчи!

– Лариса Латиповналар – кузатувчи, бошқа ҳамма – кузатилувчи!..

– Ҳаддиларингдан ошмаларинг, санайверсаларинг, баракаси учади, – деди Фарҳод сўз ўйинига киришиб кетган дўстларини тартибга чақириб. – Кузатувчининг додалари бозорда! Илло, бозордан гап оча кўрма! Бозор ҳангамаларидан бошласам бугун тонг отмайди, огайни! Так что, бозорда нон топиб юрганларга осон тутмаларинг!..

– Энг осони ва маъқули – қонунга биноан ишлаш, ҳеч кимдан, ҳеч қандай текшир-текширу кузатув-музатувдан чўчимай ишлайверасан.

Фарҳоднинг очиқчасига энсаси қотди, у Азизнинг бу гапини эшитмагандай бақрайиб ўтираверди. Умид Фарҳоднинг таъби тирриқлашаётганини пайқади, Азиз огиз жуфтлаганини кўриб туриб, қўл кўтариб уни гапиртирмади. Ўзи гапирди:

– Қонун – кузатувчи, одамлар – кузатилувчи!

– Ҳаддингдан ошма, қонунга тил теккизма дедим, – Фарҳод жиддийлашиб, ҳазил-мутойибага чек қўйди. – Аслида қонун одамларни текшириш учун ўйлаб топилган нарса!.. Биз бозорчилар қонундан эмас, қонунни рўкач қилиб керувчидан ҳайиқамиз. Ишқилиб, нимани восита қилмасин кузатувчи ўзини кузатилувчидан зўр деб билади. Бу ерда мен ҳукмрон, деган, ўйда юради у.

– Ҳозир учовимиз санаб ўтган кузатилувчилар бор-ку, – дея гап бошлади Умид, ҳазилни бас қилиб. – Ўшаларнинг зиммасида айни вақтда кузатувчилик вазифаси, бурчи, миссияси ҳам бўлади. Фақат доим кузатув остида яшайдиган одам палагда одамга айланади, ундайлар ўзгаларни кузатув остига олишга ярамайди. Қарабсанки, ўзи қисиниб юрган одам бировни назорат остига олиш у ёқда турсин, ўзи қисиниб нафас олади, қисиниб гапирди. Ўйлови қисинган одамнинг ўзи эркин бўлолмайди, қисинган бўлади унақа одам.

Устоз ҳолдан тойиб ўтирган ҳолида ҳам ўзига хос тагдор мутойиба топишга ҳаракат қилди.

– Тараққиётнинг шарофати, – деди у беҳол ва синиқ жилмайиб, – сочингдан оёгингача кузатувда... Ичинга чироқ ёқиб кузатадиган асбоб топишганидан кейин уёгини асти қўявер!..

Устознинг ҳазили тагидаги «зил»га шифокор йигитнинг фаҳми етмади.

– Учига чироқ ўрнатилган ичакни ютганингизда ичингиз ёришган-у, ўзингиз сезмагансиз. – Шундай деб шифокор йигит муолажани самарали йўлга қўйишда касалликни аниқлаштириб олишнинг аҳамияти ҳақида гапга тушиб кетди. Чама-си шу билан у тиббиётнинг тараққий топганлигидан, шифокорларнинг илми амали ошганлигидан нах уриб беморнинг руҳини кўтаришга уринаётганди. – Бу ҳали ҳолва. Ҳозир клиникамизга янаям замонавий ускуналар келтирилган, домла розилик берсалар, раҳбарларга айтиб, уларни ҳам опкелтирамиз. Инсоннинг баданида қанча аъзо бўлса, уларнинг ҳар бири қандай ишляпти, ўз вазифасини қанчалик тўғри ва тўла-тўқис бажаряпти – ҳаммасини экранда кўрсатади. Так что...

Устознинг беҳол-бемажол гавдаси узоқ ва унсиз силкиниб турди, у киши ич-ичидан қўйилиб чиқаётган қулгини босолмаётган, бу ҳол лаҳза сайин уни баттар ҳолдан тойдираётгани кўриниб турарди. Ниҳоят, беморнинг мадори қолмади ва у оҳиста ёнбошлаб ётиб олди. Умид чўк тушганча беморнинг елкаларидан авайлабгина тутиб, унинг ўрнашиб ётиб олишига кўмаклашди. Устоз жиддий тортди. Кўзини гира-шира очиб, Умидни имлади. Умид қулогини Устозга яқинлаштирди.

– Уст-бошингга ҳам... ичингга ҳам ўзинг кўз-қулоқ бўлиб юр, болам...

Умид бир нарса эсига тушди чоғи, ўрндан туриб бориб дераза тоқчасидаги газета тўпламидан биттасини олиб, варақлашга тушди.

– Бугун ўқидим, – деди у ҳам Устозга, ҳам шифокор йигитга бир йўла мурожаат қилиб. Сўнг газетанинг керакли саҳифасини очди-да, ўқишга тутинди: «Кишиларнинг саломатлигини сақлаш, хавфсизлигини ҳамда жамоат ҳаловатини таъминлаш мақсадларида яратилган турли хил кузатув асбобларидан кенг фойда-

ланилади, бироқ Фарба бу каби ускуналардан айгоқчилик ва бошқа мақсадларда ҳам унумли фойдаланиш кўпчиликка маълум ҳақиқатдир».

Устоз шогирдига ялт этиб қаради.

– Сиз одамларнинг одамлар томонидан кузатилишини, умуман инсон кузатувчи ва кузатилувчи мавжудот—махлуқ эканлигини ўрганмоқчисиз, кузатишда фойдаланиладиган замонавий ускуналарнинг ривожланиб кетгани эса, эҳ-ҳе-е, алоҳида мавзу.

– Тўғри, – деди Умид бош ирғаб. – Буларнинг Фарба янгилиги қолмаган, биздаги газеталар эса ҳаммадан кейин худди янгилик топгандек кўчириб босишади.

Умид Устоздан эшитганларини ўзиникига қўшиб-чатиб гапиришга одатланган эди. Ўйлай-ўйлай Устоз уни шогирдликка танлаб, ўғлидек кўргани сабабини ҳам ўзича талқин қилди. Ахир Устоз унга тақдим этаётган мавзу, муаммо Умиднинг бошидан ўтяпти-ку?! Бундан чиқди, Устоз Умиднинг турмуш шароитини ҳам, уйдаги аҳволдан тортиб унинг феъл-атворигача обдон ўрганган, шундан сўнггина унга шу мавзунини раво кўрган. Умид ичида яна бир бор Устозга тан бериб, бош чайқади... Устознинг назари кўз ўнгидан кетмайдиган бўлиб қолди... Қачон, қаерда ва қай алфозда бўлмасин онасининг маънос ва дардчил назаридан ҳоли қололмайди. У қўлига тутқазиб қўйилган васийлик паттасида белгиланган шартларга сўзсиз риоя қилади, муштипар онаизорининг «Опанга кўз-қулоқ бўл, болам» деган илтижолари қулогининг остидан кетмайди, ўзи гарчи Опасига изма-из, қадам-бақадам пойлоқчилик қилса-да, хаёлининг бир чеккасида Опаси уни назардан қочирмаётгандек туюлади. Бошқалар билан ишим йўқ деб ўйлар эди Умид, шу ақидада у ҳеч ким билан апоқ-чапоқлашмас, ошна-оғайнилари кўпайтирмас, борларини ҳам уйига бошлаб келмас, уни сўраб эшик қоқиб келадиганлар ҳам деярли йўқ эди. Фақат кейинги пайтда Устозга қаттиқ боғлангани демаса!..

Аввалига Устознинг «таъқиб» этиши Умидга малол келди, малол ҳам эмас, уни ўйлагани сайин Умид ўзини кўярга жой тополмай қолар, ўнғайсизланар, лекин Устознинг унга кўрсатган меҳрибончилиги боис шекилли кўп ўтмай Устозни ўйламай юриш галати туюладиган бўлиб қолди. Лекин орада Котиба қизнинг пайдо бўлиши ҳамма нарсани, Умиднинг хаёл дунёсини остин-устун қилиб юборди.

– Бизда ҳамма ҳамманинг назарида... – деди ўйчан бир алфозда Умид.

Азиз ҳам ўз хаёлларига андармон эди.

– Аслида бу ёмон нарса эмас, – деди у, – ҳамма ҳамманинг назарида яшаш бир томондан яхши ва тўғри ҳам, фақат...

– Нима, фақат? – кўзини лўқ қилиб савол ташлади Фарҳод.

Азиз Фарҳоднинг иддаосига эътибор қилмай сўзида давом этди:

– Фақат одамлар нима деркин, мени таниган-нетганлар қилаётган ишимга, юриш-туришимга қандай баҳо бераркин деган ўй, хавотир, ҳадик одамни ўз ҳолига қўймайди, эмин-эркин юришига, ўзига ўзи хўжайин бўлишига тўсқинлик қилади, охир-оқибат бундай ҳаёт тарзи одамнинг фикрига, ўйларига кишан солади. Дунё миқёсида олсак... у томонларда who is who... кимнинг ким эканлиги билан ҳеч кимнинг иши йўқ... сен ёлғизсан, одамлар уммони ичида эсон-омон қолишнинг бирдан-бир чораси – кучли ва мустақил инсон бўлиб етишиш!.. Нимага қодир бўлсанг, марҳамат, ўшанга эришгин-да, машҳурлик гаштини ҳам суравер, ақчангни ҳам қурутдек санаб ол-да, қандингни ур!.. Биздаги одатлар эса тараққиёт йўлида югуриб бораётган одамнинг оёғига сиртмоқ илдиришдек гап! Фалончи менга эътибор қиляптими? Пистончи нима дейди? деб минг ёққа аланг-жаланг қилгунча бошқалар ишини битириб, дунёни жигилдонидан ўтказиб юборяпти!

– Назар-эътибордан ҳоли қолиш керак демоқчисан-да, шундайми?

– Назар-эйтиборга учмаслик, унга алданмаслик, ундан ҳайиқмасликка одатлантиришимиз керак, одамларимизни!

– Буни нимадан бошлаш керак, Азиз? – савол қотди Умид. – Бошқаларни қўя турайлик, ўзинг шундай яшай оласанми?

– Яшай оламан! Яшаяпман ҳам! Шундай яшасам ва ўзим дилимга туғиб қўйган, кўзлаган энг катта натижаларга эришсам одамларга, сизлар қайгусини чекаётган одамларимизга сен билан Фарҳод ёпишиб олган, ҳаётларингни бағишлаган одамгарчиликлардан кўра кўпроқ нафим, фойдам тегишига ишонаман. Нимадан бошлашга келсак, бугун мен айтсам ва сен тушунсанг, эртага Фарҳод англаб етса... шу тариқа тарқайди! Мана шундай яшаш афзалроқ эканлигини одамлар ўз ҳаётларида кўрадилар, иқрор бўладилар! У ёқда...

Онаси дарвозадан кириб келган ўглини кўрди-ю, хўрлиги келиб йиглаб юборди.

– Қаёқда қолиб кетдинг, болам? Қара, бор. Мени яқин йўлатмаяпти.

– Яқин борманг, эйтибор бераверманг дедим-ку.

– Бор, айвонга чиқ, тирқишдан қара-чи, – деди онаси унга шипшиб.

– Секин, ойи! – қарийб жеркиб юборди Умид. – Оҳ-воҳингизни эшитиб қолса, баттар қилади.

– Мен ов-воҳ қилмасам, сан кўчадан бери келмасанг... Бепарво бўлиб қоляпсан, ўғлим, сезиб турибман. Ман бир ёқли бўлиб кетсам!..

Умид бундай пайтлардаги онасининг дийдиёларига эти қотиб кетганди. Шу сафар у касали тутган Опасига атайин одатдагидек эйтибор қилмасликни, яъни уни изидан қолмай, пойлоқчилик қилмаслигини, шу билан уни ўз ҳолига қўйишни синовдан ўтказаетганини онасига тушунтиргиси келмаётган эди, У айвонга чиқиб борса қайтанга ишнинг пачаваси чиқиши муқаррарлигини биларди, фақат буёқда онасининг кўнглини ўкситмаслик учун ҳам... Шу пайт Опасининг хонасида нимадир гурсиллади, кетидан чинни идишнинг шарақлаб тушиб, чил-чил сингани эшитилди.

Опаси қозонни боши узра кўтариб токчага отган шекилли, Умид айвонга ирғиб чиқиб бориб, сездирмайгина эшик тирқишидан мўралаганида Опаси ҳамон икки қўлини боши тепасида кўтарганича девор томонга хезланиб, оёғи остига чил-чил бўлиб тушган чинни парчаларига голибона анграйиб турарди.

Опаси капгир қирраси билан токча деворини уришга тушди. Умид мўралаб турган эшик тирқишидан оппоқ губор паға-паға бўлиб, сизиб- сирғалиб чиқа бошлади. Опаси ўқчиб йўталди.

– Рўзгоримми бўлак қиламан! Кўрсатиб қўяман, сенларга!..

Опаси шундай деб жавраганича қозонни токчага қўйди, унинг теграсига косаларни қаторлаштириб терди.

– Ўчоқни шетга қураман!.. Қозонни тўлдириб-тўлдириб овқатлар пишираман! Кўрасанлар ҳали!..

У шундай деб улгурмай, қўлида гугурт пайдо бўлди. Умид чўчиб тушди. Нима қилишини билмай, орқага аланглади. Онаси айвонга чиққан, ўглининг орқасидан келиб минг хавотирда вужуди қулоққа айланиб турарди. Ичкарида гугурт чақилди.

– Гугуртни беркитиб юринг дегандим-ку, ойи!..

– Вой, шўрим қурсин!.. Қаттан оганини билмасам!..

Умид зудлик билан бир қарорга келиши, қандай бўлмасин, ичкарига кириб Опасининг қўлидан гугуртни тортиб олиши ёхуд алдаб-сулдаб бўлса-да, унинг гугурт чертишига йўл қўймаслиги керак эди. Шу пайт мутлақо кутилмаган фавқуллодда воқеа юз берди!

Азиз хорижда орттириб келган қарашларидан қайтадиганга ўхшамади-ю, вазиятни кескинлаштирмай Фарҳоднинг тутунини пасайтириш эпини ҳам топди.

– Мен ҳам ўзбекман, ўзбекчиликдан кечиш ниятим йўқ, – деди у кўксига муштлаб. – Бундай каззоблик менинг қўлимдан келмайди.

– Отиб ташлашимдан қўрқдинг-а? – боягиндан анча юмшаб тиржайди Фарҳод.

– Сендек қиёматли дўстимнинг кўнгли отишни тусаган бўлса, мен тайёр! – деб юборди Азиз тантанавор оҳангда. – Шартта отиб ташла, гринг деган номард!

– Ана – ўзбек, мана – ўзбек! – Ҳа-холаб Азизни қучоқлаб олди Фарҳод.

– Мард йигитнинг одамгарчилиги мана шунақа бўлади. Тўғрими, ука?!

У шундай деб Умиднинг елкасига кафти билан урди. Умид кулимсиради.

– Тиржайиб қутиласан-а, айёр! Бирор нарса де, гапир!

Умид Фарҳоднинг талабини ерда қолдирмади.

– Ўзбек одамгарчилик йўлида ҳам ўлиб кетаверади...

Умид бир ўқ билан икки кўённи мўлжалга олган, зеро у ўзича Азизнинг гояларига ҳам, Фарҳоднинг норозиланишларига ҳам тўла қўшилмаган, ҳар қандай икки хил тўғри қарашдан учинчи бир янада теша тегмаган оқилона йўлни топиш мумкин деган ақидасидан кечолмаётган эди...

Азизга қолса, Умид... онасининг кўзёшларини, ожизона илтижоларини эътиборсиз қолдириши, Опасининг жунуни тутган пайтлар... у соғлигида укасидан меҳрини аямайди... Оталик қилаётган Устоздан воз кечиши, унинг тепасида юрагини зардобга тўлдириб ўтиришдан кўра, илмини пухталаштириш йўлини ўйлаши... ҳатто Котибанинг баҳридан... «Мусофирчиликда юриб, уйланишни унутиб юборма, тагин» деди Умид дўстига самимий танбеҳ бериб. Азизнинг жавобидан ҳайратга тушди. «Тўғрисини айтсам, оила қуришни хаёлимга ҳам келтирмадим. Ўйласам, юрагим увишади, чунки, уйлансанг, тамом, хотин, бола-чақанинг камига илинасан!» Умид Котибага ошику беқарор бўлиб қолганини яширмади, Азиз жуда совуққонлик билан яхши, деган маънода бош иргади. «Севиш-севилишга нима етсин, бу ҳар кимга ҳам насиб этавермайдиган мўъжиза, лекин унинг исканжасига бир илиндингми, умринг бўйи ундан қутилолмай хасратга ўтасан. Буёгини ҳам унутма, оғайни!» Демак, Умид Котибанинг баҳридан... қабулхонада ўрnidан қад ростлаб, ўзига илтижо, меҳр-шафқат билан тикилиб-термилган нигоҳлари билан унинг устидан босиб тушаётган тоғдек юқдан халос қилган Котибанинг... Устознинг хасталигидан ўзига сирдош тутиб бохабар қилган, ҳуши қолиб, тушларига кириб чиқаётган Котибанинг... Онасидек меҳрибонлик билан «овқатланиб олинг» деган, уни кўрганда ўзини йўқотиб қўяётган, хаёлини бир зум бўлса-да, тарк этмаётган, тасавурида ҳатто ҳовлисига, уйига бориб, у билан ёнма-ён юрган, турган ҳуши қолиб, тушларига кириб чиқаётган Котибанинг баҳридан ўтиши!.. Олим бўлиш йўлида барчасидан воз кечиши!.. Азиз! Азиз дўстим, қаёқдаги галваларни матоҳ дея кўтариб келдинг, бизга, оғайни?!

Орага тушган жимлик тўфон бўсағасидаги қалтис ва омонат сукунат эканини Умид сезиб турганди. Азиз нима деса барини маъқуллашга ўтган Фарҳоднинг қутилмаганда мулойимлашиб, ичида йигиб турган захрини пуркаш мавридини ўғри мушукдай пушиб пойлаётганини ҳам тахмин қилиб турганди. Ўйлагандек ҳам бўлди.

– Азизбой, оғайни, – деди Фарҳод тамоман ақдан озган одамни инсофга чорлаётган оҳангда ясама босиқлик билан, – инсон инсон бўлибдики, бир биридан андоза олиб яшайди, бир бирига ўргатади, бир бирини тарбиялайди. Назорат дейсанми буни, оёғига урилган кишан дейсанми – ихтиёринг, лекин ўзбек шундай я-шай-дд-и! Ўзбекчиликни, ўзбеккона одамгарчиликни чидаганга чиқарган!.. Ҳеч ким ҳеч ким билан иши бўлмаслик, ҳар ким ҳушига келган номаъқул бузоқнинг тезагини титиб юравериши... гапнинг ўғил боласини айтсам, бола-чақадан, ота-онадан воз кечиш эвазига эришиладиган ва сен мақтаётган ўша тезликнинг ҳам, шиддатнинг ҳам тараққиётига қўшиб афтига тупурдим! Эришган та-

раққиётига қўшмозор қилади, ўшаларингни, худо, тушундингми?! Ўзбек икки дунёдаям сен осмонга кўтараётган, ақл-хушингни ўғирлаган йўлга юрмайди. Қарда яшаш ихтиёринг, илло-билло бу гапларимни қулоғингга қуйиб ол, бола!..

– Оғир беморлар ётадиган палаталар бор-ку, – деди Устоз рўпарасида ёки ёнгинасида ўтирган кишиларга ортиқча эътибор ҳам қилмай қўйган кунларнинг бирида, – реанимация дейишармиди?.. Менга қолса, ўшандай палаталар шифти-ни гумбазли осмон қилиб ишлашса...

Умид жимгина Устоздан кўз узмай ўтираверди. Устоз бирмунча фурсат жим бўлиб қолди. Чамаси у бошлаган гапининг мазмунини унутиб қўйгандек эди. Умид аввалига саволназари билан қаради-ю, беморни ортиқ уринтирмаслик ниятида индамай қўя қолди. Шунда Устоз гапининг давомини топди:

– Айтмоқчиманки, ўша гумбазга юлдузлар сурати туширилса, оғир ётган одамнинг хаёли осмонга, юлдузларга кетади... Ҳар кимни кўкда ўз юлдузи кузатиб турган бўлади. Одамларга айтолмай, ошкор этолмай ичингда қолган гап-сўзларингни, орзу-ниятларингни бор-борича ўша юлдузларга тўкиб соласан, улар жимгина тинглайди, раъйингни қайтармайди, сазангни ўлдирмайди, термиле-еб сени кузатиб милтираб тураверади... майли-да, анча енгил тортасан...

Яна, менга қара, – деди қарийб дағдага билан Фарҳод забтига олиб, – «бу ёқда», «у ёқда» деб жа катта кетаверма! Аслини айтадиган бўлсак, ҳар бир одамми изидан тушиб, пойлаш ўша сенинг юртингдан чиққан! Одамларни пойлаш, босган қадамини кузатиш, оғзидан чиққанини хуфёна ёзиб олиш – таъқиб этиш усқуналарининг энг додаларини ҳам ўша томонларда ўйлаб топишган. Тўғрими?!

Умид мунозара даҳанаки жангга айланиб кетишидан хавотирда гапни ҳазилга бурди:

– Фарҳод ҳам унча-мунча халқаро шарҳловчидан кам эмас, – деди кулиб. – Уйда телевизорга ёпишиб олиб, ҳамма нарсани билиб ётади. Ҳақиқатни айтганда, ҳар бир одамни таъқиб этиш, кузатишни қўя турайлик, оғайни, ўша сен мақтаётган давлатинг ер юзидаги ҳамма давлатларни тепасида турган кузатувчига айланиб олмоқчи-ю! Бурнини суқмаган жой қолмади ер юзида!

Азиз қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

– Нега менинг давлатим бўлади, Фарҳод?! Нега менинг юртим бўлади у томон, Умид?! Сал ўйлаб гапирсаларинг-чи!

– Ўзинг...

– Азиз Фарҳодни гапиргани қўймади.

– Гуноҳим уч йилга ўша ёқларга бориб келганимми?! Кўрган-нетганимми сенларга гапириб берганимми?! Шунинг учун мени она юртимдан бадарга қилмоқчимисанлар?! Мендан юз ўтирмоқчимисанлар?!

– Барибир овқат пишираман!.. Қозонни тўлдириб пишираман!..

Опаси шундай дея қозонни тоқчадан олиб, уни девор пойига тақаб ўрнатди, чўк тушди-да, бир парча қоғозни гижимлаб уни ёқишга тутинди. Умиднинг қўли беихтиёр эшикка тегиб кетди.

– Изимдан пойлаб ўл-а! Ҳу, турқинг қурсин, исковуч!..

Опаси шундай деб кескин қад ростламоқчи бўлди-ю, қалқиб кетиб, жойига ўтириб қолди. Капирни олиб, ўтирган жойидан қуруқ қозонни даранглашиб кавлашга тушди. Бу орада Умид ичкарига мўралаб улгурган, лекин у ёққа қадам босишга жазм қилмаган эди. Кутилмаганда... Опаси ўтирган жойида бир нуқтага тикилганича хийла фурсат жим қолди, шу ҳолида у қотириб қўйилган жонсиз танага ўхшар эди. Умид Опаси яна қанча вақтгача қимир этмаслигини ўзича тахмин қилиб чамалаётганида Опаси гўё боши қаттиқ оғриган одамдек икки кафтини икки чаккасига босганича кўзларини чирт юмди, бошини орқага ташлади, кўзини очди-ю, бу сафар кафтларини кўзларига босди. Умид Опасининг

бундай хатти-ҳаракатини биринчи бор кўриши эди, эшик тирқишидан ичкарига кириб кетгудек алфозда тумшуги, башараси билан эшикка тиргалди.

– Келдингми, Умид, ке...

Опасининг товуши шу қадар мулоим эшитилдики, азабройи Умиднинг юраги эзилиб кетди. Опасининг шу икки оғиз сўзида ҳам илтижо, ҳам боягина айтган ҳақоратлари учун хижолатвозлик, ҳам... ҳавас оҳанги бор эди. – Киравер, укам, еб кўймайман. Ёнингдан кетмай қолди-ку, яхши қиз экан, кўрқмай келаверсин...

Умид лом-мим деёлмади, ҳали ҳеч кимга ошкор қилмаган, ҳатто онаси ҳам равшанроқ сезмаган «ёнидаги»ни, мана, Опаси худди кўрган, билган, танигандек айтиб турибди! Умид Опасига маъқул келадиган сўз топишни ўйлаётиб, оёгининг ёнгинасида ётган гугуртни сездирмай олишни мўлжаллади. Бироқ у бунга жазм этиб улгурмай Опаси бояги-бояги алфозда ўтирган жойидан гугуртни олиб, укасининг қўлига тутқазди. Унинг хаёли ҳамон тиниқлашмаган эди, паришонлиги кўздан сезилиб турганди. Умид гугуртни кафтида тутганича, уни яширишга шошилмади. Чунки унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, кўз қараши, ҳатто хаёлидан кечаётганлари Опасига қаттиқ таъсир қилишини яхши биларди.

– Мен тузалиб қолдим, Умид, – деди Опаси бошини қуйи эгиб маҳзун товушда, – ҳаммаларинг кираверинглар, овқат сузиб бераман...

Вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай Умид Азизникига етиб борганида ҳовли чароғон ва гавжум эди. Чамаси Азиз ҳам анча ҳаяллаб эндигина кириб келган чоғи, уни кутавериш тоқати тоқ бўлган қариндош-уруғ, ёр-биродарлар уни ўртага олишган, бири олиб-бири кўйиб чекка-чеккадан савол ёғдиришар, Азиз шунчалик толиққан эдики, уларнинг ҳеч бирига ёлчитиб жавоб беролмаётганди.

Умид эса... Опасидаги ўзгаришни кўрган кўзларига, гапини эшитган қулоқларига ишоналмайётганди. Наҳотки, Котибадан хабар топган, наҳотки, Умиднинг ҳардамхаёл бўлиб юришларидан кўнгли сезган бўлса?! Келиннинг пойқадами ёқиб, Опаси тузалиб кетса-чи!.. Кўрқмай келаверсин, деди, демак, Опаси Умиднинг уйланишига қарши эмас, унга тўсқинлик қилмайди, балки келин тушишини орзу қилаётгандек!..

Азиз қолиб, ҳаммани ўзига қаратиб ўтирган Фарҳоднинг оғзи қулоғида экани дарҳол сезилди. Умид сўрамаса-да, Фарҳод бунинг боисини тушунтира кетди:

– Ёру дўстларнинг кўплиги шундай пайтларда иш беради, ука, – деди у Умидга. – Акам ҳужжатларни топшириб кўйибдилар-да, буёғи қонуний битаверади де-еб юраверибдилар! Бир ойда ҳам навбат келмаган! Ман айтиб қўя қолай, умрингни охиригача кут, навбат кемайди ҳам!.. Воҳ-ҳо, ҳей-й!.. Битта печат деб, акам йўлдан қолиб кетарди, ўзиям!..

– Печатни сен кўйиб бердингми? – истехзо аралаш сўради Умид.

– Тўғирладим-да, ишқилиб. Янги улфатлардан бирининг амакиси ўша идора каттаси билан ошна деб эшитгандим. Дангалига бордим. Иш халта дедим. Гап йўқ деди. Самолёт учишига тўрт соат қолганда Азизтойнинг ҳужжатига печат юмшоққина қилиб босилди.

Бир фавқулудда ҳолат бошқасини етаклаб келади деган гапнинг қанчалар тўғри эканини Умид ўз тажрибасида бошидан ўтказди. У Опасидаги ўзгаришдан ҳамон ўзини кўярга жой тополмас, уни бировга айтишга ҳам шошилмаётган эди, бир кўнгли Устоздан хавотири аримаган бўлса-да, қиёматли дўсти билан олис сафар олдидан хайрлашиб кўйиш ниятида ниҳоят Азизларникига етиб келганига хурсанд, шу кайфиятда хаёлларини йиғолмай Фарҳоднинг ҳангомаларини эътиборсиз тинглаб ўтирганида телефон овоз берди. Ким қиляпти? Онаси эмасдир? Фарҳод шу ерда, бошқа... тинчлик бўлсин-да, ишқилиб!.. Устознинг уйдан бўлса-чи?.. Худо сақласин!.. Хаёлига келган ўйдан Умиднинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. Шошилиб, ҳатто телефон ойнасига кўз югуртирмай, унинг қулоғини очди.

– Лаббай!

– Умид ака!..

Умид турган жойида қотиб қолди. Аста-аста юриб, ўзини одамлардан четга олди.

– С... сиз... Сизми? Мен ўзимман. Гапираверинг, эшитяпман, гапираверинг!..

– Умид ака, – Котиба қиз, у ҳам ҳаяжонландими ёхуд йиғламсирадими, Умид шошганидан тушунолмади, диққатини жамлашга ҳаракат қилиб, қулоқ солди. Қиз зумда ўзини қўлга олиб, айтди: – Опоқи кўнғироқ қилдилар, тезда уйларига етиб борар экансиз!..

Умиднинг кўз олдида новча дўхтир йигитнинг бўй-басти пайдо бўлди. Опоқи уни биринчи сафар, «Марказнинг баннисасидан, домлага бириктирилган дўхтир» деб таништирганидан буён яхши билади, ўша-ўша дўхтир йигит билан кўп-кўп мулоқотда бўлди, унинг ўз касбини пухта эгаллагани, босиқ ва синчковлигига Умид кўп гувоҳ бўлди. Нега у кеча ё бугун Устоздан хабар олмади? Беморнинг аҳволи олдинга қарайдиганга ўхшамайпти.

Умид Фарҳод ва Азиз билан ёнбошла-аб отамлашиш уёқда турсин, улар билан бемалолроқ гаплаша олмади. Айниқса Котибанинг кўнғироғидан кейин у тамом ўзини йўқотиб қўйди. Азизнинг ўзи ҳам гурунглашадиган аҳволда эмасди, бунинг устига, ҳадемай йўлга отланиши, унга қадар юкларини тартибга келтириши керак, буёқда онаси шўрлик келганингдан бери тўйиб гаплаша олмадим-а, ўғлим, деб кўз ёши қилиб олди.

Азиз Умидни кўчага кузатиб чиқди. Қучоқлашиб, хайрлашишди.

– Юр, олиб кетаман, – деди Азиз ҳазиллашиб. – Дунё жуда кенг, оғайни...

Умид Устознинг уйига ета-етгунича шуни ўйлаб борди. Дарҳақиқат, нега бирон марта чет юртларга боришни кўнгли тусамасди? Ўйлаб кўрмади, ҳавас ҳам қилмади? Азиз тенгқури, ўзи билан бирга улғайди, ҳаётда йўлини топиб олди. Йўлини топганмикан? У асли шундай: доим ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир галвани бошлаб юради. Хорижда, мусофирчиликда нималар қилиб тентираб юрибди? Боя кимдир сўради-я: топиш-тутишингни тайини бўлмаса уёқларда нималар қилиб юрибсан ўзи, Азиз деб. Дарвоқе, Умид ҳам, Фарҳод ҳам шуни сўраб-нетишмади. Нима қилиб юрибди, Азиз мусофирчиликда?.. Икки ҳафта бурун учрашишганда Умид шунга яқин савол қотди. Ўзим ҳам билмайман, деди Азиз. Бир оз ўтиб, тўсатдан ўзи худди энди англаб етган янгиликни айтаётгандек чиройи очилиб деди: у ерда мени кузатувчилар йўқ. Ҳеч кимнинг мен билан иши йўқ. Мен ўзимга ўзим хўжайинман. Фалончи нима деркин, фалончига ёқармикан-ёқмасмикан, деган тушунчаларни унутиб ҳам юборасан, бунинг завқини тушунтириб беролмайман, Умид... Талабалик йиллари Катта чўлга пахта теримига боришган. Кунда-кунора баракда Азизни излаб қолишар, сабоқдошлар орасида ўрнатилган қаттиқ тартиб-интизомга, устма-уст берилаётган танбеҳу огоҳлантиришларга қарамай, Азиз яна туман ё вилоят марказига кетиб қолаверар эди. Уёқларда нима қиласан, сандироқлаб Азиз, деб сўради, бир куни Умид. Азиз айтди – район марказими, област марказими аҳамияти йўқ, муҳими сени ҳеч ким танимайдиган, бирортаям таниш-билиш бўлмаган жойларда юрсанг ўзингни мутлақо бошқача ҳис қиласан, одам!.. Демак, бундан чиқди, Азиз ўзи билмаган, англаб етмаган ҳолда, мана энди Устозни ўйлантираётган Умид ўрганишга чоғланаётган бир ҳолатни ўзида синаб кўрган, ҳамон синашда давом этмоқда.

– Устозингни Котибасига шунчалик ишқинг тушибди, қандингни ур, севги-муҳаббат одамни бошқа барча машмашалардан халос этади, – деди Азиз. Бу гапни у Умидга ҳаваси келиб айтгандек туюлди.

– Раҳмат, – деб оғзининг таноби қочди Умиднинг. Бироқ Азизнинг гапи тугамаган экан.

– Дунёнинг ташвишларидан қутқаришга қутқаради-ю, унинг ўзи дунёга сигмайдиган галва, изтиробларга дучор қилади одамни...

– Дўстининг гапи қанчалик оғир ботмасин, ҳаққи рост, Умид буни кўриб-билиб юрибди: ҳамма ўй-ташвишлари ҳам бир, Котиба қиз ўғирлаган хаёллари ҳам бир!.. Унинг дийдорига етишиш учун Умид бошқа ҳар қандай азиз нарсасини бой беришга тайёр!..

У бутун диққат-эйтиборию саъй-ҳаракатини бир нарсага бағишламоқчи, шу йўлда, Азиз дўсти уқдирмоқчи бўлаётганидек, ҳеч нарсага чалғимасликка, ўзини шу мақсадга бағишламоқчи ва одамлардан кузатувчимисиз ё кузатилувчимисиз дея сўрамоқчи, шу биргина саволни «Уст-бошингизга қараб қўйинг дегандек жуда оддий, жўн ва кундалик саволга айлантирмоқчи, насиб этса одамларни ҳаммиша ушбу саволга жавоби тайёр бўлмоқликка ундамоқчи, одатлантирмоқчи эди... Опасига васийлик, яъни пойлоқчилик, яъни кузатувчилик бурчи ҳақида... ундай деса, чуқурроқ ўйлаб кўрса, у Опасини эмас, Опаси уни кўпроқ, синч-ковроқ кузатишини сезиб қолди, буёқда онаси, Устози, қолаверса, жонажон дўсти Фарҳод ҳам уни ҳоли-жонига қўймай кузатиши, Умид улар учун кузатилувчи эканлиги – Умид буларнинг ҳеч биридан халос бўлиб, ўзини улардан дахлсиз ҳис эта олмаслигини ўйлаб, ахир онасининг илтижолари қулоғида, фикр-хаёли Опасида, Устознинг тепасидан жилаётгани йўқ, қиёматли дўстлари билан одатдагидек ҳамнафас, фақат шундай бир пайтда фавқулодда мўъжиза юз берди!.. Бу мўъжиза Умиднинг тамомила ўзига банди қилди-қўйди!.. Буни биринчи бўлиб Опаси сизди, топиб айтди у – фақат Котиба қиз унинг ёнида эмас, ичига – вужуд-вужудига сингиб кетди, фикри хаёлига, нафасига айланди!..

– Сиз, – деди Умид қизга ясама ўқрайиб.

– Сиз ўзингиз, – деди Котиба қиз ўпкаланиб.

– Сиз!! – деб юборишди улар бир-бирларига ва бараварига қаҳ-қаҳ отиб қулиб юборишди...

Умид шошганича Устознинг ҳовлисига кириб келди, тўхтамай юриб бораркан, опоқи билан кампирнинг равонда – бемор ётган каравот тепасида куймаланишиб туришганини кўрди. Опоқи Умиднинг шарпасини сизди-ю, пиқиллаб йиглаб юборди. Умид Устознинг катта-катта очилган ва лекин ҳеч бир маънони уқиш қийин бўлган кўзларига қараб кўрқиб кетди. Гапирай деганди, тили калимага келмади.

– Келақолинглар! – деди опоқи ҳовли томонга қараб.

Равонга аввал кекса ёшдаги оқ сочли киши, изидан новча дўхтир йигит киришди. Кекса киши вазмин қадамлар билан беморнинг тепасига борди, дўхтир йигит кўзини бемордан узмай бош эгиб каравот ёнида укасининг елкасига кафтини босиб турган кампирга салом берди. Кампир бетини терс бурди, унинг умид иплари узилган қарашларида «Сенлар уддасидан чиқадиган юмуш қолмади» деган аччиқ иддаони уқиш мумкин эди.

Новча дўхтир йигит шошилинич жомадончасини очиб, ундан аллақандай асбоб-анжомларини чиқариб, оқ сочли кишига узатди. У киши керак эмас деган маънода бош чайқади. Шифокор йигитнинг шундайига ҳам офтоб кўрмаган бетидан баттар қон қочди.

Умиднинг вужудини кўрқув қамраб олди. У ўзига ўзи жудаям ожиз, бечора туйилиб кетди. Нима қилиш керак?! Қандай воқеа юз берапти? Нима бўлади энди?! Шартта равондан, сўнг ҳовлидан чиқиб дуч келган томонга қочиб кетса-чи? Устознинг шу аҳволини кўрмаса, ҳеч нарсани эшитмаса?! Қочиб чиқса-ю, ҳамма-ҳаммасини унутса?.. Кўзига ҳеч нарса кўринмаса... Кўринмаса... Кўзларига...

– Жуда ғалати бўлган-а, Умид ака! Тавба, ичкаридан шундай бир аҳволда чиқиб келдингиз-у, сизга қараганимча ўзим ҳам кўз узолмай қолибман! Сиз ўзингиз ҳам чурқ этмай қараб туравергансиз-а?

– Халал бермай деганман...

– Нимага халал бермай дегансиз?

– Фаришталарга... Ўша жим бўлиб бир-биримизга тикилиб, термилиб қолганимизда фаришталар икковимизнинг қалбларимизни қовуштириб қўйишаётганини сезгандайман. Ўшаларга халал бермай деганман!..

Ҳовлидаги сўри ёнида пайдо бўлган қўлаганинг Мақсуд эканлигини Умид бир қарашда таниди. Мақсуд шошилиб, лекин шовқинсиз юриб келиб, ўзини равонга урди. Ҳеч кимга қарамай, тўғри отасининг ёнига келиб чўк тушди.

– Дада!..

Мақсуднинг товуши бўғилди. У дик этиб туриб эшик томон югурди. Остонада пайдо бўлган қора соқолли, басавлат, узун чакмон кийган, кўк дўппили мўйсафид домлани ичкарига шоширди. Уни кўрган аёллар изма-из равонни тарк этишди. Мўйсафид вазмин юриб, беморнинг тепасига борди. Икки бармогининг сиртини Устознинг манглайига теккизиб, иссиғини билмоқчидек бир зум жим қолди. Беморнинг оғир-оғир, узук-юлуқ нафас олишига разм солди. Ер остидан шифокор йигитга назар ташлади. Шифокор йигит қўлини қовуштирганича ўзини четга олган, боягиндан кўра хийла хомуш тортган, бу орада оқ сочли кекса киши ташқарига чиқдими, равонда кўринмай қолган эди.

Мўйсафид домла хонтахта ёнидаги кўрпачага чўк тушганича овозини пастлатиб, ўзига ўзи гапираётгандек пичирлади:

– Ҳар жоннинг изни ўзингда, парвардигор... Бор қилгувчи ҳам, йўқ қилгувчи ҳам ўзинг...


Умид ялт этиб домлага қаради. Мўйсафид унга эътибор қилмади. Ярим тун сукунатига озор етказмайгина жаранглай бошлаган садони эшитган Умиднинг аъзой бадани жимирлаб кетди:

Я-си-ин-н. Вал қуръанил ҳақи-и-м-м...





Дийдорға ишондим



**Омон МАТЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири**

ВАТАН МЕҲРИ

Парвоз этдим мен қушларга қўшилиб эркин,
Оқ булутлар пешонамни ўпдилар силаб.
Замин сеҳрин шунда қалбга жо этган эдим,
Оқ хирмондан ҳар ёқамга толалар улаб.

Ўзбекистон — зўр табаррук маъволар юрти,
Берунийлар, хоразмийлар, кубролар юрти,
Етти иқлим мафтун бўлган наволар юрти,
Ватан бирла миллатга жон фидолар юрти!

Янграганда чаманларда булбул овози,
Гуллар абад рақса бунда, капалаклар маст.
Сир ва Жайхун онам меҳри туташ дарёлар,
Қайга бормаи, азиз нурлар жонимга пайваст.

Ўзбекистон — зўр табаррук маъволар юрти,
Бухорийлар, фарғонийлар, синолар юрти,
Етти иқлим мафтун бўлган наволар юрти,
Бизга мангу ижобатли дуолар юрти!

Ватан меҳри — хаёлларим узра биллур тож,
Ватан меҳри — орзуларим рамзи бебаҳо,
Ватан меҳри — иқболимининг олтин калити,
Ватан меҳри — юрт кўкида чарх урган ҳумо!

Ўзбекистон — зўр табаррук маъволар юрти,
Улугбеклар, термизийлар, даҳолар юрти,
Етти иқлим мафтун бўлган наволар юрти,
Ватан бирла миллатга жон фидолар юрти!

ИККИМИЗ

Қўш қирғоққа тушди уммон орзуси,
Мавжларга ўн икки буржнинг ёғдуси.
Ва, охир, бир ёна боқдик иккимиз,
Битта дарё бўлиб оқдик иккимиз.

Бир ёна ёна етдик,
Жон тикиб жона етдик,
Фақат севгимиз боис,
Гўзал замона етдик.

Уфқлар қуёшни ларзага солгандек,
Қутблар қуёшни асрай олгандек...
Ва, охир, бир ёна боқдик иккимиз,
Тонг муждаси бўлиб балқдик иккимиз.

Хақни тавоб етдик тўқсон тўққиз бор,
Шу боис, дийдорга бўлдик сазовор.
Ва, охир, бир ёна боқдик иккимиз,
Ижобат эшигин қоқдик иккимиз.

Ишқ аҳли бир йўлда бўлсалар мудом,
Замон охир бўлмас, туганмас инъом.
Ва, охир, бир ёна боқдик иккимиз,
Шукр, висол жомин тотдик иккимиз.

ТОШКЕНТДА

Қаламим парилар йўнар Тошкентда,
Йўлларим гулларга тўлар Тошкентда.

Бир оқ варақ кўрса, чақмоқлар тиниб,
Меҳр ёғдусига дўнар Тошкентда.

Дунё кўрган қушлар қайта айланиб,
Қанот покламоққа қўнар Тошкентда.

Ерга бир дон тушса деҳқон қўлидан,
Минг жаннат гуллари унар Тошкентда.

Болакай бир нега бармоқ текизса.
Кўрай деб сабо ҳам тинар Тошкентда.

Шоший, Шайхонтоҳур руҳлари уйғоқ,
Мангулик рамзидек ёнар Тошкентда.

Муқаддас Навоий кутубхонаси
Тамаддун кудратин синар Тошкентда.

Ҳарки, баргга қўнган битта шабнамга,
Қуёш ҳам кўзгудек инар Тошкентда.

Нури ислом шунда, шоҳ карим шунда,
Ҳар юлдуз кахкашон тилар Тошкентда.

Дунёвий эътироф нон шаҳри азал,
Башарга ризқу рўз тилар Тошкентда.

Эътиқод меҳрибон, чин иймондадир,
Келганлар таъзим-ла, тинар Тошкентда.

Ҳали минг-минг ошиқ, худди мен каби,
Чинакам ишқ топиб, қўнар Тошкентда.

* * *

Қиш армони кетди қорда шу кунлар,
Гул навбати навбаҳорда шу кунлар,
Ҳар келган қуш эътиборда шу кунлар,
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,
Тилим шеърда, қўлим торда шу кунлар.

Қиш кетдию паст жойларда музи бор,
Хат ёзганнинг сиёҳимас сўзи бор,
Ер экканнинг юз ранжи, бир ҳази бор,
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,
Умр ҳикмати — даст бакорда шу кунлар.

Гулмих тегса, тош ҳам мазмундор бўлгай,
Кимки ошиқ ўлса, мажнунвор бўлгай,
Фақат ҳақ сўз элга маъжун кор бўлгай,
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,
Қадру қиймат номус — орда шу кунлар.

Ўзбекистон — жаннат устахонаси,
Не-не буюк инсонларнинг онаси,
Сенга боқиб, жаҳон кўзи ёнаси,
Кўзим йўлда, кўнглим ёрда шу кунлар,
Менда зўр бир гурур бор-да шу кунлар.

ЎЗБЕК ГЎЗАЛИ

Бу ҳусни тажалли осмондан эмас,
Кўкка бу хил ишлар имкондан эмас.

Лабингдан шакл олди бичиқчи баҳор,
Бу қирмизи ғунча бўстондан эмас.

Ҳикматлар ҳосили деҳқонникидир,
Дона холинг бўлак хирмондан эмас.

Яралдинг бир қатра соғинч ёшимдан,
Кўз остимдан бўлак уммондан эмас.

Омон рост гапни ҳеч қарзга олмайди,
Севдим деганларим ёлғондан эмас.



ИШҚ

Ишқ не дединг? Фазлу камолингдир ишқ,
Кипригинг – ҳаёлиг саволингдир ишқ.
Тонг йўлига қуёш нафис зар ёяр,
Орзу қанотида ҳаёлингдир ишқ.

Сенинг ишқинг билан дунё кезгум бор,
Арш тоқига висол расмин чизгум бор.
Руҳимни гарчи чарх қаён сурмасин,
Вафо аҳли билан мажлис тузгум бор.

Ҳижрон синар бўлса гарчи дошингни,
Оҳим билан артай кўзда ёшингни.
Нолам булбулларни лол айлағай, лол,
Ҳаётда ҳеч эгик кўрмай бошингни.

Сени деб уйғондим,
Сен бор учун ёндим.
Исмингни биргина
Айтиб мен қувондим,
Дийдорга инондим.

БУЮКЛАР МУҲАББАТ ҲАҚИДА

*Бир-бирингизни севинг – бахтли бўласиз. Бу шунчалар оддий
ва шунчалар қийиндир.*

Мишеи Муниг

* * *

Ҳаётда бир бахт бор: севмоқ ва севилмоқ.

Ақмад Ғошим

* * *

Ҳақиқий бахт севишни ўрганишдир.

Плотен Халлермун



Сўзтуморим...

сиз мани...



ҚУТЛИБЕКА

ХАЛҚИМ

Юлдуз сўнмай дарвозасин кенг очиб,
Фаришталар йўлларини супурган.
Нон увогин қумри қушларга сочиб,
Нафасидан гул ифори уфурган,
Зариф кўнгил чамандорим сиз мани,
Кўнгли камга ҳовандарим сиз мани.

Елкасига боласини миндириб,
Бир қувончга биттадан тўй тўйлаган.
Ичи куйса, қоратолни синдириб,
Ҳуштак ясаб, «Чўли ироқ» куйлаган,
Гоҳ созчи, гоҳ қаламдорим сиз мани,
Машраб феълли қаландарим сиз мани.

Ичга ютар чекиб юрган ранжини,
Бахтин айтиб, бошқасини айтмайди.
Қора тупроқ тилиб топар ганжини,
Қора меҳнат қорайтса-да қайтмайди.
Заҳмат билан оламдорим сиз мани,
Ўтдан чиққан самандарим сиз мани.

Севиб боқсам, фақат чирой кўринар,
Ҳаммангизга, кўзтуморим сиз мани.
Ўзимники ўзимга ой кўринар,
Сўзтуморим, ўзтуморим сиз мани...
Ўтдан чиққан самандарим сиз мани...

СОФИНИБ КЕЛДИМ

Отамни отадай қучган эй тупроқ,
Онамни онадай қучган эй тупроқ.
Гардинг кўзларимга сурмалар қилай,
Суврати кўнглимга қўчган эй тупроқ,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

Ойдинда ошиқлар солган сўқмоқлар,
Атирлар ифори қолган сўқмоқлар.
Қилдай жони билан қаттиқ тирмашиб,
Баландларга чиқиб олган сўқмоқлар,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

Тубларида осмон оққан анҳорлар,
Мавжида юлдузлар қалққан анҳорлар.
Бир толни бир кунда минг бора ювиб,
Майсаларга маржон таққан анҳорлар,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

Ёмғир ичиб гулқиз бўлган эй боғлар,
Қаҳратонда қорқиз бўлган эй боғлар.
Ёз, куз гулханида ёниб битмаган,
Шамолларда ҳофиз бўлган эй боғлар,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим

Кўзимнинг устида кўрганим оғам,
Номард дунёда мард юрганим оғам.
Изимдан изиллаб бўронлар қувса,
Қалқоним, қалъаи кўргоним оғам,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

Аждоди фозила отин бибилар,
Койиши, олқиши олтин бибилар.
Элни эл қилгунча муштдай юраги,
Гоҳ тутун, гоҳида ўтин бибилар,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

Кўнгил дарёндаги чўкмас кемалар,
Болалар, холалар, тоға, аммалар.
Жонлари жонимга туташиб кетган,
Қорақош, қорақўз — ҳамма, ҳаммалар,
Мен сизни олисдан соғиниб келдим.

ҚИЗОЙИМГА

Қорачигинг кўз қорамга ўхшайди,
Қизилгулдай қизариб титранасан,
Дил қушларинг беоромга ўхшайди.

Қора сочларинг қошингга тушибди,
Ёш жонингга қадим азоб харидор,
Севги савдоси бошингга тушибди.

Ёнбошингда онанг қўйган парку бор,
Тошдай ботар, киприкларинг қовушмас,
Юрагингда муҳаббатдан қўрқув бор.

Хаёлларинг ой юзингга сочасан,
Ошиқликнинг йўли бахтми, бахтсизлик,
Саволларинг ой юзингга ёзасан.

Ошиқ кўнгил бир кун тигда, пичоқда,
Бошқа куни гул ичида яшайди,
Шу кўнглингни жуда қаттиқ кучоқла.

Ҳоришингга жоним садага бўлсин,
«Оҳ» тортганда оҳларинг ҳам шириндир,
Ҳар ишингга жоним садага бўлсин.

Кимни суйса ишқ беради худойим,
Жонин сотиб, ишқ олади билганлар,
Ишқи йўқлар қўрқсин, қўрқма қизойим.

УЗОҚЛАРДА

Дарёларнинг ул юзида уйларингиз...

Денгизларнинг ул юзида уйларингиз,
Оқаришиб кўринади бўйларингиз...
Узоқлардан кўринса-да, бўйларингиз,
Жонимизга туташмиди уйларингиз?!

Кўзларимиз кўзингизга кўринарми,
Кўнглимиздан не кечгани билинарми?
Булут қамал қилган маҳзун ойга қараб,
Бизни эслаб юрагингиз тилинарми?

Денгизларнинг ёқасида уйларингиз,
Узоқлардан кўринади бўйларингиз.
Узоқ бўлса бўлаверсин, бўзлагаймиз,
Сиздан бошқа ким тушинар сўйларимиз?

Шамол билан келиб турар куйларингиз,
Ҳур учунми ёқимлидир, асаллидир?!
Узоқлардан оқарса ҳам уйларингиз,
Титраб турган кўнглимизга тасаллидир...
... Кўнглимизга жуда яқин тасаллидир...





УЙҚУСИЗ КЕЧА

Икки пардали драма



Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

Қатнашувчилар:

Акбар ота

Моҳира

Тоҳира — отанинг қизлари.

Шоира

Адҳам

Баҳром — отанинг куёвлари, яъни боғалар.

Ботир

Дилбар — отанинг набираси.

БИРИНЧИ ПАРДА

Акбар отанинг осойишта ва саришта хонадони. Чароғон ва кўркам зал. Диванда ёшгина талаба қиз Дилбар журнал варақлаб ўтирибди. Эшик тақиллайди. Қиз эшикни очади. Остонада қувноқ қийфада шу хонадоннинг ўртанча қизи Тоҳира ва унинг эри Баҳром кўринадилар.

Дилбар. Ассалому алайкум, почча, аммажон. Марҳамат, марҳамат!

Баҳром. Во алайкум ассалом, Дилбаргинам, яхшимисан, жиян. Ўзгинанг ўтирибсанми, зерикиб?..

Тоҳира. Доногина Дилбарим, меҳрибон жиянгинам, нега зерикар экансан? Яхшимисан, ўқишларинг қалай? Ота-онангни соғинмаяпсанми?

Дилбар. Раҳмат, аммажон. Имтиҳонларга тайёрланиб ўтирибман. Мана буюққа, диванга ўтиринглар.

Баҳром. Раҳмат. Бахтли бўл, илойим. Амаким қанилар?

Дилбар. Бобом ҳализамон келиб қоладилар. Гузарга, сартарошхонага чиққан эдилар.

Баҳром. Фасон бўлиб келарканлар-да бобой.

Тоҳира. Ўзларига қараб юрсалар яхши-да. Онаминг вафотидан сўнг анча чўкиб қолдилар. Қандай одам эдилар-а...

Баҳром. Ҳамманинг бошида бор гап бу. Ҳеч ким дунёга устун бўлган эмас. Эй, ёлғизлик қурсин... Ҳеч кимни жуфти ҳалолдан бемаҳал ажратмасин.

Тоҳира. Шунақа дейсизу... баъзида тириклай тақиб қилишгайм тайёрсиз...

Баҳром. Ўзинг ҳам ошириб юборасан-да. Жанжалга тап-тайёр турасан. Жаҳлинг бурнингни учида...

Тоҳира. Айтганимни олиб бермаганингиздан кейин...

Баҳром (*ижирганиб*). Э, ўлсин-е.

Тоҳира. Дугоналарим тўю ҳашамада тиллою бриллиантларини намоиш қилиб ўтирса-ю, мен чеккада шумшайиб қолаверсам... Кимга ёқади?

Баҳром. Бу гаплар ярашмайди сенга, хотин. Кимсан фалончи бизнесменнинг аёлисан!

Тоҳира. Оти улуғ, супраси қуруқ.

Баҳром. Яна эски гап...

Тоҳира. Ўткирбек акам ўша биринчи аямиздан. Лекин ўртада ҳеч қандай ўгайлик бўлмаган.

Баҳром. Шундай деймизу... барибир сезилади-да. Катта ишда эканлар сизларга мундоқ бир иқтисодий маънода қайишмайди-ку... (*Уйни, зални суқланиб кузатиб*) Шундай ҳашамат ҳам... ўша кишининг кучи билан-да...

Тоҳира. Кечириб қўясиз. Бойликлари бўлса, ўзларига! Дадам бутун умрини, меҳрини, бор-йўгини бағишлаб ўзлари тиклаганлар бу иморатни.

Баҳром (*гапни буриб*). Лекин қайнатаминг иродасига қойилман. Бир эмас, икки хотиндан ажралиш... оғир... оғир... Бу — трагедия!

Тоҳира. Нега ёлғиз бўладилар. Бир эмас учта қизлари, учта суқсурдай кўёвлари бор-ку. Ўғиллари катта бир шаҳарнинг обрўли хўжайинларидан.

Баҳром. Ҳа, энди, шунчалик айтдим-да, Тоҳирахоним (*четда тузатиб қўйилган дастурхонни кўриб*). Э, э, тайёргарлик катта-ку. Шишалар ҳам бор. Яна кимлардир келишадими?

Тоҳира. Нимага чақиртирган эканлар?

Дилбар. Билмадим... Мен ҳозир... (*чиқади*).

Тоҳира (*ўйланиб*). Туғилган кунлари эмас, унда билардим. Тўй маслаҳатиям эмас. Меҳр кўзда дейдилар. Шунақа кўрсатув ҳам бор телевизорда. Одамлар эллик йилдан кейин ҳам бир-бирларини топишяпти.

Баҳром. Биз эса бир жойда туриб, бир шаҳарда яшаб... ҳар замон-ҳар замон кўнғироқ қилиб туришгайм эринамиз. Тоҳирахон!

Тоҳира. Лаббай?

Баҳром (*уйни кузатиб*). Эсингиздами?..

Тоҳира. Нима?

Баҳром. Нима бўларди? Сизга мубтало бўлиб, шу уй атрофида гирдиқапалак бўлганларим.

Тоҳира. Мен қайдан билай, юрагингиздан қандай гаплар ўтганини. Кўпинча ширакайф ҳолатда бўлардингиз.

Баҳром. Йўқ. Мен хаёлингиз билан маст бўлардим. Сизга эришгунча нималар ўтмади бошимдан.

Тоҳира. Ўша ширакайфлигингиз...

Баҳром. Ошиқлигингиз денг...

Тоҳира (*давом этиб*). Ўша ширакайфлигингиз бинойидек иккинчи касбу корингиз бўлиб қолди-ку. Мана ҳозир ҳам анча тайёрсиз. Адамдан уяламан.

Баҳром. Янглишасиз, жонидан, янглишасиз. Мен ҳамон ўша, ўша... мафту-нингизман, мубталонгизман: «Қўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдим сенга, Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим сенга». Мана шундай хонадоннинг қуёви бўлиш асрий орзуйим эди.

Яна эшик тақиллайди. Дилбар эшикни очади. Бўсағада Акбар отанинг тўнғич қизи Моҳира эри Адҳам билан кўринади. Баҳром божасини қучоқ очиб қаршилайди.

Баҳром. Эй, тавба, эй, тавба. Адҳамжон ака, кўрар кун бор экан-ку... Яхши-мисиз, Моҳирахон опа? (*Адҳамни кўрсатиб*) Шу бепарво акам билан муросайи мадора қилиб юрганингиз учун сизга ўнта... (*божасининг бошига ишора қилиб*) ҳайкал қўйилса ҳам камлик қилади!

Адҳам. Аскиянинг ҳам расвосини чиқардингиз-да, божа. Ақлли бошдан ту-шиб кетади ёмон соч.

Моҳира. Ҳайкални бошимга ураманми. Менга ўзлари соғ бўлсалар — шу катта давлат. (*Тоҳирага*) Нима гап экан, Тоҳира, билмадингми?

Тоҳира. Ҳарҳолда, бежиз эмас...ёки шунчалик... Ким билади яна...

Тоҳира. Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди.

Баҳром. Тинмагур отажонимиз бирор корхонами, дорихонами очаётган бўлса-лар, ажаб эмас.

Адҳам. Йўғ-е! Қайнонам раҳматлик ўлим тўшагида ётиб, мендан кейин ота-ларингиздан тез-тез хабар олиб туринглар, деб васият қилардилар. Шу-да... Айт-моқчи, отамизнинг ўзлари қаердалар?

Баҳром (*қулиб*). Сартарошхонага кетибдилар.

Адҳам. Эҳ, ҳа... Бунақа ишларни жойига қўяди отамиз. Эртага дам олиш куни... бир шакаргуфторлик қилгулари келгандир-да (*ўтиришади*). Баҳромжон!

Баҳром. Лаббай?

Адҳам. Бизнес ишларингиз яхши давом этияптими, ҳар нечук? Ё ҳалиям бо-риб келишнинг ўзими?

Баҳром. Жудаям осон эмас экан, божа. Бешта дўконни қимирлатиб туриш учун минг ковакка кириб-чиқишга тўғри келади.

Адҳам. Илойим, кириб-чиқишдан қолманг. Ҳозир ҳаммагаям осон эмас. Кал-лани обдон ишлатиш керак бўлади.

Баҳром (*яна ҳазилга олиб*). Агар ўша калла бўлса денг.

Моҳира (*аскияни тушуниб*). Ҳазилларингиз қуриб кетсин.

Адҳам. Мана мен, масалан, домламан, ҳар ҳолда, тафаккур кишисиман. Ҳодисалар моҳиятини аниқлашга интиламан. Етти ўлчаб, бир кесиш тараф-дориман. Бунга илмий ишларимда ҳам назарий жиҳатдан асослашга урин-ганман.

Баҳром (*киноя билан*). Бунга ишончим комил.

Адҳам. Балли...

Эшик тақиллайди. Дилбар очади. Отанинг кенжа қизи Шоира эри Ботир билан киради.

Адҳам (*ҳайрон*). Ана халос, ана халос. Жамоат жам бўлди-ку. Кенжатоё божа-миз Ботиржонга бир дунё олқишлар! Шоирахон, марҳамат! Опажонларингиз би-лан бир яйрашар экансиз-да бугун...

Шоира (*салом-алиқдан сўнг*). Худога шукур. Шундай бир йиғилишни орзу қилиб юрардим. Минг шукур. Нега бемаслаҳат бўлди бунақа чақирув?

Ботир. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур. Адҳам ака, тинч-ликми?

Адҳам. Тинчлик, тинчлик...

Баҳром. Мен ҳайронман. Шаҳарнинг уч чеккасида яшаётган уч оила бир-бири

билан хабарлашмай, қандай қилиб бир вақтда, худди бир-бири билан олдиндан маслаҳатлашгандай, айна бир жойда тўпланиши мумкин?

Уч она-сингил ҳам ҳайратда бир-бирига тикилишиб ҳол-аҳвол сўрашадилар. Божалар чекиб келиш учун ташқарига чиқадилар.

Тоҳира. Бир ҳисобдан кўришиб олганимиз ҳам яхши бўлди. Гаплар йиғилиб қолган эди.

Моҳира. Бир ой олдингина учрашганмидик? Гапни яхши кўрасан-да, Тоҳира.

Шоира. Нима бўлсаям, яхши бўлди. Бобойни зиёрат қилиб кетамиз.

Моҳира. Кечагина тиззаларидан тушмай, соч-соқолларини силаб ўтирардинг, энди бобой бўлиб қолдиларми?

Шоира. Бор гап-да. Онамнинг вафотларидан сўнг оёғим тортмайди шу ерга.

Тоҳира. Тўхта, тўхта... Бу чоли қурғур «уйланаман»га тушиб қолмаган бўлсин тагин?

Моҳира. Оғзингдан ел олсин. Шарти кетиб, парти қолган одамнинг устидан кулаяпсанми?

Тоҳира. Нега куларканман? Бир вақтлар маҳалла адоғида турадиган Норжон хола билан гап-сўз бўлиб, онамни роса куйдирганларини эшитганмиз.

Моҳира. Бас қил, эй! Иғволарингга ўт тушсин!

Шоира. Балки ўша аёлни олиб келмоқчи бўлсалар, бизлардан изн сўрамоқ-чидирлар...

Моҳира. Гапирманг-эй. Шундай кошона саройни, тайини йўқ кампирга бериб қўядиган аҳмоқ йўқ! Ордона қолсин ўша шум алвасти!

Тоҳира. Ҳар хил тахминга бораверманглар. Бирор масала юзасидан фикри-мизни билмоқчи бўлсалар керак-да.

Шоира. Шу-да, бошқа нима бўларди. Вой, ҳали кўрасизлар, яхши гап бўлади, отам доно одам!

Тоҳира. Яхшиси, адамнинг ўзларидан сўраймиз, ётиги билан.

Моҳира. Йўқ, ўзим сўрайман, сизлар томдан тараша тушгандай, пала-партиш гапириб кўясизлар.

Шоира. Оббо, сўрасангиз сўрайқолинг, шуям мартаба бўлдию... Профессорнинг хотинига ҳамма нарса мумкин дейсиз-да...

Дилбар. Аммажонлар, дастурхонга марҳамат. Иссиққина чой олиб келдим. Сомсаям иссиққина.

Шу пайт божалар ҳазил-ҳузул гаплашиб, кулишиб кирадилар.

Адҳам (*Баҳромга, кулиб*). Э, латифангиз ҳам қуриб кетсин. Ҳамма жойда гапирманг-э бунақасини.

Дилбар. Дастурхонга марҳамат, поччалар.

Адҳам. Раҳмат, жиян. (*она-сингилларга*) Хўш, қизлар, зерикмадингизларми? Биз озгина тоза ҳаво олдик-да, узр, узр.

Баҳром. Озгина фикрлашиб ҳам олдик.

Адҳам (*ҳазиллашиб*). Оббо, қассоб ака-эй, сизда фикр бўлар эканми, одам қуригандай.

Баҳром. Ҳов, катта куёв, кўпам катта кетаверманг. Уйингизга тўрт кило гўшт ташлаб кетсак яхши-ю... бошқа вақтда пуф сассиқ экан-да.

Ботир. Қизишманглар, қизишманглар...

Адҳам. Мана бу бошқа гап. Қани бир пиёладан аччиқ кўк чой ичишайлик. Кўп ўйлаш одамни ишдан чиқаради.

Баҳром. Бир балони биласиз-да, божажон...

Адҳам. Бунча «жон-жон»лаб қолдинг. Ташаббусни ўз қўлимга олмасам бўлма-япти-да, қани, марҳамат. Кўп гап эшакка юк дейдилар, чойдан ичинглар.

Ботир. Айни муддао, чанқаб турувдим.

Баҳром (*файласуфона*). Бу олам, аслида, турли-туман учрашувлардан иборат. Ажабланидиган жойи йўқ.

Ботир. Шоирона гап бўлди-ку, Баҳромжон ака, қассоблигингизни билардим-у, бу ёғидан хабарим йўқ экан... Сизга меҳрим товланиб кетди.

Баҳром. Ҳа, энди... бир вақтлар катта кушхонанинг раҳбари бўлиб ишлаганим рост. Қассобчиликми, олиб сотишми, бизнесми, тадбиркорликми — қўлдан келганини қиламан. Ҳозир ўнта ҳунарнинг бошини тутганлар ҳам бор. Меҳнатнинг уяти йўқ. Сизга ўхшаб уч-тўрт бет қоғозни қоралаб, газетма-газет кўтариб юрмаймиз-да, ўн-ўн беш сўм чиқармикин деб...

Адҳам. Ҳамма гапдан хабарингиз бор-да, Баҳромжон. Ўша қалам ҳақиға икки кунлик носвой ҳам бермайди.

Кулишадилар.

Шу гаплар асносида Акбар ота кириб, қизлари, куёвлари билан кўришиб, ҳар бирига муносиб меҳру муҳаббат кўрсатади.

Моҳира. Ҳали ташқарида роса кулдиларинг-эй, қотиб-қотиб, бизлар ҳам эштайлик.

Тоҳира. Уятли жойи бўлмаса. ..

Баҳром. Бир аёлнинг ҳар хил қимматбаҳо матолардан тикилган мингта кўйлаги бор экан-у, лекин доим эрига хархаша қилиб: «Киядиган кўйлагим йўқ», — деб нола қилаверар экан...

Ботир. Ҳаммасига теккан касал бу.

Баҳром. Хотинининг гапини бир оғайнисига айтган экан, оғайниси маслаҳат берибди: «Яхшиси, бир кимсасиз оролга бориб яшанглар, онадан энди туғилгандай... Ўшанда бу ташвишдан қутуласизлар...»

Моҳира (*уялиб*). Вой, ўлмасам...

Ботир. Хўш, хўш?

Баҳром. Шунда ҳалиги эркак оғайнисига қараб: «Э, ўшандаям бизнинг хотин: «ечинадиган ҳеч нарсам йўқ», деб тўполон қилади» дер эмиш. Ҳа-ҳа-ҳа.

Кулишадилар.

Моҳира. Яхшиям, бу эркакларнинг ҳар хил иғвоси учун аёллар бор. Бўлмаса, буларнинг ҳоли хароб...

Адҳам. Ана кўрдингизми, қилт этган шаббода ҳам бўрон бўлиб боради хотин-қизларнинг нозик дилига.

Ботир. Ва лекин, ҳурматли жамоа, хотин-қизларимиз ҳақида бир дунё самовий мақтовлар ҳам айтилган. Чунончи, мана ўшалардан биттаси. Катта бир олимнинг мақоласини ўқиганман. Мана бунақа: Қодир Худойим эркак зотини яратгач, ўйлаб қолибди... Нимадир энг муҳим нарса етишмай турган эмиш. Аёл йўқ! Бахтга қарши, одам қорадиган лой ҳам тугаб қолганмиш. Шунда, Оллоҳим ойдан аёл жамолини, тундан қошу кўзини, мажнунтолдан сочини, камалақдан ранг, гуллардан ҳид олиб баданини, кийикдан нафислик ва ҳуркакликни, тонгдан мусаффоликни, итдан садоқатни, асаларидан бол териш хислатини, серфарзанд бўлсин деб, балиқдан увилдириқни, айтганлари куй, хониш бўлсин деб булбулдан навони, — ҳамма нарсадан бир чимдим-бир чимдим олиб Аёлни яратибди. Мукамал дунё тимсоли бўлган Аёл Оллоҳ иродаси ила оламга ҳади этилибди!

Адҳам. Аёлларимиз шаънига янграган бу қасидангиздан мақсадни, Ботирбек, сезиб турибмиз.

Ботир. Ана халос... нима мақсад экан?

Адҳам. Синглимиз Шоирахонни ийитмоқчисиз-да... Гап тагида гап бор, ҳарҳолда...

Кулишадилар.

Шоира. Адажон, жуда яхши қилибсиз-да ҳаммамизни чақириб...

Тоҳира. Бирваракайига. Ҳозирги замон шароити учун бу жуда қулай...

Шоира. Ҳам вақт, ҳам дастурхон тежаллади.

Акбар (*кулиб*). Қўймайсан-да, шайтон, қўймайсан. «Тежаллади» деганинг нимаси? Мен сизлардан жонимни ҳам аямайман. Одамлар дошқозонларни тўлдириб юртга ош бериб ётибди-ку...

Адҳам. Фейли кенг қилиш керак, фейли... Ҳаммаси топилади.

Баҳром. Жудаям сиз ўйлаганчалик эмас, божа. Роса чопилади — кейин топилади!

Ботир. Яна қофияга ўтиб кетдингиз. Қойил!

Акбар. Хўш, қани ўтиринглар-чи, соғинганман жуда... Ҳа, баракалла. Неваралар, уйлар, қўни-қўшнилари... ҳамма омончиликми? Ҳа, баракалла. Соғ бўлинглар.

Моҳира (*мехр билан*). Отажоним, отажонгинам. Зерикмай юрибсизми? Соғ бўлинг бахтимизга.

Тоҳира. Ада, уёқда Ўткирбек акамлар омон-эсон юришибдими? Яқинда гаплашмадингизми?

Акбар (*фахрланиб*). Худога шукур. Ўша ўзларинг билган машҳур корхонанинг бош раҳбари бўладиган, шекилли, англашимча...

Баҳром. Ў-ў-ў, жуда зўр-ку. Айни муддао-ку.

Акбар. Акангнинг ўзлариям келиб қолиши мумкин. Қизларига телефон қилиб, борарман деган эмиш.

Шоира. Жудаям яхши бўларди-да, соғинганман Ўткирбек акамни.

Тоҳира. Чақиртирган экансиз, ада? Тинчликми?

Акбар. Ҳа, шундай, кўргим келди-да. Соғинганман деяпман-ку... Бир яйраб кетсанглар, кўнглим тоғдай кўтарилади.

Шоира. Барибир билгимиз келади-да.

Моҳира. Ўткирбек акамизни кутсак керак-да...

Тоҳира. Йўқ! Тополмадинглар. Адам доим сирли бир гап айтадилар.

Акбар. То айтмагунча қўймадинглар-да, айтсам айтгай. (*Қизлар ва куёвлар ота сўзларини англаш учун қулоқ тутадилар*) Сизларни чақиритишдан мақсад, азиз фарзандларим...

Шоира (*шўхлик қилиб*). Шаҳримизга ревизор келаётир демоқчисиз-да (*кулишадилар*).

Акбар. Гапнинг индаллосини айтганда, маҳфий сир ҳам йўқ. Мана шу уй масаласи, холос. (*Ҳамма ҳайрон.*)

Моҳира. Уй масаласи?! Қайси маънода?

Тоҳира. Уйга нима қилибди, масала бўлиб?

Моҳира. Бирор кемтик жойи бор эканми? Ажаб, ажаб!

Шоира. Қизиқ. Таъмирлаш керак бўлиб қолгандир-да.

Тоҳира. Нимасини таъмирлайди? Йилтиллаб, жаранглаб турибди-ку!

Моҳира. Кошонаи шоҳона!

Тоҳира. Бирор харидор чиқиб қолгандир-да кошонаи шоҳонага!

Шоира. Ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ бу даргоҳга кўз олайтиришга!

Моҳира. Кошонанинг эгаси — отамиз. Онамиз... (охиратлари обод бўлсин), бу жойларни ташлаб кетдилар... Ихтиёр отажонимнинг ўзларида...

Шоира. Йўқ! Уй ҳаммамизники. Умумий мулкимиз. Қандайдир бегона юлғич «шип» этиб илдириб кетадиган буюм эмас.

Тоҳира. Кўк пулнинг шуъласи кўзни қамаштирса-чи...

Шоира. Савдогарликни йиғиштиринглар... Мен рози бўлмагунимча, битта гишт ҳам берилмайди бировга.

Моҳира. Чиққан қиз чигириқдан ташқари, жимгина ўтир, маҳмадона.

Адҳам. Палахмон тош бўлиб отилдингми, тушган жойингда тош қот, вассалом!

Шоира. Ўргилдим насихатчи чолдан.

Акбар (*қизларнинг сўзу қилиқларидан ҳайратга тушиб*). Олдин гапни эшитинглар, ойдинларим. Фол очаверманглар... Гап шундаки, (*чайналиб*) ўзларинг яхши

биласизларки, акаларинг Ўткирбек, кўп йилдан бери катта вилоятнинг марказидаги доврўқли, машхур бир корхонани бошқаради.

Қизлар. Биламиз.

— Омад тилаймиз.

— Соғинганмиз.

Акбар. Баракалло! Ўша ерда палак отиб, бола-чақа кўриб, кўп ҳурмату эътибор топган.

Қизлар. Фахрланамиз.

— Мартабалари янада баланд бўлсин.

Акбар. Акаларинг биттагина ўғлимиз, бош фарзандимиз. Кўпдан мени ўз уйига олиб кетмоқчи бўлиб юрганидан хабарларинг бор.

Шоира. Бор, биламиз.

Моҳира. Рози эмасмиз.

Тоҳира. Ўзимизга кераксиз.

Акбар. Қисқаси акангизникига доимийга кўчиб боришим жудаям зарурат бўлиб қолди. Доимийга.

Шоира. Доимийга?! Ё, тавба, ё, тавба.

Тоҳира. Нима, нима?! Бутун умрингиз ўтган, ўтаётган, меҳрингиз билан обод бўлган шундай хонадонни кимга ташлаб кетмоқчисиз? Ўйлаяпсизми ўзи?

Моҳира. Бундай дахмаза фикр қайдан кела қолди бошингизга?

Шоира. «Отанг космосга учармиш» десалар ишонардим-у, лекин буниси... ё, тавба, ё, тавба!

Акбар. Аввало, ташлаб кетиш ҳақида гап бораётгани йўқ. Худога минг шукурки, бошингизда (*куёвларини бир-бир кўздан ўтказиб, фахрланиб*) қарчигайдай-қарчигайдай эрларингиз бор. Ҳар бири осмондаги юлдузни узиб оламан дейди.

Моҳира. Яхши гапларингиз учун раҳмат, отажон.

Акбар (*Адҳамга ишора қилиб*). Бирлари, яъни Адҳамжон — ҳуқуқшунос. Адолат тарозибони.

Баҳром (*четга*). Адолатнинг уйини куйдириб юрганлардан бири шу-ку.

Акбар (*Баҳромни кўрсатиб*). Иккинчи куёв — Баҳромжон эл соғлиғи хизматида. Табиблар сардори! Бизнес сардори!

Ботир (*Адҳам қулоғига*). Сардор эмиш. Қамалиб кетишига бир баҳя қолганда, аранг олиб қолдик-ку ўртага тушиб.

Акбар (*Ботирни кўрсатиб*). Мана бу кишим «Экосан» раҳбарларидан. Озодалик посбони.

Адҳам (*четга*). Тарозибон! Сардор! Посбон! Худо бераман деса, ҳеч гап эмас! Раҳмат, амакижон.

Акбар. Баракалло! Умрларингиздан барака топинглар.

Моҳира. Турмуш ўртоқларимизнинг борлиги, удабуронлиги, худога шукур, катта бахтимиз... Лекин, сиз-отажон, нега бундай хаёлга бордингиз? Ўйлаб кўрдингизми?

Акбар. Ўйладим. Лекин на чора? Акаларингни бошига оғир иш тушиб қолибди.

Моҳира (*ҳайратдан учиб тушиб*). Нима, нима? Қанақа оғир иш?

Акбар. Келинойинг қаттиқ бетоб бўлиб, хастахонада эмиш. Сизларга билдирмаган эдим.

Қизлар кутилмаган бу хабардан изтиробга тушиб, гарангсиз қоладилар.

Акбар. Демак, у ерга тезда етиб боришим зарурат бўлиб қолди, қизларим, зарурат.

Тоҳира. Ўша жойларда жудаям ўралашиб қолдилар-да...

Шоира. Дарҳол жўнатмайдиларми, катта докторларга кўрсатмаймизми...

Акбар. Ишлари тигиз акангнинг. Унга ҳам осон эмас.

Моҳира. Кўз тегдими дейман-да оиламизга.

Акбар. Энди бу ёғини ўзларинг келишиб ҳал қилинглар. Хоҳланглар бирга турунглар ёки битталарингизга тортиқ қилинглар ёки болаларингизни жойлаш-

тиринглар. Барибир эртами-индин кўшимча жойлар керак бўлади... Тўйлар қила-сизлар... дегандай. Ёки... мерос маъносида тушуниб, майли сотинглар... (*Қизлар саросимада безовта бўладилар*). Пулни бўлишиб олинглар. Каттагина маблаг бўлади. Мен розиман. Сизлардан ортиқ бойлигим йўқ.

Моҳира. Илтифотингиз учун раҳмат.

Тоҳира. Бундан зўр гап бўлиши мумкин эмас.

Шоира. Мен ёшман, отажон, кенжатоизман. Сизга ақл ўргатишим инсофдан эмас. Лекин... Лекин... Уй бу, менимча, тақдир масаласи. Оллоҳимдан берилган бебаҳо неъмат. У олиб-сотиб, алмаштириб юрадиган буюм эмас.

Баҳром. Унда бутун дунёни қамраб олган олди-сотти масаласини қандай тушуниш керак. Махсус бозорлар мавжуд-ку...

Ботир. Тўғри, мавжуд. Ҳеч ким инкор этмайди. Лекин аниқ, конкрет бу хонадон ҳақида гап борар экан, ҳаммамиз ўйланиб қолишимиз табиий.

Шоира. Мен ҳам шуни айтяпман-да.

Ота бу сўзларни осойишталик ва эътибор билан эшитади.

Акбар. Майли, сизлар бу масалани астойдил ўйлаб кўринглар, мен дори ичиб кираман (*чиқади*).

Адҳам (*файласуфона*). Уй, хонадон, оила деган тушунчаларни қандайдир жисмоний, мангу қотиб қолган нарсага айлантириб, уни тўрт девордан иборат, бузилмас-сурилмас бир маскан деб қараш, аслини олганда, ибтидоий, жўн бир гап.

Баҳром. Оббо, роса фалсафага айлантириб юбордингиз-ку, ака. Шунинг оддий қилиб айтсангиз бўлармиди?

Адҳам. Йўқ. Бир нарса ҳақида фикр қилиб, ҳукм чиқараётганда ўша нарсанинг моҳиятига, маъзига эътибор бериш керак.

Баҳром. Хўп, хўп. Давом этинг.

Адҳам (*ўйланиб*). Менинг назаримда, уй, хонадон, оила дегани аввало бу катта руҳий, маънавий, ҳатто илоҳий бир ҳодиса. Уни битта нуқтага боғлаб, занжирбанд қилиб бўлмайди. Оила, хонадон жойини ўзгартириши, замонга ҳамнафас бўлиши, шаклу шамойилини янгиллаши, янгича маънолар касб этиши табиий. (*Моҳирага*) Юринг, нарёққа чиқайлик, хоним, қулоғингизга айтадиган гапим бор (*чиқишади*).

Ботир (*ўзича*). Ҳаммалари ўз манфаатларини ўйлаб... (*Шоирага*) Сиз билан биз ҳушёр туришимиз керак. Гап хонадонни ўзлаштириш ҳақида боряпти.

Шоира (*ҳайратда*). Отамиз қизиқ гапни бошладилар-ку. Наҳотки, акамдан чиқяпти бу гап? «Оила — тўрт девор ораллигидаги кичик бир дунёча эмас... балки меҳру муҳаббат, қон ва жон бирлиги — жамиятнинг олтин меҳвари» деб ўқиганмиз-ку буюк китоблардан.

Ботир. Сиз доим шунақа ўқиган нарсаларингизни пеш қилиб, ўралашиб юрaversасиз, анқайиб.

Шоира. Нима қил дейсиз?

Ботир. Сиз кенжа қизларисиз. Агар отамиз айтган гаплар чиндан амалга ошадиган бўлса, уй сизнинг қисматингиз бўлади.

Шоира. Нега қисмат? Бу нима деганингиз?

Ботир. Ҳақиқий жанг бошланганда биласиз. Ҳар қандай об-ҳавога тайёр туришингиз керак.

Шоира. Сиздан шу гап чиқиб турса-ю... Кўйинг-э...

Моҳира (*кулиб*). Муддао аниқ-ку, нимани талашамиз, ўзлари ҳал қилиб берсинлар...

Тоҳира. Менимча, яхши ўйланмаган гап бўляпти.

Акбар киради.

Акбар. Йўқ мен бу масалани кўп ўйладим, қизларим. Ҳаммасини ўйладим. Бу уйни йиллар давомида сизларга едирмай-ичирмай, кўнгилдагидай кийинтирмай,

ризқ-рўзингиздан уриб бўлса-да, қурдим, тикладим устини ёпдим. Унинг ҳар гиштига, ҳар бир миҳига меҳру муҳаббатим, кўз нурим сингган. Ҳа, ҳа... Гапимда зарра галат йўқ. Онангиз раҳматлини бу уйга кучи, меҳри, заҳматлари... меникидан ўн чандон кўпроқ. Буни ўзларингиз ҳам биласизлар...

Бу гапни эшитаётган фарзандлар ранг-баранг ҳолатга тушиб, отанинг сўзларини гоҳ ҳайрат, гоҳ таажжуб, гоҳ ҳайрихоҳлик билан эшитадилар.

Инсон уйни фақатгина бир бошпана ёки бир қўнолға сифатидагина қурмайди. Балки уй фарзандлар бахтини, келажagini ўйлаб, юрак-юракдан тикландирган бир олий кошонадирки, уни авлодларга бир хотира сифатида қолдиргиси келади. Шу уйда чирогим абадий ёниб турсин, тўй-томошалар гурилласин деган буюк бир орзу билан тиклайди. Мен ҳам шу ишга ўзлимни бахш этдим. Бу уй, аслини олганда, онангизни ва менинг сизларга қолдиражак бисоту меросимиздирки... буни худди шундай тушунишларингизни истайман.

Кўзига ёш олиб, зални айланиб, марҳума аёлининг сувартига қадалиб қолади.

Мени тўғри тушунинглар, қизларим. Айтганларим насихат ҳам, васият ҳам эмас. Балки ҳаётда юз берадиган оддий воқеалардан бири. Мен ҳам узоқ бир мамлакатга кетаётганим йўқ. Поездда бир кечалик йўл, холос. Доимо кўришиб тураман, насиб бўлса. Ўйлай-ўйлай, шу жойга келиб тўхтадим, қизларим.

Тоҳира. Нотўғри келиб тўхтабсиз-да, отажонгинам.

Моҳира. Ким униб-ўсган жойини ташлаб, бегона бир манзилга кўрпа-тўшак орқалаб кетади?

Ақбар. Бегона манзил дема, Моҳиражон. Аввало ҳамма шаҳарлар ҳам ўзимизники! Ўз диёримиз! Қолаверса, акангнинг озмунча меҳнати сингганми ўша жойларга? Ахир, келинойингу жияларинг ҳам ўша жойдан-ку.

Шоира (*ҳис-ҳаяжонга тўлиб*). Барибир, барибир! Бу уйда онажоним келин бўлган бўлса, отажонимнинг навқирон ёшлиги ўтган бўлса, ҳаммамизнинг киндик қонимиз тўкилган бўлса... кимнинг бошига келади бундай мудҳиш фикр? Мен асло ҳазм этолмайман.

Суҳбат гоҳ ҳазил аралаш, гоҳ жиддий тус олиб давом этаркан, Ботир баҳс ўзанини бошқа ёққа бармоқчи бўлади.

Ботир. Келинлар, кундалик гапларга ўтайлик. Идоралардаги мужмал, бошогриқ савдоларнинг ўзиям етиб ортади. Хўш десак, кеча бозор айландим. Расталарни тўлдирган ранг-баранг мева-чеваю юз тусдаги ноз-неъматлардан кўзу кўнглим яйраб, кўкрагим тоғдай кўтарилди.

Адҳам. Нарх-наво тишлаб олмадимми?

Ботир. Йўқ. Чидаса бўлади.

Баҳром. Ҳақиқатдан ҳам. Одамнинг кўзи қамашади.

Адҳам. Лекин мана шу фаровонлик қадрига ҳамиша ҳам етаяпмизми? Бу — муаммо.

Ботир. Рост гап, ношукур бандалар кам дейсизми?..

Баҳром. Ҳолбуки, Куръону каримнинг ўзи ҳам исрофни рад этади.

Адҳам. Ўғлинигни уйлантирмоқчимисан — уйлантиравер, қизингни эрга бермоқчимисан — беравер, ўғилчангни суннат қилмоқчимисан — қилавер, лекин нима учун ярим шаҳарни саҳарда ошга чақириб... Эй-й-й, бари тўқликка шўхликдан. Исроф ва инсоф! Одам эзилиб кетади... Яна эрта тонг-саҳарада, тимирскиланиб ошга боришим керак.

Шоира (*ўрнидан сапчиб туриб*). Ҳей, йигитлар, поччажонлар, бу гапларингиз тўғри ҳам дейлик. Лекин бу оқшомги оилавий ўтиришга нима алоқаси бор?

Тоҳира. Уй масаласига нима алоқаси бор деявер, уялмай.

Шоира. Тушунганингиз учун раҳмат.

Адҳам. Тўғридан-тўғри алоқаси бор. Бозор, тўй, исрофгарчилик ҳақида сўз боряптию... гўё... лекин ҳамманинг хаёлида уй!

Баҳром. Жуда қуюқлаштириб юбордингиз-ку, Адҳам ака.

Ботир. Барибир ҳуқуқшуносиз-да, Адҳам ака. Тилда нима, дилда нима, билиб турасиз.

Шоира. Бош оғриқ гапларни қўйинглар, опалар, поччалар. Бу ерда ҳаёт-мамот масаласи боряпти. Йигилишимиз сабабини тушунгандирсизлар.

Акбар. Баракалло, қизим. Гапни эртага қолдирайлик. Дам олинглар.

Акбар ота болаларга меҳр билан боқиб, ҳар бирини эркалайди.

Акбар. Болажонларим, ҳамма хоналарни айланиб чиқиб, жойларингни тайёрлатиб қўйдим. Чарчасаларинг, дам оласизлар.

Баҳром. Айни муддао.

Адҳам. Э, ҳақиқат бор экан-ку, Баҳромжон.

Шоира. Қўшиқ айтайлик, рақс тушайлик. Ҳозирдан ухлаб, нима қиламиз.

Тоҳира. Уй масаласи-чи?

Моҳира. Қўйиб тур, Тоҳиражон, бу гапларингни.

Шоира. Барибир бу гапни жим-жим, босди-босди қилиб, айланиб ўтиб кетиб бўлмайди-ку.

Адҳам. Бугунги шодликда кечаги гамдан гапирманглар, деган бир шоир.

Ботир (*файласуфона*). Лекин гамдан ҳам холи яшаб бўлмайди бу дунёда. Яна бир шоир деган экан: «самим кўпдур, гамим кўпдур, надандур бу, надандур бу? Азалдан гам суви бирла сугорилган бадандир бу».

Шоира. Амирий ва Нодирабегим мисралари!

Моҳира. Мушоира бўлаётгани яхши. Мусиқа бўлса, янада яхши. Шўхроғидан қўйиб юборсангиз-чи, Адҳам ака.

Адҳам приёмник тугмасини босади. Хонани қувноқ қўшиқ садолари чулғайди. Давра янада жонланиб, ҳаммалари бир-бирларини меҳр-муҳаббат билан сийлайди, кимдир рақс тушади. «Бор экансиз-ку!» «Яшавринг!» деган садолар.

Акбар. Хайрли тун, болаларим. Бир ёғи кексачилик, рухсат берсангизлар, дам олсам...

Шоира. Бемалол, адажон, бемалол.

Акбар ота чиқмоқчи бўлаётганида, телефон узоқ жиринглайди. Ота телефон гўшагини кўтаради.

Акбар (*телефонга*). Во алайкум ассалом, Ўткиржон. Ҳаммаси жойида. Келиним қалай? Сингилларинг, куёвларинг ҳам келишган. Салом айтишяпти. Ҳа, ҳа. Бу оқшом қолишади. Эртага дам олиш. Сизларни қутамиз. Омон бўл, ўғлим (*Телефон гўшагини жойига қўяди*). Ўткирбек ўғлим эртага иш юзасидан Тошкентга келаётган экан... Худога шукур. Кўришиб қолсангизлар, ажаб эмас. Хурсандчиликни давом эттиринглар. Ҳозирча хайр (*чиқади*).

Моҳира (*четга*). Хурсандчиликни давом эттиринглар эмиш... Секин портлайдиган бомба қўйиб кетдилар-у, давом эттиринглар эмиш. Томи кетган, деганлар рост экан-да. Кўрамиз!

Барчалари ланж бир ҳолатда хоналарига чиқишади.

ПАРДА

ИККИНЧИ ПАРДА

Қизлар ва куёвлар ота-она хонадонида қолишган. Узоқ баҳсу тортишувдан сўнг толиққан оила аҳли гўё оромга чўккандай. Залдаги кичик бир чироққина ёғду сочиб турибди.

Тун ярмидан ошганда чап томондаги эшик очилиб, Моҳира ва эри Адҳам измаиз чиқишади. Улар ички либосларда. Уёқ-буёқни аланглаб кузатиб, ҳамма уйқуда эканлигига ишонч ҳосил қилишгач, диванга ўтириб, чироқларни ёқиб, чароғон зални томоша қилишади. Ҳаваслар, орзулар бир дунё.

Моҳира. Нима гаплар бўлаётганини сезяпсизми, Адҳам ака? Чолнинг қарори қатъийга ўхшайди. Акам отамни тўрт-беш йилдан бери ўша олисдаги уйига тинимсиз чақиргани-чақирган.

Адҳам. Сезаяпман, жоним. Сизганда қандоқ. Шундай катта даргоҳни кимгадир ҳада этиб кетиш керак бўлади. Бу осмондан тушган бебаҳо давлат. Бундай имкониятни қўлдан чиқариш... бориб турган овсарлик.

Моҳира. Кимга қолдирмоқчи? Буниси муаммо.

Адҳам. Кимга бўларди. Анови эркатой икки сингилжонингиздан бирига-да.

Моҳира. Тўғри айтасиз, сингилжонлардан бири чангал солиши турган гап.

Адҳам. Сиз-чи? Сиз, ахир, каттасиз, гапингиз кесиши керак. Фақат лаллайманг-да, хонимча.

Моҳира. Нима гап бўлса, нукул менга оширасиз. Юрист деган одам қонунни пешкаш қилиб, ҳамма ишни шартта-шартта ҳал қилиб ташламайдими?

Адҳам. Осон ўйлайсиз-да.

Моҳира. Маҳалламиздаги битта кичкинагина адвокатнинг қилиб қўйган ишларини кўринг. Уч қаватли кошона, ёзги-қишки ҳаммомлари билан. Сизга торгина кулбаям бўлаверади.

Адҳам. Мен унақа юлғичлардан эмасман.

Моҳира. Ҳамма ўзини юридик ўқишларга бекорга урмас экан-да.

Адҳам. Ҳаддан ошманг ва шошманг. Бизгаям худо бериб қолар, меҳнатимизга яраша.

Моҳира. Ҳамма нарса қил устида турибди ҳозир. Бир лаҳзани беҳуда ўтказиб бўлмайди.

Адҳам. Хўп, хўп, хўп. Сингилларингиз ҳам тинч турмас.

Моҳира. Тоҳира деганимиз ичидан пишган. Ҳамма ишни ими-жимиди битираман дейди. Муғомбир, пихини ёрган. Болаликдан шунақа эди.

Адҳам. Шоирахон-чи?

Моҳира. Шоира ҳали ёшу лекин чатоқ. Маҳмадона. Эрининг бурнидан ип ўтказиб олган.

Адҳам. Эри «Экосан»да. Нима иш қилишади шулар, ҳалигача билмайман.

Моҳира. Бировдан олиб, бировга бериш. Лекин кўп савобли, хайрли ишлар ҳам қилишади...

Адҳам (*кулиб юборади*). Билмаган нарсангиз йўқ, Моҳира. Қўйинг, энди ўзимизнинг гапларга ўтайлик.

Моҳира. Ўзимизнинг гапларга ўтсак... (*эшиклардан бирини кўрсатиб*). Мана бу хонани ўзимизга ётоқхона қилиб оламиз. Кенг-мўлгина. Чамалаб чиқдим. Элита пардалардан тутилса борми, роҳатнинг кони бўлади. Хуррагингиз ҳам эшитилмайди болаларга... (*жулади*).

Адҳам (*ҳазилга олиб*). Эл аро бордир масал: хурракни дуррак тортадур...

Моҳира. Тан олганингизга қойилман. Фарғонанинг бор аскиясини йиғиштириб келгансиз уйимизга.

Адҳам (*эркалаб*). Тушунганингиз учун раҳмат... Лекин, менимча, тепадаги хона тузукроқми дейман ётоққа. Ҳар ҳолда, кўздан нарироқ. Балкончасидан бутун дунё кўриниб туради. Офтоб ҳам тушади.

Моҳира. Гапингизда жон бор, хўжайин. Ёнидаги хонани болаларга берамиз. «Дом»нинг қаватларида туравериб эзилиб кетишган, бечоралар.

Адҳам. Бечоралар деманг. Ҳали бу уйда шунақа тўйлар ўтказамизки... Мана бу зални қаранг. Баланд, баҳаво. Чолнинг дидига қойилман. Деворлардаги сувратларни айтмайсизми. Узукка кўз қўйгандай. Кошонайи шоҳона!

Моҳира. Буларнинг ҳаммасини онажоним ўз қўллари билан жой-жойига кўндирган.

Адҳам. Қойилман. Сизга ҳам аяжонингиздан анча-мунча ўтган...

Моҳира. Нега энди анча-мунча?!

Адҳам. Юз фоиз ўтган демоқчи эдим.

Моҳира. Лекин... Бу уйнинг савдоси осонликча ҳал бўлмайди, назаримда.

Адҳам. Жанг бўлади дейсиз-да?

Моҳира. Бўлади. Бўлганда қандоқ.

Адҳам. Менимча, яхшиси, уйни сотиб пулини бўлиштириб олган маъқул. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам.

Моҳира. Осон ўйлайсиз-да. Анови Шоира билан Ботирни кўрдингизми? Роса жингиртоб бўлишди. Нафс ўлсина, нафс ўлсин.

Адҳам. Юлиб қолай дейди-да. Жигилдон ишлаб турибди. Шоирани олишига кўндиргунимизча ўлиб бўлувдик. Энди хўжайин!

Моҳира. Чора, чора, чора! Чора топиш керак!

Адҳам. Сотсанг, ем бўлиб кетади. Бўлмайди. Катта фарзанд сифатида жойнинг ўзини эгаллаш керак.

Моҳира. Жимгина турибманда ҳозирча. Ҳали ўзимни кўрсатаман. Иккита боламизнинг келажагини ҳам ўйлашимиз керак-ку, дадаси.

Шу пайт иккинчи эшик очилиб, ундан Тоҳира ва Баҳром чиқиб келадилар. Ухлашмагани билиниб туради. Олдингилар — Моҳира ва Адҳам чироқни ўчиришга улгурмай, ўзларини панага оладилар ва буларни кузатадилар.

Тоҳира. Кеча чироқ ўчирилмай қолган экан-да. (*Катта чироқни ўчиради*). Баҳром ака, нималар бўлаётганини фаҳмладингизми?

Баҳром. Ҳа. Ўта жиддий гап. Ҳаёт ва мамот масаласи!

Тоҳира. Жудаям жожеавий воқеага айлантириб юборманг. Бунинг таг-тагида катта омад манаман деб барқ уриб турибди.

Баҳром. Сиёсий тус берманг, Тоҳирахон. Аввало, бу уйнинг яшашга ўнғайлигини ўйланг. Деярли шаҳарнинг марказида. Метро бекатига тўрт қадам. Болалар боғчасию поликлиника ёнида...

Тоҳира (*кулиб юборади*). Бир аёлдан эри сўраган экан: «Мени-ку яхши кўрмас ажрашиб кетар экансан, нега теккан эдинг?» — деса, аёл: «Сизларникидан ишга қатнаш анча қулай эди», — деб жавоб берган экан (*кулишадилар*).

Баҳром. Ҳалиги гаплар, уй масаласи айтилаётганда, опаларингизнинг кўзлари ёниб, ўйнаб кетганлигини кўрдингизми? Бир дунё хазина топиб олган телбалардай...

Тоҳира. Божаларингиз-чи, божаларингиз? Бу бахт ердан чиқдим, осмондан тушдим, деб сапчийман дейди-ю, ўзларини аранг-аранг тутишади, зўрма-зўраки...

Баҳром. Тайёрга айёр. Нафс одамни минг кўйга солади. Ўрмондаги шерни ўлдирган мард эмас, ўз ичидаги нафс итини ўлдирган мард, деган экан бир доно. Буларингизда бунақа матонат етишмайди.

Тоҳира. Нафс эмас, мерос деган бир дахмаза ҳаммани бўғзидан олди, чамамда.

Баҳром. Айниқса, катта опангиз Моҳирахон билан Адҳам аканинг ҳолатини кўрсангиз. Вой, тавба, одам ҳам шунча юзтубан кетадими, ёқамни ушлабман. Ёниб кетяпман, ёниб!

Бу гапларни панада эшитиб турган Моҳира ва Адҳам ўзларини қўярга жой тополмайди.

Адҳам (уларга эшиттирмай). Докторнинг гапини қаранг, Моҳирахон. Ўзи дорига рецепт ёзиб беришдан бошқа ҳеч балони билмайди-ю...

Моҳира. Аптекачилар билан тил бириктириб олган-да, бу хоразмлик ёшули поччамиз, ўлгидай пишиқ.

Адҳам. Бу ҳам етмагандай, яна Малҳамий деган тахаллус билан газаллар ҳам ёзиб юради, ўзича.

Моҳира. Лекин... бугунги аҳволларини кўрдингизми?

Адҳам. Кўрдим. Сезиб турдим. Ичлари ёниб-ёниб кетаётганиниям билдим. Улар икки қўлини оғзига баравар тиқиб олганлардан. Бир танга учун ўзларини томдан ташлашга ҳам тайёр. Улар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ.

Панада турган Тоҳира ва Баҳром бу сўзларни гўё эшитмайдилар.

Моҳира (ўйланиб). Аслида сингилларимдаям айб йўғу... Домда яшашнинг бе-маза томонлари кўп-да. Жонга тегиб кетади. Бир меҳмон кутиб яйрай олмасанг. Тор йўлакчалардан елкангни қисиб, қимтиниб ўтишинг керак.

Адҳам. Кўнгил кенг бўлиши керак, Моҳирахон. Иккала божаям илонни ёғини ялаганлардан. Шахсий манфаати йўлида шайтонга дарс беришади.

Моҳира. Тимдалаб-тимдалаб ташлай дейману... яна ўзимни босаман. Мадания-тимга тўғри келмайди, ўлсин.

Адҳам. Унинг учун маданиятнинг ўзи бўлиши керак, ойимча.

Моҳира. Бас қилинг. Кулишадиган вақт эмас.

Бу гаплардан гўё беҳабар Тоҳира ва Баҳром залнинг иккинчи бурчагида аранг-аранг ўзларини босишиб турибди. Кутилмаганда Тоҳира хандон отиб кулмоқчи бўлади-ю, ўзини тутиб қолади.

Баҳром. Нима қиялпсиз? Нега куляпсиз? Бир нарса очилиб қолибдими?

Тоҳира. Жим...ана улар, ухлаб ётганлар эшитиб қолишмасин, шарманда бўламиз.

Баҳром. Нима, ошиқ-маъшуқлик қилиб ўтирибмиз-да, нимаси ёмон?

Тоҳира. Меҳмон дейишганига айтаман-да. Эсингиздами, уйимизга бир таниш оғайнингиз оиласи билан Қаршиданми, Термизданми меҳмон бўлиб келганди... Ўзимиз не аҳволдамизу...

Баҳром. Уйнинг қарзларидан эндигина қутилган пайтларимиз эди. Эсимда, бир ҳафтача туришди.

Тоҳира. Бир ҳафта туришди-ю, ҳаммаёқни қароқчи ургандай шип-шийдам қилиб кетишди, азаматлар.

Ўша меҳмонларни, уларни инжиқликларини эслашиб қотиб-қотиб куладилар.

Баҳром. Гапир, гапир. Нима бўлувди?

Тоҳира. Дийдаси қаттиқроқ одам экан, устма-уст топшириқ бера бошлади:

- Уй ичида кийиб юришга пижама беринглар!
- Резинкасини кенгроқ қилиб беринг, белимни қисяпти.
- Вокзалдан чамадонимизни олиб келинглар. Машина тополмаган эдик.
- Аччиққина товуқ шўрва қилинглар, боламиз шамоллаб қолибди йўлда.
- Чойни ўткирроқ дамланг.
- Боламга «скорий» чақиртиринг ва ҳакозо.
- Кичкина қизалогининг шумлигини айтмайсизми? Пардаларни тортқилаб ташлади. Дори-дармонга ҳам пул бермайди, транспортгаям тўламайди.

Баҳром. Эслатма, хотин, юрагим гумириб кетяпти.

Тоҳира. Ҳа, айтмоқчи...

Баҳром. Яна нима гап?

Тоҳира. Пастдаги икки ёндош хонани бирлаштириб, хусусий шифохона очсак, пулнинг ёғилишини ўшанда кўрасиз...

Баҳром. Ақлингизга қойилман! Бу менинг энг азалий орзуйим-ку! Бутун мамлакатга довруги кетган «Баҳромшифо» даргоҳини яратамиз. Одам дегани оқиб келади. Йўллари уни ўйлаб қўйганман.

Шу пайт тепадан Шоира ва Ботир аста-секин тушиб келадилар.

Шоира (*ҳаммаёқни аланглаб кузатиб*). Кимлардир гаплашгандай бўлдим-ей хаёлимда, чироқ ёниб-ўчгандай ҳам бўлди.

Ботир. Қўйсанг-чи, хотин. Сенга шундай туюлган бўлиши мумкин. Ҳозир қотиб ухлаб ётишибди, туш кўришиб... азаматлар.

Шоира. Ухлашиб бўпти. Ҳаммасининг ороми бузилди. Пайтавасига қурт тушди, назаримда. Иккала опам ҳам типирчилаб қолишди. Эрларининг ҳам кўзлари ола-кула. Тепадан шалоп этиб тушган омад кимни тинчитарди. Текинхўр кўпайиб кетди-да ҳозирги замонда.

Ботир. Бу гапингда жон бор, хотин. Бир зўр оғайним бўларди. Жонини беришга ҳам тайёр эди мен учун. Мансабимдан бир поғона ошай-ошай деб, масала ҳал бўлиб турганда оёғимдан чалди-да. Билмасликка олдим. Эй ҳозир инсоф қолмади одамларда. Ўнг кўзинг чап кўзингни ўяман дейди, яхшиям бурун бор ўртада.

Шоира. Мана, жонажон опагиналаримни кўрдингиз. Уй масаласини эшитиб-боқ ўзларидан кетишди. Билдирмасликка ҳарчанд уринишмасин... Лекин ич-бағирлари ёниб-ёниб кетяпти.

Ботир. Ёмонам безовта бўлишдики, қулоқларига гап кирмасди.

Шоира. Нимасини айтасиз.

Панада турган опажонлар — Тоҳира, Моҳира бу гапларга аранг чидаётганини сезиб олиш қийин эмас.

Ботир. Э... улардан кўраям анови сўтак божаларимнинг аҳволини кўрмадингиз-да, ё пирай, ақлдан озишларига сал қолди. Худди шу иморатни қуришга беш тангалари кетгандай...

Шоира. Текинхўрлик шунчаликки, бечора чолнинг изтироб билан айтаётган сўзларини тинглашмади ҳам.

Бу гапларни эшитган божалар аҳволини ҳам томошабин кўриб туради.

Шоира. Ботир ака, отамнинг қарори қатъийга ўхшайди. Бир четда қолиб кетмаслик учун кескин чорасини топиш керак тезда!

Ботир. Қанақа чора бўлиши мумкин?

Шоира. Мен, ахир, кенжатай қизлариман-ку. Ўз-ўзидан, уй менга тегишли бўлиши керак. Қонун ҳам, минг йиллик расму русум ҳам, мерослик ҳақ-ҳуқуқи ҳам шуни тасдиқлайди.

Ботир. Йўқ. Бу камлик қилади. Мерос тенг бўлиниши шарт. Опаларингиз ўз ҳақларидан кечибмайди, ўлса ҳам.

Шоира. Топинг! Йўлини топинг! Эртага чой устида бу гап яна кўзгалади. Қатъий фикр билан боришимиз керак.

Ботир. Эй, худо, тинчгина юрган эдим. Оёқнинг тагидан чиқиб қолди бу галва.

Шоира. Ҷалва деманг. Осонига ўргангансиз-да. Домимизни ҳам отам олиб берган эди. Ношудсиз!

Ботир. Тилингга эрк берма, хонимча. Ўзингни менга тиқиштиришган минг баҳонаю ваъда билан...

Шоира. Нима айбим бор экан тиқиштириб?! Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир дейдилар. Мана бу залда ўтирганлар нима деб ўйлайди? Дарвозамиз бўсағасини ялайвериб, сирпанчиқ қилиб юборган ўзингиз -ку!

Ботир. Бўлди, бўлди. Деворнинг ҳам қулоғи бор...

Шоира. Лекин...Опаларимнинг мақсади бўлакча...

Ботир. Яъни?

Шоира. Билмаяпсизми, мана шу кўркам оилавий кошонамизни пуллаб...

Ботир. Жигилдонидан ўтказишмоқчи...

Шоира. Йўқ. Бири ўғлини уйлантириб, бири қизини чиқариб олиши керак!
Бу катта харажатни мана шу иморат кўтаради. Ҳозир куда томонга нима-нималар ҳада этилишини биласизми? Чолларига ҳасса, кампирларига пар кўрпаю тилла кўзойнак, ёшларига қишки-ёзги соябонгача...

Ботир. Вой, галамислар-эй. Лекин... Шоирахон, бир томонлама ўйлаб, ўзингизча...

Шоира. Йўқ. Лекин бу савдони ҳал қилишда мен бошқача йўл тутаман.

Ботир. Масалан?

Шоира. Бу махфий. Ҳатто сизга ҳам айта олмайман.

Ботир. Махфий?

Шоира. Ҳа.

Залнинг икки бурчагига тиқилиб олган икки опа-сингил ва икки божа Шоира ва Ботир сўзларини эшитиб, минг оҳангга тушадилар.

Шоира. Агар шу гапларимизни эшитишса борми, худо кўрсатмасин, икки опам ҳам ўзидан кетиб, «скорий»га равона бўлишади.

Ботир (божсаларига ишора қилиб). Улар ҳам-да, анови икки такасалтангни айтаман. Нукул ёғлиқ жой қидиришади. Шулар билан божа бўлиб қолганимга пушаймонлигимни билсангиз эди...

Шоира. Тўхтанг, тўхтанг. Демак, менга уйланганингизга пушаймонсиз? Вой, шарманда-эй. Еб туриб маърайсиз-а. Бизларга қўшилиб одам бўлдингиз-ку. Юрган бир ипирисқи эдингиз!

Ботир (бақариб). Ким ипирисқи!

Шоира. Овозингизни ўчиринг. Тепадагилар эшитади. Тиссс...

Мана шу гап-сўзлар авж нуқтасига етганда, кимнингдир тоқати чидамай, чироқни ёқиб юборади. Ҳаммалари бир-бирини кўришиб, гоҳ хижолат, гоҳ ҳайрат, гоҳ даҳшатга тушиб, бир-бирларини кузатадилар. Сўзсиз ҳолат бир неча дақиқа давом этади.

Тоҳира (кўзларини ишқалаб). Э, ҳа, Моҳирахону Шоирахонлар, қоронғида топишибсизлар-да, айби борлардай...

Шоира (хижолатдан кўзларини бекитиб). Уйқу келмади, балконга чиққандик...

Ботир. Шаҳарни томоша қилдик. Вой-бў, чироқларни кўрсангиз. Маржон, маржон, маржон!

Моҳира. Чироқларни томоша қилиш учун ота-онаникига атайлаб келиш керак экан-да.

Шоира. Домнинг балконида ҳеч нарса кўринмайди-да, опа.

Моҳира. Опа дема, уятсиз. Бир кеча тинчгина ётсаларинг, ўлармидинглар. Душгача бор-ку хонанинг ичида.

Шоира. Ўзингиз-чи, ўзингиз?

Моҳира. Бошим оғриб ухлай олмадим. Дори ичдим, совуқ чой бормикин, деб чиққан эдим, юлдуз санашга эмас.

Шоира. Баҳонангиз қурсин. Унда Тоҳирахоним нима иш қилиб юрибдилар ярим кечада тимирскиланиб, бурчакка тиқилиб.

Тоҳира. Болалигим ўтган уйни обдон соғинган эканман, уйқунинг баҳридан кечдим-да.

Моҳира. Унда куёвинг нега эргашиб юрибди, дум бўлиб? Хоналарингда ҳамма нарса – душ ҳам бор эди-ку... Ҳаммани безовта қилиб...

Тоҳира. Уйқу келмагандан кейин нима қилиш керак, опажон? Сизга ўхшаб кимнинг ухлаган-ухламаганини текшириб юрайми?

Моҳира. Тилингни заҳари курсин. Бирдан ичларингга қурт тушиб қолди, «бобой»нинг гапни эшитиб... ўл, қизганчиқ! Нафс бандаси!

Шоира. Отажонлари «бобой» ҳам бўлиб қолдилар...

Моҳира (*Тоҳирага*). Асли, қизганчиқ, нафс бандаси эдинг. Ўшандай бўлиб қолдинг.

Тоҳира. Ўша ўзингиз, опажон! Уччига чиққан қуримсоқ, зикна бўлгансиз. Ҳамма нарсани «бу меники, бу меники» деб бағрингизга босиб, дод солиб, шармандалик қилардингиз.

Моҳира. Вой, тавба! Вой, тавба!

Тоҳира. Буни кўни-кўшнилар ҳам яхши билишарди.

Моҳира. Мусичаи бегуноҳман деб чиранишни қаранг, тирмизак!

Тоҳира. Нафсингиз олдида ҳеч нарсадан қайтмасдингиз.

Моҳира. Нима бўпти? Одам борки, нафс бор. Сен фариштамидинг? Куёвни-кидан келган сарпанинг ичида у йўқ экан, бу йўқ экан деб фарёд урганингни ҳамма эшитган, энди эса тилинг бир қарич.

Шоира. Ҳой, шарманда опажонлар, ақлдан оздинглари, нима бало?! Эшитган нима дейди? Одамлар нима дейди? Одамнинг ҳар нарса бўлгани яхши-ей...

Тоҳира. Майли, нима деса десин. Менга деса, бутун дунё билсин!

Моҳира. Вой, тавба, ўзиндан чиққан балога, қайга борай давога.

Адҳам (*ўйланиб*). Бугунги уйқусизликнинг туб маъносини топдим!

Баҳром. Ҳуқуқшунос бўлганингиздан кейин топасиз-да. Айтинг, эшитайлик.

Ҳаммалари. Эшитайлик, нима экан?

Адҳам. Ҳаммамиз ҳам ўз уйларимизга ўрганиб қолган кишилармиз-да. Қай вақти ухлаб, қачон уйғониш — бу одат, кўникма натижаси, албатта!

Баҳром. Бу гапдаям жон бор. Мен ҳам бўлак шаҳарларда сафарда бўлганимда, энг зўр меҳмонхоналарда ҳам ухлай олмайман.

Адҳам. Соғинасиз-да келинни.

Ботир. Азиз отажонлар, ўтлаб кетяпсизлар. Бу ерда тамомила бошқа сир-синоат бор.

Адҳам. Қанақа сир-синоат экан?

Ботир. Мана шу уйнинг замирида мужассам бўлган сир-синоат уйқусизликларнинг бош сабаби!

Баҳром. Ё, Оллоҳ! Гапни кавласа, гап чиқаверади.

Тоҳира. Бу эркакларнинг билмаган нарсаси йўқ.

Моҳира. Бунақа бетайин гапни йиғиштиринглар. Эшитган одам нима дейди?!

Шоира. Нима деса десин. Бу гапни гулдир-гуп, ўрага сичқон тушди қабилда бекитиб бўлмайди.

Адҳам (*кўзларини ишқаб*). Уйқунинг белига тепдинглари-да, ишқилиб. Ана, тонг ҳам бўзариб келяпти.

Баҳром. Яна машмаша давом этар экан-да. Тинчлик борми ўзи?..

Ботир. Бўлмайди...

Шоира (*бирдан ўзгариб*). Нега ҳаммаларингга отажонимнинг ташвиши тушиб қолди? Худди ўтказиб қўйган жойларинг бордай?

Моҳира. Ҳа, тинчликми, сингилжон? Кенжатоیمان деб бижилляяпсанми? Қонунларда бунақа гап йўқ. Мана, поччанг биладилар.

Тоҳира. Бирор гап бўлгандаям, ҳамма нарса ўртада бўлади. Бир қадам у ёққа, бир қадам бу ёққа ўтиш йўқ.

Адҳам. Шошманглари, шошманглари. Жаҳл келганда, ақл кетади. Нафс қутурганда, виждон қочади.

Шоира. Ҳов, почча! Виждонингизни пеш қилаверманг. Нима, бу иморатнинг пойдеворини қўйишганмисиз, томини ёпишганмисиз, гиштани теришганмисиз ё михини қоқишганмисиз? Билиб турибмиз кўнглингиздаги гапни. Юрист сифатида катта қўлласиз, буни ҳам биламиз.

Адҳам (*жаҳлланиб*). Юристлигимга тил тегизманг! Билдингизми?! Мен бу масалани чолнинг ўзларига қолдирайлик деяпман. Ҳаммаларингни инсофга чақиряпман, холос...

Баҳром. Адҳам ака тўғри айтаяптилар. Йўқ ердан мажоро чиқариш керак эмас. Тонг отсин...

Ботир. Яна қанақа тонг отиши керак? Отиб бўлди-ку...

Адҳам. Яна озгина мизғиб олайлик. Эрталаб бўлсин. Унгача Ўткирбек акамлар ҳам келиб қолишар. Бу ишларни ақлу идрок билан бажарган мақбул...

Қизлар. Рост, рост. Яна бир мизғиб олайлик. Қолган гап эрталаб бўлар...

Худди шу гаплар асносида эшик очилиб, залга Акбар ота киради. Фавқулодда ҳолатдан ҳайратга тушган қизлару куёвлар отага саросима ичида боқадилар.

Акбар. Худойимнинг ўзи кечирсин. Гапларингизни тўла эшиттим, болаларим. Кечаси намозга туриб, уйқум қочди-ю, сизлардан хабар олмоқчи бўлдим. Кўрсам, бу аҳвол. Барча муддаоларингиз, мулоҳазаларингиз, ташвишларингиздан огоҳ бўлдим. Бу ишим учун сизлардан узр сўрайман. Ҳар бир одам ўзини ошкор этгани яхши. Мен буни тушунаман. Бунинг учун сизларни асло айбламайман... Лекин... *(ён чўнтагидан қандайдир дори олиб ичади)*. Сув беринглар, сув, сув *(сув туттишадди)*! Барчаси учун сизларга раҳмат, болаларим, минг раҳмат! Мен розиман. Бу дунё, у дунё розиман.

Ҳушидан кетади. Ҳайрат ичида қолган фарзандлар чуввос солиб, ота бошида нарвона бўладилар: биров сувга чопган, биров телефонга югурган, биров саросима ичида... Бутун хонадон ўта безовталиқ билан ўртанади.

- Эй, худо, бу нима кўргилик!
- Нима кори ҳол бўлди, вой-дод!
- Дадажон, кўзингизни очинг!
- Гапимизни эшитяпсизми, дадажон?!
- Қариндошларга хабар қилинлар!

Ҳамма чирпирак бўлиб хона айланишида давом этади, қичқириқ, йиғи-сиғи хонадонни забт этган.

Дилбар *(ўртага чиқади)*. Ҳаммаларинг мақсадларингга еттинглар! Аммалар, поччалар, қора ниятларинг амалга ошди! Ана энди уйни бошларингга урасизларми, ер билан яксон қиласизларми — ўз ишларинг! *(Йиғлайди)*.

Отанинг кенжа қизи Шоира Дилбарни юпатиб, бағрига босади. Сўнг ўзини дадил тутиб, даврадагиларни бир-бир кўздан ўтказида.

Шоира. Йиғлама, Дилбаржон. Рост айтдинг. Бу уй, бу хонадон ҳеч қачон, ҳеч кимга сотилмайди! Бу уй — ҳаммамизнинг олтин беланчагимиз, гавҳар бешигимиз! Аждоду авлодни боғлаб турадиган тилло кўприк! Билмаганлар билиб қўйсинлар!

Ботир *(ҳайратда)*. Шоира, нималар деяпсан?! Нега алжияпсан! Бошқача йўл тутаман, махфий деб олифтагарчилик қилганларинг шунгамиди?!


Моҳира. Ўзини бегуноҳ мусича қилиб кўрсатяпти бу тирмизак! Жосу!

Тоҳира. Бунинг нияти бошқа. Кошки билмасак!

Шоира қатъият ва ғурур билан даврани яна айланади.

Шоира. Бу хонадон чирогини ёқиб, уни доимо муқаддас ва мустаҳкам сақлаш — барчамиз учун бош вазифаси! Бу хонадонда киндик қонимиз тўкилган. У — кичик ватанамиз, Ватан эса сотилмайди!

ПАРДА



ЭТАҚДАГИ КУЛБА

Ҳикоя



Нуруллоҳ
МУҲАММАД РАУФХОН

Жимжит Қишлоққа жимжитликни бузиб ўхшовсиз бир девона оралади. У бир маром ва бир оҳангда нималардир деб жар солар, ора-чира жинкўчанинг икки томонидаги пастқам уйларга ва ундан ҳам пастқам эшикларга кўз ташлаб, гўё жарига жавоб кутар эди.

Ер юзида пайдо бўлганидан бери Қишлоқ бунақа девоналарни, ҳар турли келган-кетганни кўп кўрган. Бирда: «Қайчи-пичоқ ўткирлайма-а-ан! Ўроқ-кетмон эговлайма-а-ан!» деб чархчи жар солиб ўтади. Қишлоқда нима кўп, ўтмас пичоғу тўмтоқ кетмон кўп — бир зумда ҳаммаси шақир-шуқур қилиб чархчининг олдида тўпланади. Бирда чегачи келиб қолади: «Синган чойнак-пиёла чегалайма-а-ан!» Қишлоқликлар болаларининг қўлларига чақа бериб, чегачининг олдинги келиши билан ҳозирги келиши оралигида синган чойнак-пиёла ва коса-лаганларини тутқазиб, кўчага чиқазиишади. Яна: «Жун олама-ан!» дегани қанча, «Увада титама-ан!» дегани қанча. Бошқа кунлари Қишлоқ қиш бўлса қорасовуқдан дилдираб, ёз бўлса саратондан жизғинаги чиқиб ётаверади. Баҳорда бир нафас олади, кузда бир нафас чиқаради. Зерикарли.

Бунақа келгиндиларни кўравериб Қишлоқ кўникиб кетган, ҳамишаги ҳол деб қарайди. Девонага ҳам парво қилмаслиги мумкин эди, лекин унинг сўзлари бу гал сал бўлакчароқ туюлди. Девона одамлардан қотган нон эмас, эски кийим-бош эмас, нимадир бошқа нарса сўраётган эди:

— Уйи куйган ким бор?.. Моли куйган ким бор?.. Бағри куйган ким бор?..

Қишлоқ сергак тортди, шубҳаланди. Зерикарли ва туссиз ҳаётига сал бўлсада бўлакча бир ҳаво киритиши мумкин бўлган бу ишдан негадир қувонмади, аксинча, бир оз кўрқинч босди уни.

Ғалати товуш ва ундан ҳам ғалати сўзлар эгасини кўришга қизиққан тажрибасиз бола-бақрага тажрибали ота-оналар ўшқириб беришди:

— Ҳа, қаёққа?! Қайт орқангга!

— Эшикни тамбала! Уйда хап ўтир!

Диққинафас кўчада ҳали ҳам Девонанинг товуши кезар, жимжитлик шовқинидан том битган қулоқларга унинг товуши аллақандай ёқимли бир эпкин бўлиб кирар, ҳатто ширали эшитилар эди:

— Уйи қуйган ким бор?.. Моли қуйган ким бор?.. Бағри қуйган ким бор?..

Минг тийилмасин, барибир мароқ устун келди: қаттиқ тамбаланган, зулфинланган ва камига яна ичдан қулфланган эшиклар орқасига Қишлоқ аста-секин ва ихтиёрсиз равишда сурилиб келди, тирқишлардан кўчага мўралай бошлади.

Ким бўлди бу одам? Нега бирдан бунақа нарсаларни сўроқлаб қолди? Уста бўлиб устага ўхшамайди, қуйган уйларни бутлаб берай деса? Бой бўлиб бойга ўхшамайди, моли қуйганларга суянчиқ бўлса? Табиб бўлиб табибга ўхшамайди, қуйган бағирларга дори қўйса? Ким ахир?..

Фирт девона! Сўзи туришига, туриши сўзига уйғун келмайдиган дали! Албатта, Қишлоқда уйи, моли ё бағри қуйганлар қанча, лекин шу пайтгача биров буларни сўрамаган-да. Узоқдан келиб сўраш тугул, қишлоқликларнинг ўзи ҳам бир-биридан юрак ютиб, товуш чиқариб ҳол сўрамай қўйган. Бир ҳисобга, сўраб нима қилади, қачондан бери бир осмон остида, бир тупроқ устида бирга-бирга яшаб келади, бир-бирининг ҳолини ҳар ким ўзи кўриб-билиб турибди, кўриб-билиб турган нарсасини яна сўрайдими?!

Шундай бир паллада... қандайдир бир Девона... иссиқдан пишиллаб ётган Қишлоқда... кўчама-кўча юриб... қанақадир бир нарсалар деса!

Жинкўчалар узра момақалди роқдек туйқус янграган бу товуш, албатта, шубҳали ва қўрқинчли эди. Ахир, момақалди роқ ҳам баҳорга ярашади. Кузда-ям майли дейлик, аммо ёзнинг қоқ ўртасида гулдираши...

— Нима деяпти? — деб сўрайди қизиқувчан хотинлар.

— Овозингни ўчир! Ишинг бўлмасин! — деб жеркийди эҳтиёткор эрлар.

Ичкариларда ҳол бу экан, ташқарида Девона ҳайрон эди. Ўликми бу қишлоқ, деб ўйлайди. Узун умри ичида не-не юртларни кезди, не-не одамларни кўрди, аммо бунақа гунг Қишлоққа энди йўлиқиши. Бирон-бир офатдан аҳолиси қирилиб, кимсасиз шўппайиб қолган шаҳару қишлоқлар ўтмишда кўп бўлган, албатта. Бу қишлоққаям яқин орада бирон офат келдимикан ё? Ундай деса, кўринишидан жуда унақа ташландиқ маконга ўхшамайди, яқин-яқинларгача одам яшаганининг излари билиниб турибди.

Лекин жимжитлик, худди ўлик дейсиз.

Шунга қарамай, Девона қандайдир бир ички сезги билан, Қишлоқда биронта тирик жонзот қолган бўлиши керак-ку, ахир, деган умидда жар солишдан тўхтамасди:

— Уйи қуйган ким бор?.. Моли қуйган ким бор?.. Бағри қуйган ким бор?..

Шу палла... этакдаги бир эшик гийқиллади. Бунақа сўровга жавобан биронта эшикнинг очилишини сира кутмаган Қишлоқ сапчиб тушди. Шу дамгача жимжит кечаётган турмушини безовта қилган бу гийқиллаш, назарида, яна жуда узоқ замон боши узра қўрқинч солиб янграб тургандай бўлди. Эшикларни қия очиб, ҳадик-хавотирда, товуш чиққан томонга мўралади.

Этакдаги кулбада эски замонлардан бери бу Қишлоққа бегона бир одам яшарди. Қаердан келиб қолган, ота-онаси ким, ҳешлари борми, нима иш қилади — Қишлоқ буни билмас, уни танимас эди. Кейинги пайтлар ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб кетиб, Бегона баттар кўзга чалинмай қолганидан, ҳатто ўлдига ҳам чиқариб қўйган.

Бу нима деган гап, бир киши ўлса, Қишлоқ билмасми, одамлар тўпланиб кўммасми?!

Ҳа, одам тўпланмаса ҳам, ўлган кишини кўммаса ҳам, кимнингдир ўлганини Қишлоқ билмай қолса ҳам, бўлавераркан! Нега деганда, ҳозир кўплар ҳовлисидан ўзига гўр қазиб, уйини мозор қилиб олган — шу йўл ўнғай келиб қолди: ҳа, деса, ювинмаёқ, кафанга ўранмаёқ, гўрига кириб кетяпти. Ўлиш осон ва текин бўлиб қолди. Ҳеч кимга оғирингиз тушмайди, Қишлоқ ҳам билмай қолаверади.

Йўқ, ҳартугул, Бегона ҳали ўлмаган экан, ўлмаганини Қишлоққа ёғсираган эшиги билдирди. Жимжитлик пардасини чок-чокидан сўкиб, бу пасқам эшик бу улкан оламга жар солди:

— Гий-й-йиқ!..

Кейин остонада Бегонанинг жуссаси ҳам кўринди. Бўйинини чўзиб, пича теваракни синчилади, ниҳоят, кўнгли тинчландими, аста кўчага оёқ қўйди.

Девона тўхтади. Ўлимсанги Қишлоқда туйқус пайдо бўлган бу тирик одамга ажабсиниб қаради.

Чиндан ҳам, Бегона шу туришида худди гўрдан чиқиб келаётганга ўхшарди: тириш босган юзида қон асари йўқ, ўсиқ қошларидан қулоқларигача, қулоқларидан елкаларигача, елкаларидан бурнию пагила соқол-мўйловигача ўргимчак ин тўқиб ташлаган; кийимлари ҳам илвироқ. Юрганида, ўргимчак тўрларини авайлагандай, оёғидан бошқа жойини қимирлатмасликка тиришиб юрарди.

Девонага яқинроқ келиб, тўхтади. Оғзини хиёл очди, орада Қишлоққа олазарак боқди, ҳайиқдими, гапира олмади, аммо нималардир дегиси келаётгани куюқ тўр ичра хирагина йилтираб турган кўзларидан билгили эди.

Девона узоқ кутди, ҳадеганда Бегонадан сас чиқавермагач, ўзи бирнималар дегандай бўлди.

Қишлоқ унинг гапини эшитмади, лекин кўчага чиқишга, бу Девона билан бу Бегонага яқинлашишга, гапларига қулоқ солишга юраги бетламади ҳам.

Девона яна кута-кута, кутганига эришавермагач, охири Бегонанинг ис босган қулогига оғзини қўйди ва... бир ўкирди!

Бу ўкириқдан Бегона титраб кетди, бошию қўлларини ихтиёрсиз қимирлатиб юборди.

Ўргимчак тўрлари чирг узилди.

Кейин Девона кетди. Жар ҳам солмай қўйди, орқасига ҳам қарамади, Қишлоқда қандай тўсатдан ва билинтирмай пайдо бўлган бўлса, шундай тўсатдан ва билинтирмай йўқолди.

Бегона яна эшигини гийқиллатиб... гўрига кириб кетди.

Қишлоқ тагин жимжитлик чуқурига чўкди.

Бу сирли-жумбоқли манзара кўзлардан тез ўчгани сингари эслардан ҳам тез ўчди. Худди аслида бўлмагандай...





«ШОҲМОТЛИ ДОСҲОНИ»

Китобидан

Хусниддин ШАРИПОВ

ЎЗИМ ҲАҚИМДА

— Келинг, бир ўйнаймиз, — дейди Баҳодир.

— Ўйнамайман, — десам, боқади ҳайрон.

Унингча, на жасур ва на даҳодир

Шоҳмотдан бебаҳра яшаган инсон.

Боланинг гапида жон бор, албатта,

Лекин, ўз-ўзимни айласам сўроқ,

Шеъриятдан ўзга касбу санъатда

Менга ишқибозлик ёқади кўпроқ.

Ҳа, ҳа, томошани кўраман афзал,

Гарчи ўйнашга ҳам ақлим етади.

Кишилар

кўпинча

ўйлаган маҳал

Чинакам чиройли бўлиб кетади.

Мен шу гўзалликни севаман мангу,

Аҳдим такрорлайман, дуодек, минг бор.

Қувончлар изидан югураман-ку,

Дарду заҳматдан ҳам қочмайман зинҳор.

Негаки, рақиб ҳам тутинар ўртоқ

Фикр ришталари туташган дамда.

Шоҳмотчи мияси қисирлаган чоғ

Акс-садо туғилар менинг миямда.

Фиди-бидиларнинг калавасидан

Чиқолмай,

не жонлар инграр бетоқат?!

Мен эса, бировлар галабасидан
Кувониб яшашни қилганман одат.
Тўлиб турган бўлса шодликнинг жоми,
Тошириб юборгай менинг бир томчим.
Дўстлар, қораймасин мағлубнинг шоми,
Етсин ниятига голиб илҳомчим.
Яна фил тебранар, сўлиқ чайнар от,
Ҳали олдиндадир йўлнинг кўп қисми.
Нима деб эсларкин қачондир шоҳмот,
Шеърият нима деб эсларкин бизни?!.

ҚУВОНЧ ВА КЎЗ ЁШЛАР

Севара Юсубалиевага

Шўх яратар қизларни ҳаёт,
Ерга урсанг, сапчишар кўкка.
Яшай деса — орзулар қанот,
Куйлай деса — соғломдир ўпка.
Нур таратса руҳинг ва жисминг,
Ҳар лаҳза ҳам бўлади ширин.
Фақат, дўстлар, шоҳмотчи қизнинг
Жазаваси яшар яширин.
Ювошгина очса-да чирой
Сокин ҳаёт беланчагида,
Жўшар у ҳам, шўрва ёки чой
Қайнагандек қопқоқ тагида.
Ахир, жўн иш эмасдир кураш:
Панд берилар, берилар қурбон,
Нимадандир бемаврид ажраш
Қиз болага бўлмагай осон.
Майдон ногоҳ келса ларзага,
Ўлтирмас у марҳамат тилаб.
Жангчиларни янги маррага
Торгаверар, оёғин тираб.
Чегара мўрт, зарбалар кескин,
Авж пардада гирдобланар ҳарб...
Бир вақт қизнинг оёғи секин
Қай бир куйга бера бошлар зарб.
Демак, ичи тўлиб жарангга,
Мавж уради наздида жанггоҳ.
Аста туриб, оташли жангга
Юксаклардан ташлар у нигоҳ.
Еру кўкни унутар бир дам,
Чайқалар у қўли эшилиб...
Хонтахтага эгилар бирдан,
Гўёки ўз бағри тешилиб.
Хом эканми бояги «кишт»лар,
Мис эканми топган олтини?
Қилиб шунча гўзал юришлар,
Жар лабига келиб қолдимиз?

Тўғри, жисм борки, қилар ҳаракат,
Чарх урар жонзоднинг семиз-ориғи.
Лекин қурбонларга маълумдир фақат
Парвозда қулаган жоннинг оғриғи.
Шунча йил галвирлаб дунёни, наҳот,
Ажрата олмайсиз асли ва аксин?
Ким жавоб беради:

Ўйинми – ҳаёт?

Ўйин – ҳаётми ё?

Билганлар айтсин?!



БУЮКЛАР ҲАЁТ ҲАҚИДА

* * *

Ҳаётда ширин билан аччиқ ҳар доим аралашдир.

Людвик Пиеник

* * *

Ҳаёт – ҳаракат, ҳаракатсизлик ўлимдир.

Левис Мифрис



Хаёлимда гуллар экаман

Ойгул СУЮНДИКОВА

* * *

Шом кўнади шаҳарга сим-сим,
Кенг кўчалар нурафшон, равон.
Кўз олдимда очилар тилсим —
Осмон борган сари чарогон.
Шом кўнади шаҳарга сим-сим.

Осмон тиниқ тортиб келади,
Шуълаларми жим-жим бўлинди.
Ичимдагин ким ҳам билади,
Ёлғизликнинг бағри тилинди.
Осмон тиниқ тортиб келади.

Бу кўнгул ҳаловат истайдир,
Яшамоқ кечибди ким учун осон?
Шамоллар қистайди, қистайдир,
Яшагинг келади, яшагинг ҳамон.
Бу кўнгул ҳаловат истайдир.

Нафасларим урилар ойга,
Хаёлимда гуллар экаман.
Шу ой эниб тушгуси сойга,
Кўнглимдаги сирни тўкаман.
Нафасларим урилар ойга.

Қўл узатсам етгудай осмон,
Гар йиқилсам кўмгудай тупроқ.
Шу зайилда туғилар армон

Ва умидлар яшайди узоқ.
Қўл узатсам етгудай осмон.

Пешонамдан ўпиб қўй, қуёш,
Сени ҳар кун кўрганим ҳаққи.
Сенинг билан кўтарибон бош,
Шу тупроқда юрганим ҳаққи.
Пешонамдан ўпиб қўй, қуёш.

* * *

Уйим ҳам ўзимга ўхшайди, уйим
Мендай кўнгли очик, мендан бағри кенг.
Кун билан, тун билан бетакрор, азиз
Лаҳзалар кечади жондай жонга тенг.

Масрурман қаҳратон қиш тунларининг
Энг аччиқ заҳри ҳам эриб кетади.
Олис уфқларга, оппоқ борлиққа
Хаёлнинг оёғи мен-ла етади.

Ҳовлимга тўлади райҳон ифори,
Кўксимга урилар кўклам ҳавоси.
Турналар товуши баландлаб борар,
Ўсар ҳамон кўнгли бола ҳавасим.

Гуллайди қалдирғоч қанотларида
Ўхшаши йўқ ялпиз рангли гулбаҳор.
Бошланар кўллари иссиқ кунларим,
Тунларим юлдузли, тунларим бедор.

Уйимдан ёз бўйи танти қуёшнинг
Нурлари кетмади, тафти кетмади.
Бу тупроқ, бу сувлар, гуллар ҳидига
Ҳеч нарса етмади, ҳеч не етмади.

Мен уруғ қададим ерга тонг пайти,
Қад тиклаб боради яшил дарахтлар.
Ҳовлимдан жилдираб оққан ариқча
Тўлқинида оқар ҳовуч- ҳовуч зар.

Кун етиб, уруғлар беради ҳосил,
Йўқдир табиатдан ҳам ўтар уста.
Барглар сарғаяди, ҳатто ариқча
Кузнинг ҳавосини сезар оҳишта.

Қўл етмас уфқда эрийди нола,
Сафарга отланар совуқ шамоллар.
Ҳар бир қадамимни ювади ёмғир,
Дераза ортида кузги хаёллар.



Уйим, омонмисан, бағринг бутунми,
Умримиздан яна бир баҳор ўтди.
Сенда туриб, улкан дунёга кирдим,
Тунларингда оқдим, тонгларни кутдим.

Сен менинг отамсан — тоғдай суянчиқ,
Сен менинг онамсан — меҳрибон, дилкаш.
Сен менинг боламсан — умрим давоми,
Сен менинг ўзимсан — юраги оташ.

Фасллар — ҳаётнинг товланишлари,
Фасллар — умрнинг ўтли зинаси.
Уйим, сен дўстимсан, қадрдон дўстим,
Дилида йўқ зарра ҳасрат, гинаси.

Биз ҳали кўп йиллар яшаймиз бирга,
Ўтганимдан сўнг ҳам ўчирма ҳидим.
Албатта, айтиб бер болаларимга
Менинг орзуларим, менинг умидим...

* * *

Кун санайман, унинг ортидан тунни,
Гоҳо табассум-ла, гоҳ ҳазин куйлаб.
Кўлимда кўтардим ёруғ бугунни,
Олис йўлга чиққан хаёлга ийлаб.

Шамол уйғотади сочим эркалаб,
Хаёллар ҳавасли, ўйлар суронли.
Яна оқшом келар юракни ўртаб,
Ўртаб юборгудай ойдин ва нурли.

Узоқ тикиламан олис самога,
Йиғладингми дея сўрар юлдузлар?
Шунда сингиб кетгим келар ҳавога,
Шунда бағримдаги шамоллар бўзлар.

Йиғлама, бу ғамлар ўтиб кетади,
Фақат кўпаяди сочларинг оқи.
Фақат эрта кузлар сени кутади,
Фақат кетолмайсан сойларда оқиб.

Йиғлама, бу ғамлар ўтиб кетади,
Фақат унутилмас юрак оғриғи.
Терак баргларига шамол битади,
Ойнинг шуъласида армон ва йиғи.

Йироқ-йироқларга тикилар кўзлар,
Тунги сўқмоқларда тонгни кутгали.
Менинг билан бирга кетар юлдузлар,
Тунги азобларни жим унутгали.

* * *

Дерлар сўнган юлдуз шуълалари ҳам
Минг йилларки, ҳамон келиб туради.
Наҳот, шу қадарлик ёруғ кўкда гам,
Наҳотки, гам руҳи ҳайрат беради?

Кутаман . Дераза. Ёғмайди ёмғир.
Кутаман. Кенг айвон. Учқунламас қор.
Кутаман. Тинч кўча. Шамол сақлар сир.
Кутаман. Тун ичра тонгни кутгум бор.

Садолар оқади, тарқалар туман,
Олис тушларимда ёмғир, ёғар қор.
Уйғониб кетаман, товшимда бўрон,
Томиримда қонмас, юлдузлар чатнар.

Сингиб кетаяпман кўнгилдай очиқ
Самонинг кўринмас тўлқинларига.
Руҳим қанотланиб, ранг олиб ақиқ,
Инар тонгни насим эпкинларига.



БУЮКЛАР ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

* * *

*Инсон ҳамма нарсага эга бўлсаю бирорта дўсти бўлмаса,
унинг яшашида маъно йўқ.*

Аристотель

* * *

Содиқ дўст ўн бир қариндошга тенгдир.

Эврипид

**Ҳалим КАРИМ**

Дунёнинг сиридан ўйга толаман

* * *

Кўнгил ҳаловат истайди бирам,
Ҳануз ўз ҳолига уни қўймайсан.
Сочларимга, ахир, оқлар инса ҳам,
Нечун тарк этмайсан, нечун қийнайсан?

Кўнгил ҳаловат истайди бирам,
Қўй, энди ситамни, қўйгил, мендан кеч.
Эй менинг сарғайган сўлгин хотирам,
Нечун бедор тунни қиладирсан эш?

Умидим узилган сўнгги даракдан,
Армонлар дилимда ётар қатма-қат.
Ҳижрондан қонталаш бўлган юракдан
Қайга юлиб ташлай сени муҳаббат?..

* * *

Қўлларимдан сирғалиб кетмоқда журъат,
Ҳисларим тўкилмай кўзларда қотди.
Қаламимда неча ой йўқ, ахир, суръат,
Нимжон имконларим бағримга ботди.

Момо ой чиқмаган сокин тун аро,
Тагин кипригимдан тортмоқда ғафлат.

Юракдан дардларим ситилмагунча,
Эй ором, нари тур, қил менга шафқат.

Ташвишларни бошлаб келгунча тонглар,
Хаёллар самони забт этиб қолинг.
Бўм-бўш сатрларим-оппоқ қоғозлар,
Ҳислар денгизида чўмилиб олинг.

Эрта, майли, сонсиз ўтли нигоҳлар
Мудраган кўзлардан сўрасинлар вақт.
Тунлар ганиматдир. Тонглар ҳам, ахир,
Кетиб бораётир имкон ва журъат.

* * *

Йўқ-йўқ эшитмадинг хаёлга ботиб,
Менинг ҳам бу сўзни айтганим ёлгон.
Кўзларинг сеҳридан жонсиздай қотиб,
Валдираб қўйибди тилим ногаҳон.

Мен ҳали ўзга сўз этадирман кашф,
Эшитганда уни беҳис қотмайсан.
Маънисин англолмас ҳаяжонсиз қалб,
Минг хил лугатлардан излаб топмайсан.

Мен ҳали ўзга сўз этадирман кашф,
Бағримда сен учун сақлайман кўздан.
Фақат у осмонча юксак бўлади,
“Севаман” деган бу ожиз сўздан.

* * *

Самарқанд тунини хаёлчан кезиб,
Ажиб ҳақиқатга бўлдим мен гувоҳ.
Одамлар ухласа ташвишдан безиб,
Гўр Амир уйғоқдир, Регистон уйғоқ.

Ҳайратдан толиққан эй сиз, сайёҳлар,
Ранглар сизни алдаб қўйибди кундуз.
Аслида, фотолар мурвати аро,
Ухлоқ минорларни яширдингиз сиз.

Тунда нигоҳлардан гумбазлар халос,
Нақшинкор деворлар керади қомат.
Маҳобатли зулмат қаърида бирпас
Сирли шивирлайди улуг сукунат.



Турон турар юрак харитасидан,
Онгимга киради зўр бир фароғат.
Ўтмишнинг фараҳли даричасидан
Кўринади мангу буюк заковат.

Эшитилар тошлар қатидан сокин,
Соҳибқирон бобом юрак уриши.
Ўксик гуруримга беради таскин,
Аждодларнинг вазмин қадам товуши.

ҚАЙДЛАР

Нечун англамайсан севгимни ҳануз,
Наҳот керак сенга алдоқчи сўзлар?
Ҳамоҳанг қалбларга изҳор не боис,
Нечук керак, ахир, бизга бу кўзлар?

* * *

Лаблар қовушдилар — қайноқ ва муздай,
Бирига бўса — бахт, бирига — қисмат.
Эҳ, не бўлар, ахир, уларга бирдай
Ҳарорат бахш этсанг она табиат?

* * *

Қалбим!
Ҳамиша тик тутгин гурур бошини,
Энди кўп отарлар таъна тошини.
Кифтингга қоққанча ёрилгур қорин,
Бугун ичиб қўйди миннат ошини.

* * *

Ўзни зукко билиб хаёлга чўмиб,
Дунёнинг сиридан ўйга толаман.
Миямда айланар олам чарх уриб,
Лекин ўзим йўқдек бўлиб қоламан.

Андижон



НУР ВАСЛИ



**Матназар
АБДУЛҲАКИМ**

Алишер Навоий “Чор девон” ларининг дебочасини шундай байт билан бошлаганлар:

*Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор-ул-худо,
Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо.*

(Яъни, ҳақиқат (ҳидоят) нурлари қуёш косасидан акс этиб чиқиб кела бошлади, ёрнинг аксини майда кўр деган овоз жомдан садо берди.)

Алишер Навоий айтаётган бу “садо” – нур овози. Мулки борлиқда ҳақиқат нурининг таралиши. Буюк шоиримиз айтаётган шу нур таралгачгина, мулки борлиқ қўзларимиз олдида намоён бўла бошлайди.

Намоён бўлган мулки борлиқнинг ҳар бир унсурида илоҳий жамол юз кўрсатади. Борлиқда ҳақ жамоли зуҳур қилиши ҳақидаги қарашни, янглишмасам, олимларимиз “пантеизм” истилоҳи билан ифода этадилар.

Йил фасллари илоҳий ҳукмга кўра, ўтаётган вақтнинг раъйига қараб юз берадиган синоатдир. Вақтнинг бошланишида ҳам, охирланишида ҳам чек-чегара йўқ. Вақт ибтидосини, шу боис, биз “азал”, интиҳосини эса “абад” деб атаймиз. Бироқ, на ибтидодан дарак, на интиҳодан нишон бор. Демак, мутлақ мангулик – илоҳий кашфиёт, Олий ақл англайдиган ва унинг ҳукмида бўлган мобайндир. Бизнинг ихтиёримизда эса, унинг ўзимиз учун тақдир томонидан ажратилган қисми.

Бирок, инсоний ўлчовлар билан англанадиган ҳайбатли вақт бўлагини ҳам биз шартли равишда мангулик деб атаймиз. Мана шу мобайнда юз берадиган воқеа ва ҳодисалардан қувонамиз, қайғуга тушамиз.

Кечинмаларимизни шулар билан боғлаб, завқланамиз, қайғурамиз, хуллас, ҳаёт кечирамиз. Яшаймиз, бир сўз билан айтганда ва... мана шу ҳаёт ҳақда қўшиқлар айтамыз.

*Эрийди тоғларнинг қори,
Инжилма, кўнглим, сабр айла.
На гул қолар, на гулзори,
Инжилма, кўнглим, сабр айла,—*

деб куйланади хоразм халқ қўшиқларидан бирида. Тоғлар чўкиб, уларнинг қорлари эриши учун, худо билсин, неча миллион йил ўтиши керак. Бироқ, биз мана шу асрларни бир лаҳза ўрнида кўриб, кўйлайверамиз. Чунки, ҳар биримизнинг ҳам қай даражададир ўзимиз мобайнида яшаётганимиз ана шу абадиятга дахлимиз, ана шу мангуликдан умидимиз борлиги.

Она табиат эса шоирларимиз илҳомининг битмас-туганмас манбаидир. Бизни дунёга келтирган ва биз яшаётган дунёдан иборат бўлган табиатни бежиз она деб айтмаймиз. Шунинг учун, шоирлар бу мавзуда бир-биридан гўзал асарлар бунёд этганлар. Улар сафида эса Абдулла Ориповнинг муносиб ўрни бор. Биз ушбу мақоламизда шоир ижодидаги ана шу мавзунини баҳоли қудрат таҳлил этишга журъат қилдик.

Абдулла Орипов ўз илҳомини хушфешликда табиат билан муштарак бўлишини орзу қилиб:

*Шалолодек бўлса шеърларим, —
дея хитоб этганди.*

Шундан бери, мана, ярим асрдан зиёд вақт ўтди. Ўтган шу даврда шоир ўзининг ўша дастлабки мисраларидаги йўлкўрсаткич туйғуларига оғишмай амал қилиб келяпти.

*Аллақайда кезиб тинимсиз,
Йиғдик роса завқ атирларин.
Сўнгра, баҳам кўрдик иккимиз,
Менга тегди шу сатрларим, —*

деб ёзади шоир ўз ижод тонглирида битилган “Капалак” сарлавҳали шеърда.

Абдулла Орипов қаламига мансуб табиат мавзусига бағишланган шеърлар даставвал мавзунини ўрганиш, манзараларни бир мунча четдан туриб кузатишдан иборат эди. Масалан ушбу мисралари каби:

*Эҳ, сиз, тоғлар, нақадар кўркам,
Сизга берар илк нурун қуёи.
Пар булутлар, марварид қорлар
Юсак чўққи узра қўйган бош.*

Бироқ, бу ибтидоий жараён шоир қаламида узоқ ивирсиб турмади. Шоирнинг қалами она табиатнинг тубсиз уммонларига теран шўнғиди,

чексиз юксакликларга тикка парвоз қилди, худудсиз миқёсларини қамраб ола билди.

*Қайтгим келди, онам, ёнингга,
Юрагимда исмсиз дардлар.
Совуқ хонам, соат чиқ-чиқи.
Ташиқарида хазонрез боғлар.
Ёмғирнинг жим хониши қилиши,
Бари-бари нечундир бу дам
Туширмоқда сени ёдимга,
Қайтгим келди, онам, ёнингга.*

Бу, энди, болалик мисраларидек мавзуни ижодий “разведка” қилиш эмас, балки маънавий эзгулик тантанаси йўлидаги чинакам поэтик риёзат “жанг”ининг бошланиши эди. Чунки, шоир ўзига, ўз курашига “жанг майдони” қилиб танлаган табиатсеварлик маъракасига табаррук зот – ўз онасини мададга чорлай бошлаган эди. Ҳали пайти келади, шоир: «Сингил бўла қолгил менга, табиат»; «Ака бўла қолгил менга, табиат»; «Ота бўла қолгил менга, табиат»; «Она бўла қолгил менга, табиат», деб очиқдан-очиқ илтижолар қилади, бироқ қардошликка бўлган бу даъватларида табиатнинг олдида ўзига нисбатан ўзи кечиккан бўлади. Ҳозирча эса, шоир ўзининг “суянган тоғи”, ўзининг муборак Парнаси бўлмиш табиатнинг тоғолди худудларига, баъзан эса, водийларига чиқиб изтироблар чекиш билан машғул эди.

Абдулла Ориповнинг табиат мавзусидаги шеърларига мансуб кўпгина фазилатларнинг бири танланган оҳангга, кашф этилмиш мажознинг ҳикматларини бир шеърда шарҳлаш билангина чекланиб қўя қолмайди, балки уни бутун ижоди мобайнида «безовта қилиб», таъқиб этиб туради. Бу ҳолни, масалан, биз «Булоқ» ҳамда «Най» шеърларида кўришимиз мумкин.

Бироқ, шуниси эътиборлики, шоир мавзуга қайси тарафдан ёндошмасин, уни қайси нуқтаи назардан олиб қарамасин, инкишоф қилинган мавзу доирасининг марказида муайян бир инсон тақдирини кўради, мана шу ўзи кўраётган тақдир соҳиблари бўлиши мумкин бўлган инсонлар учун у ёки бу шеър маънавий сабоқ, руҳий бир ибрат бўлиб қолади.

*Олис жануб тортганидек қушча юрагин .
Узоқларга етаклади мени бир сурон.*

Бу тасвирда Абдулла Орипов булутнинг табиат фарзанди эканлигини, унинг ҳаракати, Пушкиннинг устоз Миртемир таржимасидаги «Денгизга» шеърининг таъбири билан айтганда, «асов ғалаёнлар»га маҳкум эканлигини нафис бир маҳорат билан эслатиб ўтади. Шу ўринда, шоирнинг ўз қўли билан битилган ҳаётномасига кўз ташлаймиз. «Менинг туғилиб ўсган, болалигим ўтган жойлар Қарши (қадимги Насаф) шаҳридан беш-ўн чақирим шимолроқ томондаги Қўнғиртов этакларидир. Қўнғиртов дегани у ерда дов-дарахт йўқлиги, кўринишининг кулранг-қўнғир тусда бўлганлигидандир. Қўнғиртовда ягона шўр сувли булоқ бор...»

Шоир “Булут” шеърда ёзади:

*Қайларға шошарди? Билмас эди у,
Ошиб ўтди чўллар, тоғлардан йироқ
Ва бир кун кезишлар жонга тегдию
Қайтмоқ бўлди шунда ортига, бироқ...*

Мана шу мисрага келганда, «Булут»нинг шоир қаламига мансуб «Қасам дара» шеърдаги овчи йигит билан қардошлигини ҳам пайқаймиз:

*Ботирини сақлайди омон
Тасодифга тўла бу дунё.
Овчи овин айлар саранжом,
Овулига чоғланар, аммо,
Аммо бирдан қотади карахт,
Асир этмиш уни бу макон.
Атрофида тошлару фақат
Тепасида юлдуз ва осмон.*

Овчи йигитку чолнинг аёвсиз ҳийласи туфайли ёр меҳри деб, дара исканжасидан қутулади. Чунки, овчи йигит — инсон. Булут эса — булут. Инсоннинг йўриғи бошқа, булутнинг қисмати бўлак. Шунинг учун ҳам:

*Бироқ...йўл бермади шамоллар ҳайдаб,
Йиғлаб битди булут, сел бўлди кўзёш.
Сўнг ирмоқ бўлдию билмайди, қайда,
Маконин ахтариб олиб кетди бош?*

Ушбу шеър мутолаасидан сўнг бир туйғу хаёлингизни тарк этмайди: «Қаерда кўрган эканман бу «Булут»ни? Илк маротаба учратишим. Бироқ таниш истара. Таниш дийдор. Холбуки, илк дафъа учрашмоқдамиз... Э, ҳа, «'Булоқ»ку бу!» Ва шеърни хотирлайсиз:

*Қутлуғ бир саҳарда кўз очди булоқ,
Йўл солди дарёлар сари адашиб.
Унга раҳм этмоқчи одамлар шу чоқ
Тоғу тошлар аро яқин йўл очиб.*

«Булут» ва унинг яқин аждоди бўлмиш «Булоқ» шеърларининг ёзилиш санасида бир йилгина тафовут бор. Бир қарасангиз, бир олманинг икки палласидек бир-бирига жуда ўхшаш, бир қарасангиз, бир-биридан кескин фарқ қилади. Бир қарасангиз, ҳар иккала шеър ҳам табиат ва унинг олий кўриниши бўлган шоир ижодий стихиясининг фарзанди. Бир қарасангиз, «Булоқ» ерда, «Булут» осмонда. Бироқ шоир ердаги булоқни ҳам ўз ҳолига қўйиб беришни инсонлардан ўтинади. Шоир истайдикки, ердаги булоқ жилғаси ҳам ўзи истаган дарёга бориб қўшилсин, булут ҳам ўзи тўйинган маъводаги тупроққа ёмғир бўлиб ёғсин. Бу мутолаадан биз ушбу шеърлар битилган даврда дарёларнинг ўзанларини буриб юборишларнинг, осмон ишларига бемеъёр аралашувларнинг мудҳиш оқибатларидан шоир инсониятни ўз вақтида огоҳлантирганига гувоҳ бўламиз. Бу шеърларнинг нафақат маънавий,

балки ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари ҳам ўз долзарблигини йўқотмаганлигига ва йўқота олмаслигига ишонамиз:

*Одамлар, тегмангиз, майли тошсин у,
Майлига, тоғни ҳам кўрсин йўлида.
Қўйинг, ўз йўлини ўзи топсин у,
Завқланолсин у ҳам кураш сўнгида.*

Бу мисралардан аён бўладики, шеър мазмунини экологик жиҳатдан эмас, бадий-маънавий жиҳатдан талқин қилганимизда ҳам, яъни, «Булоқ» замирида инсон кўзда тутилган тақдирда ҳам, унинг моҳияти ўзгармайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шоир ўзи қаламга олаётган табиат унсурларида ўзи билан тақдирдошлик туйғуларини теран ҳис қилиб ижод этади. Тўғрироғи, мазкур оҳангдаги шеърлар ўзларида қиёфаси чизилаётган табиат сиймосидаги жиҳатларнинг шоир билан тақдирдош бўлганликлари учун, қаламга олинган. Тўғри, шоир ўз шеърларидаги бу фазилатни, табиийки, очиқ айтмайди. Очиқ айтадиган бўлса, шеър шеър бўлмаган бўлур эди. Бироқ, шоир шеърларидаги бу фазилат иймо-ишоралари билан ўқувчи руҳиятига очиқ айтилганидан ҳам қаттиқ таъсир қилади, шоир шеърларининг бадий-маънавий хислати ҳам ана шунда

Абдулла Ориповнинг табиат мавзуида битилган дастлабки шеърлари уларнинг бадий-маънавий аҳамиятидан қатъи назар «Баҳор» сарлавҳали шеърига тайёргарликдан иборат экан:

Яна баҳор келди... Яна оламда...

Шундан сўнг шеърхон ақлини, шеърхон руҳини туфаккур қуюнларига ташлаб чирпирак қилишнинг бутун шеър мобайнида узлуксиз давом этадиган мўъжизалари кўрина бошлайди:

Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт.

Шоир, ўзи, шундоқ ҳам мўъжаз баёнлигдан иборат бўлган «гўзаллик», «баёт» сўзларининг ҳикматидан қаноатланиб қолмасдан, уларнинг олдига «ажиб» сифатини қўшади. Бунинг сабаби эса, навбатдаги мисраларда аён бўлади. Ойдинлашадики, шоир ҳаётни шунчаки бир гўзаллик, шунчаки бир баёт билан эмас, балки ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт билан муборакбод қилмоқчи экан. Шундан сўнг, гўзалликнинг шунчаки бир гўзаллик эмаслиги, баётнинг шунчаки бир баёт эмаслигини ўқувчи ўзи учун мисрама-мисра кашф қила боради:

*Мен сени қутлайман шу улур дамда
Азиз елкадошим, музаффар ҳаёт.*

Шеърда ҳар бир сўзнинг, ҳар бир товушнинг ўз вазифаси бор. Айтилган фикр изоҳталаб бўлса, савол туғдирса, бу мисрани шоир албатта шарҳлайди, бу саволга шоир албатта жавоб беради. Ҳозирги модерн шеърятимизга хос бўлган «қиссадан ҳисса» чиқаришларни шеърхоннинг ўзига ҳавола қиладиган, уни ҳаммуаллифликка даъват этадиган хусусият бу шеърда кам учрайди. Бу шеърда гулгун ўйнаётган фикрлар силсиласи

учун, бир-бирига қалашиб, ҳатто айқаш-уйқаш бўлиб кетадиган бетимсол бадий воситалар эвазига шоир ўзи таржима қилган Қайсин Қулиевнинг шеъридаги каби, «ўқувчидан фақат ҳайрат сўрайди».

Шундан кейинги тўртликнинг икки мисрасида шоир ўз шеърининг бу хусусиятига очиқдан-очиқ ишора қилади:

*Ташибеҳ ахтармангиз ушбу ғазалдан,
Нақд жойда насия не керак, асли?!*

Кейин у баҳорга юз буриб, дейдики:

*Аён бир хислатинг бордир азалдан,
Сени атамишлар уйғониш фасли.*

Шоир навбатдаги мисраларда уйғониш фаслининг тафсилотларини баён қилишга ўтади. Хислат шундаки, бу тафсилотларнинг ҳар биттаси яхлит бир умумийликнинг барҳаёт жузви сифатида, шоирнинг ижодий мақсадларини бус-бутунлигича қамраб олишдек риёзатга ўқувчи идрокини сафарбар қилади:

*Еллар ҳам уйғонди, ишқалаб кафтин,
Офтоб ҳам юксалди тик келар қуёш.*

Эсаётган елларда ишқаланаётган кафтнинг товуши бор, айти пайтда, уларда эндигина уйғониб, бедорликка шайланаётган одамнинг безовталиги мавжуд. Эсаётган елларда ҳам, юксалиб, тик келаётган қуёшда ҳам бошланаётган кун мобайнида қилинаётган меҳнатга тараддуд сезилади. Бу буюк тараддуднинг натижаси ҳам улугвордир. Абдулла Орипов хурфикрлик чекланган даврда ижодини бошлаган авлод вакили эди. Шунинг учун ҳам имо-ишоралар билан қалам суриш уларнинг ижод услубига айланиб қолганлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Қатагон йилларининг таъқиқчи ва таъқибчилари, ўзларининг тўқима байтларига қарамай, буни яхши тушунар эди. Шунинг учун ҳам улар Абдулла Қаҳҳор қайд этгандек, «ҳар бир ҳарфнинг этагини кўтариб кўриб», ҳар қандай табиийлик учун гарчи бу табиийлик кўзлардан яширин бўлса ҳам, ижодкорларни жазолар, сўз билан фикрлайдиган инсонлар ўзларининг кўзда тутган-тутмаган фикрлари учун энг аёвсиз, фитна ангез саволларга ҳам жавоб беришга, энг ёмони жазо тортишга маҳкум эдилар. Гарчи Абдулла Орипов ижод қилган кезларда таъқиб сиртмоқлари бир мунча бўшаштирилган, таъқиқ қаҳратонлари номига бўлса ҳам, озми-кўпми юмшатилиб, об-ҳавода бир қадар илмилиқлик пайдо бўла бошлагандек эди. Бу кайфият Абдулла Ориповнинг фикрлаш тарзига ҳам шу қадар сингиган эдики, озодликнинг ҳатто гира-шира эпкинлари, зим-зиё рутубатли қишларнинг ҳаттоки субҳи козиблари ҳам уни астойдил қувонтирар эди. Шунинг учун ҳам у ёзади:

*Тарновлар кўксиди лола ҳам кўркем,
Терак учларида изғир мавжудот.
Ҳаттоки туйғусиз чирик хазон ҳам
Яшил пўпанакдан боғлабди қанот.*

*Ҳовлиқма жилғалар чопар беэга,
Қушлар қий-чувига тўлмиш дала,боғ.
Сенинг висолингдан қувонмай нега,
Баҳор, соғинтирдинг, ахир, кўп узоқ.*

Шундан кейинги мисралар мутолааси жараёнида беихтиёр қадимий оҳангларни хотирлаймиз:

*Ялдо кечасидек рутубатли қиш
Солди руҳимизга оғир бир сурур.
Сен келдинг, уйғонди яна шўх олқиш,
Йиғлаган кўзларга тушган каби нур.*

Алишер Навоийни эсланг:

*Ораз қуёшин очиб, ашки қуруғон кўзни
Кўп ҳажрда йиғлатдинг, бир васлда ҳам йиғлот,*

Устоздан мутаассар бўлиш ва тафовут шундаки, Алишер Навоий ўз маҳбубасининг ораз қуёшидан «ашки қуруғон» кўзни қайта ёшлан-тиряпти. Абдулла Орипов эса, баҳор фаслидан, нур фаслидан сурур-ланиб, кўзёшини «ашки қуруғон кўз»ни йиғлатиш орқали эмас, балки шеър ёзиш тарзида тўқмоқда. «Ялдо кечасидек рутубатли қишнинг руҳларга солган оғир сурури» эса, даврнинг ранж-машаққатларга тўла малоли оқибатида, чекилаётган изтироб ҳамда шоирга елкадош ҳаётнинг безавол нашидаси шарофатидан орттирилаётган завқнинг қиёфасидир:

*Ҳа, мангу заволлик бўлмас оламда,
То суйин сочаркан абри найсонлар.*

Шоир баҳор туҳфа этмоқда бўлган сурурнинг тотини олдиндан ҳис қилиб, шодланишга шайланади. Бироқ, халқимизда: «Тўй билан аза туғишган биродар», қабилидаги ҳикмат бор. Шеърнинг навбатдаги мисраларида шоирнинг тикланган боши яна эгила бошлайди:

*Мен сизни эслайман аммо шу дамда
Мангуга кўз юмган азиз инсонлар.*

Шеърда бизга маълум даҳрий йилларнинг талаби билан, «худо» сўзи тилга олинмайди. Бироқ, тарихдан маълум, нимаики таъқиқланса, шунга мойиллик одамзодда кучли бўлади. Хусусан, инсоннинг руҳи ҳамиша муҳтож бўлган илоҳий туйғуларга бу хусусият биринчи навбатда тааллуқлидир.

*Азалий ҳукмини ўқиди ҳаёт,
Само ҳам неча бор кўмди қуёшин.
Иқболи саждагоҳ бўлганлар, ҳайҳот,
Ўзлари тупроққа қўйдилар бошин.*

Бу мисралардаги фикр оқимида ҳаётнинг ўзидек табиий некинлик фожиаси билан сугорилган илоҳий бир итоат бор. Итоатки, қазага сабр, итоатки, келажакдан умид, итоатки, ботган қуёшнинг яна қайтиб чиқишига мустаҳкам бир ишонч, қолаверса, пинҳоний бир иймон.

Фафур Фуломнинг Тошкент зилзиласида фарзанд ва набираларини, қолаверса, эл-юртни қаттиқ қайғуриб, изтироб чекканлари, шунинг оқибатида, қаттиқ бетоб бўлганлари ҳақидаги хабарлар ўша йиллардаги матбуот хабарларидан маълум. Кўп вақт ўтмай, улуг шоиримиз вафот этгандилар. Зилзилалар, ер қаъридан келадиган ўпқоний наъралар ҳамон давом этаётганди шу вақтлари. Абдулла Орипов заминнинг бу фарёдларини Фафур Фулом ўлими билан боғлаб, жудолик фожиасининг бутун залварини санъаткорона бир маҳорат билан англатади:

*Ўн ойки, сўнмишидир у таниш наъра,
Фироғида ҳамон фиғон чекар Шош.*

Бу устозидан жудо бўлган шогирднинг:

Сўқир, ёвуз ўлим, минг дод дастингдан, —
дея ларзага тушганларининг зилзиланинг оҳиста тинчий боришига ўхшаб пасайиши эди.

Яна ажиб бир сўнмас умид, яна салафлар ёдини барҳаёт руҳ сифатида мушоҳада этиб, уларни тириклар сафида санаш шарафи:

*Баҳор келаетир, бош кўтар, қара,
О, сурур куйчиси, донгдор замондош.*

Шундан сўнг шоир ўз устози билан ўзининг орасидаги яқин бир олислик, олис бир яқинликнинг «таржимаи ҳоли»ни мухтасар ифода қилади:

*Ҳамсуҳбат бўлмадим (ким эдим зотан),
Тавоф ҳам килмадим гулшан маконинг.*

Бу энди, юқоридаги мисраларда ифодаланган ҳурмат-эҳтиромнинг, устоз қошидаги сақланаётган буюк бир одобнинг тадрижий давоми. Шогирд шу қадар икромлики, ҳатто устознинг қабрини зиёрат этишга, унинг руҳини безовта қилишга ўзини ҳақли деб билмайди. Шунинг билан бирга, чинакам зиёрат бу гўрпарастлик эмас, балки марҳумларнинг амалга оширган хайрли ишларининг моҳиятига бориб етиш эканлигини таъкидлайди:

*Лекин шеър баҳоси мухлисгадир тан,
Қандай чексиз эди руҳий поёнинг.
Бугун-чи, не кезар ўтли қонингда,
Э воҳ, унда на шеър, на май, на сафо?!*

Шундан сўнг шоир Мақсуд Шайхзода хотирасини ардоқлашга ўтади:

*Бу қандай мулоқот, не ҳол, ёнингда
Жой олмиш ўзга бир суюкли даҳо?!*

Маълумки, бир қанча ижодкор зиёлилар, жумладан, Мақсуд Шайхзода қатагон қасиргаларининг урушдан кейинги тўлқинларида банди зиндон бўлиб чиққан эди. Даҳшат шунда эдики, улар озодликка чиққандан сўнг ҳам рўшнолик кўрмагандилар, анча йилларгача шубҳа остида яшагандилар. Шайхзода ҳазратлари ҳам муносиб эътибор топмади. Ушбу “Баҳор” шеъри битилган йилларда ҳам жамиятда ҳали ана шу кайфият ҳукм сурар эди. Мана шу берилмаган мукофотни, дафн маросимида бўш қолган ёстиқчани жасоратли шоир Мақсуд Шайхзода учун дадиллик билан мозийдан олинган юксак нишон билан зийнатлайди:

*Мислсиз эди у шеър лочини.
Хаёли бамисли Кўрогонийдек.*

Шоир Мақсуд Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» драмасига ишора қилиб, фалакиёт илмига Улуғбек ҳазратлари қўшган «Зижи Кўрагоний» жадвалидек буюк хиссани эътиборга олган ҳолда ёзади:

*Гар тарих эврилса шуҳрат тожсини
Кийгизарди унга султон Улуғбек.*

Мақсуд Шайхзода кўзда тутилиб битилган: «Ўтди сўнги дамда бош эгиб қуйи», мисрасининг мазмуни ҳам юқоридаги изоҳлардан кейин маълум бўлади. Яна:

*Балхдан ҳориб кайтган Алишер мисол
Энди тўлғазганди чўккан давотин, —*

мисраларидаги тағмаъно ҳам шу ўринда ойдинлашади. Қамоқдан озод бўлиб келган ижодкор ўзини ижодга шайланганлиги, камсити-лишларга, эътиборсизликларга қарамасдан, кўнгли қаламдан ҳамон совимаганлиги, бундай сафарбарликка ўлим халақит берганлиги аён бўлади. Бу мисраларнинг бадий-маънавий аҳамиятидан ташқари, ижтимоий аҳамияти тагин шунда эдики, кўплаб қатагон қурбонлари ҳали ҳаёт эдилар, уларнинг сафида шоир ва ёзувчилар ҳам бўлиб, яқин ўтмишдан кечган мудҳиш таъқибларнинг асоратлари уларнинг ҳаётига кўланка ташлаб турарди. Улар қиш бўйи кўмилиб ётиб, энди тупроқдан кавлаб олиниб, озод қилинган токзорлар каби қуёшга зор эдилар. Ана шу юқорида кўрсатилган сабаблар, Шайхзодани, шоир таъбирича, умрининг охиригача бошини тик тутиб юришга қўймади.

*Бақою бебако, аён буюклик,
Ўтди сўнги дамда бош эгиб қуйи*

Абдулла Орипов қалами сукунатдан гулдурослар янгратади, кўз ёшлардан учқунлар чақнатади, мавжлардан алангалар ясайди:

*Фақат билганидан қолмас тириклик,
Бугун гулга чўммиш Чигатой бўйи.*

Шоир талқинидаги баҳор шу қадар мўъжизакорки, мотамни ҳам тантананага айлантиради. Устозларсиз баҳор саодати татимаётган шоир ҳам баҳорнинг яратувчилик кучини эътироф этади. Эсаётган шабада, очилаётган гунча, оқаётган жилғалардан ўзининг мотамзада юрагига тасалли топади;

*Кимнингдир кўксига энгашганча гул
Мармар сағанадан ўқиб турар байт.
Баҳор, қатра ёшим айлагил қабул,
Онам қошига ҳам бордингмикан, айт?*

Абри найсонлардан баҳор гуллари, шоирнинг кўзёшларидан меҳри гиёҳлар униб чиқади. Оқибат чечаклари ниш уради, садоқат майсалари хилпирайди.

Баҳорнинг ўзига хос қомуси бўлган бу шеърда шоир эътиборидан баҳорга мансуб ҳеч нарса — бошқоронғу бўлган келинчакнинг зардолу баргларига ҳаё билан кўз ташлаши ҳам, пахмоқ булутларни нимталаб ўз шуъласига дарча очаётган ой ҳам, терак учларида изғиётган мавжудот ҳам четда қолмайди. Айникса:

*Увада камзулда биллур тугмадай
Булутлар ортидан боқади юлдуз,—*

деб умрибоқий сайёралар билан ўткинчи булутларни битта тафаккур нуқтасига жамлаб фикрлаши ўқувчини ҳайратлантиради. Шоир бизни янада кўпроқ ҳайратга солиб:

Қайдадир юртини эслаб инграр най, —

деб ёзадики, бу ўзига хос осойишта чекилаётган соғинч ноласидир. Маълумки, най мажозан ўзи кесиб олиб келтирилган («Най» шеърини эсланг) қамишзорини соғиниб фигон чекади. Бу ишорадан, шоирнинг ўзи Қашқадарё даштларидаги «Жайрон қувиб, жайрон янглиғ кечган кунлари»ни соғинаётгани, най билан тақдирдош эканлиги гўзал бир тарзда ошкор бўлади:

*Қайдадир гулиандан ахтариб висол
Ел кезар, тоғларнинг гўзал арвоҳи.
Шоирнинг дилрабо байтлари мисол
Оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи.*

Бунда биринчидан шоирнинг кўзга кўринмайдиган синоат — шамолни «Тоғларнинг гўзал арвоҳи», деб ардоқланишида қанчалик поэтик гўзаллик бўлса, «Шоирнинг дилрабо байтлари мисол оҳ тортиб тизилар турналар гоҳи», деб фикрлашида шунчалик самовий сурур бор. Фикримизча, мазкур мисра, даставвал, «Эркиннинг дилрабо

байтлари мисол» тарзида бўлган бўлиши, унда Эркин Воҳидовнинг «Ёшлик девони» кўзда тутилиб, ўзбек шеърлятида девон тартиб беришнинг, эҳтимол, мумтоз сираси олқишланаётган бўлиши мумкин. Муаллиф сўнгра андиша қилиб, «Эркин» сўзини олиб ташлаган бўлиши керак. Чунки, ўзбек тилида ўзидан сезиларли даражада ёши улуг бўлган инсонни ёлғиз исми билан аташ, гарчи бу исм тахаллус қилиб танланган бўлса ҳам, хунук жаранглайди, одобсизлик саналади. Олтмишинчи йилларда шеърдаги бу тағмаънони аниқ илғаган эдик. Ҳозирги ўқувчи диққатидан бу жиҳат четда қолиши эҳтимолдан узоқ эмас. Фикримизнинг ҳужжатли далили сифатида шуни айтишимиз мумкинки, «Баҳор» шеърининг Александр Файнберг таржимасидаги русча муқобилида «Эркин» сўзи бор. Демак, шеърнинг таржима қилинаётган вариантыда бу сўз бўлган, таржимон бу сўз рус тилида мутлақо табиий жаранглаётгани учун устоз исми-шарифини сақлаган, муаллиф эса «шоирнинг» сўзи билан алмаштирган.

Мақоламизнинг ниҳояси яқинлашаётир. Чунки биз «Баҳор» шеъри мисолида Абдулла Орипов ижодида табиат мавзуси камтарин таҳлилининг ниҳоясига етиб келмокдамыз:

*Қизғалдок баргидек учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним,
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам
Менинг Ўзбекистон — дилбар ватаним.
Фақат сен қалбимга чўктирмай малол,
Чарчаган руҳимга илҳом солурсан.
Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар эҳтимол.
Фақат сен дунёда мангу қолурсан.*

Охирги мисра Уйғун ва Иззат Султоннинг ушбу шеър ёзилган вақтларда деярли барча саҳналарда янграётган: «Менинг шеърим билан мангу қолурсан», мисрасига уйқаш бўлиб, деярли «Хамса» оҳанглирида ёзилган. Бу мисра, маълумки, машҳур драмада Навоий тилидан Гулига қарата айтилган эди. Абдулла Орипов ана шу мисрани тараққий қилиш орқали ўз тилидан: «Ўзбекистон — дилбар ватани»га қарата айтади. Бунинг билан у драмадаги Алишер Навоийнинг: «Гулига бўлган муҳаббатим, халқимга бўлган муҳаббатимнинг бир қатраси эди», деган фикрига амал қилиб, ўқувчига таниш мисра воситасида, «Ўзбекистон — дилбар ватани»га муҳаббати ҳар қандай туйғулардан баланд эканлигини уқтириб, юксак ижодий маҳоратини беихтиёр намоиш этади. Абдулла Орипов олтмишинчи йилларда ёзган шеърларидан бирида:

*Шоирлар алдайди бизни, жонгинам,
Баҳор доим эмас, уч ойдир халос, —*

деб лутф этган эди. Бизни «шоирлар алдайди»ган бўлса, унинг: «Баҳор доим эмас, уч ойдир халос», деган мисраси ҳам ёлғон бўлиб чиқади. Демак, баҳор мангудир. Хулоса шулки, шоирнинг шеърлари қайси мавзуда бўлишида қатъи назар, улар инсон моҳияти ҳақидадир.



ЯПОН ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР

Минамото САНЭТОМО

* * *

Эрта тонгда қарасам,
Тоғ бошин чалган туман.
Баҳордан берар дарак
Ястанган кенгликлару
Булутсиз, тиниқ осмон.

* * *

Бу ўткинчи дунё
Ул кўзгуда акс этган
Саробнинг жилвасидир.
Бор, бироқ, бор дея айтолмайсан,
Йўқ, бироқ, йўқ дея айтолмайсан.

* * *

О, бечора юрагим,
Не келар кўлимиздан?
Тоғ гуллари ҳам, афсус,
Қовжираб, сўлиб қолган.
Увиллай бошлар бўрон.

* * *

Қор қолади осмонни,
Йўлга ярамай қолди,
Ёввойи гозлар буткул.
Учиб кетишар яна...қанотида кўтариб
Эрта кўклам ёмғирин.

СЁТЭЦУ

* * *

То тонгача тинмайин
Ёғиб чиқар тун бўйи,
Неча-неча аждодлар
Руҳларини шод айлаб
Кўҳна қишлоққа ёмгир.

* * *

Узоқлардан келаётган
Чирилдоқлар товуши
Тобора сўниб борар,
Қилт этмас, новдаларнинг
Соясида мизгир ёз.

* * *

Қариб қолдим бутунлай,
Қаҳратон қора тунда.
Ўлим муқаррар, мени
Олов тагига қўминг
Чўғлари мўл-кўл бўлган.

* * *

Музлаб қолар бирпасда,
Ҳатто қиш қирови ҳам.
Қасирлаган сас келар,
Ой нурлари тўшалган
Замҳарир қиш кечаси.

* * *

Бошпанам борми ёки
Йўқми, энди бутунлай
Ҳеч ҳам ташвиш қилмайман
Оқшом чоғи қўналғам,
Баҳорги ўргимчак тўр.

САЙГЁ

* * *

Ҳаловатни билмайди,
Бугун бизнинг бу дунё
Мисол омонат қайиқ.
Тўлқинларга бермас дош
Олисида қолган қирғоқ.



* * *

Зулмат ортга чекинди,
Қоп–қора тун кўксини
Ёриб чиқгач тўлин ой
Ғарбий қоя томонга
Оғиб борар оҳиста.

РЁКАН

* * *

Ҳеч бир фикр
Қолмаганида
Ўрмонга қочаман
Ва қайтаман халтамни
Чўпон гулга тўлдириб.

* * *

Тарки дунё қилиб гар
Баланд тоғда яшасанг,
Кўкдаги тўлин ойу
Гуллар ва куз япроғи
Қадрдон дўстдек бўлар.

* * *

Баъзан жимгина ўтириб,
Ҳазонлар шивирин тинглайман.
Ростдан ҳам роҳиб ҳаёти
Осуда, дунё ташвишидан холи.
Унда, нечун йиғлаяпман, мен?

* * *

Оқшом чоғи
Қулбамга кел.
Чирилдоқлар қўшиқ қуйлаб беради.
Мен эса, сени ўрмон билан
Таништираман,
Ойдин тунда.

* * *

Эртанги кун, албатта,
Кўклам тонгги бўлажак.
Юрак гупиллаб урар.
Кўзга уйқу келмайди,
Эртага келар баҳор.

*Русчадан Жаббор Эшонқул
таржимаси*



Ҳабибулло ҚОДИРИЙ

ЭСКИ ТОШКАНТДА

Тарихий қисса

Муқаддима

– Қани дада, «Афгон келини» ҳикоянгизни бошланг... – дер эдим, кайфи келиб турган чоқларда, отамга. Юз ёшлардан ошиб қолган отам эса кўксини тутган оппоқ соқолини силаб «ҳеҳ-ҳеҳ» деб кулар, пўстаги тагидан носқовоғини олиб нос искар ва бошидан кечирган узун қиссасини, ипидан-игнасигача қолдирмай аста ҳикоя қилиб берар эди:

– Бу воқеа бошланган кезларда ўрис ҳали Тошкантга келмаган эди. Аммо, эл орасида: «Ўрис Оқмасжид¹ шаҳрини олипти. Худоёрхон Оқмасжидни қайтариб олиш учун Шодмонхўжа Ўроқни лашкарбоши тайинлаб қўшин юборипди. Шодмон Ўроқ ўрис билан урушишга юраксинмай Қўқонга қайтиб келибди. Худоёр Шодмонни қўрқоқликда айблаб: «Сен хотин экансан, ўрис аскарлари билан урушмай қайтибсан», – деб уни бошига рўмол ўратиб, олдига чарх-дуг қўйиб шарманда қилибди...» – деган миш-мишлар дув тарқалиб юрар эди. У вақтларда шаҳар ҳовлимиз Эски Жўва маҳалласида бўлиб, Хўжа кўчасида турар эдик.

I

Жўва маҳалласи

Ҳеч бир нарса дунёга эски бўлиб келмаган, ҳар бир нарса ҳам аввалига янги бўлади, кейин-кейин эскийди ва «эски» сифатини олади. Шунга ўхшаш бизнинг ҳозирги кундаги Эски жўва ҳам ҳар ҳолда қачонлардир янги, обод маҳалла бўлган, кейин-кейин эскиб Эски жўва номини олган бўлса керак... Бинобарин, биз бундан юз эллик йил бурунги воқеани тасвирламоқчи бўлганимиздан, «янги», «эски» сифатларини қўйиб, Жўва деб юритсак хато бўлмас.

¹ Оқмасжид – Қизил-Ўрда шаҳри.

Жўва маҳалласи Тошкентнинг шимол қисмида чорроҳ йўл устида жойлашган. Агар ўртадаги кенг майдон – Регистонни марказ дейилса, ундан турли томонларга катта-кичик кўчалар кетади. Кўча бетлари турли бинолар билан туташ ўралган, айниқса Бўзсаройи³, Жомеъ масжиди, Беглар-беги мадрасаси, Хотин масжид ва улар оралигига жойлашган турли дўконлар, чойхоналар, новвойхоналар, сартарошхоналар Регистонга бир хил кўркамлик, файз бериб туради. Регистонда эрта-кеч халқ қайнар, дўконларда савдо қизир, айниқса қиш-рўза кунларида кечалар сайилгоҳ-бозор шабга айланиб, ёз кезлари Жанггоҳ суви бўйида дор ўйини, маддоҳлик, масхарабоз-қизиқчилик ўйинлари ҳам бўлиб турар эди.

Бўз саройи² доим атроф шаҳар-вилоятлар, узоқ мамлакатлардан келган савдогарлар, юрт кезар дарвешлар, маддоҳлар билан лиқ тўла. Унда: қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, эрон, афгон, ҳинд, хитой, уйгур, қорақалпоқ, озарбайжон, татар, бошқирд каби миллат кишиларини кўриш мумкин.

Шу йил баҳор эрта келди, ёқимли илиқ шабада эсиб, ўрик, шафтоли дарахлари қийғос гуллай бошлади.

Дарвозаси жанубга қараган Бўз саройининг ўнг тарафига тираб қурилган ҳужрадек кичик бир дўкончада соч, соқол-муртларига бир-ярим оқ оралаган, баланд бўй, йўгон гавдали, чўзиққа мойил бугдой юзли, ўсиқ қора қош-кўзли қирқ ёшлардаги бир киши кўрпача устида чордана қуруб савдо қилар эди. Дўкон олдида тортилган чизимчаларга қатор-қатор осилган ранг-баранг калава ипаклар; қора, кулранг жун-тивит иплар ва теваракка кичик-кичик махсус қопчиқларда пай уриб қатор териб қўйилган хушбўй кўк-памил чойлардан боққолнинг нималар билан савдо қилиши кўриниб турар эди. Кеч тушиб қолгани учун кўчада одам товсилган, баққоллар дўконларини беркитиш ҳаракатида, ипакфуруш боққол эса кўрпачаси тагидаги бугунги савдодан тушган пулларни санар, тилло тангасини чақалардан ажратиб чўнтагига солар эди.

– Ассалому алайкум, Қодирбой!

– Ваалайк... Э, Келинг Муротали!

Қодирбой кўлидаги пулларини кўрпачага ташлаб ўрнидан кўзғолди. Кўл уза-тиб кўришди ва дўкон ёнига, йўл устига қўйилган курсига ўтиришга таклиф қилди. Фотиҳа ўқилиб ҳол-аҳвол сўрашди:

– Уй-ичилар, ўзлари саломатмилар?...

– Раҳмат! – деди, сийрак соқол-муртли, узун қотма бўйли, пешонаси чандиқ, оқ юзли киши.

– Ўзларидан сўрасак ... Тинчмилар? Янгамиз сиҳат топиб қолдиларми, савдолар дурустми?

– Дуруст, раҳмат, кунимиз бир нави ўтиб турибди.

Қодирбой рўмолга ўраб қўйилган чойнақдан чой қуйиб узатди.

– Кўринмай қолдингиз, дўстим, тинчмисиз?

– Шукур, – деди Муротали ва кулди. - Тўй бошлаб юбордик, сизни хабарлагани келдим...

– Э-э-э, муборак, муборак! Қутлуғ бўлсин. Қандай тўй?

Қодирбой юзида хурсандчилик сезилди. Муротали чой хўплади:

– Ўғлимиз Музаффар йигирмага кирибди... Уйлантириб, шу вазифамиздан ҳам қутилиб кўя қолайлик дедик...

– Жуда соз ўйлабсиз-да. Савобли иш бошлабсиз, уйингизда дастёр кўпаяди...

Муротали Қодирбой дўсти фарзандсизлигини билгани учун сўз оҳангининг фарқига борди.

– Эзгуликни кечи йўқ дейдилар. Ҳали кўп тўй кўрамыз, ошнам.

Муротали сўзни бурди:

– Уйингизга ҳам тайинлаб чиқдик. Бириси кун чоршанбага тўй юборамиз. Жума куни никоҳ. Ўзингиз тўйимизга бош бўласиз, ўртоқ. Бизнинг ҳам кимимиз бор...

² Бўзсарой – ҳозирги 1-босмаҳона ўрни (муаллиф).

– Албатта, албатта. Насиб қилса...

– Хайр, энди мен борай. Тўйнинг таҳликаси кўп бўлар экан, ошна. Бугун куни билан тўйга хабар қилиб ҳоридим. Ҳали яна қанча иш олдинда.

Қодирбой ўрнидан кўзгалган Муроталини тўхтатиб, ёнидан беш тилло чиқариб узатди:

– Манави биздан тўёна, ошнам. Кам-кўстингизга яратарсиз...

– Э-э. Садаганг кетай Қодирбой, сиз ҳамиша мени уялтирасиз-да. Тўйнинг кам-кўсти битармиди. Қўйинг, ошнам...

Муротали Қодирбойнинг қўлини қайтармоқчи бўлди. Бироқ, дўстининг астойдил раёини сезиб тиллоларни олди:

– Хайр, биз ҳам яхши кунларингизга қайтарайлик. Раҳмат, ошнам.

Муротали Қодирбойнинг эски дўстларидан бири эди. У билан бир вақтлар сарбозлик қилишган. Қашғарга ҳоким қилиб тайинланган пискентлик Ёқуббекни бирга кузатиб боришган. Узоқ Қашғар сафарининг аччиқ-чучукларини бирга тоттишган, қалби пок, хоксор киши эди. Муротали асли Қоратош маҳаллалик бўлиб, уч-тўрт йил бурун Қодирбойлар яшаб турган кўчанинг ичкарироғидан ҳовли олиб кўчиб келган. Ўзи Кўкалдош мадрасаси тагида дўконча очиб, эгар чопар эди.

II

Қодирбой кўча эшикни очиб, йўлақдан кирди. Қатор лой томли уйлар билан ўралган ичин-ташин ҳовлилар хувуллар эди. Йўлак ёнидаги отхонада турган от эгасини сезиб аста кишнаб кўйди. Қодирбой тўғри ичкари ҳовлига ўтиб, айвонда кўрпа-тўшак қилиб ётган ёшгина, озгин, рангсиз хотинидан ҳол сўради:

– Қалай? Яхшимисан, Умри?

– Шукур.

Қодирбой бошқа сўз айтмай, тўнини ечиб, айвон қозигига илди. Отга сув бериб, беда солди. Қўлини ювиб, самовар кулини қоқди. Сув тўлдириб, олов ташлади ва ошхонага кириб нимаданур хурсанд бўлгандай қайтиб чиқди:

– Овқат пишириб қўйибсанми, Умри?

– Ҳа, боя ойим келган эдилар. Қайнатиб кетдилар.

Қодирбой таҳорат янгилаб шом намозини ўқишга тутинди.

Шундай... Ҳаёт инсонларни ҳамиша ҳам тилаганларича сийлайвермас экан. Тўти куш: «Ҳамма ёғим тўкис, оёғим пес», деб гам чекгандек, Қодирбой ҳам, юқоридан бир қадар англашилгандек, ҳамма ёқдан бут бўлса-да, оила ваҳждан қисилган эди. У уч марта уйланди. Биринчи хотини шаҳарда тарқалган вабоми, ўлат касалидан ҳали фарзанд кўрмай вафот этди. Иккинчиси туға олмай дунёдан ўтди. Мана, учинчиси келин бўлиб келгандан буён узун оғриқ касал, икки марта туққан бўлса ҳам болалари чақалоқлигидаёқ нобуд бўлган. Кўш-қават ҳовлида эр-хотин яшайдилар. Отаси ҳожи Муҳаммадбой ва онаси Фароғат биби аллақачон дунёдан ўтишган. Акаси Тошмуҳаммадбой ва синглиси Хайринисо бўлса уйли-жойли бўлиб чиқиб кетишган. Ҳар замонда бир хабар олса оладилар, бўлмаса ўзларидан ортмайдилар.

Намоздан сўнг Қодирбой дастурхон ёзди, чой дамлади ва икки коса шўрва сузиб келтириб, кечликка ўтирди.

– Нон тўграб берайми, Умри?

– Йўқ, раҳмат. Сувидан ичсам бас...

– Овқатни дурустроқ емасанг силланг қурийверади, бу ёғи баҳор... Табибнинг дорисини ичяпсанми?

– Ичяпман... Ҳа, айтгандек, Муротали ошнангиз, хотини Рисолат хола билан келиб тўйга айтиб кетишди...

– Хабарим бор, ҳали Муротали дўконимга келди, – дея Қодирбой бўктирилган нонларни қўли билан илиб-илиб еб, парвосиз сўради: – Ким билан қудлашибди? Билдингми, ҳали сўрашни унутибман...

– Рисолат хола келганида ойим шу ерда эдилар. Улар сўрадилар, – деди Умри биби ва ўйланиб қолди. – Оти... оти... Хув, мен энди келин бўлиб келган кезларимда дорга осиб ўлдирилган киши бор эди-ку?

– Дорга осилганлардан кўпи борми, гапинг қизиқ.

– Ўзи сизнинг ошнангиз бўлган чоги, Тинчоб маҳаллалик, хотини палакдўзлик қилади...

– Э-э-э , Эгамберди... Ўшанинг қизигами?

– Ҳа.

– Бўлмаса, Муротали яхши жойдан қуда қилибди. Ота-онаси яхши одамлар. Қизи ҳам ақлли, барно...

Умри биби кулимсиганча шўрва хўплаб, қошларини чимирди.

– Қизини қаердан биласиз?..

– Биламан-да. Отаси ошнам бўлгандан кейин... Уйларига борганимда дастурхон ёзган, чой-нон келтирган, – деди Қодирбой суяк тозалаб. – Бу қиз ҳозир ҳам баъзан-баъзан дўконимга паранжида келиб туради. Ипак харид қилади, ҳол-аҳвол сўраб тураман. Исми Зуҳро...

Эрининг батафсил жавоби ёқмадимми ёки бошқа сабабданми, Умри биби қонсиз юзини четга ўгириб қўлини артди. Ярим-ёрти қолган косасини четга суриб, чойнакдаги чойни қайтарди ва қуйиб эрига узатаркан, кулимсиради:

– Яхши одамлар дейсиз-у, дорга осилган...

– Хўш?

– Яхшини дорга осилмадимми?...

Умри биби рашкчи эди. Қодирбой бунга сезди ва юзаки фикр юритиб тирноқ остидан кир ахтарган хотинидан аччиқланди. Беихтиёр тозалаган суягини ташлаб хўрсинди.

– Қизиқ гапирасан. Сенингча, ҳамма дорга осилганлар ёмон, гуноҳкори азим кишилар бўлаверар экан-да!.. Эгамберди нега ўлдирилганини биласанми?!...

– Мен қаёқдан билай.

– Билмасанг, нега ёмонлайсан?

Умри биби индамади. Чунки, эрининг запти тезлигини билар, агар яна бир оғиз ортиқча сўз деса, ёниб кетишини тушунар эди... Хотини гап қайтармай паст келиши Қодирбойни ҳовуридан тушурди. У қўлини артиб, косаларни четга олиб қўйди ва чой хўплаганча ёстиққа ёнбошлади.

– Биз Муротали, Эгамберди учов тенгқур дўст бўлганмиз. Биргалашиб сарбозлик қилишганмиз. Эгамберди жуда ҳалол йигит, Раис саройида¹ чойхоначилик қилар эди, – деди Қодирбой аста сўз бошлаб. – Бир кун саройга қаердан бир қофила савдогарлар келиб қўнади-да, уч-тўрт кун туриб, ўз йўлларига жўнаб кетади. Ўринларига беш-ўн кунлардан кейин яна бошқа савдогарлар келиб қўнади-да, улардан бириси Эгамбердига: «Бизнинг хужрага кириб кўринг, ёмон бир ҳид келяпти. Тагин бирор нарса кўмилган бўлмасин», дейди. Эгамберди кирса, дарҳақиқат хужрани бир бадбўй ҳид тутиб кетган. У ёқ-бу ёқни текшириб, намат-бўйра таглари кўтариб, кўзи уйнинг бир бурчагидаги тупроғи бўшалган ерга тушади. Шубҳаси ортган Эгамберди дарров чиқиб, сарой хўжайинига сирни айтади. Кўплашиб кириб маълум ерни очсалар, қопга солиниб, юзагина кўмилган жасад чиқади...

Қўрбоши бошлиқ бу хабар Азизбекка (Бу воқеа бўлган чоқларда Тошкент ҳокими Азизбек эди) етказилиб, унинг буйруғи билан неча-неча одамлар сўроқ-тафтиш қилинади. Бироқ, тафтишлар ҳеч қандай натижа бермай, ўлик ҳам, ўлдирувчи ҳам кимлар эканлиги аниқланмайди. Азизбекка бу муҳмал ишнинг натижасизлиги арз қилинади. Азизбек шу чоқда бирор нарсадан газабланиб турган бўладими, бирорта фарзғўйнинг сўзига ишонадимми ёки сиёсат юзасиданми, баҳорҳол Эгамбердининг ўзини қотилликда гумон қилиб, дорга остиради... Аммо,

¹ Раис саройи – ҳозирги табиат музейи ўрнида бўлган (муаллиф).

кейинчалик маълум бўладики, бечора ошнам ноҳақ ўлдирилган, қотиллар бутунлай бошқа кимсалар экан.

Умри биби ёнбошлаган кўйи эрининг ҳикоясини анқайиб тинглар эди. У кўтарилиб ўтириб, эрига яна чой қуйиб узатди ва аста сўради:

– Кимлар, нима учун ўлдирган экан?

Қодирбой камзулининг кўкрак чўнтагидан ёғлиқ қоғозга ўралган тиш кавлагичлардан бирини қўлига олди ва чой хўплаб давом қилди:

– Эгамберди дорга осилиб, орадан уч-тўрт ой ўтгандан кейин, бир кун, уч нафар мусофир Азизбекка келиб арз қилишади:

«Жаноб ҳоким, бизлар Бухорои шарифданмиз. Касбимиз тужжорликдур. Ҳар йили Шамай шаҳрига сафар қилиб, ўрисларга кўплаб қорақўл, жун, ипак, пахта каби моллар сотиб қайтамыз. Бу йил ҳам биз тўрт дўст савдогар кўклам кези одатимизча Бухородан карвон билан Шамайга сафар қилдик. Кўзлаган еримизга эсон-омон етиб бордик ва дарҳол савдои келишиб, биримиз молларини сотди. Аммо, учимизнинг молимиз сотилмай, тўхталиб қолди. Чунки, биз Шамай шаҳрига ярманка¹ вақтидан анча илгари бориб, ўриснинг бизга мижоз бўлган катта кўпослари² ҳали ички Ўрисиядан етиб келмаган эди. Биз то мижозлар келгунча ўрис шаҳарларини томоша қилмоқчи бўлдик. Бироқ моли сотилиб, олди-бердиси битган бояги шеригимиз Шамайда ортиқ қолгиси келмади. «Зарур ишларим бор», деб бизни кутмай, Бухорога қайтишни жазм этди. «Бирга кетайлик», деб қилган илтижоларимизга ҳеч қўнмагач, биз уни қайтишига ноилоҳ розилик бердик ва Чимкент шаҳрига кетаётган қозоқлар карвонига қўшиб жўнатдик.

Ярманка ўтиб ишимиз битди. Маълум шеригимиздан бирор ой чамаси кейин шаҳримизга қайтдик. Бироқ, Бухорога етиб келсак, мазкур шеригимиз ҳали келмаган... Биз қариндошларидан сўрасак, қариндошлари биздан сўрадилар... Қисқаси, шаҳримизга саломат етиб келишимиз қувонч эмас, қайғуга айланди.

Шундай бўлса-да, келиб қолар умидида яна бир мунча вақт кутдик. Келмади. Секин-секин қариндош-ёронлари ҳақли равишда биздан гумонсирай бошладилар... Чунки, биз шеригимизни йўлда қолдириб, сафар расмини бузган эдик... Шундан сўнг биз учовлон маслаҳатлашиб, ўзимизни оқлаш мақсадида Чимкент шаҳрига сафар қилдик. Машаққатли изланишлардан кейин, мазкур қозоқ карвонбошисини топдик ва ундан шеригимизнинг дарагини сўрадик.

– Шеригингиз эсон-омон биз билан Чимкентга етиб келган ва у бунда қандайдир ҳамшаҳарларини учратиб, улар билан биргаликда Бухорога жўнаб кетган эди. Мен уларни Тошкентга бораётган карвонга қўшиб кузатган ва хотиржам бўлган эдим, – деди у.

– Агар сиз ўша бирга кетган ҳамшаҳарларни кўрсангиз танийсизми? – деб сўрадик.

– Танийман. Улар уч киши эди, – деди карвонбоши.

Биз қандай ёмон аҳволда қолганимизни айтдик.

– Жон биродар, биз билан бирга Бухорога боринг. Ўша сизга маълум кишиларни таниб беринг. Бизни гумондан халос этинг. Сизни рози қилурмиз ва саломат қайтишингизга кафил бўлурмиз, – дея ёлвордик.

Бечора қозоқ дўстимиз раҳми келиб, илтимосимизга рози бўлди. Биргалашиб Бухорога сафар қилди. Биз, йўлакай маслаҳатлашиб, эҳтиётдан қозоқ дўстимизни шаҳарга яширинча киришини маъқул кўрдик... Биримиз олдинроқ Бухорога бордик-да, Лабиҳовуз рўпарасидан бир уй ҳозирлаб, меҳмонимизни шунда тушурдик. Уйнинг кўча томонидан назорат учун махфий бир тўйнуқ-ойна очиб, қозоқ дўстимиз ҳар кун ундан кузатиб ўтирадиган, маълум кимсаларни излайдиган бўлди...

¹Ярманка – ярмарка.

²Кўпос – купец, савдогар.

Хуллас, кузатишнинг бир кунни меҳмонимиз ойнадан қараб туриб, бирдан:
– Ана, бириси ҳовуздан сув ичаётир, қизил этиклик ёш йигит, – деб қолди.

Биз аста чиқиб йигит ортидан тушдик. У қаерда туриши, кимлигини аниқладик. Шу йўсин, бир неча кун ичида мазкур кимсаларнинг учовини ҳам билиб, дарҳақиқат улар жўн одамлар эканига ишондик. Бу сирни амиримизга арз қилдик. Амир дарҳол уларни олдириб, зиндонга солди. Сўроқ-тергаш, шоҳид-исбот қилди, қийнади... Ниҳоят, азобга бардош беролмаган қотилларнинг бириси, пулдунё қастада шеригимизни Тошкент шаҳрингизда ўлдирган ва Раис саройи мусофирхонаси ҳужраларидан бирида қопга солиб кўмганлигига иқрор бўлди. Биз қотиллар сўзини тасдиқлаш ва чин бўлса жасадни ўз қўлимиз билан тупроққа қўйиш мақсадида шаҳрингизга келдик. Амиримиз бу борада бизга ёрдам кўрсатишнингизни сўраб, ушбу номани сиз жанобларига йўлладилар...

Қодирбой ҳикоясини битириб, тез-тез чойини ича бошлади. У хуфтон намозини ўташ учун масжидга ҳозирланарди. Эрини тинглаб, тонг ажабланиб ўтирган Умри биби аста сўради:

– Кейин нима бўлибди?

– Нима бўларди? Ҳоким «Одамингизни дуои-такбир қилиб фалон мазорга қўйганмиз», дебди холос. Мусофирлар ҳам нима қилсин, тилово-қуръон қилиб юртларига жўнаб кетишибди...

– Ҳоким-чи, ўйламай-нетмай икки орада бир гуноҳсини ўлдиргани учун пушаймон бўлгандир?..

– Бе-е, хотин, қизиқ гапни айтасан-а, – Қодирбой ажаблангандай хотинига қаради. – Наҳотки Азизбекни билмаган бўлсанг. У пушаймон бўлишни биладиган инсонмиди? Қип-қизил каллакесар, ўз акасини ҳам ўлдирган ҳоким эди-ку...

– Азизбек ўз акасини ўлдирганми?

– Азизбекнинг акаси уламо киши бўлган. Мусулмонқул Азизбекни Чуст шаҳрига ҳоким қилиб тайинлагач, ҳалиги акаси унга: «Ука, инсофли бўл, фуқарога зулм қилма, Мусулмонқулга ўхшаб қонхўр бўлма!», – деб насиҳат қилади. Азизбек сен менинг валий неъматимни «қонхўр»га чиқардинг деб, акасини ўлдиради. Мусулмонқул эса бу «садоқат»ни эшитиб Азизбекни янада қадрлайди ва уни Тошкентга ҳоким қилиб тайинлайди. Ана ундан кейин Азизбекнинг Тошкентда фуқарога кўрсатган хилма-хил зулмини ўзинг ёш бўлсанг ҳам балки эшитгандирсан. Мальун, ҳатто «гуноҳкор»ларни чаён чақдириб ўлдиришни ҳам ўйлаб чиқарди-я! Чаён йиғиш мақсадида халққа чаён солиғини солди. Бечора фуқаронинг ўшанда солиқни тўлдириш учун эски паҳса деворларини бузиб, йиқитиб чаён излаб юрганини кўрсанг... Ҳай, эсиз-эсиз кўрган кунларимиз!.. Унинг олди-га чақирилган киши: «Албатта мени ўлдирса керак» деб, бола-чақаси билан хайрлашиб, рози-ризолик тилашиб кетар эди-я!

Қодирбой тўхталиб бирдан ниманидир хотирлагандай бўлди:

– Азизбек бир вақт мулла Исамуҳаммад номли сақичмонлик бир кимсани нимагадир Ўрдага чақиртирибди. Мазкур киши Ўрдага борса маълум бўлиптики, Азизбек уни эмас, бошқа бир Исамуҳаммад номли кишини чақирган экан... Мулла Исамуҳаммад ҳоким чангалидан эсон-омон қутилганига хурсанд бўлиб, уйига қайтиб келади. Бироқ, икки-уч кундан кейин мулла Исамуҳаммад тўсатдан вафот этади. Чунки, бечоранинг жони ўша чақирилгандаёқ кўчиб қолган экан-да... Ана, хотин, шунақа одамдан пушаймон, тавба-тазарру кутиш мумкинми? Бунақаларга одам ўлдириш қўй сўйгандай гап. Мана, охири нима бўлди? «Зулми кучайган подшоҳнинг умри қисқа бўлади», деб машойихлар бекорга айтмаган. Ўзи ҳам юлдуз бермай жон берди-кетди... Кел, қўй, сен муштипар ёлғиз занг босиб ётганинг учун озгина овутай, деб бу гапларни айтдим-да, қани энди секин ўрнингдан тур. Мен айвонни йиғиштириб, ўрнингни уйга киритиб бериб, масжидга чиқаман. Ҳавонинг авзойи бузуқ, ёмғир ёғса ҳам аҳтимол, бунда совуқ қотасан. Мен намоздан чиқиб, Муроталининг уйига ўтиб қайтаман...

ТУҲМАТ

Қодирбой Муротали дўстининг уйидан қайтиб келиб ухлади. Эрта билан барвақт уйғониб, ҳайратда қолди: осмон тиниқ, очиқ. Аммо, том бошида, ҳовлида тизза баробар қор ётарди. Дераза яқинидаги бир туп ёш олманинг шохлари эгилиб, уй деворига суюнгандай турар эди. Қодирбой беихтиёр аттанг, деб юборди. «Ўзи кеча ҳавонинг авзойи бузуқ эди-я. Бу йил ҳам мевалар офатга учрар экан-да», деб қўйди. У кийиниб ҳовлига чиқиб, қор кечиб бориб отхонадан куракни олди. Уй-айвон олдиларини куради, ошхона ва йўлак томонларга йўл очди. Таҳорат олиб, бомдод намозини ўтади. Самоварга ўт ташлаб, отхона от озиқларига ҳам қаради ва охири эшик олдиларини ҳам кураб қўйиш учун кўчага чиқди.

– Ассалому алайқўм. Ҳорманг, амаки, – қоркурак қўлтиқлаган оқиш рангли чиройли йигит Қодирбойга тавозеъланди.

– Ваалайкум ассалом. Ҳа, мулла Музаффар. Йўл бўлсин, азонда, курак кўтариб?..

– Далага. Қўргон томларини кураб келмасам, босиб қолади, бу қорда...

– Укангни ҳам олдинга олақолмабсан-да, ёлғиз ўзинг хилват далага?..

Музаффар халачўп билан эшагини хихлади:

– Хавотир бўлманг, амаки, далаларда энди ишлагани чиққанлар кўпайиб қолган.

– Хайр, кўп хаёллама. Биласана, уйингда иш кўплигини, бириси кун тўй...

Музаффар Қодирбойга қайрилиб беихтиёр кулди ва катта кўча томон жадаллаб кетди.

Қодирбой кўча қорларини кураб бўлиб, айвонга чиқаркан, «Мен ҳам боққа чиқиб уй-айвонлар қорини кураб келсам бўларди. Бу қорлар эриса уйлар ивиб, дарҳақиқат, томлар таппа ташлаб юборади», деган фикрни кўнглидан кечирди. Яна: «Зораки, акамнинг болалари бизнинг томни ҳам кураб қайтса. Бу ёқда Афгон савдогорлари билан олди-бердини бугун-эрта тугатиш керак. Улар юртларига кетиш ҳаракатида», деб қўшиб қўйди.

Қодирбой чой ҳозирлаб, Умри биби билан нонушта қилиб бўлгач, аста Жўвага дўкон очкани жўнади. У шу кунларда жуда эзилган эди. Ёлғиз уй, хотинига қаровчи йўқ, баҳор келиб боғ ишлари қайнаган вақт, бу ёқда дўкон савдоси. Хуллас, тўққиз тўлғоқ баравар келган вақт... Йўлакай шу ташвишларни ўйлаб бориб дўконини очаркан, кимнингдир шижоат билан сўзлаганини эшитиб, орқасига қаради. Кўчанинг нариги бетигаги Ашир базознинг дўкони олдида анча одам ёгилган. Ўртада уч-тўрт нафар отлиқ йигитлар билан шаҳар қўрбошиси Салоҳиддинбек ҳам кўринар эди. Қодирбой қизиқиб бир ўткинчидан сўради :

– Нима гап у ерда?

– Ашир бойваччанинг дўконига ўғри тушибди...

– Ўғри!.. Ушлашибдими?..

– Йўқ.

Қодирбой ажабланди. Чунки, бундай ҳодиса жуда сийрак содир бўлар эди. Дўконини очар ерда яна қайтиб ёпиб, секин тўдага яқинлашиб борди ва йироқдан Аширнинг дўконига назар солди. Дарҳақиқат, дўкон саҳобалар уйидек шибишйдон, фақат у ер-бу ерда битта-яримта шоҳи матолар тўкилиб ётар эди. Дўкон олдида эса белига қилич тақиб, қўлида қамчи ўйнаётган қўрбоши ёшгина бир муллаваччани сўроқ қиларди, Ашир бўлса улар олдида маънос бош эгиб турар эди.

– Хўш, хўш, айт-чи? – дер эди қўрбоши.

– Мен кеча кечқурун бир ўртоғимникига меҳмон бўлиб борган эдим, унда узоқ сўзлашиб ўтирдим ва саҳар чоқларида хайрлашиб кўчага чиқдим. Кўчада ҳеч ким йўқ, гупиллатиб қор ёғмоқда эди. Кела туриб, қоп орқалаб бир уйга кириб кетаётган икки кишига йироқдан кўзим тушди. Тагин билмадим, уларми, бошқами...

– Қайси кўчада?!

– Манави кўчада, – деди муллавачча, Қодирбойлар кўчасига ишора қилиб.

– Қайси эшикка кирганларини биласанми?

– Биладан.

– Қани бошла, – деди қўрбоши. Муллаваччани олдига олиб Қодирбойлар кўчаси томон юрди. Халойиқ гуриллаб кўзгалди. Қодирбой қараб турди-да, негандир кўнгли гаш тортиб, улар кетидан аста борди. Бораркан, ўгрининг кимлигини ўйлаб, турли мулоҳазаларни кўнглидан кечирди. Оломонни бошлаб бораётган муллаваччанинг қаерлик эканлигини билмаса ҳам, Беглар-беги мадрасасида ётиб ўқишини ва шу кўчага қатнаб юришини билар, шу сабабли унинг сўзи ҳақиқат бўлиб чиқса эҳтимол», деб ўйлар эди. Муллавачча Қодирбойнинг эшигидан ўтиб, анча ичкарига юрди ва тўғри бориб Муротали эшигида тўхтади.

– Мана шу эшик...

Қодирбойнинг ранги бирдан қув ўчиб, қалтираб кетди, танаси совқотиб, муздак тер сезди. «Наҳотки у?!» деди ўзига.

Муроталининг эшиги ланг очиқ эди. Ўша қуни пешинда тўй юбориладиган бўлгани учун ичкарида беш-ўнта уруг-аймоқларининг уймалашгани кўринади. Муроталининг ўзи бўлса тўнининг икки барини белбоғига қистириб олиб, болаларга бош бўлиб, томлардан тор ҳовлисига қураб туширилган қор уюмларини замбиллаб жарликка чиқариб ташламоқда эди. У эшиги олдида тўхтаган оломонни кўриб хайрон бўлди. Замбилни ерга қўйиб, қўрбошига куллуқ қилди. Қўрбоши саломига жавоб ҳам қилмади. Йигитларидан бирини эшик олдида қолдириб, ичкарига кирди. Хотинларни яширинишга буюриб, йигитлари билан бир чеккадан уйларни тинтишга бошлади.

Кўчада йигилган томошабин халқ иш қандай тугашини кутарди. Қодирбой бўлса ташқари ҳовлида бу ташрифдан кўрқиб дағ-дағ титраган Муротали дўстига: «Хафа бўлманг, ўзингизни тутинг, бирон тушунмовчилик бўлган-да», деб тасалли бериб турарди. Қайси уйдандир бир аёлнинг уввос солиб йиғлаган овози эшитилди...

Нихоят, қўрбоши уйларни беҳуда ахтара-ахтара хафсаласи пир бўлди шекли, қамчисини буклаб Муротали олдига келди. Энди ундан ниманидир сўрамоқчи бўлиб турган ҳам эдики, йўлақдаги сомонхонани ахтараётган йигит бирдан қўрбошини чақириб қолди:

– Топилди! Мана бу ёқда экан, тақсир!..

Бу гап Қодирбойни бошига гўё болта муҳаси тушгандай эсанкиратди. Муротали шўрлик бўлса, ҳамон ҳеч нарсага тушунмай, овсар кишидак тўрт томонга анқаяр эди. Қўрбоши шошиб сомонхонага кетди. Бошқалар ҳам унинг ортидан олдинма кетин боришди.

Қўрбоши сомонхонага кирганида, йигит чилвир билан оғзи боғланган бир қопни сомон тагидан тортиб олмоқда эди... Қодирбой қопни кўриб ҳайратга келди, кўрувчи кўзларига ишонмагандай бўлди. Қўрбоши бориб йигитга ёрдам берди. Қопни тортиб олишди ва оғзини очдилар. Қоп ипаклик газламаларга лиқ тўла, таппа-тахт Ашир бойвачча дўконидаги моллар эди.

Салоҳиддин қўрбоши қопни қайта боғлашга буюруб, Муроталига: «Қўлга тушдингми?» – дегандай кинояли қараш қилди. Масалага энди тушуниб етган Муротали бечоранинг ранги тўсатдан оқариб, пешонасидан дув тер қуя бошлади.

– Йўқ! Бу туҳмат! – деди Муротали товушини борича хайқириб ва бирдан хўнграб йиғлаб юборди.

– Ўғрилиқни қилишга қилиб, тагин баланд келасанми, муттаҳам?! – деди қўрбоши. Унинг катта кўзлари янада олайиб, гўё косасидан чиқаёзди, ҳавода айланган қамчиси Муроталининг бошига шарақлаб тушди...

Қамчи зарбидан эсанкираган Муротали:

– Ё, Оллоҳ, ё Оллоҳ! – деди-да, ерга ўтириб олди. Юзини кафтларига қўйиб, худди ўлимга чоғланган кишидай калима айта бошлади... Ҳовли томондан уввос солиб йиғлаган аёл ва болалар овози эшитилди...

Бир лаҳзада рўй берган бу фожеъ ҳодиса Қодирбойни жуда шошириб қўйди. Уни бир жиҳатдан ошнасининг аянч аҳволи, эл олдида барбод бўлаётган номуси даҳшатга солса, иккинчи ёқдан: «Наҳотки, Муротали ёки Музаффарларнинг шунақа «хунар»лари бор бўлса-а?» – деган шубҳа ўйлатар эди. Бироқ, у ўз шубҳасига сира ишонмас, орада қандайдир бир ғараз борлигини сезар эди. Қандай бўлмасин ҳозир гуноҳ гувоҳ-исботлар билан Муроталининг бўйнига қўйилганди, уни ҳимоя қилиш оғир ва ҳатто хавfli эди. Қодирбой дўсти ёнида қуруқ томошабин бўлиб туришни эп кўрмай, кўзига ёш олиб индамай кўчага чиқиб кетди.

Кўчада анғ-танғ бўлиб турган халқ Қодирбой ичкаридан чиқиши билан: «Нима гап? Тинчликми? Сомонхонадан топилдими?» – деб сўроққа тута кетишди. Қодирбой мужмал бош қимирлатиб оломон орқасига шошилди. Кўп ўтмай кўчани жимлик босиб, эшикдан сарбоз йигитлар, бир кўзини қийиқ билан боғлаб қоп орқалаган Муротали ва кейинда мағрур қадам босиб кўрбоши чиқдиларда, Жўва томон юрдилар.

Қодирбой оломон кетида бўшашиб маъюс борар эди. «Энди нима қилсам экан? Муроталини кўрбоши чангалидан қандай қутқарсам экан?» – деган юз хил фикрлар бир зум тинчлик бермас эди. Аммо бошига ҳеч бир дуруст фикр келмас эди.

– Муротали ака бунақа одам эмас эди. Ўғлининг тўйи куниси ўғрилиқ қилиб, ўлипти-да, – деди кимдир жимликни бузиб.

– Харажатга қийналиб қолган бўлса, ажаб эмас.

– Менимча, бу ишни ўғли қилган бўлса керак.

– Эҳтимол... Лекин Музаффар ҳам ундай йигитлардан эмас.

– Бўлмаса, шунча молни сомонхонасига ким келиб яширади, жинми?!

– Қани, олиб борсинлар-чи, бек поччамиз ҳақиқат қилар.

– Ҳақиқат... Ҳақиқат қаерда бўлади? Дорга осади, қўлини кесади, сазойи қилади.

Ана, ҳақиқат!..

Оломоннинг бири олиб, бири қўйиб айтган бу сўзлар Қодирбой юрагини баттарроқ увуштириб юборди. Наҳотки, бечорани ҳақиқат қилмай-нетмай оссалар, кессалар?..

Жўвага чиқгач, кўрбоши отига миниб буйруқ берди:

– Қопдаги молни эгасига топширинглар. Гуноҳқорни Ўрдага олиб боринглар. Мен олдинроқ бориб бекка арз қилиб тураман, – деди у ва ёнига икки йигитини олиб Хадрага томон елиб кетди.

Қодирбой кўча бошида ўйланиб тўхтади. «Энди-ку, бўлар иш бўлди, Муротали ҳақми-ноҳақми бирон жазо олади. Унинг ортидан қуруқ томошабин бўлиб юришдан фойда йўқ. Масаланинг иккинчи нозик томонини ўйлаш керак. Борди-ку, Муротали ҳоким олдида соддалик қилиб ёки шошиб қолиб, гуноҳни ўғлининг бўйнига қўйиб кўйса борми, иш жуда хунук тугаши, гуноҳсиз йигитнинг ҳаёти барбод бўлиши мумкин». Қодирбой фурсатни бой бермай, Музаффарни топмоғи ва иш бартараф бўлгунча уни кўздан қочириб турмоғи зарур эди.

У уйига бурилди. Наридан-бери хотинидан хабар олган бўлди-да, оғилхонага ўтиб отни эгарлади. Хуржин кўзига уч-тўртта нон солиб, қорқуракни қўлтиққа олди. Отга миниб йўлга тушди. Жангоҳ сувидан ўтиб Хадрага, ундан Қаландархона орқали Чорсуга тушиб, тўғри Бешоғоч дарвозасига йўл олди. Чунки, Музаффарлар даласи Чилонзор мавзеида эди. Қодирбой йўлни тиклаб бориб, Музаффар қаршисидан тўсиб чиқмоқчи эди.

Кўёш мусаффо ҳавода жим-жим товланиб ер юзини қизитмоққа, қор қатламини аста эритмоққа бошлаган эди. Том бўғотлардан осилиб турган қатор сариқ сумалаклар кўчага бир хил тус бериб, иссиқдан чирт-чирт узилар, йўлакларга тушар эди. Отлиқ ёки яёв бораётган йўловчилар эса, мавридсизроқ тушган қордан зорланиб бир-бирларига шикоятланишар эди.

– Авжи мевалар гуллаганда қор тушиб, бола-чақанинг ризқини қийди-да...

– Шукур қилиш керак. Ҳали буниси холва, – дер эди эшакли узун соқол кўйган кекса йўловчи, ёшроқ ҳамроҳига. – Бобомиз раҳматли қиш чилласида тариқ пишганини, ёз чилласида музлаган Чирчиқ дарёсидан аравада ўтганларини хикоя қилар эдилар... Об-ҳаво шунақа қарорсиз бўлади, зўрланиш ярамайди...

Қодирбойнинг қулоғи йўловчиларнинг сўзида, кўзи Музаффарнинг йўлида бўлиб борса ҳам, хаёли бошқа андишалар билан банд эди: Музаффарни учратса нима дейишини, бечоранинг қай аҳволга тушишини тасаввур қилар эди. Ҳақиқатдан ҳам эрта-индин уйланаман, деб юраги шопириниб турган ёш йигитга кутилмаган бу шум хабарни эшитиш жуда оғир эди. Аммо уни учрата олмаса оқибати ундан-да оғир бўлиши мумкин эди. Чунки, Тошкент ҳокими Қушдодхоҳ, боя оломонда айтилгандек, қаттиққўл – гуноҳкорни ортиқча текшириб, ҳақиқат қилиб ўгирмай, хоҳлаган буйруғини бераверар эди...

Қодирбой Қўшмозор, Чақар, Гулистон, Бадалбой маҳаллаларидан ўтиб, Бешоғоч дарвозасига етди. Бироқ, Музаффар ҳамон кўринмас эди. «Балки, у Қоратош кўчаси билан қайтдимикан-а?..» деб хавотирлана бошлади.

Жанубга қаратиб қурилган Бешоғоч дарвозаси ланг очиқ. Қор тушиб дала ишлари тўхтагани учун қатновчилар оз эди. Узун гуппаси устидан калитларини белига боғлаб олган дарвозабон хужраси ёнига чўнқайиб офтобда ким биландир сўзлашиб ўтирар эди. Қодирбой кўприкдан ўтиб, дарвозабон билан омонлашди-да, шаҳар ташқарисига чиқди.

У вақтларда Бешоғоч дарвозасининг сирт ён-ерлари жар-жилга тепалик ерлар бўлиб, боғот жойлар анча нари, Бадалсойдан ўтгандан сўнг бошланар эди. Тева-ракни босиб ётган қор қуёшда жимирлаб товланиб кўз нурини олар, онда-сонда шохлари эгилиб турган дарахтлар гўё таъзим этгандай кўринар эдилар. Бора-бора Қодирбой кўзлари қор уваларига қарашдан толий бошлади, отни йўлга қўйиб кўзларини қафтлари билан тўсди...

– Қодир амаки, йўл бўлсин, буёққа?!

Қодирбой кўзларини очди. Тўнининг бир учини елкасига олиб ушлаган Музаффар курак қўлтиқлаб, Бадалсойдан чиқиб келар эди. Қодирбой отни тўхтатди. Музаффар ҳам аста келиб тўхтади ва савол назари билан қаради. Қодирбой орқадан келувчи бир йўловчининг ўтиб кетишини кутиб жим қолди. Кейин:

– Сени излаб келяпман, – деди.

– Хўш?

– Бизнинг боққа икков бориб келамиз.

– Нега?

– Зарур юмуш чиқиб қолди. Том кураймиз, кўмаклашасан.

Музаффар бу муҳмал таклифдан ажабланди ва иккиланди:

– Кечиксам, дадам койимасмикинлар? Уйимизда тўй...

– Койимайди. Дадангдан изм олдим. Юр.

Музаффар қобил йигит эди, индамай йўлга тушди. Бир оз орқага қайтишди-да, шаҳарга кирмай сўл томондаги Чарх кўчасига бурилдилар ва Комолон дарвозасига қараб юрдилар.

Чарх кўча боғот ерлар, тип-тинч, кимсасиз ҳувулар, фақат чумчуқлар чирллаши, аллақайси боғдан кимнингдир қирт-қирт том кураганигина эшитилар эди. Ҳаво ҳам энди анча илиб, қорлар эримоққа, ерлар шилип-шилип лой бўлмоққа бошлаган эди. Қодирбой кўнгилсиз хабарни кўчада очмасликка қарор бергани учун сўзсиз, ўйчан борар эди. Улар Хўжа аламбардор қабристонини ёнидан Комолон дарвозасига чиқиб яна шаҳарга киришди ва Қўрғон таги билан Самарқанд дарвозаси – Қодирбойлар боғига томон бурилишди.

Музаффар Қодирбойни ўз отасидек ҳурмат қилар эди. Унинг ёлғизлигини билдирмаслик учун бўш чоқларида доим уй ва боғ ишларига қарашарди. У орқа-

дан бораркан, бир нарсадан бад олдами ёки тўғрилиқчами, баҳорҳол, Самарқанд дарвазасига етганда деди:

– Қодир амаки, агар боғда том курашдан бошқа юмушингиз бўлмаса, сиз шаҳарга кетаверинг. Ўзим бажариб бораман...

Қодирбой гўё Музаффар сўзини эшитмагандай йўлда жим давом этди.

Қор кеча-кеча боққа етиб келишди. Қодирбой ичкарига кириб отни боғларкан, Музаффар дарров тўнини ечиб томга чиқиш ҳаракатига тушди.

– Тўхта, Музаффар, – деди Қодирбой. – Озгина гаплашиб олайлик, кейин курайверасан.

Музаффар ажабланиб тўхтади:

– Қандай гап?

Қодирбой кўча эшикни беклаб, от устидаги хуржунини айвон лабига тўшади.

Ёнма-ён ўтиришди.

– Айт-чи, Музаффар, – деди Қодирбой, олдин уни бир синаб кўрмоқчи бўлиб. – Шу кечаси нима ишлар қилдинг?

– Нима иш қилардим?.. – деди Музаффар ҳайрон бўлиб – Сизни кузатгач, ётиб ухладим.

– Тўғрисини айт, бола?

– Айтдим-ку, тинчликми ўзи, амаки?

– Ашир баззознинг дўконини ким ўғирлади?! – Тўсатдан унга дағдаға қилди Қодир бой ва пичоғини шартта қинидан суғурди: – Агар ростини айтмасанг?...

Музаффар кутилмаган бу даҳшатдан тонг ажабда қолди. Туси ўзгариб, кўзлари оналанди.

– Нималар деяпсиз, амаки? – У елкасини қисди. – Азбаройи худо, бундай ишлардан хабарим йўқ. Қасам ичайми? Сўзланг тезроқ!

Қодирбой тикилиб қаради ва бу ишда унинг қўли йўқлигига ишонди. Пичоғини қинига солиб, аввал уни тинчлатиш учун пича насиҳат қилган бўлди-да, бирин-бирин воқеани сўзлай бошлади.

Бечора йигит тингларкан, қай аҳволга тушганини айтиш оғир эди. У сўзни анқайиб тинглаб борди, воқеа маълум ўрнига етганда чидолмай лабларини тишлаб-тишлаб қонатиб ва бошларига муштлаб-муштлаб йиғлай бошлади. Қодирбой сўзини тугатди. Музаффар тўсатдан йиғидан тўхтаб узун уф тортиди-да, кўзини бир нуқтага қўйиб, анча вақт жим қолди. Сўнг бирдан ўрнидан туриб тўнини кия бошлади.

– Хўш, йўл бўлсин?

– Шаҳарга

– Нима қилмоқчисан?

– Бориб ҳокимга арз қилмоқчиман.

– Нима деб?

– Бу бизга туҳмат, ҳақиқат қилинг дейман.

– Ҳақиқат қилиш учун, ҳоким сендан гувоҳ-исбот талаб қилса-чи?

– Гувоҳ-исбот йўқ дейман.

– Гумондоринг борми деса-чи?

– Гумондорим ҳам йўқ дейман.

– У ҳолда ҳоким сенинг қуруқ сўзингга ишонадими?

– Ишонадими, йўқми, ҳар ҳолда, бўҳтонга бўйин эгкандан кириб арз қилган маъкул-да, амаки.

– Арз қилганинг-ку маъкул... – Аммо ҳоким олдидан омон-эсон чиқишни ҳам ўйлаб кўр-да, болам...

– Нега чиқмас эканман?

– Ёшсан... Негаки, даъвоингни исбот қила олмадингми, демак, ўғрилиқни бўйнингга олган ҳисобланасан ва ҳатто эҳтимол жазога отангдан кўра кўпроқ сен

учрайсан. Чунки, отанг улгайиб, ўзини тутган киши, ҳоким ҳам, бошқалар ҳам ундан кўпроқ гумон қилмаслар. Аммо, сен-йигит, йўлдан озиб бу ишни қилган бўлишинг мумкин. Айниқса, эрта-индин уйланмоқчисан...

– Уйланишининг бунга нима дахли бор?

– Дахли шундаки, биров тўй харажатига қийналган бўлсалар, ўгли ўғирлагандир, деб ўйлаши, иккинчи бирови эса, адоват-рашк юзасидан тўйни бузиш учун бу ишни қилган бўлиши ва бинобарин, айбни фақат сенгагина юклашга уруниши мумкин...

Музаффар масаланинг нозик томонларини тушуниб етиб, серрайганча узоқ ўйланиб қолди.

– Майли, айбни менга юкласинлар. Бориб, отамни халос қиламан, – деди у ва эшик томонга йўл олди.

– Тўхта, ошиқма, – деди Қодирбой кескин ва ўрнидан турди. – Сен шунда қол. Мен аввал шаҳарга тушиб азмойиш олай, ишнинг охирини билай. Шунга қараб бориш- бормаслигининг маслаҳати чиқар. Мен кечгача келаман.

Музаффар бош чайқади.

– Йўқ... Бўлмас, амаки. Агар ҳозир бормасам, кўрқиб қочган, айбни бўйнимга олган бўлиб чиқаман...

Қодирбой Музаффарни тинчитди.

– Бу ёғидан хотиржам бўл, ўғлим. Ҳоким хузурига бориш зарурати бўлса, эртага эрталаб борсанг ҳам бўлаверади. «Кеча қариндошларни тўйга хабарлагани қишлоққа кетиб эдим, тунаб қайтдим дейсан, вассалом, – деди Қодирбой ва кўшиб қўйди: – Ким билсин, балки сени сўрамаслар, изламаслар ҳам...

Музаффар кўзи жиққа ёш, маслаҳатга чор-ночор кўнгандак бўлди. Қодирбой хуржундаги нонларни олиб айвон лабига қўйди.

– Олам хадис, мабодо бугун кела олмасам, шийпон тагига йиғиб қўйилган хазонлар орасига кириб, бир амаллаб тунайсан, – деди Қодирбой ва шитоб билан шаҳарга жўнади.

Тошкент шаҳри маъмурий жиҳатдан Бешоғоч, Кўкча, Себзор ва Шайхавантоҳур даҳаларига бўлинган. Тевараги гир айлантириб саккиз газ юксакликдаги, қалин, бемалол устида одам юрадиган пахса девор билан кўрғон қилиб ўралган эди. Кўрғоннинг одим-одим ерларига баҳайбат-баҳайбат ўн иккита дарвоза қурилган ва булар: Қўқон, Қашғар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сакбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Комолон, Бешоғоч, Қаймос дарвозалари деб аталар эди. Ҳоким ўрдаси эса Қаймос ва Қўқон дарвозалари яқинида жойлашган эди.

Ўрда тевараги кекса тол, қайрағоч ва бошқа анвойи мева дарахтлар билан кўркам, узун-узун йўлақларга гишт ва харсанглар ётқизилган эди. Жанубга қаратиб қурилган мураббаъ ўрданинг олд қисми тахминан икки юз газ кенликда бўлиб, ўртасида равоқ шаклида ўйиб ишланган беш газ қадли кўш тавақа дарвоза, икки бурчагида эса ўн-ўн икки газ бўйли миноралар қад кўтариб турар эди. Мино-ра, дарвоза ёнлари ва пештоқларга ишланган сийрак, содда, туссиз кошинларни ҳисобга олмаганда ўрданинг ташқи кўриниши ҳуснсиз, бир қарашдаёқ эскирганлиги сезилиб турар эди.

Қодирбой шаҳарга қайтиб кириб Самарқанд дарвоза кўчаси, Чорсу орқали яна Қаландархонага юзланди. Вақт пешинга яқинлашган эди. Ҳамма ўз иш-тирикчилиги билан овора, гўё кўчалар тингандай, ҳеч бир воқеа рўй бермагандай кўринар эди. Қодирбой Қаландархонага яқинлашиб қаёққа юрсам экан, деб ўйланиб тўхтади. Чунки, агар Муротали ошнаси сўроқ ва ҳукмга ҳоким ўрдасига олиб кетилган бўлса, у тўғрига, яъни Шайхавантаҳур мозори ёни билан Қашқар дарвозаси томонга юриши керак эди.

СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Янги ёзаётган «37-хонадон» китобимга маълумот излаб, дадамнинг архивларини кўздан кечиришга тўғри келди. Иттифоқо, қўлёзмалари ичидан «Эски Тошкантида» (тарихий қисса) асарлари чиқиб қолди. Қиссани ўқиб чиқиб дадамнинг: «Тошканти ҳақида бир нарса ёзиш ниятим бор. Битса, ёзганларимнинг энг зўри бўлса керак», деган гаплари ёдимга тушди. Шуниси ачиинарли эдики, қисса туганланмай энг қизиқ жойда тўхтаб қолган. Қўлёзма дастлаб 1964 йилда ёзилган бўлиб, кейинчалик қайта ишланган, янгитдан кенгайтирилган ҳолда қоғозга қўлда кўчирилган экан. Қиссада бундан икки юз йиллар илгари Тошкентда содир бўлган воқеалар тасвирланган. Эътиборни тортадиган, архивда яна бир неча варақларда ўша даврдаги хонлар, беклар ва Тошкентнинг руслар томонидан ишғол қилиниши ҳақида алоҳида қисқача маълумотлар ҳам учрайди...

Менимча дадам «Отам ҳақида» китобларини ёзишга берилиб кетиб, мазкур қиссаларини тугатишга улгурмай қолган бўлсалар керак. Бувамиз ҳақидаги «Сўнги хотира»ларини ёзиб бўлганларида эса, касалланиб умрлари поёнига етган эди.

Биз дадамиз қаламига мансуб ушбу қиссани шундайлигича сиз, азиз журналхонлар ҳукмига ҳавола этишни лозим топдик. Қиссадаги ўзига хос бадиий руҳ, гарчи у тугалланмай қолган эса-да, дилингизда ёруғ бир завқ, эзгин бир кайфият уйғотади, деган умиддамиз.

Шеркон Қодирий





МУЛЛАНАФАС

*Ушқ ўтига жоним
ёқа билмадим*

**УМИД ДАРЁСИНИ ҚУЛОЧЛАБ
СУЗИБ**

Умид дарёсини қулочлаб сузиб,
Канорин майл этиб чиқа билмадим.
Оламни ҳаваслаб айланиб, кезиб,
Не яхши-ёмонга боқа билмадим.

Сайлаб севдим сени улуг эларда,
Гул юзли гўзаллар, инжа белларда,
Эрам бўстонида, беҳишт, гулларда,
Булбул бўлиб, қанот қоқа билмадим.

Агар боқса, гул юзидан нур олар,
Ниқоб тортса, кулли жаҳон ўт бўлар,
Қулиб боқса, кўп фикрлар ёт бўлар,
Ботиниб, рўйингга боқа билмадим.

Не ажиб, гўзалсан, ўзингдек борми,
Сўзла, мен эшитай, юзларинг норми,
Тавба қилдим, гайри нокасга ёрми,
Ишқ ўтига жоним ёқа билмадим?!

Мажмунман, бошимда йўқдур ташвишлар,
Сезмасман, дунёда кўп бўлган ишлар,
Олиб бозорлардан олтин-кумушлар
Туморли кўксингга тақа билмадим.

Қўзим етар, кўп савдо бор бошимда,
Ўтирсам, ўйланам, турсам қошимда,
Илк оқшомдан то тонггача тушимда,
Анча ҳавас қилдим, ёта билмадим.

Қайтмоқ энди бул фикрдан йўл олиб,
Биноҳим йиқилди тагин сел олиб,

Кенг бозорга кириб, сайлаб бол олиб,
Сени ёғдир дея қота билмадим.

Мендан гайри бирна кўнгил берсанг-да,
Кеча-кундуз ётмай даврон сурсанг-да,
Нафас айтар, таёқ олиб урсанг-да,
Парвона, қошингдан кета билмадим.

СЕВГИЛИМ

Хуснинг хазнаси барподир,
Ёруғ жаҳонга, севгилим.
Сочинг сақлов аждарҳодир,
Ул ганжи-конга, севгилим.

Дарёлар мен каби тошмас,
Юзинг тўлин ойдир, ёшмас,
Аввал-охир кўзим тушмас,
Сендек жононга, севгилим.

Қуруқ оғоч менча ёнмас,
Сийнамда оташинг сўнмас,
Эй ёр, сендан кўнглим дўнмас,
Дўнса замона, севгилим.

Дўст дўст раъйини тутмасми,
Ошиқ мурода етмасми,
Маъшуқ деган раҳм этмасми,
Бу гирён жонга севгилим?!

Эй сиё зулф, қоши қора,
Арзим будир сен дилдора,
Қилма сирларинг ошқора,
Яхши-ёмонга, севгилим.

Кеча боқмасам ул юзга,
Қарорим етмас кундузга,
Той келарсан ҳамма қизга,
Юз минг жононга севгилим.

Гамзанг ўқи тандан ўтди,
Борди, ширин жонга етди,
Кофир кўзинг талон этди,
Нури-имонга, севгилим.

Чекилиб қошинг қиличи,
Жигарим тилди бир учи,
Бағритош, раҳминг келса-чи,
Фарқ кўзим қонга, севгилим.

Мисли бодом қабоқларинг,
Гул япроғи дудоқларинг,



Ўхшайдир ул яноқларинг
Тар гулистонга, севгилим.

Тонг саҳардан зулфинг тараб,
Кун бир-ла турдинг ялтираб,
Қиё боқиб, қулиб қараб
Қўйдинг армонга, севгилим.

Нафас деяр,будир сўзим,
Зулфингдан сўлди гул юзим,
Бир замон айрилмас кўзим
Сендан бир ёнга, севгилим.

ЁДИМГА ТУШДИ

Ногаҳон кезардим гулли-гулшанда,
Гулгун яноқларинг ёдимга тушди.
Олма-анорингга кўзим тушганда,
Олма яноқларинг ёдимга тушди.

Ҳижронда чекмишам фиғону нола,
Алифдек қоматим ўхшамиш «дол»а,
Орзу айлаб ета билмам висола,
Айролиқ чоғларинг ёдимга тушди.

Юзларинг шаъму ул сиё кокиллар,
Сочларинг монанди мори-сунбуллар,
Чаманлар боғланди, жам ўлди гуллар,
Бошдан-оёқларинг ёдимга тушди.

Сенинг ҳасратингдан сарғайиб сўлдим,
Жабру тигинг ила бағримни тилдим,
Юз минг армон билан сендан айрилдим,
Ул кезган жойларинг ёдимга тушди.

Мисли тўлган ойдек кўксининг оқи,
Қонимдан ранг топмиш дастинг бўёғи,
Чор тараф тортилмиш сарви бутоғи,
Жаннат кучоқларинг ёдимга тушди.

Нафас айтар, бағрим доғлар ичинда,
Базм айласам оқ ўтовлар ичинда,
Бодом камол топмиш боғлар ичинда,
Бодом қабоқларинг ёдимга тушди.

*Туркман тилидан Абдумўмин Жумаев ва
Жуманазар Зулпиев таржималари*



Ҳаким САТТОРИЙ

ИНСОН ФЕЪЛ-АТВОРИ СИРАЛАРИ

Муҳтарам, Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида бугунги куннинг кўплаб долзарб масалалари юзасидан фикр юритилган. Жумладан, асарнинг «Маънавиятга таҳдид — ўзлгимизга ва келажагимизга таҳдид» бўлимида шундай дейилади: «Одамзот ва жамият ҳаётида оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад туйғуси авваламбор бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан қувониш ўрнига, қандайдир қуйиниш, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам муқаддас китобларимизда ҳасад инсонийликка мутлақо зид бўлган жирканч одат сифатида қаттиқ қораланади». Нафсиламрини айтганда, ҳаётида бу иллатга у ёки бу даражада дуч келмаган киши кам топилади. Унинг ижтимоий зарари эса ўрнини қоплаб бўлмас даражададир. Хўш, у қандай пайдо бўлади? Унинг давоси борми? Бундай саволлар ҳар қандай кишини ўйлантириши, табиий. Қуйидаги мулоҳазалар шу хусусида.

ҲАСАД

Бу дунёда ким ҳасадгўйлардан қутулган? Кимки ўз ватандошлари наздида қанчалик юксакликда турса, шунчалик катта мавқени эгалласа, у шунча тез ҳасадгўйларга нишон бўлади.

*Жоржи Амаду,
бразилия ёзувчиси*

Сиз уни кўргансиз. Сиз уни излаб юрмагансиз излаб топмагансиз, у сизни топган. Кутилмаган жойдан топган, балки ютуқлардан сармаст бўлиб, ер ва осмон оралигида учиб юрганингиздами, фарзандингиз камолидан бўйингиз кўкка етиб турганидами, хуллас, шод кунларнинг бирида унинг нигоҳи тушгану шундан бери айрилмайди. Соядек эргашиб юради. Баъзан сиз билан бақамти келади, ёқимсиз тиржаяди, ўзини дўст кўрсатмоқчи бўлади, ҳатто илтифотлар қилади, бироқ ҳаммаси сохта чиқиб қолаверади. Тезда ўзини панага олади ва «маломат тошлари»ни яна

итқита бошлайди. Бундан ўзини тия олмайди. Гоҳида қийналиб ҳам кетади. «Бу беш кунлик дунёда менга нима зарил, одамдек яшасам бўлмайдими, менга деса, коинотни эгаллаб олмайдими?» тарзида фиғон ҳам қилади. Яна зум ўтмай, қилгиллигини такрорлайверади. Бундан ўзи ҳам қийналади, сизни ҳам қийнаб юборади. Ана шунақа дарди бедавога чалинган кимса у.

Сиз уни биласиз, дуч келгансиз, лекин қутула олмайсиз. Қутулишга ҳаракат ҳам қилиб ўтирманг. Ўзига инсоф бермаса, ўзи сиздан «қутилмаса», сиз ундан қутила олмайсиз.

Баъзан: «Шунақанинг борлиги ҳам яхши, бўлмаса, анча лоқайд бўлиб қолардим» тарзида мулоҳаза ҳам қиласиз. Қўйинг, қуриб кетсин унинг «фойда»си. Ўшасиз ҳам бинойидек яшаб юргандингиз, у йўлиқдию умр йўлларингиз бошқа сўқмоқларга уриб кетди. Билъакс, мақсад чўққисига тезроқ етган, яна ҳам баландроққа кўтарилган бўлармидингиз. Аммо, борига, насиб этганига шукур.

Халқ оғзаки ижодида, бадиий адабиёт ва санъатда ҳасад мавзуси асосий сиралардан бири бўлиб келган. Ўзбек монументал эпоси «Алпомиш»да неча йиллар тинч ва бақамти яшаб келаётган сулола вакиллари ака-ука Бойбўри ва Бойсари ўртасида шу нифоқ пайдо бўлгач, тинч ҳаётга оғу аралашгани таъсирчан ифодаланган. Кейинчалик Ҳақимбек (Алпомиш)нинг бошига тушган шўришларга ҳам шу иллат сабаб. Ҳазрат Алишер Навоий ўз лирикасида «замона қулфатлари»дан бири сифатида у туфайли одамлардан, ҳамнишинлардан етган жабр-жафоларни дард билан қайд этиш баробарида дostonларидаги Фарҳод – Хисрав, Хисрав – Шеруя сингари кўплаб қарама-қарши тақдирлар мисолида фожеанинг кўламини янада теранроқ чизиб берди. Бастакорлар – Моцарт ва Сальери ўртасидаги можаролар эса жаҳон адабиётининг кун тартибидаги мавзуси бўлиб қолди. Пушкиннинг ҳасадгўй қаҳрамонларидан бири энг сўнгги чойчақасига рақибни учун заҳар соғиб олади.

Индивид (одам, инсон, шахс) жамоатчилик қуршовида яшар экан, атрофдагиларнинг унга муносабати муҳим аҳамиятга эга. Бу муносабатда жуда кўп гап бор. Негаки, одамлар ўзидан атрофга кўзга кўринмас энергия (қувват) тарқатиб юрадилар ва биз кўзга кўринмас энергия уммони (аура)да яшаймиз. Кишилардан тарқаладиган энергия ё тузувчи, ё бузувчи бўлиши мумкин. Бунинг оддий кузатув орқали ҳам билса бўлади. Эътибор берганмисиз, кўпчилик даврасига янги киши келиб қўшилса, гарчи уни ҳеч ким танимаса ҳам, даврадагиларда таъсирланиш юзага келади: бу ё ижобий, ё салбий бўлиши мумкин. Таъсирланишнинг қандайлиги кириб келган одамга боғлиқ. Агар у яхши одам бўлса, ёқимли энергия таратиб юрган бўлади ва атрофдагиларда ижобий кўзгалиш пайдо қилади. Ёмон одам бўлса, аксинча.

Табиий савол туғилади: яхшилик ва ёмонликнинг, демак, ҳавас билан ҳасаднинг чегараси қаерда, улар ўз табиатини қай тарзда намоён этади, биз уларни қандай «таниб олишимиз» мумкин бўлади? Албатта, бу саволнинг муфассал жавоби жуда узун, биз моҳиятни қисқа ва лўнда ифодаламоқчимиз: ҳавас билан яшайдиган одамдан ёқимли (яхши) энергия тарқалади, ҳасад билан яшайдиган одамдан ёқимсиз (ёмон) энергия тарқалади. Рухшунослар, биотехнологлар, медикларнинг хулосалари шу тўхтамага олиб келган. Демак, ҳавас ва ҳасад ўз табиатини ана шундай намоёниш этади.

Ҳар қандай кишида ўсиш, ривожланиш, олга интилиш сингари табиий майллар бўлади, одам боласи она қорнидан шундай инстинктлар билан туғилади. Атроф-муҳит, тарбия, ҳатто ирсий омиллар таъсирида бу майлларни юзага чиқарадиган фаол индивид уни оқ ёки қора рангларда зоҳир қилар экан. Агар борлиққа хайрихоҳлик билан қараб, ўзгалар эришган натижаларни мамнуният билан қабул қилиб, ўзига ҳам шундай даражани истаса ва унга бегараз интилса, бундай кайфиятнинг ранги оқ бўлар экан. Бу ҳолатни бир сўз билан «ҳавас» деб атайдилар. Мабодо, бошқаларнинг ютуғи уни хафа қилса, тинчини бузса ва ўзидан ўзган одамни ёқтирмай қолиб, гаразгўйлик қилса, бундай туйғунинг ранги қора бўлар,

унинг номи эса «ҳасад» экан. Нутқий муомаламизга сингиб кетган мана бу ибораларга эътибор берайлик: *оқ кўнгли, қалби тоза, дили пок, кўнгли очиқ; қора юрак, ичи қора, кўнгли қора, ичини қурум босган, ичини занг босган*. Тил бойлигимизда бу икки тушунча контраст тарзда шундай таърифланган.

Одам ўз-ўзидан ҳасад иллатига чалиниб қолмайди. Кишининг феъл-атворидаги кичкина унсулар зўрайиб, ҳасадга олиб борар экан. Масалан, ёнверимизда ҳар нарсага қизиқаверадиган одамларни кўп учратганмиз. Шундай ҳолат ҳам охир-оқибат ҳасаднинг томир отишига олиб бориши мумкин экан (бу туйғу бекорга пайдо бўлмайди, нимадир ичдан безовта қилаверади-да). Ҳасад «эга»си — ҳасадгўй бировнинг ютуғини кўради-да, унга эришиш учун тортган азобини, қийинчилигини кўрмайди, кўришни хоҳламайди. У: «Бахт бир текис тарқатилади, нега мен бахтсизман?» деб ўксинади, ичини илон кемиради. Билъакс, ўзига насиб этганидан роҳатланиб, насиб этмаган нарсдан афсусланмаслик бағрикенглик ва маънавий юксаклик ифодасидир. Бу талаб бизнинг азалий ахлоқимиздаги «Бориға барақа», деган тамойилни эсга солади. Афсуски, айримлар бу талабни унугади, «Қанча бўлса, шунча оз», йўсинига амал қилади. Агар одамлар ўзида бориға шукур қилиб, ўзида йўқ нарсага эътибор қилмаса, озгина нарса ҳам уларни қониқтиради. Инжиқлик, носамимийлик, шуҳратпарастлик каби иллатлар айнан ҳасаднинг дояси экан. Кимнинг феълида шундай қусурлар бўлса-ю, уларни баргараф этмаса, бир кун бориб ҳасадгўйга айланиб қоларкан.

МУДҲИШ ҚИЛМИШ

Ҳасадгўйлар ўлади-ю, ҳасад ҳеч қачон ўлмайди.

*Мольер,
француз драматурги*

Ҳасаднинг дастлабки аломатларидан бири, бу гийбатдир. Кўчалар, кўп қаватли уйлар оралаб гап терадиганлар, гап тарқатадиганларни безовта қилган туйғу ҳам ҳасаддир. Ундайларнинг бутун вужудини бировнинг ютуғини кўролмаслик, ичи қоралик, бахиллик кайфияти қамраб олган, бундай исканжадан чиқиб кетаолмайди. Бу иллатлар беозор яшаб юравериши мумкин, чинакам ҳасаднинг кўриниши эса «гапдан амалий ишга ўтиш»дадир. Нуқул оғзига зўр берган зот охир шу даражага етадики, ўзи ёқтирмайдиган одамига турли йўллар билан зарба беришга ўтади. Бадном қиладиган гаплар ўйлаб топади ва одамларни ёллаб, иғволарини тарқатади, рақибининг ишхонасига хатлар уюштиради, битиб турган ишини барбод қилади ва бошқа жисмоний ҳамда руҳий азоб бериш воситаларини ишга солади. Бировнинг муваффақиятидан уйқуси қочиб, безовта бўлаётган ҳасадчи қабиҳ ишлари рўёбга чиқса, хурсанд бўлиб, ўз қилиғидан роҳатланиб, яна мудҳиш режалар тузишда давом этаверади. Хуллас, у бедаво дардга чалинади.

Биринчи воқеа: Банк соҳасида ишлайдиган бу зот, гарчи аҳволи кўплардан яхши бўлса-да, нолигани-нолиган эди. «Дом»даги кириш-чиқишлар ҳам унга ёқмасди. Тўғридаги қўшниси — нашриёт ходимини кун ора йўлини тўсиб: «У идорага хат ёзайлик, бу идорага хат ёзайлик», деб безор қилиб юборганди. Ҳеч кимга қўшилмас, кейинчалик бирга ишлайдиган юртдоши билан ҳам йироқ-лашиб кетди. Бошқалар ҳам ундан ўзини олиб қоча бошлашди... Хуллас, у шу кунларда касалланиб, тўшакка миҳланиб қолди.

Кўп донишмандлар ҳасадни севгига тенглаштирадилар. Севги дардига чалинганлар қанчалик беҳушу беҳаёл бўлиб, ўз маъшуқалари (яъни, орзулари) ҳақида ўй сурсалар, ҳасадгўйлар ҳам ўз рақибига ана шунча жиннилик билан ҳужум қиладилар. «Ҳеч бир эҳтирос одамни севги ва ҳасадчалик сеҳрлаб қўя

олмайди», дейди инглиз мутафаккири Бэкон. Фақат севгида оқ ранглр — гўзаллик, нафосат, олийжаноблик устунлик қилса, ҳасадда қора ранглр — қабиҳлик, жаҳолат, тубанлик устунлик қилади. Севган одам ишқ шавқи билан маъшуқасининг майда-чуйда камчиликларини кўрмайди, ҳасадгўй эса ҳар бир унсурдан кир қидиради, нинанинг тешигидек жойдан туяни ўтказа олади.

Агар ҳасад бўлмаганда маънавият дунёси қанчалаб мўъжизалар билан бойиган бўларди. Кўплаб истеъдодли одамлар унинг қурбони бўлиб кетишди. «Олис ва яқин тарихимизда не-не буюк зотлар ҳасад ва бахиллик, кўролмаслик туфайли қандай азоб-уқубатларни бошидан кечирган, соғлиги, ҳатто ҳаётидан жудо бўлганини аччиқ мисолларда кўриш мумкин», дея қайд қилинади Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида.

УНДАН САҚЛАНИНГ...

*Ҳасад — энг оғир дард.
Дўстининг омади юришса, ҳасад қилма, қувон!
Сухомлинский,
рус педагоги*

Бир оддий омади гап бор: ҳеч қачон ва ҳеч қаерда ҳасадгўйни ёқтиришмаган ва ёқтиришмайди ҳам. Бу хусусда, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида шундай дейилади: «Доно халқимиз гараз ва ҳасад билан яшайдиган, ўз шахсий манфаатига ўзгалар ҳисобидан эришишни маъқул кўрадиган, фақат ўзини ўйлайдиган кимсадан ўзи асрасин, дейди».

Рухшуносларнинг эътирофича, ҳасад — ўз-ўзини ҳимоя қилиш (улуғлаш) табиий худбинлик (эгоизм) билан қоришиб кетган салбий инстинктдир. Инстинктларни бартараф этиш мумкин бўлмаганидек (масалан, чанқаганда, ташналик ёки ёруғлик тушганда, кўз қамашиши сингари), ҳасадга чалинган одамни ундан қайтариш қийин кечади (бу осмонга тупуришдек гап — юзингга тушади). Фақат пайдо бўлиб улгурган инстинктдан ижобий мақсадда фойдаланиш мумкинлигини ўқтиришади мутахассислар.

Шахсий камолот йўлида ишлатилиши мумкин бўлган куч-қувват инсонни емирувчи ҳиссиётга сарфланмоқда. Олимлар бир кунлик ҳасад уч кунлик оч яшашга ўхшаш таъсир қилишини аниқлашган. Ҳасаддан одам кўкариб кетиши, ошқозон яраси орттириб олиши, ундан тақдир юз буриши, истиқболида омад эшиклари тақатақ бекилиши мумкин. Бутун борлиги барбод бўлган, бунёдкорлик қуввати газаб, жаҳолатга сарфланган, натижада, асаблари ишдан чиққан, ҳамма нарсадан Мосуво бўлган одам тақдирига ўзида ачинишгина эмас, нафрат ҳиссини уйғота оладиган шахс фитратидаги салбий ҳолатни жиловлашга киришган бўлади.

Одатда, ҳасад атрофингиздаги кимнидир ёқтирмай қолишдан бошланар экан. Касбдошингиз ёки ҳамхонангизнинг кийиниши, эзмалиги, бирор қилиги гашингизни келтира бошладими, мабодо, бу кайфият унинг сиздан кўра омадли ёхуд ишлари авждалигидан эмасми? деган андиша пайдо бўлсин. Шундан сўнг «рақиб»ингизни оқлайдиган важлар қидиринг ва унинг ўзингиз учун ёқимли тимсолини яратишга эришинг. Ички иқрор билан мардона: «Ҳа, мен бу одамга ҳасад қилаяпман, бироқ, унинг ҳеч ёмонлиги йўқ, фақат яхши фазилатлари кўп экан», деб тан олинг. Ана шундай эътироф бошланган пайтдан ҳасаднинг емирувчи кучи ўтмаслашиб, ўз-ўзингизни танқид босқичи бошланади. Айбдорликни ҳис қилиб, феъли торлигингиздан хафа бўласиз. Айни шу ҳолат кишининг ички қувватини яхши амалларга йўналтириш кўникмаси уйғонаётганидан далолатдир. Энди ишга муносабатни ўзгартиришга, ёруғ режалар тузишга тўғри келади. Фаолиятдаги баъзи камчиликларни аввало тан олиш, сўнгра уларни тузатишга

киришиш лозим. Шу тахлит сиз ҳам дастлаб жузъий, кейинчалик эса, катта ютуқларга эриша бошлайсиз. Энг асосийси – ичингиздаги қора шарпадан халос бўласиз.

Ўқиб кўрсак, илмий адабиётларда шундай маслаҳат ва тавсиялар қайд қилинган экан. Гўзал турмуш тарзимизга тўғри келмайдиган, бировга айтса, одамнинг ўзи хижолат бўладиган қусурлар ҳеч кимга юқмасин, деган эзгу ният билан уларни қайд этиб қўйдик. Зеро, унга гирифтор бўлганларнинг қилиқларини на тушуна, на қабул қила оласиз. Бир-бирини такрорламайдиган бундай қусурлар учраб туради.

Иккинчи воқеа: Икки собиқ мактабдош катта шаҳарда учрашиб қолади. Йиллар ўтган, икковининг даражаси ҳам, ўша кунги кайфияти ҳам турлича эди. Шаҳарда уй-жой қилиб, ўзига тўқ яшаётган ўртоқ аёлини касалхонага олиб келиб, овора бўлиб юрган танишини хонадонига таклиф қилади. Аввало, одамгарчилик, сўнгра эса, болалиқдаги қадрдони билан ҳам ҳангомалашиш, ҳам унинг синиқ кўнглига таскин бериш эди, муддаоси. Аммо, суҳбат қовушмади, меҳмон ҳамма нарсани сўраб-суриштираверар, ўзининг омадсизлигидан нолигани-нолиган эди. Хуллас, эски биродарларнинг суҳбати кўр олмади, кўнгилларнинг хижиллиги ёзилмади. Гап нимадалиги эрталаб маълум бўлди: меҳмон ўзи тунаган хонадаги чинни идишларни синдириб, тун қоронғусида ғойиб бўлганди. Хонадон соҳиби бундан газабланса ҳам жаҳлини ичига ютди. Фақат осмонга қараб: «Ўзини осиб қўймабдиём», деди. У ҳасад нималигини, бу туйғу одамни қандай кўйга солишини биларди. «Меҳмон»га бундан бошқа ҳаёт насиб этиши мумкин эмас эди.

Бу тўғарак дунёда нималар бўлмайди дейсиз. Икки киши ўртасидаги муносабатларнинг энг чалкаши ва мавҳуми ҳисобланмиш эр-хотинлик ҳолатида ҳам ҳасад бот-бот (асосан, рашк кўринишида) содир бўлиб туради. Аслида, унинг замирига разм солинса, муносабатларга ҳасад кутқу ташлаётганини илғаб олиш қийин эмас: эр-хотиннинг ҳуснига ёки ўзига зарур даражада муносиб эътибор бермаётганига ҳасад қилади; хотин эрнинг мавқеига ёки атрофида гўзал аёллар кўплигига... шундай назар билан қарайди. Мабодо, эр ҳам, хотин ҳам ўзларидаги ҳасад туйғусини жиловлай олишса, оилавий можаролар камайган бўлармиди? Баъзан иш жойларида ҳамкасбларнинг, бир-бирларига ҳасадли муносабатларига гувоҳ бўламиз. Ўшанда шундай кайфиятни намоён қилган тарафнинг ночор аҳволга тушиб қолганидан афсусланамиз. Унинг бу феъли биринчи навбатда ўзига зиёнлигини фан ҳам, азалий тажрибалар ҳам исботлаган.

Биз буюк мақсадлар билан яшайдиган давр кишиларимиз. Истиқлол илм ва ижод учун шунчалар кенг уфқларни очдики, унда ҳар қандай имкониятга ўрин бор. Негаки, биз умргузаронлик қилаётган замин мўъжизалар ва тилсимотлар маконидир. Ҳозиргача бу ҳазина ўз бисотини сир сақлаб келди. Бундай маънавий бойликлардан яралган мўъжизалар нималарда зоҳир бўлади? Бир-икки мисол келтирамиз.

Муסיқа билимдонларидан бири шундай омади гапни айтиб қолди: «Космосга учган одамлар эмас, инсониятни космосга олиб чиққан халқлар буюқдир». У «Шашмақом»ни назарда тутаётган эди. Бу мумтоз муסיқа асари шунчалар мукамал тузилган эканки, дафъатан уни одам фарзанд(лар)и яратганига ишониш қийин экан. «Унда фалакдаги жами туйғу ва тушунчалар ифодаланган», деди у. Уни тинглаган ва ҳис қилган одам руҳан ердан самога кўтарилар экан.


Хўш, бундай теранлик(лар)ни ким кашф қилиши керак? Кашф қилиш учун эса ўтмиш меросини миридан-сиригача ўрганиш талаб қилинади. Бу мерос боболаримиз қолдирган китобларда яширинган. Эндиликда, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино сингари ўнлаб алломаларимизнинг тўла асарлар мажмуаси китоб жавонларимизни тўлдириб турадиган пайт келди. Ҳолбуки, Мирзо Улуғбекнинг машҳур «Зижи Кўрагоний» китоби ўзбекчага ҳамон таржима қилингани йўқ. Маънавиятимизни тўлдириши керак бўлган бундай бўшлиқларни кўплаб келтириш мумкин.

Албатта, умуммиллий маданиятга дахлдор бу сингари салмоқли юмушларни ҳар ким эплай олавермайди ва бундай қобилият эгалари ҳар қадамда топилавермайди. «Ҳамма гап ана шундай инсонларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, уларни қўллаб-қувватлашда, – дейилади муҳтарам Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида. – Агар биз мамлакатимизнинг қайси шаҳар ёки қишлоғида бўлмасин, йилт этган истеъдод учқунини кўрганда, ҳаммамиз уни ўз вақтида пайқаб, ардоқлаб, парвона бўлиб, унга йўл очиб берсак, барча саъй-ҳаракат ва интилишларимизни ана шундай олийжаноб мақсадга қаратсак, мухтасар айтганда, ҳасад қилиб эмас, ҳавас қилиб яшашни ҳаётимиз қоидасига айлантирсак, ҳеч шубҳасиз, биз миллий тараққиёт бобида янада юксак марраларни эгаллашга эриша оламиз».

Қор билан қопланган тоғ чўққисида қуш оёғидан тушган нўхатдек урпоқ мислсиз кўчкига сабаб бўлиши мумкин. Одам кўнглидан кечган кичкина салбий туйғу билан жамиятда улкан бўҳронни келтириб чиқаради. Майлларни жиловлаб, келажак манфаати учун ўзни тия билиш ҳам жасоратдир. Зеро, яхши нарсага ҳам, ёмон нарсага ҳам инсоннинг ўзи сабабчи бўлади.

Мулоҳазаларимиз охирида бир ҳолни истисно сифатида эслаб ўтиш ўринсиз бўлмас. Узоқ умр кўрган кишилардан кўп яшашнинг сири сўралганда, бир қатор омилар қаторида ҳеч қачон бировга ҳасад қилмаганини қайд этишади. Демак, ҳавас билан яшаган одамни аллоҳ ҳам ёрлақар, унга узоқ умр ва етарли ризқ ато қилар, халқ ҳам эҳтиром ила эъозлар экан.





Дунё бўлсин сенга садага

**Тўлибой ҚОБУЛОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири**

СЕН БОР – ДУНЁ БОР

Томчи тома – тома тошни тешади,
Яхши гул тошда ҳам яхши ўсади.
Биз дунёни тўрт фасл деб англасак,
Энг гўзали баҳор фасли дейишади.
Сунбул сочларингни шамол сийпалар,
Эй гул юзли дилбар, сен бор – дунё бор.

Сени табрикласин дастлаб табиат,
Кўкда кўзёш тўксин қушлар ҳам бот-бот.
Келмаганинга сен агар дунёга,
Учмоққа кам бўлар эди бир қанот.
Сенга қучоқ очар нозлар, жилвалар,
Эй нозанин дилбар, сен бор – дунё бор.

Келмаганинга сен агар дунёга,
Хор эдим, зор эдим меҳригиёга,
Пойқадаминг файзи эниб бахтимга,
Хонадоним тўлди нурга, зиёга.
Сен – фаровон ҳаёт, сен – тўкин рўзгор,
Эй вафодор дилбар, сен бор – дунё бор.

Сен баҳорни бошлаб келдинг оламга,
Энди, баҳор келар сенга саломга.
Гулдек ярашурсан чечак сочурсан
Ҳар тўртта фаслга – ҳар бир мақомга.
Ҳали сенга неча ғариб қул бўлар,
Эй севимли дилбар, сен бор – дунё бор.

ЧАНҚОВУЗ

Онам сени сандигида сақлаган,
Сақламаса кўнгли қарор топмаган.
Эшитганда сенинг сулув сасингни
Эсаётган шамол четлаб тўхтаган,
Бир чиройли нағманг учун, Чанқовуз.

Тилла забон сайраса ҳар нағмага,
Ёруғ дунё бўлсин сенга садаға.
Юрт йиғилган сайил, базму тўйларда
Боғбон боғин назир этган худога,
Бир чиройли нағманг учун, Чанқовуз.

Қиз-жувонлар кўзгаб юрак дардларин,
Очиқ айтган ошиқликнинг шартларин.
Олисга от, яқинга хат жўнатиб,
Асир олган йигитларнинг мардларин,
Бир чиройли нағманг учун, Чанқовуз.

Олтин тилинг нур таратган баҳордай,
Унда тилсим, бир ажойиб сир бордай.
Чаппор уриб гуллаётган дунёнинг
Гўзаллиги сенга бўлган нисордай,
Бир чиройли нағманг учун, Чанқовуз.

Онам сени сандигида сақлаган,
Сақламаса, кўнгли қарор топмаган.
Қорақалпоқ — саҳро булбули дея,
Ватанимнинг ўзлигини оқлаган,
Бир чиройли нағманг учун, Чанқовуз.

МАҚТОВ

Ҳазил

— Бизнинг аёл фариштанинг синглиси,
Нақд товуснинг тусидек товланиши.
Жилваси жон олар десам, лоф бўлар,
У сўзласа, сайраб кетар гунг киши.

— Шуям гапми? Асл аёл бизда бор,
Унда жилва-да бор, тилла тиш-да бор.
Сенга ёлгон, менга рост, мен деса у,
У кўзини бу кўзидан қизганар...

— Бизни ёрга бундай мақтов ёқмайди,
Бироқ у ҳеч кимнинг қўйин боқмайди.
Кўзимга тик қараб, айбим айтди деб,
Кўпчиликка мени роса мақтайди.

— Нималар деяпсиз, бузиб хаёлни,
Фикр йўқми бошқа бошли-поёнли?..
Ҳаётида мақташ, ахир, бекор гап,
Ўлгандан сўнг мақташ керак аёлни...

О, СЕВГИЛИМ

О, севгилим, кўлингда
Ойна бўлсам, деб эдим.
Кеча-кундуз йўлингда
Шайдо бўлсам, деб эдим.

Юзларингни кўқдаги
Ойда кўрсам, деб эдим.
Сочларинг тўлқинларин
Сойда кўрсам, деб эдим.

Сенинг бирла сайр айлаб,
Боққа борсам, деб эдим.
Кўзларингни кўрган пайт
Ўтда ёнсам, деб эдим.

Кўлингдаги узукнинг
Кўзи бўлсам, деб эдим.
Дилингдаги кўшиқнинг
Сўзи бўлсам, деб эдим.

Янграётган дуторнинг
Тори бўлсанг, деб эдим.
Мен — васлингга хуморнинг
Ёри бўлсанг, деб эдим.

Кўлга қўнган кўккина
Каптар бўлсанг, деб эдим.
Кўшиқ ёзсам шўхгина...
Дафтар бўлсанг, деб эдим...

*Қорақалпоқ тилидан
Рустам Мусурмон таржимаси*





**Иброҳим ҒАФУРОВ,
Йўлдош СОЛИЖОНОВ**

«УЛИСС» ДУНЁСИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР

Суҳбат

Йўлдош Солижонов: Иброҳим ака! Келинг, фикримни суҳбатимиз асоси бўлган Жеймс Жойснинг «Улисс» романини мутолаа қилиш асносида дилимда туғилган бир савол билан бошласам. Очигини айтсам, аввало, романни ўқиш, ўқиганда ҳам уни тушуниш ниҳоятда қийин. Сабаби, бу асар бизнинг ўқувчилар ўрганиб қолган батартиб воқеалар тизимидан иборат эмас. Сиз «Воқеа» деб таржима қилган ҳар бир эпизодда шу қадар телба-тескари, бири боғдан, бошқаси тоғдан олинган гаплар, фактлар, исмлар, саналар қалашиб, аралашиб кетадики, уларни идрок этгунча ўқувчининг энка-тинкаси қурийди. Тўғриси, ўзим ҳам ўтган асрнинг саксонинчи йилларида касбим тақозосига кўра, «Улисс»нинг рус тилидаги китобини ўқишга киришгандим. Бироқ, ҳеч нарса тушунмаганлигимдан, қийналиб кетганимдан ярмидаёқ ўқишдан воз кечгандим.

Мана, орадан кўп йиллар ўтиб, сизнинг машаққатли меҳнатингиз эвазига бу роман ўзбек тилида дунё юзини кўрди. Айтинг-чи, ҳозирги ўқувчилар «Улисс саргузаштлари» романини оммавий равишда қабул қиладилар, уни севиб ўқийдилар, идрок қила оладилар, деб ишонасизми? Ахир, ўзингиз қайд этганингиздек, ҳатто «буюк психиатр, психолог олим Карл Юнгни уч йилдан ортиқ ўйга толдир»ган бу асар ўзбек китобхонига тушунарли бўлармикан?

Иброҳим Ғафуров: Чиндан ҳам «Улисс» каби романларни оммавий суратда қабул қилиш қийин. Бу асар оммага мўлжалланмаган ва унга қаратилмаган. Жеймс Жойс бу асарини Европа ва Америка интеллектуаллари, ақлий, илмий ўсишларида анча илгарилаб кетган Фрейд, Юнг, Эзра Пауид, Эллиот сингари ўзига тенг даражада турган замондошларини мўлжаллаб ёзган, уларнинг тушунишлари, аксадо беришлари, баҳс-мунозараларини назарда тутган. XX асрнинг йигирманчи йиллари бошланишидаёқ журналда босилиб чиқа бошлаган бу асарни тушуниш қийин деб бутун дунёда тан олинган. Лекин бу асарни тушуниб бўлмайти дегани эмас, асло. Фақат «Минг бир кеча»ни ўқиш билан «Улисс»ни ўқишнинг фарқи бор. «Улисс»ни ўқиш бу қаттиқ меҳнатни талаб қилади. Узлуксиз бош қотиришга,

бутун диққат-эътиборни шу асарга қаратишга, унинг ранг-баранг оламлари ичида яшашга тўғри келади. Унинг ичига чуқурроқ кириб борганингиз сари адабиётимиз билан ўхшаш томонларни ҳис қилиб бораверасиз.

«Улисс»ни ўқиш том маънода осон эмас. Лекин ичига кирган, мағзини чаққан ўқувчига у туганмас гўзал онларни бахш этади. Инсон майллари, эҳтирослари, кайфиятлари, қарашлари, кечинмаларининг чексиз ранг-барангликларига, онг ва ҳиссиёт оқимлари ичида ҳар қадамда инсонни – унинг миллати, мамлакати, диний эътиқодидан қатъий назар, илгари ҳеч қачон қўрилмаган, англалмаган, ўйланмаган беҳад оригинал бир нуқтадан кашф этгандай бўлади. Шунинг баробарида, Жойсни ўқиш кишига чексиз бир мароқ бағишлайди. Жойсни мутолаа қилишга киришган китобхон аҳдида қаттиқ туриб, китобни охиригача ўқиши керак. Агар асарнинг асосий қаҳрамонларидан бири Леополд Блумнинг хотини – қўшиқчи аёл Моллининг оз эмас-кўп эмас, росмана қирқ саҳифадан иборат биронта нуқта, биронта вергул ёки бошқа тиниш белгилари қўйилмаган Турон даштидай бир текис ички монологини зерикмай ўқий олса, у албатта, ададсиз ҳиссиётлар, турли фикрлар дарёсига гарқ бўлади. Дастлаб тушунолмайд қийналишнинг охири ҳайрат билан тугайди. Бу таъбир жойиз бўлса, насрдаги чексиз маҳорат, чексиз кашфиётлар водийсининг ҳайратларидир. Аммо ўқиб бўлгач китобхон бармоқ тишлабгина қолмайди: ўйлайди, ўйлайди, ўйлайверади... энди ўйлаш мудоваматини ҳосил қилади.

Ахир, ўзбек китобхони ўз тилида Жойс билан яқин-яқинлардан бери таниша бошлади-да. Адибнинг бир қанча ҳикоялари ҳамда «Санъаткорнинг ёшликдаги сийрати» номли романи (Аҳмад Отабоев таржимаси) босилиб чиқди. Ўқувчилар бу асарларни яхши қабул қилдилар. Шуни назарда тутиб, Жойс билан танишувни чуқурлаштириш, кенгайтириш мақсадида «Улисс» романи таржимасига журъат қилинди. Унутилмас Озод Шарафиддинов ўзбек китобхони Жойсни ўқишини орзулаган ва Нитше, Маркес ва Жойсни («Зардушт таваллоси», «Бузрукнинг кузи», «Улисс») таржима қилишни бизнинг зиммамизга юклаган эди. Ўйлайманки, закийтабиат ўқувчиларимиз ушбу мураккаб асарни қизиқиш билан ўқийдилар ва ўқиб оладилар.

Йўлдош Солижонов: Атоқли рус санъаткори Алексей Толстой ёш ижодкорлар билан ўтказган суҳбатларининг бирида ёзувчи бир пайтнинг ўзида ҳам адиб, ҳам файласуф, ҳам кўп қиррали олим бўлиши керак деган экан. Мен романни ўқиш жараёнида Жеймс Жойсни айнан ана шундай аллома – ҳам тарихчи, ҳам файласуф, ҳам иқтисодчи, ҳам сиёсатшунос, адабиётшунос, табиб, дин аҳкомлари ва шариат қоидаларини яхши билган руҳоний эканлигига иқрор бўлдим. Масалан, қаҳрамонлари чўмилишаётганида денгиз сувининг шифобахш фойдаси ҳақида гап кетади, овқатланишаётганида қайси таомларнинг қандай дардга даволиги тўғрисида маълумот берилади. Кўчада кетишаётганда ҳиди чиқаётган газнинг кўк йўталга дори эканлигини, сил билан оғриганда янги иссиқ қон ичиш наф беришини ёзади. Айниқса, Жойс адабиётшунос сифатида Европа адабиёти, ўнлаб таниқли адиблар (хусусан, Шекспир) ижоди тўғрисида шу қадар кўп ва қизиқарли маълумотлар берадики, ҳайратга тушамиз. Ўқувчики, асарни ўқиш давомида шунча кўп маълумот олар экан, сиз таржимон ва адабиётшунос сифатида Жойсининг яна қандай қирраларини кашф этдингиз?

Иброҳим Ғафуров: «Улисс» жаҳон адабиётида кутилмаган воқеа бўлди. Шу пайтгача бундай фавкулудда бадиий кашфиётлар билан тўлиб-тошган, дунёга янги бадиий тасвир тизимлари ҳамда воситалари, усуллари, техникасини таклиф қилган асар ёзилмаган эди. «Улисс» романи билан бирга модерн адабиётининг қуёши чиқди. У тасвирда «онг оқими» деган янги бир ажойиб ҳодисани яратди. Дунё ва инсонни универсум каби – ягона ва яхлит тасвирлаш ҳамда тасаввур қилишнинг бадиий, фалсафий имкониятини очди. «Улисс»гача дунё адабиётида фақат Ҳомернинг «Одиссея» ҳамда «Илиада» дostonлари, «Инжил», «Таврот», «Янги аҳд», «Қуръон» сингари китоблар универсум – барча учун ягона ва баробар қимматга эга бўлган китоблар деб қабул қилинарди. Жеймс Жойс «Одиссея» ва

унинг қаҳрамонларини, воқеалари ва ғояларини ўзи учун, ижодий нияти учун универсум – яъни, универсал модел деб қабул қилди.

Ёзувчи ўз олдига XX аср Одиссейи ва унинг ҳозирги замондаги саргузаштларини ёритишни мақсад қилиб қўйди. Ўз монументал асарининг ўн саккиз бобини «Одиссея»нинг ўн саккиз қўшиғига ажиб бир тарзда уйғунлаштирди, мувофиқлаштирди. «Одиссея»га ҳар жиҳатдан муқобил бир асар яратди. Латин халқлари Одиссейни Улисс дейишади. Жойс шундан келиб чиқиб романига «Улисс» деб ном берди. Бу бизнинг тилимизда Алпомиш деган маънони англатади. Адиб романининг асосий икки қаҳрамони – Блум ва Стивен худди Одиссей ва унинг ўгли Телемак каби саргашта, олам кезувчи қаҳрамонлардир. Блумнинг хотини қўшиқчи аёл бўлса, бамисли Одиссейнинг уйида интизор кутиб қолган ва куёвлар таъмаларидан безор бўлган хотини Пенелопа кабидир. Стивен эса ота дийдорини излаган, ота марҳаматидан баҳрадор бўлишни истаган, ота соғинчи ичида изтиробли ўйларни бошидан кечирган ёш Телемак мисолидир.

Одиссей ва унинг атрофидаги шериклари, ҳамроҳлари Блум ва Стивен теварагини қуршаб олган ранг-баранг жамоа кишиларини эслатади. Жойс дастлаб асарининг бобларини ҳам «Одиссея» қаҳрамонлари ва ҳодисотлари номи билан атаган эди. Лекин кейинги таҳрирда у ушбу номларни олиб ташлади ва номлар асарнинг дастлабки чизгилари ва режаларидагина қолди. Аммо Жойснинг дунёдаги сон-саноқсиз тадқиқотчилари ҳанузгача асарнинг бобларини муаллифнинг илк чизгилари бўйича аташни одат қилиб келадилар. «Одиссея»га ўхшатма «Улисс»нинг фақат техник қурилишидаги кашфиётдир. Бу техник кашфиётни тақлид деб атаб бўлмайди.

Асарнинг асл воқеаси тамомила янги ва оригиналдир. Унинг марказига Ирландиянинг пойтахти Дублин шаҳри қўйилган. Асар 1904 йилнинг 16 июнида бир кун мобайнида Дублинда рўй берган воқеаларни соатма-соат, дақиқама-дақиқа ўз сюжет чизиқларига эга ҳолда қамраб олади. Дублин шаҳри, унинг манзаралари, кўчалари, саройлари, каналлари, трамвайлари, кеблари, уйлари, дўконлари, қовоқхоналари, емакхоналари, черковлари, мозорлари, қабрлари, бозори – бари ўта аниқ, маҳаллалари, одамлари, уларнинг касб-корлари ҳам шу қадар аниқ; яъни, ҳаммаси ёш санъаткор Жойс кўрган пайтларида қандай бўлса, баайни ва худди шундай тасвирланган. Жойс ўзи аниқ билган, аниқ кўрган, аниқ эшитган, аниқ бошидан кечирганларини жуда батафсил аниқлик билан тасвирга киритади. Қаҳрамонлари, воқеалари худди ҳаётдаги одамларнинг айни ўзлари бўлган бундай асар дунё адабиётларида камдан-кам топилади. Ундаги барча персонажларнинг прототиpleri мавжуд. Стивен ва Блум эса муаллифнинг баайни ўзидир.

Менга қолса, «Улисс» Ўзбекистонга, ўзбекларга жуда яқин асар деган бўлардим. Ҳатто жуда қадрдон асар дейишим ҳам мумкин. Нега шундай деяпман? Бу фикримни тушунтиришга ҳаракат қиламан.

Албатта, юзаки бир қарашда Жеймс Жойснинг «Улисс» романи Ўзбекистон ва ўзбеклар ҳаётига, тарихига, дунёни қабул қилиши, унга муносабати, англаши, тушуниши, тутими ҳамда мезонларига, тасаввурлар дунёсига бегона бир асар бўлиб туйилиши ҳам мумкин. Номаълум ва нотаниш воқелик, номаълум ва нотаниш коллизиялар, ўлчовлар ва ҳоказолар... Асарнинг ёзилиш йўллари (усули) ҳам тамомила бошқача. Ёзувчиларимизнинг ҳаёлига ҳеч қачон келмаган ёзувлар, хатлар, усуллар. Биз бунақа нарсаларга яқин йўламаганмиз. «Улисс» романи XX асрнинг ўнинчи йилларида ёзилиб, йигирманчи йилларга келиб юзага чиқа бошлаган пайтда дунё тарихи ҳаракати ва табиатининг ажиб бир ўхшашликлари туфайли Ўзбекистонда, Тошкентда Абдулла Қодирий деган худди Жойс каби ёш, ўт-олов йигит юртнинг, халқнинг яқин ва узоқ тарихига қизиқиб, жон-дили билан ўрганишга киришган, отаси ва бобосидан эшитган қизиқ-қизиқ тарихий воқеалар унга қаттиқ таъсир қилган, томирларида оққан ижодий кучларни жўш урдирган, Фарб романлари йўналишида миллий роман ёзиш орзусига тушган эди.

«Ўткан қунлар»нинг нияти худди «Улисс»нинг нияти каби туғилган ва ёш адибни тамомила уйқудан маҳрум этганди. Ирландияда XVIII асрдан то XX аср бошларигача бўлиб ўтган озодлик учун курашлар, тинимсиз галаёнлар, миллий буржуазиянинг уйғониши, озодлик курашининг олдинги сафларига чиқиши ва уни турли йўллар билан бошқариши, ўртадаги Англия-Ирландия муносабатларида тинимсиз тўкилган қонлар, алам-умидсизликлар, хиёнатлар, қатллар, миллатнинг озодлик ҳамда бирлашиш тарафдорларига ажралиб кетишлари, булар ўртасидаги турли низолар, ихтилофлар – ҳамма-ҳаммаси Жойсдан олдинги авлод бошидан қандай ўтган бўлса, Жойс авлоди бошидан ҳам шундай огриқ, азоб-уқубатлар, умидсизлик, тушкунликлар, ватанни тарк этиб кетишлар, ҳижрон, айрилиқ кечинмалари тинимсиз ўтиб турган замон эди.

Тасодифни қарангки, XIX асрнинг иккинчи ярми, XX аср бошларида ҳозирги Ўзбекистон худудида ҳам ана шундай миллий озодликка интилиш, курашга отланиш, кўзғолонлар бир зум бўлсин тинмаган эди. Беҳбудий, Қодирий, Чўлпонлар авлоди худди Жойс авлоди каби озодлик ва маърифат курашига белни маҳкам боғлаб чиқди. Ирландиядаги кураш тажрибалари ва тарихи Ўзбекистондаги кураш тажрибалари ва тарихи ҳамда йўналишига жуда яқин эди. «Улисс» «Ўткан қунлар» билан бир давр, бир пайтда оқ саҳифага тушди. Икки халқнинг кураши ўхшаш манзараларга, ўхшаш йўналишларга эга эди. Фақат ирландлар Европа ва Америка таъсирида бу масалаларда анча илгарилаб кетгандилар. Хонликларнинг таназзуллари Ирландиядаги таназзулга гоётада ўхшаб кетарди. Миллий озодлик гоёси, ўз-ўзини бошқариш орзуси Жойсларга қанча яқин бўлса, Қодирийлар, Отабекларга ҳам шунчалар яқин эди. Зиёлиларимиз ўхшаш гоёлар қуршовида ўргандилар. Шунинг учун ҳам «Улисс»даги озодлик интилишлари бизга яқин ва қадрдон, энг муҳими, тушунарлидир. Қодирий Фарб адабиёти руҳидаги миллий роман ёзишни орзулаб, кўзини Гюго, Вальтер Скотт, Жўржи Зайдон, Рабиндранат Тагор кабиларга тиккан бўлса, Жойс романини ёзаркан, бутун Европа мамлакатларини кезиб, бу ердаги энг илғор илмий-фалсафий гоёларни дунёқарашига сингдирар, Гомер, Аристотель, Платон, Сократ, Рабле ва Дантедан тортиб, Нитше, Толстой, Достоевский, Фрейдгача тафаккур оламларини онгига сингдирар, улардан улги олиб илҳомланарди.

Шунинг учун Қодирий, Чўлпонни ўзига яқин кўрган киши ҳеч қачон Жойсга бегона деб қараши мумкин эмас. Ўлай агар, шоир, адиб, файласуф ва муаллим Стивен Қодирийга жуда ўхшаб кетади. Жойс бу қаҳрамонини Қодирий ёки Беҳбудийдан олиб чизмаганмикан деб ўйлаб қоламан. Одам асли шу Стивендай, Блумдай бениҳоя мураккаб. Беҳбудий, Қодирийлар ҳам мана шундай ўта мураккаб феъл-атвор ва қараш-интилишлар эгаси бўлишган. Лекин Жойс Фрейднинг кўзойнагидан қараб кўриб иллаган, тасвирлаган ҳодисаларни Қодирийлар ҳали кўрмаган ва тажрибаларидан ўтказмаган эдилар.

Йўлдош Солижонов: Жеймс Жойсни диндан юз ўгирган, ватани Ирландиядан воз кечган деб «айблашади». Аммо унинг асарларини ўқиб бунга ишонмадим. Биргина «Улисс саргузаштлари»нинг ўзида динлар ҳақида шу қадар билимдонлик билан фикр юритадики, шу билан бирга «Инжил», «Таврот», «Қуръон» каби муқаддас китоблардан кўплаб оятлар, қоидалар келтиради. Масалан, бир жойда мистер Блум нуқтаи назари орқали «Муҳаммад алайҳиссалом мушукнинг фароғатини бузмаслик учун тўнининг этагини қирқиб қўйганлар», дейди. Менинг фикримча, у диндан воз кечган шаккок, кофир эмас, балки уни чуқур билган, билганлиги учун ҳам унинг айрим чекловчи ақидаларига қарши исён кўтарган (худди биздаги Мансур Халлож, Машраб сингари) бўлса керак.

Жойсшунос олим Тилаволди Жўраев «Модерн бизга бегона эмас» номли сўхбатида («ЎЗАС» 17.08.09) айтишича, ёзувчи ўз ижодини эпифаниялар ёзишдан бошлаган. Бу сўз ўзбек тилида «Тангрининг юз кўрсатиши, тангрига етишув», деган маънони англатар экан. Ахир, бу биздаги тасаввуф таълимотига тўғри келадими! Энди, инсоф билан айтганда, шундай одамни динсиз, кофир деб бўлармикан?

Иброҳим Ғафуров: Бу масалада мулоҳаза тарзида фикр юритган маъқул. Айримлар ўйлаб-ўйламай, Жойсни яхши билмай, унинг қалбига қулоқ солмай кескин хулосалар чиқарадилар. Аслида, Жойс кўп билимдон файласуф бўлган. Жеймс Жойс ўзининг исёнкорона фикр-қарашлари билан XX аср бошидаги Ирландиянинг ўта мураккаб сиёсий-ижтимоий, маданий ва диний муҳитига сиғмай қолди. 1904 йилдан у Ирландиядан Европага чиқиб кетди, тинимсиз Европа мамлакатларини кезди, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотди. Турли миллат халқларининг ҳаётини ўрганди. Яқинлашиб келаётган биринчи жаҳон урушининг алангалари, инсон ҳаёти, руҳи – ички дунёсининг таназуллари унинг ёзаётган асарларига ўз фожиали, аламли, аччиқ шуълаларини тўхтовсиз ташлаб турди.

Адабиётдан маълумот олиш ва оқибатда маълумотли одам деб ном қозониш, албатта, яхши нарса. Аммо кўп ва ранг-баранг маълумот олишни истаган киши энциклопедияларга мурожаат қилса кифоя. Роман эса энциклопедия эмас. Лекин «Улисс»нинг энциклопедияга ўхшаб кетадиган томонлари йўқ эмас-да! Нега уни Дублин ҳаётининг ёки Ирландия озодлик ҳаракатининг энциклопедияси дейиш мумкин эмас? Дублин ер юзидан йўқолиб кетса, менинг романимдан Дублинни яна аниқ тиклаш мумкин, дейди Жойс. У ёзаётганида доим Дублиннинг энг аниқ харитасини кўз ўнгида сақлар ва ҳар доим қаҳрамонлари юриб бораётган кўчалар, йўллар, муъйишлар, жойлар, биноларни кузатиб турар, маконни аниқ тасвирлар экан. Бундан ташқари ҳозиргача «Улисс»га ёзилган изоҳлар, маълумотномалар романнинг ўзидан юз баробардан каттароқдир. Дунё адабиётида Жойс тадқиқотчилари лашкари мавжуд. Уларнинг синчков назари доим адиб асарларида. Жойс универсуми мудом фикр кўзгатади. Ақл муҳокамаларига тўхтовсиз озуқа беради. Унда аллақандай фикр оҳанграбоси, фикр жозибаси тинимсиз ўзига тортиб туради. «Улисс» фавқулодда фикр қайновлари, гирдоблари, пўртаналари ичида дунёга келган асар бўлгани боис, ҳар қандай ўқувчига ҳам шу қайновларни юқтира олади, ўз фикр гирдоби ва пўртаналари ичига тортиб кетади. Унда бутун Европа адабиётидан жамланган ва одамнинг онги ҳамда юрагига йўналтирилган қандайдир мислсиз сеҳрлагувчи фокус борга ўхшаб кўринади.

Бу фазилатлар Жойснинг юртини ташлаб кетган ношукур киши эмас, балки унинг дарди билан яшаган, тақдири учун курашган ватанпарвар шахс бўлганлигидан далолат бермайдими?

Йўлдош Солижонов: Жойснинг «Улисс»и роман жанри имкониятларининг нақадар кенглигини кўрсатувчи ажойиб намунадир. Унда ҳаётнинг ҳамма соҳалари, инсон турмушига хос барча икир-чикирлар жуда кенг ва ранг-баранг тарзда берилган. Уни ўқиб, ўтган аср бошидаги Ирландиянинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий турмуши манзараларини тўла тасаввур этиш мумкин. Янаям тўғрироғи, «Улисс» мамлакат ҳаётининг бадиий қомуси, ирланд халқининг руҳияти, ахлоқи, маданий сажиясини акс эттирувчи миллий кўзгудир. Биргина мисол: Дублиндаги «Қирол канали» ҳақида гап кетганда, муаллиф бу каналнинг қурилиш тарихи, аталиши тўғрисида тўхталиб ўтирмайди-да, тўғридан-тўғри «бутун Ирландияни босиб ўтадиган» бу каналнинг нақадар ифлосланиб кетганлигига эътиборни тортади. Каналда биқинига «Бугабу» деб ёзиб қўйилган солга биргина одам ахлат, чиринди, балчиқларни юклайди. Юзлаб одамлар эса унинг ёнидан бепарво ўтадилар, тамошабин сифатида четдан кузатадилар, холос. Бу тасвир менга таназулга юз тутган мамлакатнинг рамзий манзараси бўлиб кўринди. Умуман, романда рамзий тимсоллар жуда кўп берилган. Шу маънода уни «панорама роман» деб атаса бўлади. Сиз ўзингиз романни таржима қилиш жараёнида унинг яна қандай янги хусусиятларини кашф этдингиз?

Иброҳим Ғафуров: Романда XX аср бошидаги Ирландия ва унинг пойтахти Дублин ҳаётининг кенг қамровли манзаралари акс эттирилади. Романдан ўрин олган ўн саккиз эпизоднинг ҳар бири (биз уларни ўзбекча таржимада «Воқеа» деб бердик) инсон организмнинг бирон аъзосини рамзий тарзда ифодалайди. Бутун ҳолида эса роман инсон вужудини инъикос этади. Шулар билан боғлиқ

ҳолда Жойс ҳар бир эпизоднинг ўзига хос санъати, ўзига хос қурилиши, архитектураси, ўзига хос такрорланмас услубини яратади. Шундай ажойиб-гаройиб санъатлар, бадий кашфиётлар (чунончи, ҳар бир эпизоднинг ўз ранг-бўйи бор) воситасида Жойс ўқувчини қаҳрамонларнинг гоят мураккаб ҳамда мафтункор руҳий-ақлий-тафаккурий оламлари ичига олиб киради. Жойс ҳар бир эпизод воқеаларини вақт оқими билан ҳам чамбарчас боғлайди ва ҳар бир эпизодда янги ривоят, янги таҳлил усуллари очади.

Ота ҳамда она мавзуси Стивенни ҳар қандай ҳолатда ҳам тарк этмайди. Бу мавзулар ёзувчи-муаллифнинг баёни ёки тасвири орқали берилмайди. У Стивеннинг эмранган кечинмалари, турли сирли ишоралар, нозик эсланишлар орқали ёритилади. Худди шунингдек, Блумнинг хаёл оламини ажодлар юрти ва унинг руҳонияти мавзуси ҳам қайта-қайта ишғол қилади. Блум ўзи асли яҳудий. У доим Шарқни, Исроил, Фаластин, Миср, Нил бўйларини ёдидан ўтказди. Ажодлар юрти соғинчи Блумнинг эмранишларига айланган. Бу унинг образига жуда юксак бир шоирона тўлқин ҳамда фазилат бағишлайди. Стивен билан Блум ўй ва кечинмалар гирдобидаги одамлардир. Уларнинг кечинмалари ва буюк оқим тусини олган ўйлари, хаёлларида оҳанграбо ҳоким. Шу оҳанграбо қайта-қайта Блум ва Стивеннинг ўйларига ошно бўлишга, уларнинг теран маъноларига етишга чорлайди.

Булар беҳад нозик хаёл ўйинлари...

Асар қаҳрамони Стивен ўзининг ўлаётган, ўлим тўшагида ётган онасини нақадар севмасин унинг ҳузурда тиз чўкиб дуо ўқишдан бош тортади. Жойснинг ўзи онаси ўлганда худди шундай воқеани бошидан кечирган эди. Мана шу воқеа доим Стивеннинг хаёлида айланади. Уни чексиз изтиробларга солади. У ўзининг дуоси онасини қутқариб қололмаслигини билгани учун сохтакорлик ва, қолаверса, мунофиқлик қилишни истамади. Кейин унга онанг тарракдек қотиб ўлаётганида дуо қилишни истамадинг деб таъна-дашном қилдилар. Буни у юрагига ниҳоятда оғир олди. Бу гапни айтган дўстидан тамомила юз ўгириб кетди. Лекин шу азоб Стивенни романнинг бошидан охиригача тарк этмайди. Азоб унга ҳар томондан келади, ҳар турли ҳолатларда тинчлик бермайди. Унинг мана шу азобларни бошидан кечириши, гам-ситам дарёсига чўмишида бир-бирини такрорламайдиган фикр дунёлари намоён бўлади. Бу худди Ҳамлетнинг отаси ҳақидаги изтиробларига ўхшайди. У юраги тубига жуда чуқур чўккан мунг орқали дунё ишларига боқади ва уларга ўз баҳосини беради.

Шунга ўхшаш эпизод Блумнинг ҳаётига, толеига беҳад чуқур из солиб ўтган. Блумнинг Руди деган ўгли сабийликда қазо қилган. Блум қайда бўлмасин, қандай юмуш билан банд бўлмасин, атрофидагилар унга нечоғлик мазах ва таҳқир назари билан қарамасин, қандайдир бир тарзда маъсум ўгилча ёди сизиб чиқаверади. Блумнинг ўзи гоётда маъюс, хузн-кадарга ботган одам, Рудининг шарпаси уни янада бепоён кадарга солади. Бу туйғулар умуман олам, умуман одам ва умуман инсон ер юзига келибдики, айрилмас ғуссага айлангани сезилади.

Йўлдош Солижонов: «Улисс» ўқувчини тил хазинасининг том маънодаги «очил дастурхон»ига таклиф қилади. Аввало, ёзувчининг ўзи инглиз тилидан ташқари француз, лотин, немис тилларини жуда яхши билганлиги аён бўлади. Асарнинг ўзбекча таржимаси ҳам она тилимизнинг нақадар бойлиги, имкониятларининг кенглигини амалда исботлай олган. Жойснинг алмойи-ажмойи сўзлайдиган персонажлари ўзбек тилида шу қадар батартиб, тушунарли, нафосат билан гапирадиларки, ўқувчи суҳбатдошининг нима демоқчи эканлигини англаб туради. Чунки роман нутқидаги бу тартибсизлик таржимада кўзга кўринмас тафаккур ришталари билан боғланган. Бундан ташқари сиз таржимада шундай сўзларни қўллагансизки, уларнинг жуда кўпини 5 жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»дан ҳам топиб бўлмади (масалан, «уфунат», «олифтавор», «ўртук», «жайноқлаган», «ғуддасимон бош», «шодлангил ожиза», «улвий ожиза», «вирди забон қилмоқ», «харосон кўнгил», «ийлтир кўз» ва ҳақозо). Бунга қандай

эришдингиз? Яна бир савол: сиз жаҳон адабиётининг ўнлаб шоҳ асарларини таржима қилгансиз. «Улисс»ни таржима қилишда ўзингизни қандай сездингиз?

Иброҳим Ғафуров: Романда ҳар бир эпизоднинг ўз ҳайратлар олами бор. Кашфиётлар киши билмас ҳолда юзага чиқаверади.

Жойснинг роман қаҳрамонлари фикри ва муносабати орқали образ яратиш маҳорати ҳар қанча таҳсинга сазовор. Мисол учун Ирландия озодлигининг миллий қаҳрамони, халқ йўлбошчиси Чарлз Стюарт Парнелл сиймоси роман персонажларининг фикрлашлари, кечинмалари, баҳолашлари, муносабатлари воситасида гавдалантирилади. Ота, Она, Ўғил, Йўлбошчи, Севгили, Маъшуқа образлари шунчаки баён, тасвир орқали эмас, балки лейтмотив бўлиб ўтади.

Романнинг ҳайратомуз томонларидан яна бири шуки, ундаги биронта сўз бирон ерда бекор ётмайди, битта сўз ҳам унутиб қолдирилмайди. Ҳар бир сўз, ҳар битта ҳаракат, фаолиятнинг мантиқи бошқа боблар, бошқа муносабатлар ичида чақилади, мағзи очилади, олдингидан бошқачароқ қирралари ва хусусиятларини кўрсатади. Сўз Жойс матнида доим ва ҳар қайда, ҳар қачон намён бўлиш фазилатига эга эканлиги билан ўқувчини ҳайратга солади. Жойс ҳам, унинг қаҳрамонлари ҳам ҳеч нарсани эсдан чиқармайдилар. Сўзлар воситасида ифодаланган ажабтовур тағмаёнолар эса контекст ичига шимилиб боради. Сўзлар ҳеч вазифасиз турмайди. Доим бир ёки бир неча нарсалар, ҳодисаларга ишора қилади, рамз тусини олади.

Жойснинг синчков ва ишончли тадқиқотчиларидан бири, қадрдон дўсти Бадженнинг гувоҳлик беришича, бир куни Жойсдан «Иш давом этияптими?» деб сўрабди. Жойс: «Бугун кун бўйи қаттиқ ишладим», дебди. «Нималар қилдингиз?» «Иккита жумла туздим». «Аниқ сўз қидириб қийналгандирсиз?». «Менинг доим аниқ сўзларим бор. Лекин мен қидирган нарсалар жумлада сўзларнинг энг етук тартибини топиш. Ҳар бир ҳолатда қандайдир аниқ бир тартиб мавжуд. Ўйлайманки, мен уни топишга қодирман». Жойс бу хаос олам ичидан энг юксак тартиб қидиради ва уни топади. Шунинг учун у ҳар қандай адабий усулда энг юксак маҳорат билан ёза олади.

Адиб ўзигача бўлган барча адабий усулларни ўхшата олган, усулларнинг ҳайратомуз ўхшатмаларини яратган. «Улисс»нинг «Тебранган қоялар» деган эпизодида Дублин кўчаларидан ўтиб бораётган вице-қирол карвони ўн саккиз ерда ўн саккиз нуқтаи назардан тасвирдан ўтади. Ўн саккиз турли макон ва ҳолат яратилади. Дунёнинг янги манзаралари ва янги айланалари, янги маъно йўналишлари чизилади. Жойс ўз эпизодларининг тасвирларида тинимсиз айланиб турган олам ҳаракатига тақлид қилаётганга, унга эргашаётганга, ўз бадиий оламининг универсумини бино қилаётганга ўхшайди. У ўз асарларининг фойдали маънодорлигига қаттиқ ишонарди. Бир куни унга: «Польшани босиб олишибди», деб хабар беришади. У эса: «Айтинглар, «Финнеган ёди»ни эсдан чиқаришмасин», деган экан.

Таржима менга лабиринтлар (қадимги Греция ёки Мисрда қурилган кўп хонали ва эгри-бугри чалкаш йўлаклари бўлган катта қаср; киши кирса адашиб қоладиган кўп хонали катта бино) ичида юришга ўхшаган бир машғулот бўлиб кўринади. Албатта, сўз, жумла ва образлар лабиринтлари ичида юргандек бўлади одам. Бу юришда ҳар бир сўз сари йўл топиш керак. Ҳар битта жумланинг қалбига кириш керак. Жумлалар қалбига кириш учун эса уни юрагингизга тегирмонга дон солгандай солиб, тинимсиз айлантасиз, ўнгдан, сўлдан қарайсиз, кир жойини, шираси яширинган ерини топишга уринасиз. Таржимонлик - бошдан-оёқ топқирлик. Топқирликка эса минг турли тусмоллар билан борасиз, аниқ бир сўз, аниқ бир жумла излайсиз. Жойснинг лабиринтларини-ку, асло, қўяверасиз! Ёзувчи матнининг бутун маъно йўналишлари, маъно қаватлари (маънолар эса унинг асарларида худди тош қаваклари орасидаги қимматбаҳо антрацит каби) қаттиқ зичланиб, зўр қаватлар, қатламлар ҳосил қилиб ётади.

Жойсни таржима қилишдан кўра уни ўқиш, тинмай, қайта-қайта ўқиш одамга мислсиз роҳат бағишлайди. «Улисс»нинг ўзбекча таржимасини такрор-такрор ўқиб ўтираман. Бошқа иши йўқ деб ўйлайсизми? Лекин унинг қандайдир оҳанграбоси, жозибаси ўзига тортаверади. Жойс «Улисс»дан кўра бир неча бараварроқ юксак экспериментал руҳда яратилган «Финнеган ёди» романини йигирманчи йиллар бошида ёзишга киришган пайтида дўстига йўллаган хатида шундай деган экан: «Бу янги асар худди катта тоққа ўхшайди, мен унинг ичига бирданига ҳамма томондан ўпириб кирмоқчи бўламан-у, лекин унинг бағридан нимани топаман, билмайман». У романида Лиффи дарёсининг ўртасида ётган қаҳрамонининг кўраётган тушлари ва бу тушларида бутун Ирландиянинг тарихи ҳамда тақдирини акс эттириш, уларда оламнинг қайта-қайта айланиб келаверадиган ҳаводисларини – одамнинг фантазияси ҳам етолмайдиган эврилишлар – метаморфозаларни мажоз ва рамз воситасида гавдалантирмоқни мақсад қилиб кўяди. Тилни, сўзларни янги мақомга кўтаради. «Улисс»да Ирландиянинг бир кунини тасвирладим, «Финнеган ёди»да Ирландиянинг бир кечасини ёритаман. Бунинг учун менга одатдаги сўзлар эмас, одатдан ташқари сўзлар керак бўлади», дейди ва шундай ноодатий сўзлар, ифодаларни топишга уринади. Баъзан юз ҳарфдан иборат сўзлар топади, гоҳида бошқа тиллардаги сўзлардан тузилган ибораларни қўллайди. Уларнинг бирида ҳатто ўзбекча «индамай» сўзини ҳам қўшиб юборади.

Жойсининг бундай экспериментлари шунчаки техник шаклий бир нарсалар эмас. Асло! Жойс жумбоқларининг тагига етсангиз, у кашф қилган хазиналар эшигини очишга муяссар бўлсангиз, дунё ва инсон ҳаёти, толейининг беҳад мағиздор, бағирдор қатламларига дуч келасиз. Жойсининг ўзи менинг бу асарим одамларга, ер юзига юз йилдан сўнг тушунарли бўлади, дер экан.

Ҳар ҳолда, Жойс асарлари дунё модерн адабиёти ва санъати қарвонларини инсониятнинг келажак замонларига етаклаб кетаётир. «Минг бир кеча»нинг ёнгинасида «Улисс» борлиги инсоният саргузаштлари савдоси ҳеч қачон тугамайдиган маънолар ва мундарижага эга эканлигини кўрсатади.





ЎГАЙ ОНА

Ҳикоя

Ҳасан МАНЗУР

Баъзан хотиралар қалбни тирнайди... Гоҳо шундай бўладики, топганларингдан йўқотганларинг кўпга ўхшаб кетади. Ўксик бир ҳаяжон билан босиб ўтган йўлингга назар ташлаб оласан.

Отаси вафотидан кейин пойтахтда ўқишини давом эттираётган Ҳусан уч-тўрт ойда бир қишлоққа келиб, аясидан хабар олар, ҳар келганда аясини бир юмуш устида учратарди.

Бу сафар борганида аяси эшик супираётган экан. Ишга берилганидан унинг қадам сасини ҳам эшитмади.

— Ая, мен келдим...

Аяси қаддини кўтарди, кўксига туфлаган бўлди: «Капалагимни учириб юбординг, болам», — деди. Кейин бир зум, атиги бир зум у тарафга назар ташлаб турди-да, қўлидаги супургисини улоқтириб, уни бағрига олди.

— Нега ҳаяллаб кетдинг, болам, онанг эмасман-да, онанг бўлганимда бунчалик йўқолиб кетмасдинг, — дея гина қилди.

Аяси уни қучганча турар, елкалари силкинаётганидан унсиз йиғлаётгани сезиларди. Ҳусан аясининг оқариб кўкимтир тус олган сочларини силади, юзига сидирилиб тушган рўмолини пешонасига тортди.

— Нега ундай дейсиз, мен сизни онамдан яхши кўраман. Иш, ўқиш билан вақтим бўлмади.

— Отанг ўлмаганида кундузи ўқирдинг.

Аяси ундан аввалроқ бориб ёғоч қаравотга ёзиглик кўрпача устига янгисини солди.

— Нима қиляпсиз, ая?

— Меҳмондай келиб, меҳмондай кетасан, кўрпача солаяпман.

Дастурхонни янгиллагани аяси ичкарига кириб кетди.

— Ўтирсангиз-чи, ая, соғиндим дейсиз-у, келсам олдимда тинч ўтирмайсиз.

Аяси қант-курсга қўшиб тоза оқ нафис докага ўралган гўшт тўрғамларини олиб чиқди.

— Сенсиз томоғимдан ўтармиди, болам, гўшт пиширганимда насибангни олиб қўйганман.

Ҳусан бўғзига нимадир тиқилиб ютинди.

У ҳарбийда юрган кезлари аяси ҳар ош дамлаганда насиба деб бир кафт гуручни халтага солиб қўйган, келган куни ўшани ўзига ош қилиб едирган эди.

– Ола қол, болам, – қистади аяси, – офтобда қотириб, кейин муздек жойда асраганман.

Аяси гўшт бўлақларини тақсимчага майдалади.

– Энди иккимиз баҳам кўрамыз.

Ҳусан тақсимчани ўртага қўйди.

– Ҳали ҳам ачиқ чой ичасанми? Сен ичадиган қилиб дамладим.

Она – бола чойхўрликка ўтиришди.

– Чарчаб қоляпсиз, ая, сизга қийин бўлди.

– Мени қийналмасин десанг, уйлан. Келин олдимда бўлади.

Ҳусан пишитиб келган фикрини ўртага ташлади:

– Аввал укамни уйлантирамыз.

– Сан жинни бўлибсан, – аясининг туси ўзгарди. Халқ кулади, ўгайлигига борди, ўзиникини аввал уйлантирди дейди.

– Халқ бизни бошимизни силаб катта қилганингизни билади. Укамни қарз-қаволасиз уйлантирсак, бас. Эру хотин ишласа, мен уйлангунча ўзларини тиклаб олади.

– Оганг келсин-чи, – аяси бўшашгандай бўлди.

Тамаддидан сўнг, дастурхон йиғиштирилди.

– Уч-тўрт кун турарсан?

– Уч кунга рухсат олиб келдим.

– Агар чарчамаган бўлсанг, шаҳарга тушиб холангни кўриб келсанг бўларди.

– Қайтишимда кириб ўтаман.

– Хола ҳам онадай гап.

– Йўл-йўлакай кирсанг, хафа бўлади, эринма болам.

Ая Ҳусанни кўчага қадар кузатиб чиқди.

– Холангни сўраб қўй, кейин бояги гап учини чиқар-чи, нима деркин?

* * *

Сукут инган кўчалар Ҳусанга болалик чоғларини эслатди. У болалиқдан одамови ўсган, кўпчиликка қўшилмас, ўйинқароқлик ҳам қилмас, аясидан ажрамасди.

Катта қишлоқда уни танимаган одам йўқ эди. Тўй-тўйчиқ, бирон маъракадан келаётган аёллар ҳамиша уни ўраб олишар, Норбининг ўгли деб суюшар, чўнтақларидаги бор нарсаларини қўлига тутқазиб кетишарди. Ҳусан Норбининг эмас, аясининг ўгли бўлишни истар, йиғламсираб уйига қайтарди.

– Ая, хотинлар мени Норбининг ўгли дейишяпти.

– Хотинлар бекор айтибди. Сен менинг ўғлимсан, сени даладан, янтоқнинг тагидан, қуёнларнинг ёнидан топиб олганман.

Уйга кириб кетган аяси кафтини қант-қурс билан тўлдириб чиқиб, дўпписига соларди.

– Мен сенга уларникидан яхшироғини бераман.

Кун иссиқ эди. Кўча охирига борган Ҳусан бир тўп аёлга дуч келди. Салом берди. Аёлларнинг улуғи олдинга чиқди.

– Норбининг ўғлимисан?

– Обдагулни.

– Обдагулни ҳали ёш, Норбиникига ўхшаяпсан, қош-кўзларинг айтиб турибди, – аёл ёнидагиларига ўтирилди. – Буни онаси «пински дом»да туққан. Норби раҳматли икки бешикни икки ёнига қўйволиб ўрикни соясида алла айтарди. Биз Қўштепаннинг ёнида чопиқ қиламиз. Унинг алласини эшитиб йиғламаган одам ҳам йиғларди. Умри қисқа экан-да, мана боласи бўй етиб уйланадиган бўлиб турибди.

– Соч деганини айтинг, – қўшилди иккинчи аёл. – Обдагул ҳам тузук, ўгайлигини ҳам билдирмади.

- Етимларнинг бошини силаганини худойим ҳам билди, битта бўлса ҳам ўгил берди, – давом этди гап бошлаган аёл.
- Уйга кириб ўтиринглар, – таклиф қилди Ҳусан улар билан хайрлашаркан.
- Худо ҳоҳласа, тўйингда сават қилиб берамиз, – чувуллашди аёллар.

* * *

Ҳусан айнаи туш чоғида холасиникига кириб борди. Айвонда дўппи тикиб ўтирган холаси дарвозадаги шарпани сизди, таниди, тикаётган дўпписини отқилаб ялангоёқ чопди.

– Ҳой-ҳой, онаси, ўпкангни бос, жиянинг кетиб қолмайди, – ёнбошлаб ётган почча хотинининг ортидан йўрғалади.

– Кел, болам, – холаси уни кучоғига олди ва тийиқсиз кўз ёшлари билан унинг юзларини ивитди.

Почча ҳам уни худди оталардай бағрига олди. Ҳаммалари қўлтиқлашиб шийпонга одимлашди.

– Тошкентдан қачон келдингиз? – саволга тутди почча.

– Эрталаб поезддан тушдим. Уйда бир пиёла чой ичдим, кейин аям бу ёққа жўнатди

– Умридан барака топсин, – дастурхон солишга тутинган холаси аяси ҳаққига дуо қилди. – У дунё-бу дунё кам бўлмайди. Ўтган ҳафта бозорда учратдим. Сизни сўрасам, анчадан бери келмайди, деб кўзига ёш олди. Зинҳор-базинҳор дилини огритманглар.

Насиҳатдан бошланган суҳбат олис хотираларга кўчди.

– Норби ўтганда тўққиз ойлик чақалоқ эдинг. Маъракасини ўтказиб, отам раҳматли Обдагулни поччамга ўзи бош бўлиб олиб берган.

Холасининг кўзига ёш қалқиди.

– Кел. Холаси, энди бу кишининг ҳам юрагини сиқма.

– Кўнглимни ойда, йилда бир шуларга бўшатмасам, кимга бўшатаман.

– Каркидондан анча нарида, Варзикнинг ёқасида финлар услубида қурилган ёғоч уй бўларди, – изоҳ берди почча. Одамлар «пинский дом» деб аташарди.

– Бир тарафи узумзор, бир тарафи ўрикзор бўлган уйни мен ҳам эслайман, – суҳбатга қўшилди Ҳусан.

– Баракалла. Сизлар ўша ерда туғилгансизлар.

Қаҳратон қиш чилласида «пински дом»да яшаган онаси молларни сугоргани қишлоққа ҳайдаб тушгани, ортидан турган шамол аввал уй деразаларини, сўнг эшикни очиб юборгани, қишлоқ чилласида елвизакда қолган қизалоқ, унинг опаси, кечга бориб иситмалаб ўлиб қолганини ҳам у биринчи марта шу куни холасидан эшитди.

Чой устидаги суҳбатга ора-сира почча қўшилди.

– У вақтлар автобус йўқ. Таксида Варзика одам ташийман. Онангиз ажойиб эди. Машинамни овозидан танирди. Варзикдан қайтишимда чой дамлаб, тухум пишириб берарди. Варзикнинг ярим одами онангизни чойини ичган. Таъзиясига ҳам кўпчилиги келди, – почча Ҳусанга чой қуйиб узатаркан, ҳикоясини давом эттирди. – Ўша кезлари руслар Шакафтордаги олтин конларига Ангрендан темир симёғоч торган. Асосан немис асирларини ишлатишган. Озгин, оёқда базўр турган тутқунлардан бири нон сўраб келса, онангиз бир челак тухум билан икки тандир нонни улашиб юборибди. Уруш кўрган Улканбой акам бир гижинади... Норби раҳматли қишда узилган-да...

– Чиллайди, – эслади холаси. – Нусратжон мактабга чиққан йил. Кечга қолган бола туманда адашиб Говасой ёқалаб Ёрқишлоқ тарафга ўтиб кетибди. Йўлига кўз тутиб турган Норби шамолда боласи овозини эшитиб, юпун қийими билан битта калишда боламлаб чопаверган. У вақтлар бўрилар кўп бўларди. Ўшандан кейин ҳафта ўтиб ётиб қолди деб эшитгандик. Унда шаҳар касалхонаси ёнимизда эди. Бир оқшом поччам шошиб кириб келди. «Синглингизни олдига чиқиб туринг, мен қишлоққа

бориб келаман» — деди. «Пиёда қачон бориб келасиз», деб поччангизни қўшиб бердим. Бу киши машинани миниб келдилар. Мен касалхонага чопдим. Норби раҳматли бир бурда бўлиб ётибди. Олов бўлиб ёнапти. Олиб борган овқатимга қарамади. Сув сўради. Докани қорда ивитиб келиб, пешонасига боссам, ярқ этиб қўзи очилди. «Опа, — деди, — агар ўлгудай бўлсам, бир дам мени юз тубан ётқизиб қўйинг. Ичим заҳар билан тўлиб кетган. У ёққа сал покланиб кетай».

Хусан совуган чойини охирига қадар хўплади, бўшаган пиёлани кафтида айлантириб ўйнади.

— Нега ундай деб айтган? — деб сўради.

— Поччам кўча одами. Эрталаб ишга кетиб, кеч қайтади. Далада ёзу қиш бир ўзи сиқилиб қолган-да, болам, — тушунтирди холаси. Сизлар ёш. Ўша қуни поччам қишлоққа бу киши билан бориб қайтганда, Норби ҳолдан тойиб бўлганди. Поччамни кўриб розилик сўради. «Куним битган кўринади, дадаси, менга бир нарса бўлса, Хусанбой нимжон, ўзингиз олиб қолинг, Фотимани Фулкарби опамга беринг, у эплаб олади», — деди-ю, шилқ этиб боши қўлимга тушди. Айтгандай қилиб, юз тубан ётқизиб қўйдим. Ичидан роса бир коса айрон зардобидай кўкимтир сув тушди.

Орага оғир жимлик чўкди.

— Фотимани нега аммамга бермагансизлар? — суриштирди Хусан.

— Аям, ўгай онам оғиз солганда, поччам йўқ деёлмади.

— Ўйноқлашиб шаҳарга олиб борган-у, ўлигини олиб қайтган дейишади.

— Шаҳарга қизиникига олиб келган. Унинг иккита тутқаноғли боласи бор эди. Фотима касал болалар бошида айланиб ўйнайверган. Улар аҳамият беришмаган, беришса ҳам кўнгилларида нима бўлган, Оллоҳ билади. Мени олдимга олиб чиқишганда, бола ҳали тирик эди. Саодат эмизикли. Бор-е дедиму кўкрак тутдим. Чўлқ-чўлқ эмди, сўнг қусди-ю, қўлимда жон берди. Додимни кимга айтаман, болам.

Хусан ортиқ тоқат қилолмади. Гапни бошқа мавзуга бурди.

— Бир қишлоққа чиқсангиз бўларди.

— Тинчликми?

— Укамни уйлантирмоқчийдик.

— Сиздай акаси туриб-а?!

— Шунга аямни кўндирилинг дейман.

— Обдагул нима деяпти?

— Эл кулади деб унамаяпти.

— Сиз-чи?

— Мен уйлансам, ўқишим жувонмарг бўлади.

— Кетгунингизча бораман.

Эру хотин Хусанни кузатиб кўча бошига қадар келдилар.

* * *

Кейин орадан уч ойлар ўтиб Хусан укасининг тўйига келди.

— Хафамасмисан? — сўради аяси. — Қизим йўқ, қиз бўлар деб синглимни қизини келин қилдим.

— Сизга ёққан бўлса, бўлди.

Амакилар тўйбоши, амма-холалар хизматда бўлишди. Отасининг ўрнини билинтиришмади. Хусан тўйдан кейин кўрманасини кўтариб келинни кўргани кирди-ю, қуруқ қайтиб чиқди.

— Шошманг, — янгаси уни остонада тўхтатиб ичкарига бош суқди. — Ҳой, овсинжон, қайноғангиз қайтаркан, тўқиган рўмолчаларингиздан бермайсизми?

Янгаси ичкаридан узатилган рўмолчани ёруғга солиб кўрди, ранги ўзгарди, бироқ буни ёнидагиларга сездирмади.

— Мана иним, келинингиз берган рўмолча. Олиб бориб дўппингизни устига ташлаб қўйинг. Уйланганингизда хотинингизга берасиз, шундайлигича эгасига қайтаради.

- Хафа бўлмай кетгин, ўғлим, – аяси уни нақ бекатга қадар кузатиб борди.
- Қизиқмисиз, ая.
- Энди тез-тез келиб тур, нафақамни йигиб тураман.

Аяси билан хайрлашиб автобусга чиққан Хусан боядан бери кафтида қисиб келаётган рўмолчани автобус деразасидан улоқтириб енгил тортди.

Сентябр охирларида пахтага кетишдан олдин аясидан хабар олгани келган Хусан уни гоят хомуш ҳолда кўрди.

- Бирон гап ўтдимиз?
- Танлаб-танлаб тозисига учрадим шекилли, болам, келин бир ой турмай кетиб қолди.
- Нимага?
- Уйимиз эскиймиш. Янгисини солиб бермагунимизча келмасмиш.
- Арқонни узунроқ ташлаб қўяверинг-чи, – маслаҳат берди у.

* * *

Хусан уйланди. Уч йил ўтса ҳам фарзанд кўришмади.

- Хотинингни дўхтирларга кўрсатгин, – маслаҳат берди аяси.
- Кўрсатдим, ая, ё бола асраб олинглар, ё ажрашинглар дейишяпти.
- Хотининг биладими?
- Йўқ.
- Билдирмай яхши қипсан. Ўша дўхтирларинг бекорларни айтибди. Хотининг болали бўлади. Тушимда Хўжайидод бобо мазорини супириб юрибди. Сен тилаклик бўлмасанг ҳам тилаклидан яхшироқсан. Болалигингда сени у ерга олиб бориб қозон қайнатиб келардик. Энди яна борамиз.

Жума куни саҳар йўлга тушдилар. Бир тарафи қуюқ дарахтзор, бир тарафи улкан тепалик бўлган мазордаги кўҳна иморат айвонида ўтирган қария уларни олисдан таниди.

– Обдагулмисан? – деб сўради. – Болалари катта бўлиб оёғини тийиб олди деб кеча дилимдан ўтказандим. Қизингми, келинингми, шайхнинг мазорини тозалаб юрибди.

– Бирга бориб шайх мазори тепасига тизилишди. Бобо дуога қўл очди. Бошқалар қўшилишди.

– Буни олдингизга кўп олиб келганман, буваси, – гап бошлади аяси. – Дуо қилинг, ота, шунга худойим қизми, ўғилми бир фарзанд берсин, ўйноқлатиб олдингизга олиб келайлик.

– Бобо тиловат бошлади. Овози майин, ёқимли эди. Хусаннинг вужуди жимирлаб кетди. Дуодан сўнг бобо кампирини ёнига чақирди.

– Бор бисотингни кўр, бу қизингга атаган нарса чиқиб қолар.

– Ичкарига кириб кетган кампир қўлида рўмол ва қиз боланинг қўйлақчаси билан чиқди. Рўмолни Саодатнинг бошига солди, қўйлақчани қўлига тутқазди.

– Қизим, бобонгни тилаклари беиз кетмайди. Сандиққа қўлимни тиксам, илингани шу бўлди. Худо хоҳласа, фарзандли бўласан, боши қиз бўлади-ёв, қўлимга илинганидан билдим.

* * *

Бир йил ўтиб хотини қиз кўрди. Аяси умри бино бўлиб касалхона юзини кўрмаган, дори хидига тоқат қилолмасди.

– Юринг, набирангизни кўрсатиб келаман, – деди Хусан.

– Овсинлари юмма талар.

– Сездирмаймиз, секин таксида олиб бориб келаман.

Шундай қилишди. Аяси келини кўтариб чиққан қизалоқни қўлига олди, суйди, сўнг чақалоқни Хасаннинг қўлига тутқазди.

– Ол, кўр, қиз бола отасини бир кўришда танийди.

Киприклари узун, қошлари қоп-қора қизалоқнинг нафас олгани сезилмасди. Хусан чўгинқираб, андак энтиқиш билан қизини қўлига олди.

– Қаранг, – кулди Саодат. – Қош-кўзлари худди сизники.

Қизалоқ сергак тортди, сизми менинг отам дегандай унга термулди, сўнг оҳиста кўзларини юмди. Саодат меҳр билан эрига қаради-ю, шивирлағудай қайнонасидан сўради:

– Исмини нима қўямиз, ойи? Ўзингиз танлаб беринг.

Аяси дуога қўл очди.

– Қиз берган Худо ўғилни ҳам беради. Фарзанднинг боши қиз бўлса, давлат бўлади. Илоё умри билан берган бўлсин. Кейингиси ўғил бўлсин. Йўқ демасанглар, Ўғилой бўлсин!

Аясини уйга кузатган Хусан ишхонасида қолди. Оқшом уйга сархуш қайтди. Аяси ўчоқ бошида куймаланар, негадир Хусанга рўбарў келишдан қочарди. Ўчоқ томон борган Хусан ажабтовур ҳолнинг устидан чиқди. Аясининг юзи тимдаланган, чуқур ботган тирноқ ўрнида қон қотиб қолганди.

– Қайси бири?! – қаҳр билан сўради у.

– Ўтир, ўғлим, менинг ўғлим бўлсанг, жим ўтир, – йиғламсиради аяси.

Аясининг гапи тугамасдан остонада укасининг қораси кўринди. Даладан энди қайтган, ҳали этигини ечмаган укасининг феъли айнигани юзидан билиниб турарди.

– Акамнинг хотинини кўргани борибсиз-ку, она, ўлиб-пўлиб қолмадингизми? – деди у олайиб. – Нима қилардингиз бориб, хотинга мени тилимни қисиб?

– Тилингни тийсанг бўларди, – Хусан уни муросага бошлади.

– Сиз аралашманг, мен ўзимни туққан онам билан гаплашаяпман.

– Қизинг эшигимда тугилганида ўла-ўла борардим, тугилганини билмасам, дарагини эшитмасам, нима деб бораман? – аяси ўзини оқлашга тушди.

– Кўру кармидингиз?

– Йўқол! Бу ердан қорангни ўчир!

Хусан газаб билан ўрнидан турди-ю, укасига қарамай кўксини ушлаганча кесилган дарахтдай йиқилаётган аяси томон чопди. Аясининг гап-сўзларини яхши англаб бўлмас, оёқ-кўли измига бўйсунмас эди.

– Қимирлатманглар, – маслаҳат берди Хусан олиб келган доктор. – Бу ёғи энди Худодан.

Ҳафта ўтмай аяси оғирлашди.

– Укангни чақир, буюрди акаси Хусанга.

У ўрнидан турган эди, аяси этагидан тутиб ёнига ўтқизди.

Ўғилу келинлар кўз уриштириб олдилар.

– Тузалиб олай, ўзим биламан, – деди базўр аяси, – тузалмасам, рози бўлинглар.

У яна нимадир демоқчи эди, улгурмади, сўнгги сўзи бўғзида қолди.





Рустам НАЗАР

Ўзмигиндан тонма ҳеч

Дунё ва мен

*Қолдим анча улғайиб,
Тўлдим саккиз ёшимга.
«Бурнингни арт!» — деб энди
Тегишмайди гашимга.*

*Қора нима? Оқ нима? —
Фаҳмига тез етаман.
Боқиб рангин оламга
Сирларин кашф этаман.*

*Баъзилар-чи, қўл силтар:
Дунё жуда қаримиш.
Унинг ёши миллион
Йиллардан ҳам наримиш.*

*Кўзойнакли олимлар
Сўзлашади лоф бизга.
Дунё — менинг тенгдошим,
Энди кирди саккизга.*

Бувамнинг нақли

*Ошса ҳамки етмишдан
Бувам чаққон ва тетик.
Ишлар уззу кун богда,
Оёғида зил этик.*

*Меҳр бериб, яшнатиб
Ардоқлар ҳар дарахтни.
Жини суймас ландовур
Вужуди шол, карахтни.*

*Баъзан ҳориб-чарчаса,
Ёстигини тузатиб —
Деймиз: «Энди ётинг-да,
Сиз ҳам оёқ узатиб».*

*Бувам кулар: «Тирик жон
Лозим меҳнат этмоғи.
Ўзи қариб, заминни
Яшартириб кетмоғи...»*

Дангаса

*Мақсадига эришгай
Интилса ким, чопса ким.
Ҳатто қорни ёндирар
Қаловини
Топса ким.*

*Жон койитмас дангаса,
Излаш тугул қаловни —
Ўчиради эриниб
Ёниб турган
Оловни.*

Умр

Имиллайди тошбақа
Олис бўлса ҳам манзил.
Шошилишига не ҳожат —
Умр кўрар тўрт юз йил?

Лекин, сен-чи, болакай,
Нега беғам ётибсан?
Ҳамма ишинг чала-ю,
Пуч ўйларга ботибсан.

Қадр-ла ҳар фурсатни,
Чаман ярат,
Қур қаср.
Имиллаган ҳар жонзот
Яшамайди тўрт аср.

Чақалоқ

Оиладаги энг кенжа
Укам ҳали чақалоқ.
Бешикда жим ётмайди,
Тинчимайди бақалоқ.

У нимадан безовта,
Нега ҳадеб йиғлайди? —
Тушуниксиз ҳолати
Бағримизни тиглайди.

Бу серғалва дунёда
Қўндир тўсиқ ва ғовлар.
Чўчитарми уни ё
Олдидаги синовлар?!

Варрақлар

Парвоз этар варрақлар
Осмон ишқи билан маст.
Қай бирининг авжи зўр,
Қай бирининг машқи паст.

Эй ўғлон! Сен ҳавойи
Орзулардан ёнма ҳеч.
Қувон, юрсанг ҳам ерда,
Ўзлигингдан тонма ҳеч.

Варрақларнинг қисмати
Эркисизликдан доғлиқдир,
Парвоз умри ипидан
Тутганларга боғлиқдир.

Ҳазорасп





СЎЗ – БУ СЕҲРЛИ ДУНЁ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов билан суҳбат

– Одатда ҳақиқий ижодкор ўқувчисига нимани айтишдан ҳам кўра, кўпроқ қандай айтиш эҳтиёжи билан яшайди. Чунки нимани айтиш тарихчига ҳам, биологга ҳам ҳатто оддий ҳунардмандга ҳам тегишлидир. Қандай айтиш эса фақат ижодкорга дахлдор бўлган камёб фазилат ҳисобланади. Ўткир ака, сиз ўнлаб ҳикоялар, қиссалар, романлар, муаллифисиз. Сизни асар яратишдан аввал, нимани қандай айтиш эҳтиёжи қийнаганми? Ўзингизни қандай ҳис этгансиз?

– Аввало, сўзлаш, фикрлаш, ҳис қилиш имкониятини оллоҳ таолло фақатгина инсонга берган. Инсондан бошқа бирор жонли, жонсиз жонзот бундай имкониятга эга эмас. Аслини олганда, гаплашиш дегани сўз дегани, сўз дегани фикр алмашиш воситаси деганидир.

Масалан, бозорда сотувчи билан олувчи ўртасидаги, мактабда ўқитувчи билан ўқувчи орасидаги ёки олий ўқув юртида талаба билан домла орасидаги мулоқотлар барчаси сўз орқали амалга оширилади. Бу табиий нарса.

Сўз фақат фикр алмашиш воситаси эмас. Эҳтимол, илмда фикр алмашиш воситасидир. Масалан, тарих, физика, математика ёки бошқа фанларда олим фикрини айтади, ўқувчи ўқийди ёки тинглайди ва жавобини айтади. Лекин бадиий ижодда сўз бутунлай бошқача ўрин тутаяди ва қутилмаган маъно касб этади. умуман бадиий ижод, бадиий тасвир қандайдир сеҳрли ҳодиса. Оддий сўзлар, жўнгина кўринган фикрлар ижодкор қўлида сирли-сеҳрли хусусият касб этади. Сўзнинг ўз мусиқаси, ранги, оҳанги, ҳиди, динамикаси, ҳаракати бор. Буларнинг ҳаммасини бадиий ижоддан, адабиётдан излаш керак. Масалан, айтайлик, сиз тасвирий санъат музейига кирдингиз. Полотнолардаги рангларни, одамларнинг қиёфасини кўзингиз билан кўриб, ҳаяжонга тушасиз. Тасаввур қилинг: сиз магнитофонда мусиқа тинглаяпсиз. Чолғу оҳанглари, хонанданинг овозини қулогингиз билан эшитиб, ҳаяжонга тушасиз. Энди тасаввур қилинг: сиз китоб ўқияпсиз. Оқ қоғозда қора чизиқлар – ҳарфлардан бўлак ҳеч қанақа ранг йўқ. Ҳеч ким куй ҳам чалмайди. Аммо асарни ўқишга киришишингиз билан кўз ўнгингизда рангин манзаралар пайдо бўлади, инсонлар қисмати кўз олдингизда намоён бўла бошлайди. Улар билан кўшилиб йиғлайсиз ёки куласиз. Бирисидан нафратлансангиз, иккинчисидан қувонасиз. Буларнинг ҳаммаси ижодкорнинг сўз олдида кучли қувватга эга эканлигини билдиради. Сўз – бу сеҳрли дунё, уни билмай туриб даргоҳига кириб бўлмайди, сўзнинг оҳангини, рангини, ҳидини, мазасини, (исини, таъминини) билмасдан туриб ёзиш мумкин эмас.

Ҳа, ажабланманг, ҳар бир сўзнинг ўз иси, таъми бўлади. Буни фақат ҳақиқий ижодкор ҳис қилиши мумкин, холос. Агар эътибор берган бўлсангиз, яхши ёзувчи қовун полизини тасвирласа, сизнинг димоғингизга беихтиёр пишган ҳандалакнинг ҳиди урилади. Ёки ёзувчи баҳорни тасвирласа, гуллаган ўрик гулининг ранги, ҳиди кўз олдингизга аниқ келиб туради. Демак, сўзда ҳид ҳам бор, ранг ҳам бор. Яна бошқачароқ айтсам, маҳоратли ёзувчи таомни шунақа тасвирлайдики, беихтиёр сиз шу таомни егингиз келади. Ўша таомнинг мазасини ҳис қилгандай бўласиз. Яна қайтариб айтаман, сўзда динамика, яъни, ҳаракат ҳам бор. Динамика ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, битта манзарани, икки хил динамикада ифодалаш мумкин. «Қор учқунлади», деган ибора билан, «Гупуллатиб қор ёғди», деган тушунча ўртасида жуда катта фарқ бор, динамика бор. «Гупуллатиб қор ёғди» ибораси замирида катта ҳаракат яширинган. Кўз олдингизда осмону фалақдан ҳад-ҳисобсиз лайлак қорнинг бўралаб ёғиши, ер сатҳига оппоқ бўлиб тўшалиши, дарахт шохларига оҳиста қўниб, новдаларни эгиши намоён бўлади.

Сўз танлаш жуда қийин. Абдулла Қаҳҳорнинг жуда гўзал бир гапи бор. У киши салбий қаҳрамонига қарата: «Сиз сўзни граммлаб олиб, тонналаб ишлатасиз. Аслида, сўзни тонналаб олиб, граммлаб сотиш керак», дейди. Шунинг учун ҳам битта жумла ёзаётганда, яна ўнта жумла ёзувчининг ихтиёрида тайёр туриши керак. Масалан, битта сўзнинг ўн хил ифодаси, ўн хил эквиваленти, яъни, муқобил варианты бўлиши керак. Ҳақиқий ёзувчи ўнта сўздан энг кераклигини топиб ёзиши лозим.

– Асар композициясининг энг муҳим компонентларидан бири баён саналади. Ижодкор воқеликни таъсирчан, қизиқарли баён қилиш учун унинг оҳангини топиб олиши керак. Керакли оҳангни биринчи жумладаноқ асар организмга олиб кириш осон кечмайди. Сизнинг ҳар бир асарингиз (катта-кичиклигидан қатъий назар) ўзининг алоҳида оҳангига эга. Керакли оҳанг ўйлаб топиладими ёки ўзи табиий равишда тугиладими?

– Аввало, асар ёзилаётган пайтда ёзувчида тасвирлаш иштиёқидан ташқари яхши кайфият ҳам бўлиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, баҳор чоғи гуллаган ўрикнинг тагида ётсангиз, ойдин осмоннинг қайсидир бурчагида учиб бораётган турналарнинг қийқириги қулогингизга киради. Демак, сиз баҳорни тасвирлаяпсиз, гуллаган баҳор фаслини тасвирлаяпсиз. Бу кайфият турналарнинг қийқиришидан аниқ эшитилади. Энди, куз фаслида, хазонлари тўкилаётган ўрикнинг тагида ётсангизчи? Осмоннинг қайсидир бурчагида учиб бораётган турналарнинг ҳорғин ноласи эшитилади десангиз, бу бутунлай бошқача кайфият тугдиради. Биринчисида баҳор кайфияти, иккинчисида куз кайфияти пайдо бўлади. Бу кайфиятни бадиий тасвирдан ўрин олган «қийқириқ» ва «ҳорғин» сўзлари уйғотади. «Қийқириқ»да турналарнинг шодлиги, иссиқ ўлкага учиб келаётганлигидан хурсандлиги, «ҳорғин» сўзида эса қандайдир чарчоқ, тушқинлик, парвозда сусткашлик сезилиб туради. Бу сезиларни «нола» сифатловчи сўзи янада кучайтиради.

Сўзда юқорида таъкидланганидек, ранг, ҳид, оҳанг, ритм, динамика, портрет, мусиқадан ташқари, кайфият ҳам бор. Бунга эришиш жуда қийин. Ёзувчи жуда катта сўз заҳирасига эга бўлмоғи керак. Акс ҳолда, унинг асари гариб, нурсиз, бетаъсир ва қуруқ чиқади. Тўртта жумла ёзолмай, уёғига сўз тополмайдиган одамдан ёзувчи чиқмайди. Чинакам асар тугилмасидан олдин унинг оҳанги, мусиқаси тайёр бўлади. Бу – гоё эмас, сюжет ҳам эмас, айнан мана шу оҳанг адибни қўлидан судраб олиб келиб, столга «михлаб» қўяди. Асарнинг жони дегани шу. Шунинг учун ҳам баъзан ўйланиб қоламан, билмадим, бунга эришганманми, йўқми? Лекин, «Тушда кечган умрлар» романининг оҳанги қулогим остида жаранглаб туради. Бу оҳанг асарнинг бошидан то охирига қадар мунгли, гамли мусиқа билан йўғрилган.

Асарнинг бошини эсланг! «Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди. Оёқ остида касалванд хазонлар инграйди». Бўлди, шу мусиқа. Бошқа асарларда ҳам шундай мусиқа бор. «Баҳор қайтмайди» қиссам «Қонқус» ҳақидаги ривоятдан

бошланади. Демокчиманки, катта полотнода ҳам, шеърда ҳам ўз-ўзидан мусиқа бўлади. Куй бўлади. Йирик бадий асарда, албатта, куй бўлиши шарт. Бўлмаса у бадий асар эмас. Мазмунли бўлиши мумкин, лекин ўқувчини ҳаяжонга солмайди. Ёзувчи ички оҳангни, ўзи ҳис қилган нарсани тўла-тўкис қоғозга тушира олмайди. Бинобарин, китоб ёзаётган қаламкаш ҳаяжони китоб ўқиётган ўқувчи ҳаяжонидан ўн карра кучлироқ бўлади.

– Асарларингизни ўқиган китобхон сўз устида ишлашнинг бундай машаққатини қайдан билсин? Ёзувчи зоти сўзга уста бўлади, бир ўтиришда қийналмай-нетмай ёзиб кетаверади, деб ўйлайди-да...

– Мен бу жараённинг ниҳоятда қийин кечилиши «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» асаримда ҳам айтиб ўтганман. Асар бинога ўхшайди. Фақат бино гиштдан қурилади, асар эса сўздан. Энди бир нарсани тасаввур қилинг: битказилган бинодан битта гиштни суғуриб олсангиз, унинг ҳуснига шикаст етади. Ўнта гиштни кўчирсангиз бино босиб қолади...

Шундай асарлар борки, бутун-бутун жумлаларни олиб ташласангиз ҳам, юзта сўзни ўчирсангиз ҳам, мингтаси ўрнини алмаштирсангиз ҳам ҳеч нима ўзгармайди... Бунақанги асар бино эмас, вайронадир...

Асар ёзишда ўзим ҳам жуда дангасаман (кулиб). Йиллаб мен ҳеч нима ёзмаслигим мумкин. Лекин асар ёза бошлаган пайтимда биров мени кўтарма кран билан ҳам суриб ололмайди (кулиб). Мен бир ўтирганимда жуда тез ишлайман. Масалан «Баҳор қайтмайди» асаримни йигирма бир кунда ёзиб тугатганман. «Тушда кечган умрлар» романим ўттиз бир кунда ёзилган. Лекин бу дегани ўттиз кунда роман ёзилади дегани эмас. Бир неча йиллар мобайнида миянгишда тўпланиб, пишиб, ҳаммаси тайёр бўлади. Ҳаммаси тайёр бўлганида ҳам ёза олмаслик мумкин.

– Сизнинг учта романингиз бир-биридан тубдан фарқ қилувчи уч давр, уч хил мавзу ва муаммони тасвирлашга бағишланган. Улар ўзининг баён усуллари, нутқ шакллари билан ҳам тубдан фарқ қиладилар. Аммо уларни адабиётнинг ўлмас масаласи – эзулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш бирлаштириб туради. Жумладан, «Нур борки, соя бор» романингиз анъанавий, «Икки эшик ораси» романингиз ҳикоячи – қаҳрамон, «Тушда кечган умрлар» асарингиз эса муаллиф ва эпистоляр нутқ асосида баён қиланади. Бундай ранг-барангликка қандай эришгансиз?

– Асар қурилмаси дейсизми? Асар композицияси иложи борича янгича бўлиши керак. Бу осон эмас, албатта. «Икки эшик ораси» романининг композицияси жуда мураккаб. Аслида, мен бошида бу асар трилогия бўлиши керак деб ўйлаган эдим. Биринчи китоб урушгача бўлган даврни ўша Ориф оқсоқол, Ҳусан думалар ҳаётини қамраб олиши керак эди. Иккинчиси эса иккинчи жаҳон уруши даври, учинчиси Музаффар ва Мунаввар тақдирларини тасвирлашга бағишланиши мўлжалланган эди. Кейин бу ниятимдан қайтдим. Бунда асар биринчидан, анча чўзилиб кетар эди. Иккинчидан, анъанавий, зерикарлими, яъни, мен учун зерикарли туйилгандек бўлган эди. Хуллас, учала даврни битта китобга сиғдиришга, бунинг учун янгича усул, ифода шаклини топишга уриндим. Энг яхши йўл қаҳрамонларнинг ўз ҳаёт йўли, кемтик тақдири, кўрган-билганларини ўзларига ҳикоя қилдириш эди. Бунга қанчалик даражада эришганлигим адабиётшунослар томонидан айтилган. Масалан, таниқли адабиётшунос Умарали Норматов асарни «тақдирлар романи» деб атайди. Тадқиқотчи Муҳаббат Шарафиддинова «Икки эшик ораси» бу «ребус» романдир, яъни, топишмоқ дейди. Чиндан ҳам бошидан охиригача топишмоқ. Нега? Масалан, асарда берилган 70-бетдаги Робия ҳикояси ечимини, 500-бетдан топишингиз мумкин. Муҳаббат Шарафиддинова бу асар композициясини «спиралсимон» композиция деб атаган. Спирал шунақа бўладики, воқеа тепага кўтарилгандек бўлади-да, пастга тушиб, яна кўтарилиб бораверади. Асар ўтган асрнинг воқеалари 50-йилларидан бошланади, 30-йилларга тушади. Кейин 45-йилга чиқади, яна 37-йилга келади. Бу жуда қийин нарса. Мен асарни ёзиб бўлганимдан кейин бир оз кўрққан эдим. Ўқувчи бунга тушунмаса нима қиламан? Лекин ўқувчи тушунди. Иккинчидан

асар қахрамонлари жуда мураккаб, бунинг устига муаллиф умуман ҳикояга аралашмайди. Тўққизта персонаж ҳикоячи бўлиб майдонга чиқади.

Кўпчилик китобхон – ўқувчиларим мендан: «Ўткир ака, «Икки эшик ораси» романингизнинг асосий қахрамони ким?» деб сўрашади. Мен билмайман ким? Ҳаммаси бош қахрамон. Ҳатто Парча ҳам асосий қахрамон бўлиши мумкин. Аслида, у телба, жинни аёл. Лекин фронт ортида у ҳам ҳамма қаторида тенг, баробар меҳнат қилган. Масалан, ҳеч ким айтмаган ҳақиқатни шу хотин очиқчасига айтган. Ҳамма қахрамонлар бежиз киритилмаган.

Демоқчиманки, асар композициясининг қурилмаси ҳам ўзи қандайдир табиий равишда бўлган, масалан, она боласининг қанақа бўлишини, оғзи қандай бўлиши, қошининг қанақа бўлишини олдиндан башорат қилолмайди. Асар ҳам шундай.

Албатта, ёзувчи бўлгуси асарни тахминан тасаввур этади, лекин олдиндан анави ерини бундай қиламан, деб кўз-кўз қилмайди. Асар ҳам фарзандга ўхшаб тугилади. Мен асар ёзилади деб ўйламайман, асар тугилади. Тугилишга бундай тайёргарлик жараёни кўп бўлади. Асар ёзиш жараёни менда жуда тез кечади. Шиддат билан ёзилган асар, шиддат билан ўқилади. Масалан, катта ловиллаган аланга билан ёзилган асар, ўқувчини ҳам ловиллатиб, аланга сингари ларзага солиши керак.

– Асарларингиз орасида, айниқса, «Икки эшик ораси» шаклининг ўзига хослиги, сюжет ва композицион қурилишининг мураккаблиги билан ажралиб туради. Унда воқеалар бошдан-охиригача асар қахрамонлари томонидан ҳикоя қилинади. Сиз муаллиф сифатида на воқеаликка, на қахрамонга муносабат билдиrolмайсиз. Қалам сизнинг қўлингизда бўлса ҳам ихтиёрий, имконият сизда эмас. Шундай пайтда, айниқса, тўрт яшар Музаффарнинг ҳикоясини ёзишда қийналмаганмисиз?

– Жуда жиддий савол. Бу ҳақда Умарали Норматов романга ёзилган сўнги сўзида: «Муаллиф воқеаларга бевосита аралашмайди, мухтасаргина сўзбошидан сўнг асарда у бевосита кўринмайди, сўз, ихтиёр бутунаси қахрамонларнинг ўзига берилади. Қахрамонлар эса ўз бошларидан ўтганларни ўзлари сўзлашга киришадилар», деб қайд этган. Шу маънода, «Икки эшик ораси»да Умарали Норматов тўғри таъкидлаганидек, «одамлар тақдири билан қизиқиш устун, уни «тақдирлар романи» деса бўлади.» Зеро, бу нотекис дунёда ҳамма одам ҳам бир хил эмас, ҳатто Умар закунчи гапирганда ўзини ҳақ деб ҳисоблайди. У кўрқоқ, аммо ўзича ҳақ, Робия ҳам ҳикоясида ўзича ҳақ, Қора амма ҳикоя қилганда ҳам ўзича ҳақ. Бу бир томони. Битта воқеага, масалан, Умар закунчи билан Раъно муносабатига тўрт хил одам тўрт хил баҳо беради, бири жирканиб қарайди, бири ўзини оқлашга ҳаракат қилади. Бу бир мисол бўла олади. Ва, ниҳоят, яна бир муҳим томонини тўғри фаҳмлабсиз.

Тўрт яшар боланинг ҳикоя қилиш оҳанги билан студент Музаффарнинг ҳикоя қилиш оҳанги бир хил бўлиши мумкин эмас, яъни тўрт яшар Музаффар бошқача гапиради, йигирма яшар Музаффар бутунлай бошқача фикрлайди.

Юқорида Муҳаббат Шарафиддинова бу асарни «ребус» роман деб атаганини айтган эдим. Сизнинг саволингиздан келиб чиқиб, унинг фикрини исботлайдиган бир мисолни келтирай.

Тўрт яшар Музаффар дадаси билан кетмон чопгани далага боришади. У садақайрағоч тепасидаги чумчуқ уясини кўриб қолади. Дўппидек инда чумчуқнинг учта боласи бор, катта чумчуқ учиб келиши билан учала боласи оғизларини очиб чирқиллайди. Шунда Музаффар: «Аммо дадаси ҳеч адашмайди. Ие, дадаси иккита экан-ку! Биттаси-дадаси, иккинчиси- аммаси, деб ўйлайди».

Нега шунақа дейди? Ана шу ребус. Чунки Музаффарнинг онаси йўқ. У она кўрмаган. Фақат Қора аммани ва отасини кўрган. Бу бола психологияси.

Лекин нарироққа борганда, Музаффар бундай фикрламайди. У, энди, ўзининг туққан онаси борлигини ҳам билади, Қора аммаси билан Робия опаси ўзига бир неча бор излаб келиб, йиглаб кетган аёлдан кўра кўпроқ гамхўр ва яқин эканлигини ҳам билади. Шунга яраша фикрлайди. «Тушда кечган умрлар» асарим

яна ҳам бошқача. Унда тергов ҳам бор. Лекин муаллиф матни ҳам бор. Муаллиф ўзи ҳам аралашган. Яъни, имкони борича ҳамма услублардан фойдаланилган. Анъанавий ва ноанъанавий услубдан ҳам.

Аслида, шундай бўлиши керак. Масалан, янги бино қурган одам, бино архитектурасининг ҳам янгича бўлишини хоҳлайди. Бошқаларникига ўхшамаган бўлиши керак. Ўхшамаган бўлиб, энди рўдапо бўлиб қолмаслиги керакку, қанчалик мукамал бўлса, шунчалик мустақам бўлади. «Икки эшик ораси» асаримнинг композициясини мен кўпроқ анорга қийлайман. Эътибор берсангиз анорнинг ичидаги доналари ҳаммаси ҳар хил лекин бир-бирига халақит қилмаган ҳолда жойлашган. Асар композицияси ҳам шундай бўлиши керак.

– Раҳмат, Ўткир ака. Энди, суҳбатимиз сўнггида мухлисларингизга тилакларингизни айтсангиз.

– Мен мухлисларимни, айниқса, Фарғонада истиқомат қилаётган мухлисларимни жуда яхши кўраман ва чин дилдан ҳурмат қиламан. У ерда садоқатли дўстларим, ажойиб биродарларим, қадрдон ўқувчиларим жуда кўп. Ҳатто, тутинган аям ҳам бор. Мен уларни соғинаман. Фарғоналикларнинг кўнгил очар суҳбатларига муштоқман. Кўришгунча!

*Суҳбатдош Фарғона Давлат университети
тадқиқотчиси Гулчеҳра МАМАРАСУЛОВА*





Саïда ЗУННУОВА

*Ранглар жилваланар
қалбингни ёқиб*

* * *

Яланғоч новдалар мудрайди карахт,
Қорними кутади тамшаниб кўкка?
Чайир панжаларин ёзиб ҳар дарахт,
Бедор қариядек ухлайди тикка.

Дув тўкиб олтинранг япроқларини
Кимхоб паяндоздек йўлларга тўшаб,
Нисор қилиб бутун жон-жаҳонини
Кучдан қолган мунис онага ўхшар.

Баъзан табиатнинг сеҳри-ла оқиб,
Олис — олисларга ташлайсан нигоҳ.
Ранглар жилваланар қалбингни ёқиб,
Ранглар жилваланиб ёнади ногоҳ.

Гўзаллик сирини яширгансимон
Тоғлар парда тутиб ҳарир тумандан,
Ажиб кўринади ҳаво, сув, осмон,
Ажиб кўринади ўша томонда.

Шунақа чиройли кўринар йироқ,
Шошилма, азизим, бунча энтикма.
Аввал оёғингнинг остига бир боқ,
Бирон гулни янчиб ўтмадингмикан?

* * *

Ёмғир савалайди, аммо, шошмайман,
Томчи қуйилади киприкларимдан.
Сув тошиб оқади кўприклардан,
Ёмғир савалайди, аммо, шошмайман.

Табиат ювмоқда дов-дарахтларни,
Олам ғуборсиздек кўзимга шу дам.
Бир енгил руҳ билан ташлайман қадам,
Табиат ювмоқда дов- дарахтларни.

Атрофда барқ урар тиниқлик, тинчлик,
Ҳавода сузади бинафша ҳиди.
Ишқилиб, бузмасин порохнинг дуди,
Атрофда барқ урар тиниқлик, тинчлик.

Ёмғир савалайди, аммо, шошмайман,
Томчи қуйилади киприкларимдан.
Сув тошиб оқади кўприклардан,
Ёмғир савалайди, аммо, шошмайман.

* * *

Қуюқ киприкларга қўнгандек уйку,
Шаҳар ичра секин тун чўкди вазмин.
Энди чироқлардан тўкилган ёғду
Маъюс сийпалайди йўловчи изин.

Яна Зухро чиқди кошонасига,
Кўзида қотган ёш, лабида кулгу.
Тож қилиб тақсам дер биров бошига,
Бировга бир чақа ўтмас, қалбаки.

Тунни тонг қувлади, юлдузни қуёш,
Шабнам ҳам оҳиста ўчди бир ёниб.
Гуллар сергакланиб кўтардилар бош,
Мусича патини тарар қувониб,

Бу сўлим сабоҳда нелар кечдийкин,
Ўйлайман, ҳайратда термиламан жим.
Нечта юлдуз ёниб, нечта ўчдийкин,
Ўйламаган маъқул, маъқулдир балким?!

* * *

Ер узра қўнди оқшом,
Ой шуъласи бир майин.
Кел, оппоғим, кел, эркам,
Мен сени аллалайин.

Дудоғинг гулдан хушбўй,
Юзларинг ундан хушрўй.
Кел, оппоғим, бағримга
Жажжи бошгинангни қўй.

Товуқ ухлар қўноқда,
Шамол тинган бутуқда.
Ўт- ўланлар жимгина
Ором олар ўтлоқда.

Юлдуз чарақлаяпти,
Ой ҳам ярақлаяпти.
Қизча ухладими, деб,
Мендан сўроқлаяпти?

Ер узра қўнди оқшом,
Ой шуъласи бир майин.
Кел, оппоғим, кел, эркам,
Мен сени аллалайин.

* * *

Нечоғлик маъсумдир гўдак чехраси,
Ҳали гард юқмаган покиза кўнгил.
Хўмрайсанг қўрқади, кулади кулсанг,
Офтоб ва шабнамда ювилган бир гул.

У шундоқ туғилди, мурғак дилида
На гина-кудурат, на ёвуз армон.
Улғайгач, ким бўлур юрту элида
Яхшилик йўлида бўларму дармон?!

Ҳозир у қийқириб кўнгил хушлайди,
Суюкли, ардоқли ҳозир нечоғлик.
Ким уни кузатар, ким қаршилайди,
Бундан кейингиси шуларга боғлиқ.



* * *

Ҳасад нималигин билмайман ҳануз,
Ҳаёт бундан сўнг ҳам сийласин шундай.
Билмаганим учун қилмайман , афсус,
Назаримда, ул ҳис зимистон тундай.

Аммо, севдим жонни узиб бергундек,
Ипаклардан хаёлий тахтлар тўқидим.
Қалбим тиниқ сувда титраган нурдек
Гуллар япроғидан кўшиқ ўқидим.

Ёмон кўрдим яна, жиркандим ҳатто,
Вужудим қақшатди баъзида ғазаб.
Аммо, кўролмаслик... Менинг наздимда,
Ҳамма азоблардан оғирроқ азоб.

Сенингсиз ўтганда йиллардек ҳар дам,
Олам туюлганда бўм-бўш қутидай,
Меҳнат оғушидан изладим ором,
Худбинликдан шундай олисда ўтдим,

Шундан, кўнглим доим осойишта, тинч,
Бахтимнинг тожидир ёруғ ўйларим.
Шундан, кемирмайди дилимни ўкинч,
Шундан, фақат шундан равон йўлларим.





Аъзам ҚОЗИХЎЖА,
тадқиқотчи

МУЛОҚОТ МАҚОМИ

Турк алфозини иъжоз¹ мақомига қўтаришни орзулаган Навоий ўзидан аввалги иъжоз мақомига етган салаф шоирлар билан катта замонда мулоқотга киришади. Саъдий, Ҳофиз, Жомий ижоди билан мулоқотдан иъжоз мақомидаги газаллар, Низомий ва Деҳлавийлар билан бўлган мулоқотдан учинчи буюк «Хамса», Аттор билан мулоқотдан эса «Лисон ут-тайр» дунёга келади.

Иъжоз сўзи лугатда ожиз қолдириш маъносини билдиради. Истилоҳда эса, башарни ожиз қолдирувчи, мўъжиза даражасидаги гапга айтилади. Шарқ мумтоз поэтикаси ҳисобланган «Балоғат илми»да² каломнинг икки тарафи бор деб эътибор қилинади: бир тарафи, аъло, яъни, энг юксак; иккинчи тарафи, асфал, яъни, энг паст даража. Жумланинг бу икки тарафи ўртасида жуда кўп мартабалар мавжуд бўлиб, ҳаддул-иъжоз каломнинг энг юксак мақоми ҳисобланади ва Қуръони карим ана шундай мақомда нозил қилинган дейилади. Қуръони каримдан кейинги мартабада Пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари, ундан кейин эса авлиёлар, адиблар, шоирларнинг чуқур мазмунли, ўткир гаплари туради. Навоий иъжоз мақоми ҳақида ўз асарларининг бир неча ўринларида тўхталган. Масалан: «Хазойин ул-маоний» девонининг «Дебочаси»да айтади:

*Назм ичра балоғат интизомин берди,
Таркибида иъжоз мақомин берди.*

«Хамса» дostonининг «Тўртинчи наът» бобида эса бундай дейди:

*Эй нафасинг мояи иъжоз ўлиб,
Рухи қудус нутқинга ҳамроз ўлиб.*

Ушбу дostonнинг «Сўз таърифидаким...» бобида яна шундай байтлар келтиради:

*Бўлмаса иъжоз мақомида назм,
Бўлмас эди Тенгри каломида назм.*

¹ Араб алифбосидаги матнларда иъжоз сўзининг биринчи ҳарфи касрали алиф билан, яъни, «и» билан келади. Бу сўз «Балоғат илми»нинг атамаси бўлгани учун уни «эъжоз»га ўзгартирмасдан «иъжоз» шаклида ёзиш тўғрироқ ҳисобланади.

² «Балоғат илми» араб тилининг нозикликларини ва унинг сирли томонларини ўргатади. Бу илм орқали Қуръон назмидаги мўъжизалар кашф этилади. Бу илм Шарқда махсус фан саналиб, уни алоҳида ўрганиш объекти, олимлари, атамалари ва ҳоказолари мавжуд.

Шунингдек, Навоий «Хамсат ул-мутаҳайирни»да Жомий билан ораларида бўлган суҳбатни эслаб ёзади: «Анварий қасойиди бобида сўз ўтадур эрди. Алар бу навъ таъриф қиладур эрдиким: «Биз анинг ашъорин, батахсис, қасойиддин оз кўриб эрдук, бу яқинда бир-икки девони бизнинг илгимизга тушубдур, гоҳи анга машғул бўладурбиз, баъзи ерда айтса бўлғайким, башар каломидин ўтуб, иъжоз ҳаддиға етмиш бўлғай...»

Яна «Насойим ул-муҳаббат»да Навоий шайх Низомий таърифида бундай дейди: «Ҳар ойина бу навъ муфрит риёзатлар тортмоғунча бу навъ беш ганжки, аларга насиб бўлубдурки, кўп абъёти алфоз жазолатидин ва маъною таркиб салосатидин деса бўлулки, иъжоз сарҳадиға етибдур, кишининг илкига кирмак имкон эмас...»

Рус адабиётшунос олими Бахтин инсониятнинг маданият тарихи катта замондаги диалогга асосланишини, адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ҳам катта замондаги мулоқотда ўзининг тўғри ечимини топишини айтган эди. Умуман, ҳаётда жонли муносабатда юзага чиққан ҳар қандай жонли сўз диалогга қурилади ва бу диалог миқёси кунлар, ойлар, йиллар, асрлар оша катта замонда кўринади. Таниқли адабиётшунос Ёқубжон Исҳоқов «Навоий поэтикаси» номли китобида Навоийнинг Ҳофиз билан катта замондаги мулоқотидан тугилган «Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайлу ҳашам чекти», матлаъси билан бошланувчи газални келтиради. Ҳофизнинг «Саҳар чун хусрави ховар алам бар кўҳсорон зад», мисраси билан бошланувчи газалидан илҳомланиб ёзилган Навоий газали мазмун ва композиция жиҳатидан ўзига хос янги бадий асар эканлигини олим асосли равишда исботлаб беради. Фикримизча, бу ҳодиса Навоийнинг катта замонда салафлари билан мулоқотга киришишига бир мисол дейиш мумкин. Беқиёс даражадаги форс шеърятни қаршисида ундан заррача кам бўлмаган, иъжоз мақомидаги туркий назм биносини тиклаган Навоий ижоди йигирманчи асрда Бахтин томонидан кашф этилган катта замондаги диалог, тиллар аро мулоқот назарияларига мос келади. Форс шоирлари ижодида ниҳоясига етмай қолган қирралар, очилмай қолган мавҳумликлар, тугалланмаган мавзулар Навоийнинг катта замондаги мулоқотларида ўз жавобини топди. Девон тартибига Навоий киритган тўртта ўзгаришдан иккитаси газал қурилмасига тегишлидир. «Ҳусну жамол таърифида»ги газалларга «насиҳаторо, маъвизатангиз бирор-иккирор байт иртиқоб қилиш» икки янгиликдан бири бўлса, иккинчиси, матлаъда бошланган мавзунини мақтаъгача давом эттириш, яъни, воқебандликдир. «Хамса» достонида қаҳрамонларни, воқеаларни танлаш, уларнинг ҳаётлигини асослаш, салафларига танқидий ёндоша билиш асосида ҳам Навоийнинг катта замондаги мулоқоти ётади. Биргина мисол, Баҳромгўрнинг ер ютиш тасвири Навоийда реалистик асосда қурилади ва фалсафий маъно касб этади. «Лисон ут-тайр» достонида эса Навоий ислоний форсий адабиётнинг яна бир буюк кутби билан мулоқотга киришди. Ҳаётда, жонли муносабатлар аро пайдо бўлган ҳар қандай жонли сўз ўздан аввалги сўзга жавоб тарзида вужудга келади, деган фикр гўё Навоий ижоди ҳақида айтилгандек. Башарни ожиз қолдирувчи, асрор ул-ғайб даражасига кўтарилган салафлари томонидан кўйилган сўз билан мулоқотга киришган Навоий, Қуръони карим ва ҳадисларга суяниб, иъжоз мақомидаги туркий назмни битди. Бертельснинг Бахтин томонидан кашф этилган мулоқотлар назарияси билан танишлиги маълум эмас. Муҳими бу ҳам эмас. Асосийси, Бертельс савқи табиий билан, завқи салим билан форс адабиётининг энг баланд мақомида турган форс шоирлари билан мулоқотга киришган Навоий ижодига эътибор қарата олганидир. Ўз соҳасини жуда яхши билган мутахассиснинг Навоийга, Навоий ижодига тўхталиши, муҳаббати бежиз эмас. Ушбу муҳаббати натижаси ўлароқ, Бертельс «Навоий ва Атор» мақоласини ёзди. Мақола хусусида, унинг ютуқлари ва бошқа жиҳатлари тўғрисида «кўп ва ҳўп» гапириш мумкин. «Лисон ут-тайр»нинг «Мантиқ ут-тайр» таржимаси эмаслигини, ўзига хос — оригинал асар эканлигини бадий матн тадқиқотлари орқали исботлаб беришнинг ўзи мақоланинг қай даражада эканлигини кўрсатиб турибди. Қуйида биз мақоладаги бир нуқта хусусида мулоҳаза юритамиз.

Бертельс назарида Навоий сўфий эмас, балки сўфийлик назариясини яхши билган мутасаввиф. Унинг фикрича, Навоий сўфизмни маънавий томондан қабул қилган. Навоий дилида сўфий бўлган, амалда эса сўфийликни қабул этмаган. Сўфийлик Навоий учун шариатга зид келувчи қарашларни ифодалашда қалқон вазифасини ўтаган. Ўрта асрлар ҳаётида кўплаб мутафаккирлар бу қалқондан фойдаланиш учун тасаввуфни танлаганлар. Ундан ташқари, Навоий дарвеш шайхлари каби ҳаётдан воз кечиб, узлатга чекинмаган. Давлат ишларига аралашган. Саройда нуфузли амалларда ишлаган. (Е. Э. Бертельс. Суфизм и суфийская литература. М. 1965. 419 стр).

Бизнинг биринчи эътирозимиз: Бертельс ажратгани каби сўфий ва мутасаввиф сўзларининг бири амалиёт учун, иккинчиси назариёт учун қўлланган дейиш мумкинми?

Араб тилининг лугат ва сарф китобларига назар солганимизда, бу фикр унчалик тўғри эмаслиги маълум бўлади. Араб тилидаги «Ал-мўжам ул-васиит», «Ал-мунжид фил-лугати вал-аълам» лугатларида ва араб тилининг сарф илмидан баҳс юритувчи китобларда «суфун» масдаридан чиқувчи сўфий сўзининг иккинчи маъноси истилоҳдаги сўфий маъносида қўлланади. Сулосий мужаррад (қўшимчасиз) феълни сулосий мазиднинг (қўшимчали феълнинг) бешинчи тафаъала бобига ўтказишдан бир неча хил маънолар касб этилади. Софа феълни бу бобга солсак, тасаввафа феъли келиб чиқади. Тасаввафа фулонун – фалончи сўфий бўлди деганидир, яъни, сўфийлик ҳолатига ўтди маъносидадир. Бу феълдан исми фоил ясасак, мутасаввиф – сўфийлик ҳолатига ўтувчи, сўфий ҳосил қилинади. Таъаллама феълдан чиқарилган мутаъллим – ўрганувчи маъноси каби мутасаввиф – сўфийликни ўрганувчи эмас. Лугат китобларининг бирортасида ҳам тасаввафа феълдан бундай маъно чиқарилмаган. «Мунжит» лугатида сўфий сўзи феълнинг тасаввафа бобига шарҳланган. Бу эса сўфий билан мутасаввиф сўзлари айрича маънода эмаслигини яна бир қарра исботлайди.

Бу сўзлар истилоҳда ажратиш ишлатилган дейилса, жавобимиз шуки, тасаввуфга оид мўътабар манбаларнинг бирортасида ҳам тасаввуф аҳли сўфий билан мутасаввифни ажратмаганлар. Моҳиятан бир нарса ҳақида сўзлаётган икки сўз хусусида қасдан ўзга маъно қидирмаганлар. Бу сўзлар муқобил сифатида ўрин алмашиб келаверган. «Ҳаким Термизий ва назариятху фил-вилаяти» номли китобида доктор Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барак сўфий ва мутасаввиф сўзларини бир хил мазмунда келтиради. Нажмиддин Кубронинг «Усули ашара» рисоласини шарҳлаган Бурсавий ҳам мутасаввиф билан сўфий сўзларини тенг маънода ўрин алмаштириб ишлатган. Тасаввуф ва мутасаввифлар тўғрисида кўплаб мақолалар эълон қилган филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул ҳам сўфий ва мутасаввиф сўзларини бир хил маънода қўллайди. Қолаверса, Навоий «Насойим ул- муҳаббат» асарининг бирор жойида ҳам бундай айри тушунча мавжудлигини эслаб ўтмайди. Агарда, назария билан амалиёт тасаввуфда фарқланиб, уларнинг алоҳида вакиллари бўлганида, Навоий бу масалага алоҳида тўхталар эди. Сўфий ва мутасаввиф сўзларини ажратиш кўрсатган биргина манба маълум. У Бобурнинг «Бобурнома» асари бўлиб, Бобур Ҳусайн Бойқаро амиру бекларини санаганда: «... яна Камолиддин Ҳусайн Гозургоҳий эди, агарчи сўфий эмас эди, мутасаввиф эди. Алишербек қошида мундоқ мутасаввифлар йиғилиб, важд ва самоъ қилур экан», дейди. Бобур сўзига эътибор берилса, мутасаввиф сўфийдан кўра куйироқ даражада кўрсатилмоқда. «Важд ва самоъ қилур экан» деганидан эса, мутасаввифлар назарётчи эмас, амалиётчилиги маълум бўлмоқда. Агар тасаввуф назарияси билан машгул кишилар мутасаввиф аталса ва бу сўз шундай маънони англатса, Бобур ҳам, албатта, эслаб ўтарди. Умуман олганда, сўфий билан мутасаввифни амалиётчи ва назариётчига нисбат бериб ажратиш унчалик маъқул эмас.

Навоий сўфий ёки сўфий эмаслигига келсак, масалага шоирнинг асарлари етарлича жавоб бериши мумкин. Бадиий ижод ижодкорнинг амалидир. Шарқона тушунчада амал шахсдан айро олиб талқин қилинмайди. Амал шахсининг эътиқоди

натижаси ўлароқ юзага чиқади. Бир нарсага эътиқод қила туриб, бошқа нарса ҳақида ёзилмайди. Навоийнинг нақшбандия тариқатини қабул қилганлиги инкор этилмайдиган тарихий факт. Нақшбандия тариқати суннатга яқинлиги эътибори билан бир неча дастурларга суянадик, бу дастурлар Бертельс хулосаларининг аксига ишлайди. Уларни Навоий ўзининг бир қитъасида чиройли ифодалаган:

*Десанг, хилватим анжуман бўлмасин,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлиб сойир ўл,
Сафардин агар етса меҳнат санга.
Назарни қадамдин йироқ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироқ тутмағил хушни
Ки юзланмағай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иш била рубъи маскун аро
Чолинмоқ, не тонг, кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлгасен нақибанд,
Навоий, агар етса навбат санга.*

Бертельснинг Навоий сўфий эмас, балки тасаввуф назариясини яхши билган мутасаввиф деган қарашига яна бир эътироз: Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарининг ўзидир. Достон Навоийнинг умр бўйи чеккан ботиний риёзатларининг натижаси ўлароқ дунёга келди. Ботиний риёзат уруғи «Мантиқ ут-тайр» воситасида гўдак Алишер қалбига ташланди. Умр давомида ўсди, ривожланди. Ниҳоят, фано филлаҳ дарахтига айланди ва қуш тили қиёфасида мева берди. Ботиний водийлар ичра бир мақсад сари интилган қалб қуши, фақат фано мақомига етгандагина шарҳу ҳол баёнига киришди:

*Қуфру дин бирла чу йўқ Фонийға иш,
Чунки ҳар не ул демиш сендин демиш.
Сен онинг саҳвиге бўлғил пардапўш,
То фано базмида бўлғай журъба нўш.
Чун насибе айладинг жоми фано,
Бермак иқболи бақосин бил яно.*

Хулоса қилиб айтганда, Навоийнинг бутун ижоди, хусусан, «Лисон ут-тайр» достони монологик нутққа қурилмаган, балки катта замондаги диалогдир. Катта замондаги диалог тушунчаси Навоий тақлидчи, таржимон деган қарашларни бутунлай инкор этади.

Иккинчидан, сўфий билан мутасаввиф сўзларини бири амалиётчи, иккинчиси назарийчи дейиш луғат жиҳатидан ҳам, истилоҳ жиҳатидан ҳам тўғри эмас. Сўфий ва мутасаввиф сўзлари муқобил тарзда қўлланиб келинган ва ҳозир ҳам синоним сифатида тенг даражада ишлатилмоқда.

Учинчидан, Навоийнинг саройга, давлат ишларига аралашуви Навоий сўфий эмас дейишга асос бўла олмайди. Чунки Навоий мансуб нақшбандия тариқати дастурлари ижтимоий ҳаётга аралашувни тавсия этарди. Навоий нақшбандия сулукини қабул этганини Бертельс ўзи ҳам «Навоий ва Жомий» мақоласида айтиб ўтган, лекин, негадир, «Навоий ва Аттор» мақоласининг хулосаларида ушбу ҳолнинг айни ўрни бўлишига қарамасдан эсламайди.

Тўртинчидан, Навоий амалдаги мутасаввиф эканлигига унинг асарлари ёрқин далилдир. Шоир асарларини эътиқодидан келиб чиқмасдан ҳам тушуниш, тадқиқотлар олиб бориш мумкин, фақат бу тушуниш ва тадқиқотлар ижодкор бадий-эстетик қарашларини тўғри талқин этади деб бўлмайди.

Сўзни янада мухтасар қилсак, Бертельснинг: «Сўфийлик Навоий учун шариятга зид келувчи қарашларни ифодалашда қалқон вазифасини ўтаган. Ўрта

асрлар ҳаётида кўплаб мутафаккирлар бу қалқондан фойдаланиш учун тасаввуфни танлаганлар», деган гаплари ҳақиқий воқеликни бузиб кўрсатишдан бошқа нарса эмас. Навоий тасаввуфни комил эътиқод дея қабул этган. Навоийнинг нақшбандия сулукида умргузаронлик қилганига асарлари етарли далилдир. Тасаввуфдан шариатга қарши қалқон ясаш, мустамлакачилик сиёсатининг мафкуриси бўлган. Моҳияти бир нарсани икки дейиш ва бир-бирига қарши қўйиш муайян бир мақсадни кўзламаслиги мумкин эмас. Бугун — мустақиллик даврида, тарихимизда доғ бўлиб турган бундай мақсадларни қайта кўриб чиқишимиз ва уларга ҳолис баҳо беришимиз лозим. Бертельснинг етук мутахассислигини, сиёсий эврилишларга қарамасдан қўлёзмалар, манбалар билан жиддий шуғулланганини таъкидлашдан чарчамайдиганлар икки нарсани бир-бирига қориштирмасликлари лозим. Бертельснинг қўлёзмалар устида қилган меҳнатлари, заҳматлари таҳсинга сазовор, лекин Навоий эътиқодига — исломга, шариатга, тариқатга муносабати ва бу мукамал эътиқод ҳақидаги фикрлари, бошқа Ғарб шарқшунослариникидан унчалик фарқ қилмайди. Улар мустамлакачилик сиёсатининг парракчаси сифатида мазлум халқлар эътиқодларини ичидан парчалаб ташлашга уринганлар ва бу ниятларига қайсидир даражада эришганлар. «Сўфийликни шариатга зид келувчи қарашларни ифодалашда қалқон», дея таъкидлаш ва Навоий бу қалқондан фойдаланиш учун тасаввуфни қабул этган деган тўхтамга келиш, ижодкор эътиқодини тушунмасликдан келиб чиққан. Улуғ мутаффакир, комил инсон Алишер Навоий тўғрисида ёзиш, унинг эътиқоди ҳақида бундай «нозик хулосалар» чиқариш учун катта истеъдод талаб қилинади. Бертельс ана шундай «истеъдод соҳиби» эди.





**Зулхумор МИРЗАЕВА,
фиология фанлари номзоди**

Чўлпон ШЕЪРЛАРИ ТАРЖИМАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Турли даврларда, муайян ҳудудларда юзага келган маърифатпарварлик ҳаракати асосида адабиётда реалистик услубнинг устуворлиги ўзига хос аҳамият касб этади.

Миллий адабиётимизнинг ёрқин номояндalarидан бири – Чўлпон ана шундай услуб сирасига мансуб ижодкорлардан эди.

Унинг ижодий мероси реалистик принципга асосланганлиги, ўлмас мавзулар орқали долзарб миллий муаммоларга мурожаат этиши, гўзал бадиий тасвир, бекорор поэтик образларни ифодалашда айрича хусусиятга эгаллиги билан ўзбек адабиёти ва санъати ривожига муносиб ўрин тутди.

Чўлпон шеърларидан намуналарни туркиялик чўлпоншунос олимлар – Иброҳим Ёрқин, Саодат Чигатой турк тилига, Арслон Субутой шоирнинг «Гўзал Фаргона» («Гўзал Туркистон»), Йоханнес Бензинг «Турмушми бу?» шеърларини немис тилига ўгиришган. Англиялик Олаф Кероу, америкалик Эдворт Оллворт ва Жон Маккейнлар Чўлпон шеърларини инглиз тилига таржима қилганлар.

Шоирнинг «Кишан», «Бас энди», «Бузилган ўлкага», «Кўнгил», «Куз» каби шеърлари тоталитар тузум, ҳукмрон мафкура, чексиз хўрлик ва азоблардан чарчаган муаллиф матонатининг энг сўнги паллаларида яратилгандек, назаримизда. Айнан мана шу ижод намуналарида унинг руҳиятидаги огир нуқталар очиқ-ойдин намоён бўлган. Хориж чўлпоншунослари тадқиқотларини кузатганимизда, шоирнинг айнан юқорида қайд қилинган шеърларининг тадқиқ ва таржима қилинганлигига гувоҳ бўламиз.

Чўлпон ҳаёти ва ижодининг оловли йўлларида яратилган «Бас энди» шеърининг таржимаси турли миллат олими ва таржимашунослари қаламига мансублиги билан характерлидир. Шеърни илк бор Эдворт Оллворт, кейин турк таржимони Мел Кенне билан биргаликда, шунингдек, ёш ўзбек шоири ва таржимони Аъзам

Обидов инглизчага ўгиришган. Ўзбек тилидаги бир шеърни ўзбек, турк ҳамда инглиз таржимонлари томонидан инглизчалаштирилиши ҳозирча кам учрайдиган ҳодиса. Уларни қиёсан таҳлил қилиш эса, муайян назарий ва амалий хулосалар чиқаришга асос бўлади.

Эдворд Оллворт ушбу шеърни тўлиқ эмас, муаллиф дард-аламларининг кульминацион нуқтаси акс эттирилган қисмларни инглизчага ўгирган. «Муайян оригинал шеърнинг маълум бир қисмининг таржима қилиниши... аниқ таржима талабларини қасддан бузиш демакдир, бундай ҳолатда таржимон асарнинг яратилиш ибтидосида иштирок этмайди ва натижада таржима асар шунчаки яратилиш воқеасигина бўлиб қолаверади» деб ёзади словак олими ва таржимашуноси Диониз Дюришин. О'Брайен Жастин эса, «таржимон фақат ўзига маъқул бўлган, таъсирланган бадиий асар намуналарини бир тилдан бошқа тилга таржима қилиши керак», деб таъкидлайди. Таъсирнинг махсулидан яратилган муайян таржима асар унинг (таржиманинг) бирламчи шарти, аммо, шунингдек, таржима амалга ошириляётган давр шарт-шароитлари ва эҳтиёжлари ҳам ўгирма манбаини танлашга таъсир этиши мумкин. Америкалик олимнинг шеърдан таъсирланганини инкор этмаган ҳолда, у амалга оширган таржима вариантнинг яратилиш эҳтиёжини бадиий таржиманинг иккиламчи шарти билан изоҳлаймиз. Аниқроқ қилиб айтганда, Эдворд Оллворт ўгирмаси фақат индивидуал фикр исботи учун хизмат қилган.

Шу ўринда Эдворд Оллворт таржимаси вариантыдаги яна бир кемтиклик хусусида.

Америкалик олим-таржимон Чўлпоннинг «Бас энди» шеърининг иккинчи ва тўртинчи мисраларини таржимада чалкаштирган ёки юқорида таъкидланганидек фикр исботи учун шеърнинг энг муҳим қаторларини танлаб, икки устун бирлигидан ўз она тилида янги бир тўртликни ҳосил қилган. Америкалик олим-таржимон аслиятдаги, тартибга риоя қилмаганлиги сабаб, унинг айнан қайси мисрани инглизчалаштирганлигини фарқлашда чалкашасан, киши.

Бундай ҳолатлар таржимашунослар таъкидлаган услубдан-услубга кўчиш ҳодисасининг бир кўриниши сифатида ёки олим — таржимоннинг ўзига хос услуби, тадқиқотлари, йўналишларидан келиб чиқиб баҳоланса, Эдворд Оллворт тутган йўлга эътирозимиз йўқдек, лекин таржима талаблари ва тамойилларига кўра аслият муаллифининг табиатини теранроқ англаш ва англатиш учун бундай йўл ўзини ҳеч қачон оқламайди. Ваҳоланки, ижоднинг ҳар қандай йўналишида ҳам бадииятнинг асосини ташкил қилувчи элементлардан бири услубдир. Рус танқидчиси Белинский услубнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, шундай фикрни билдирган: «Услуб — бу иқтидорнинг ўзи, услуб — бу фикрнинг оидинлиги, сезгирилиги. Услуб мудом шахсият, характер каби оригинал.»

Турк таржимони ва Мел Кенне, шунингдек, Аъзам Обидов қаламига мансуб ушбу шеър таржимаси эса тўлиқ ва мукамаллиги, ҳеч қандай мақсадга асосланмаганлиги, энг асосийси, таржиманинг таржимон руҳий олами муштарақлиги замирида юзага келганлиги билан қимматлидир.

Мазкур таржималарни тадқиқ қилиш жараёнида шеърнинг мазмун, моҳияти ва шоирнинг руҳий кайфияти ҳар учала таржимада тўлалигача намоён топганлигини сўзларда учраши мумкин бўлган қусурлар деярли мавжуд эмаслигини айтиб ўтиш лозим.

Эдворд Оллворт ўз таржимасини тушунарли ва содда тилда беришга интилади. Бадиий асарни содда, халқ тушунадиган тилда ифодалаш давр адабиётининг энг муҳим жиҳати эканлигини ҳам инкор этмаймиз. Лекин, назмни насрдан фарқ қилдириб турадиган услубий воситалар, айниқса сўз қудратининг шеърдаги инъикоси таржимада ифода этилмаса, бадиий фикр ўз хусусиятини йўқотса, унда шеърни оддий гапдан фарқи қолмайди. Қолаверса, Чўлпон шеърятининг бетакрорлигини таъминлайдиган асосий унсур, исталган мавзуда — хоҳ у ижтимоий, хоҳ сиёсий ёки хоҳ у муҳаббат мавзуда бўлсин сўз қудратининг чексиз

ифодаси, руҳий оғриқнинг шоир сатрларида жонли суръатда акс этирилганлиги билан характерланади.

Эдворд Оллворт таржима қилган вариантда юқорида таъкид этилган Чўлпон шеърларига хос хусусиятлар тўлиқ ифода этилмаган.

Чўлпоннинг мазкур шеъри таржимасида шоир руҳиятидаги исён, мустамлақачилик зулмига қарши ҳайқириқ, шоирнинг аламли шиддати турк таржимони ва Аъзам Обидов ўғирмаларида бирмунча чуқурроқ ифодаланган. Лекин, шеър бадииятини таржимада сақлаб қолиш, Чўлпон шеъридаги ҳар бир сўз, хусусан, лисоний жилоланишлардаги изчилликни атрофлича ўрганиб, инглиз ўқувчисига ҳам шеър аслиятдагидек таъсир қилишини таъминлаш Турк таржимони вариантыда яққолроқ кўзга ташланади.

Фикримизни далиллашга ҳаракат қиламиз:

*Кўлимда сўнги тош қолди,
Ёвумга отмак истаймен.
Кўзимда сўнги ёш қолди,
Амалга етмак истаймен...*

**This last stone I hold in my hand,
I long I long to fling at my enemies.
This last tear that my eye contains,
I long to shed for my lifelong aims.**

**The last stone left in my hand,
I want to fling at my enemy;
The last wish left in my heart,
I want to reach the goal.**

**On my hand kept latter stone,
I the enemy want attack.
In the eyes late tears shown,
And I wish to have high rank.**

Қайд қилинган сатрларда шоирнинг «ёв»ига қарата айтган, нафратга йўғрилган аламли хитоби, руҳиятидаги тушкун кайфияти акс этган. Мазмунга шакл, халқона оҳанг ҳамоҳанг. Шеър кескин ижтимоий фикр билан йўғрилган. Мазкур сатрлар шоирнинг «фикр ва туйғуси» муштараклигида яралганлиги сабаб ўзига хос таъсир кучига эга.

Аслиятдаги «ёвумга отмак истаймен» мисрасидаги «**истамоқ**» феълини турк таржимони «**long**», Эдворд Оллворт ва Аъзам Обидов «**want**» шаклида ифодалаган. Ҳақиқатдан бу сўзларнинг луғавий маъноси «**истамоқ**». Лекин, бу сўзлар маъно товланишига кўра фарқланади. «**Long**» хоҳишнинг энг юқори даражасини (**жууда, астойдил**) акс эттириш учун қўлланса, «**want**»да бундай хусусият йўқ. Шу сабабли Турк таржимони таржимасидаги «**long**» Чўлпон қалбидаги «**истак**»ни тўлалигича намоён қилиш билан бирга, шоир **руҳиятидаги ҳолатни** ва шеърдаги пафосни аниқ кўрсатиб бера олган дейиш мумкин.

Куйидаги мисоллар турк таржимони таржимасининг Аъзам Обидов, Эдворд Оллворт ўғирмаларига нисбатан мукамалроқ эканлигини яна бир бор исботлайди.

Турк таржимони «**Амалга етмак истаймен**» сатрини «**I long to shed for my lifelong aims**» деб инглизчалаштирган бўлса, Аъзам Обидов «**And I wish to have high rank**», Эдворд Оллворт эса «**I want to reach the goal**» шаклида берган. Кўринадик, турк таржимони вариантыда «Бас энди» шеъридаги бадиий тил ва нутқ аслиятга муқобил бўлиши билан бирга Чўлпон руҳий олами ҳасратларига яқин ифодаланган.

«Бас энди» шеъридаги шоир руҳий олами, бадиий маҳорати ва эстетик принципи, шунингдек, поэтик ифодавийлик яхлитлиги асосида юзага келган шакл ва мазмун бирлигини бошқа таржимонларга нисбатан тўлиқроқ сақлаб қолиш ҳам турк таржимони вариантыга хос эканлигини куйидаги мисол яна бир бор исботлайди:

*Етар бас, чекдан ошгандир
Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!
Тўлиқдир, балки тошгандир
Тубанлик ҳам сафолатлар!*

**That's enough! There is finally a limit To all these insults, this humiliation!
 The edge that's arrived at bit by bit Is only self-doubt and deprivation!** **That will do, enough, no limit,
 This reviling and damnation.
 May be full or flowed out,
 Baseness with low-down action.**

Аслиятдаги «**Бу қарғиш, бу ҳақоратлар!**» сатрини «**To all these insults, this humiliation!**», деб инглизчага ўгирган Турк таржимони «**қарғиш**» ва «**ҳақорат**» сўзларини аслиятга муқобил беришга ҳаракат қилган. Маълумки, бир сўзнинг бир неча маънога эга бўлиши бошқа тиллар қаторида инглиз тилида ҳам мавжуд. Одатда сўзларнинг лугатдаги тартибланишига кўра унинг доминанти ҳар доим биринчи рақам билан белгиланади. Бизнингча, таржимон маълум бир сўзга маъно юклатишдан олдин унинг қўлланилиш доираси билан бирга ифода чегарасига ҳам аҳамият берса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, бадиий таржимада сўзнинг маъно ўринлари ҳам муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз. Шунга кўра «**insults**», «**humiliation**» кабилар «**қарғиш**», «**хўрлаш** ва «**ҳақорат**» каби маъноларни англатишда инглиз тилидаги доминант сўзлар ҳисобланади. Турк таржимони шеърни сўз маъноларининг тилдаги ўрни, маъно чегарасига эътибор берган ҳолатда инглизчалаштиришга ҳаракат қилган. Сўзларнинг моҳият доирасидан четлашмаган тарзда таржима қилингани боис, муаллиф фикри аниқ ва чуқур очиб берилган.

Фикримизча, Аъзам Обидовнинг илк таржималарига хос мазкур вариантда таржимон танлаган инглизча сўзлар аслиятдаги маънони тўлиқ бера олмаган. Шеърдаги шакл ва мазмун яхлитлиги муваффақиятли чиқмаган.

Таржимашунос олим Комилжон Жўраев таржимачилик хусусида шундай фикр билдиради: «Таржимачилик иши миллий адабиётларни ўзаро айирбошлаш, бирида учрайдиган миллий биқиқлик ва камчиликни иккинчисида бартараф қилишга имкон берувчи энг ишончли воситалардан бири. Таржимон эса шу ижодий жараённи амалга оширувчи адиб. Унинг фаолияти фақат тил билиш ёки истеъдод билан, ёинки таржимачилик ишига зўр иштиёқи билангина белгиланмайди. Шоирона дид, нафосат, зеҳн, зийраклик, уқувга эга бўлмаса, ундай таржимондан ҳақиқий санъат асари кутиш амри маҳол».

Юқоридаги ўғирмаларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида, турк таржимони фойдаланган сўзлар Аъзам Обидов ва Эдворд Олвортникига нисбатан аслиятга маъно жиҳатидан анча яқин, шоир руҳиятига мос талқин қилинганлиги намоён бўлади. Лекин, бу ерда асосий гап сўзнинг аслиятдаги маънога яқинлигидагина эмас, балки, ўша сўзда ифода топган маъно ва у юзага келтирувчи ҳис — ҳаяжоннинг асар руҳиятига уйғун ва мутаносиб эканлигидадир. Турк таржимони ва Мел Кенне таржималарида бундай жиҳатлар кўп учрайди.

Чўлпоннинг «Кўнгил» шеърини ҳам уч таржимон уч хил йўл билан инглизчага ўгирган. Улардаги услубнинг ўзига хослиги, бирининг иккинчисига ўхшамаслиги, бир томондан, уларнинг таржима соҳасида индивидуал таржима услубига эга эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан Чўлпон шеърининг уч хил кўринишда инглизчалаштирилиши шоирнинг ўз давридаги изтиробини, оғир руҳий ҳолатини, ички дунёсини, замондошлари қалбида алангаланган, лекин очиқ айта олмаган дарду аламларини янада теранроқ англаш имконини беради.

Ҳар учала таржимон шеърнинг асосий мазмунини сақлаган. Сатрлардаги моҳиятни ўз маҳорати, тушунчасига мос ўгирган ва ҳар қайси таржимада ўзига хос ютуқлар, шунингдек, камчиликлар ҳам мавжуд. Лекин мисраларга юклатилган маънони таъсирчан ифодалаш мақсадида, танланган сўз эквивалентлари, улардаги мазмуннинг ёритилиш доираси ва бадиий эстетик таъсири, образли табиати, энг муҳими, бадиий бўёқдорлиги, аслиятдаги маънони тўлиқ бериш, шеърдаги шакл ва мазмун бирлигини сақлаб қолишга интилиш таржималар ўртасидаги умумийлик билан бирга, муайян фарқни юзага келтирган.

Фикримиз исботи учун шеърнинг биринчи тўртлиги таржимасини қиёслаб кўрайлик:

*Кўнгил сен бунчалар нега
Кишанлар бир-ла дўстлашдинг?
На фарёдинг, на додинг бор,
Нечун сен бунча сустлашдинг?*

**Oh my heart! Why do you behave
So amicably toward these chains?
You never weep or writhe in pain,
How can you endure your endless silence?**

**Oh, my heart, why do you
Be friend these chains so much?
You neither wail nor lament?
Have you become so lethargic?**

**What is this? My heart? Why such
With the fitters made you friends?
Neither wail you have nor much
Of the voice? And slowly sense.**

Таржимада шеър бадиияти ва мазмунини сақлаб қолишда етакчи бўлган турк таржимони бошқа таржимонларга нисбатан адабий тил меъёрларига кўпроқ риоя қилган. Чўлпон лирикасига хос реал воқеликни бадиий ҳақиқат мезонига сингдиришдек бетакрорликни турк таржимони ушбу шеър таржимасида ҳам сақлаб қолишга ҳаракат қилган. Лекин, сўзлар оҳангдошлиги таржимоннинг бошқа таржималарига нисбатан аслиятдагидек ифодаланмаган. Сўзлардаги бадиийликни, рангбарангликни сақлаб қолишга интилиш Аъзам Обидов ва Жон Маккейннинг баъзи таржималарига ҳам хос. Аслиятдаги «**дўст**» сўзини Жон Маккейн ва Аъзам Обидов «**friend**» «**be friend**» деб ифодалаган. Турк таржимони эса Мел Кенне ёрдамида «**amicably**» билан алмаштирадики, айнан шу сўзга хос бўлган бадиий тушунча шеър савиясини сақлаб қолиш билан бирга унинг ихчам ифодаланишини ҳам таъминлаган «**Amicably**» бадиий сўз ҳисобланиб, кўп ҳолларда шеърятда қўлланилади. Бундай ўринларни турк таржимони таржимасида кўп учратиш мумкин. Шеърнинг кейинги бандларини Жон Маккейн туркиялик таржимонга яқинроқ услубда инглизчалаштирган. Яъни, танланган сўзлар, уларнинг сатрларда ифодаланиши, қаторлар кетма-кетлиги, шунингдек, предикативликнинг сақланиши каби таржимадаги асосий унсурлар бир-бирини тўлдиради. Жон Маккейн ҳам шеърятдаги мусиқийликни аслиятдагидек ифодалашга интилган.

Аммо ҳар икки таржимон (турк таржимони, Жон Маккейн) Чўлпоннинг «Кўнгил» шеърдаги оҳангни, ритмни, энг муҳими, шеърнинг асосий бадиий воситаси ҳисобланмиш қофияни таржимада муваффақиятли бера олмаган.

Аъзам Обидов шеърнинг шакл ва мазмун уйғунлигини сақлаб қолишга интилган.

Аъзам Обидов таржимасидаги ижобий жиҳатлардан яна бири, мумтоз адабиётимизга хос хусусият — сўзларни ноўрин такрор қўлламаслик билан муаллиф фикрини айнан беришга ҳаракат қилишдир.

Таржима маълум бир миллат вакилларига нотаниш бўлган иккинчи бир халқнинг маданияти ва менталитетини таништиришда кенг имкониятлар яратиш билан бир қаторда, бадиий асар, маълум маънода «ривожланиш» жараёнини ҳам бошидан кечиради.

Таржима иши кўпчилик ўйлаганидек асл нусхани иккинчи бир тилда шунчаки талқин этишдек осон иш эмас. Айниқса, Шарқ ва Фарб ўртасидаги тафовутлардан келиб чиққан ҳолда мавжуд бўлган барча соҳалардаги жиҳатлар, яъни, миллий колоритни ташкил этувчи миллий дунёқараш, миллий муҳит ва яшаш шароити ҳам ҳамюртларимиз онгида юз берган ўзгаришлар, давр руҳи, яъни, қарийб етмиш йил аввалги хронотоп билан боғлиқ жиҳатларни таржимада сақлаб қолишдек масъулият бу мураккабликни янада оширади. Таржима халқлар ўртасидаги умумбашарий ғояларнинг тарқалишига хизмат қилиш билан бирга, миллатнинг бадиий санъат дурдоналарини дунёга намоён қилади. Миллатлар, халқлар, элатларни бир-бирига яқинлаштиради. Жаҳон маданияти, айниқса, сўз санъати юксалишига хизмат қилади.

Мазкур кузатувлар қуйидагича хулосалар чиқаришимизга имкон беради:

1. Чўлпон лирикасининг ўзига хос, бетакрор жиҳати ҳаёт ҳақиқатини, ижтимоий турмуш муаммоларини бадиий эстетик меъёр билан, шеърят қонун қоида-

ларига путур етказмай, китобхон тафаккури кўзгусида жонли суръатда акс эттириши ва шеърятдаги бадий янгилигининг етакчиси бўлганлиги билан характерланади;

2. Жаид адабиётининг йирик намояндаларидан бири бўлган Чўлпон ижодини ўрганишга, асарларидан намуналар таржима қилишга бўлган талаб ва қизиқиш йилдан-йилга кучайиб бораётгани, хусусан, ўзбек жаид адабиёти, умуман, ўзбек халқи ҳаёти, маданияти, санъатига қизиқиш кенгайиб бораётганини кўрсатади;

3. Чўлпон ижодидаги индивидуал услубнинг ўзига хослиги натижаси ўлароқ, унинг шеърлари нафақат Америка, балки Европа ва қардош халқлар адабиётшуносларининг ҳам диққат марказида бўлган ва шоир шеърлари жуда кўп тилларга таржима қилинган;

4. Чўлпон шеърларини турли даврларда таржима қилган таржимон олимларнинг тафаккур тарзи, макони, ўй-фикрлари, шоирнинг шахсий қарашлари у яшаган даврдан фарқ қилса-да, унинг бадий-гоявий мақсадини таржима тилида асосан аслиятдагидек бера олганлар. Чўлпоннинг «Бас энди» шеърини инглизчага ўгирган турк таржимони Эдворд Оллворт ва Аъзам Обидовга нисбатан шоир шеърларидаги нафисликнинг муҳим белгиларини, айниқса, миллий руҳни, асардаги пафосни аслиятдагидек ўгиришга муваффақ бўлганини кўраемиз;

5. Эдворд Оллвортни жаид адабиёти вакиллари ҳаёти ва ижодини кенг миқёсга олиб чиққан илк америка олими ва таржимони сифатида эътироф этиш жоиз. Лекин, давр адабиётидаги америка таржимони қаламига мансуб шеърини таржималарнинг деярли барчаси, хусусан, «Бас энди» шеъри таржимаси ҳам индивидуал фикр исботи, ҳукмрон мафкура талаблари учун хизмат қилган. Чўлпон лирикасига хос бадий эстетик мезонлар Эдворд Оллворт таржималарида ифода этилмаган. Олим услубидаги бундай йўналишни унинг тадқиқотларидаги асосий мақсад-сиёсий-мафкуравий ёндашув билан изоҳлаш мумкин. У жаид адабиётидаги шеърят намуналарининг деярли барчасини сиёсий-ижтимоий масалалари исботи учун таржима қилган;

6. «Кўнгил» шеърини инглизчага ўгирган турк таржимони (Мел Кенни билан биргаликда), Жон Маккейн, Аъзам Обидов каби таржимонлар шоир бадий маҳоратини тўғри идрок эта олган ва ҳар бири индивидуал услубга (фарқларга) эга эканини таржимада намоён қилганлар. Уларнинг таржимадаги маҳоратларини ушбу шеър мисолида қиёсланишимизда шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигини сақлаб қолиш хусусияти бошқаларга нисбатан Аъзам Обидов таржимасида аслиятга яқинроқ кўринишда мужассам бўлган;

7. Юқорида таъкидланган таржималарда учраши мумкин бўлган кемтикликлар бошқа таржимонлар таржимасига хос бўлса-да, уларнинг бу йўналишдаги меҳнати, эришган муваффақиятлари, ўзбек адабиёти яхлит жаҳон адабиётининг бир қисми эканлигини кўрсатади. Буларнинг барчаси амалга оширилаётган хайрли ишлар қаторида саналмоққа ҳақлидир.





Жўра ФОЗИЛ

«Бухорони таниган куним»

Биринчи учрашув

1968 йил савр ойи. Ромитан туман газетасида муссаҳиҳ бўлиб ишлаб, ТошДУ (ҳозирги ЎзМу) журналистика факультетига ўқишга киришга тайёргарлик кўраддим.

Кунларнинг бирида тушликдан қайтсам, муҳаррир ўринбосари хонасида ўрта бўйли, қорачадан келган, йигирма тўққиз-ўттиз ёшлар чамасидаги йигит очилиб-сочилиб, ҳаммани кулдириб ўтирарди. Сўхбат жуда авжида эди, ҳамма билан кўришиб, бир чеккага ўтирдим. Муҳаррир ўринбосари меҳмонни таништирди.

Сафар Барноев. Асли ромитанлик. Ҳозир Тошкентда, болалар газетасида ишлайдилар...

Меҳмон сўхбат тизгинини қўлига олди.

— Ромитан жуда ўзгариб, обод бўлиб кетибди, таниёлмай қолдим, — деди у. — Фақат Хайробод арифи устидаги ошхонага кирган эдим, таъбим бироз хиралашди. Шу, десангиз, ошпаз лағмон деб, ювиндидан баттар нарсани олиб келса бўладими? «Ҳой биродар, Ромитаннинг меҳмондўстлиги қаерда қолди? Мен-ку, шу ерликман, хафа бўлмайман, лекин бошқа меҳмонлар олдига ҳам шунақа таом қўйсангиз, уят бўлади-ку!» десам, ошпаз қурмағур без бўлиб тураверди. Фирромлик қияпти демаслиги учун, пулини тўладим-да, туриб кетавердим.

— Об-бо, сиз-ей, жуда қизиқсиз-да, тўғри бизникига келавермайсизми, ахир, ҳамкасбмиз, боз устига қариндошлигимиз ҳам бор, — деди муҳаррир ўринбосари.

— Эндиги гал, албатта, шундай қиламан, — деди Сафар ака ва сўхбат мавзуини кулгига бурди.

Ўша куни янги танишимни анча кузатдим. У ўзига ишонган, бир сўзли, камчиликларга мурасасиз, юрагидаги гапни очиқ айта оладиган киши эканига амин бўлдим. Лекин у киши билан дўстлашиб кетгунимизча орадан қарийб тўққиз йил ўтди. Мен ўқишни битирдим, армия сафида хизмат қилдим. Сўнгра Ромитан туман газетасида ишлай бошладим...

Ёмғир ёғдирувчи

Сафар ака ва Малика опалар хонадони Тоштемир Тайлоқов хонадони билан кўшни эди. Тоштемир ака Ўзбекистон телевидениесига об-ҳавони шарҳлади.

1979 йилнинг эрта баҳори эди. Бозор куни соат ўн бирларда Сафар аканинг ёшликдаги дўсти Мизроб Қосимов иккимиз Сафар аканинга кириб бордик. Чоғроқ дастурхон атрофида икки-уч киши чақчақлашиб ўтиришар, Малика янгамиз чўзма лағмон тарадудиди эди.

Сафар ака даврадагиларни шоирлар Азиз Абдураззоқ, Султон Жаббор, шарҳловчи Тоштемир Тайлоқов дея таништирди.

Дам олиш куни эмасми, чўзма лағмон тайёр бўлгунча бошимиз анча қизиб қолди. Ширин суҳбат авжига чиқди. Бир маҳал ширакайф Сафар ака: «Мен Тоштемир Тайлоқовга атаб шеър ёзганман», деб қолди. Ҳаммамиз бараварига: «Ўқиб беринг!», дея тикилинч қилдик.

Шоир ичкарига кириб кетиб, икки варақ қоғоз кўтариб чиқди-да, хона ўртасида туриб олди. Сўнгра қироат билан шеър сарлавҳасини ўқиди: «Ёмғир ёғдирувчи».

Ҳаммамиз чапак чалиб юбордик. Тоштемир ака шодон жилмайиб кўйди.

Шеър болаларча содда, юморга бой бўлиб, Сафар ака уни ўқиётганда, ўзи ҳам бола бўлиб кетди. Кўзлари чақнаб, қўлларини силкитиб ўқиди шеърни. Биз чўзма лағмон, иссиқ сомса ва аччиқ арақ тоти билан шеърнинг ҳар бир сатрини олқишлаб турдик.

Шеър телевизорда айтиб, ёмғир ёғдирувчи Тоштемир Тайлоқовни шарафларди. Лекин, энг қизиги, Сафар ака шеърни ўқиб тугаллагач, содир бўлди. Оллоҳ иродасини қарангки, шоир энди ўрнига ўтираман деганда, момоқалди роқ даҳшатли куч билан гумбурлаб, чақмоқ чақди ва шаррос ёмғир қуя бошлади.

Ўтирган хонамиз қарсак, момоқалди роқ зарбидан ларзага келар, биз энди Тайлоқовни эмас, ҳақиқий ёмғир ёғдирувчи шоир, «сеҳрар» Сафар Барноевни олқишлардик. У тиззаларига шапатилаб, кўзларидан ёш чиққунча кулар ҳаммамиз оллоҳ иродаси, табиат мўъжизаси олдида лол қолгандик. Ахир, «Ёмғир ёғдирувчи» мутахассис бир четда қолиб, шоир росмана ёмғир ёғдирса, лол бўлмай иложингиз қанча?

Ўша кун, ўша оқшом биз адабиёт ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Ва, мен шеър илоҳиёт билан боғлиқ эканига амин бўлдим. Ахир, шеър туфайли ёмғир ёғиши қандайдир ҳикматга боғлиқ эмасми?..

«Вақт келади...»

1991 йил. Саротон ойи. Катта ўғлим Аброр билан Тошкентга келдим. «Матбуот» номи билан аталадиган, қисман меҳмонхона, қисман ишчилар ётоқхонаси бўлмиш масканга жойлашдик. Ўғлим университетга кириш учун ҳозирланиши керак, мен эсам пойтахт наشريётларида неча йиллардан буён чанг босиб, сарғайиб ётган қўлёмаларимнинг аҳволидан хабар олмоқчи эдим.

Ташвишлардан сал фориг бўлгач, Сафар аканинг уйига қўнғироқ қилдим. У киши овозимни танигач, қаердалигимни сўради. Меҳмонхонада эканимни билгач, бироз ранжиди.

Мен нималарни баҳона қилганимни ҳозир эслайолмайман. Ҳарқалай, у кишини сал-пал ишонтирдим, чамаси. «Мен ҳозир етиб бораман», деди-ю, гўшакни кўйди.

Ярим соат ўтмай Сафар ака етиб келди. Хонада учовлон бироз чақчақлашдик. Мен катта ҳандалакни кесиб, ўртага кўйдим. Сафар ака бир каржини олиб, уни узоқ ҳидлади.

— Оҳ, оҳ, бундан Ромитаннинг ҳиди келяпти...

– Тўғри топдингиз. Атайлаб бир жуфт олиб келувдим.

Ҳазил- мутуйиба билан ҳандалак ейилгач, Сафар ака бизни меҳмонга таклиф этди. Ҳарчанд қаршилик кўрсатмайлик, фойдаси бўлмади.

Биргалашиб Навоий кўчасига чиқдик. Қоронғу тушиб қолган. Сафар аканинг Юнусободдаги хонадонига бориш керак эди. Ҳарчанд қўл кўтармайлик, бирор машина тўхтамасди. Хуноби ошган Сафар ака норози тўнғиллади.

– Эҳ, нодонлар, шундай буюк ёзувчи қўл кўтарса-ю, бирор машина тўхтамаса? Бу қандай бедодлик?

Худди шу аснода яп-янги «Волга» биздан сал нарироққа ўтиб, тўхтади. Учовлон машина ортидан югурар эканмиз, Сафар ака яна гап қотди.

– Эҳ, хайрият-ей, ақллилари ҳам бор экан-ку!

Ўшанда, меҳмонда ярим тунгача қолиб кетдик. Малика янгамиз азалий одатича, ҳуснидан тўйса бўладиган, жуда кичкина тугилган чучвара пиширди. Сафар ака билан суҳбатимиз яна бадий адабиёт ҳақида бўлди. Хайрлашар эканмиз, у киши ҳазиллашди:

– Хўп, хайр, шоир, яна учрашамиз.

– Сафар ака, шеър ёзмаслигимни яхши биласиз-ку, – дедим норози оҳангда.

– Э-э, шоир, ҳозир ёзмасангиз бир кун ёзарсиз. Ёзмаганингизда ҳам осмон узилиб ерга тушмас...

Шоир акам бу ҳазили билан айрим чаламулла ижодкорларга ишора қилар-миди ёинки ёзувчи ҳам шеърни яхши тушуниши кераклигини таъкидлармиди, билолмасдим?

Машина кутар эканмиз, у киши менга бир-икки маслаҳат берди:

– Ҳалиги бузиб, қўшиб-чатиб эълон қилинган ҳикоянгиз учун кўпам ҳафа бўлманг. Бу ўзи ёзувчи бўлиб етишолмаган кимсалар иши. Вақт келади, ўз сўзингизни айтасиз. Ҳозир улар билан баҳслашсангиз, умуман, ҳикояларингизни чоп этмай қўйишади. Сал кучга тўлганингиздан сўнг, кўнглингиздагидек ҳикоялар чиқарасиз. Дарвоқе, энди каттароқ жанрларга қўл уравсангиз ҳам бўлади.

Ўшанда негадир маҳмадоналигим тутиб кетди, эътироз қилдим:

– Чехов, Бунин, Лондонлар, асосан, кичик жанрлар билан ном қозонишган-ку!

Ҳамюртим эътироздан оғринмади, чуқур «уф» тортиб, шундай деди:

– Шоир, э, узр, Жўрабек, у замонлар бошқа эди, китобхон ҳам бошқача бўлган. Ҳозир йирик жанрларга ҳам эҳтиёж бор, назаримда.

Ёнимизда машина тўхтади. Тез орада яна учрашишга келишиб, хайрлашдик...

Она юрт меҳри

Ўқишни битиргандан сўнг, Тошкентда қолиб ишлаган Сафар ака юрагида Бухоройи шарифга бўлган ададсиз соғинчни, муҳаббатни сақлаб қолаолди. У киши болалар газетаси, ёшлар нашриёти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, «Гулхан» журналида ишлаган кезларида доимо вақт топиб Бухорога, Ромитанга келар, ҳамқишлоқлари, синфдошлари даврасида яйраб ўтирарди. У ёшликдаги ўртоқлари Мизроб Қосимов, Бахтиёр Ёдгоровлар билан дўстлигини бир умр сақлаб қолди. Айниқса, ўзининг болалиги ўтган «Боғитуркон» давлат хўжалигини кўп йиллар бошқарган, сўнг Ромитан туманига раҳбарлик қилган раҳматли Ҳамро Саидов билан жуда қалин дўст эди. Улар ўқувчилик йилларида далада бирга кетмон чопганларини мароқ билан эслашарди.

Туғилиб ўсган юртга бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари ижодкорнинг ҳар бир асарида яққол кўзга ташланиб туради.

Сафар ака вафотидан бир неча йил олдин ёзган «Бухорони таниган куним» ҳикоясини Ўзбекистон радиоси орқали танглагач, мен ларзага тушдим. «Бухорони таниган куним» – бу она Ватанга бўлган муҳаббат қўшиғидир. Бу ҳикояни тинглаганимга анча йил бўлди. Лекин ундаги ҳар бир сўз ҳамон ёдимда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Сафар ака Бухорони қанчалик яхши кўрса, умрининг кўп қисми кечган Тошкентни ҳам шунчалик яхши кўрар, бу азим шаҳарга бўлган меҳри ўзгача эди. Эсимда, иш, бола-чақа, рўзгор ташвишлари билан бўлиб, 1992-1994 йилларда, уч йил мобайнида Тошкентга йўлим тушмади.

Ниҳоят, 1995 йил кузида пойтахтга бориш насиб этди. Сафар акани излаб таҳририятга бордим. Мени кўриб жуда хурсанд бўлди. Бир пиёладан аччиқ чой ичиб, бироз суҳбатлашганимиздан сўнг, дарҳол дилидагини тилига чиқарди.

– Бу нима қилиқ, Жўрабек? Уч йил Тошкентга қадам босмабсиз-а? Китоб чиқараман, ёзувчи бўламан, дейиш билан иш битмайди, укам. Ёзувчи бўламан дедингизми, демак, пойтахтнинг, адабий муҳитнинг нафасини уч йилда бир марта эмас, уч-тўрт марта сезиб туришингиз керак. Ахир, ҳамма газета-журналлар, нашриётлар Тошкентда бўлса-ю, сиз бу ерга келмай нимага ҳам эришаолардингиз? Жуда мулзам бўлдим. Ҳамюртим ҳақ гапни айтаётган эди.

* * *

Сўнги учрашув... Сўнги учрашувимиз жуда гаройиб бўлди. Лекин бу учрашув сўнги эканини Сафар ака ҳам, мен ва бошқа давradoш дўстларимиз ҳам билмасдик. Ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмасдик.

2000 йилнинг ёзи эди. Ромитанга келган Сафар ака чошгоҳ маҳали таҳририятга кўнгиноқ қилди. Туман марказида учрашиб, бироз суҳбатлашганимиздан сўнг, аканинг қишлоғига жўнадик.

Бахтиёр Ёдгоров ромитанча тандир қабоб пишириб, кутиб ўтирган экан, сўлим чорбоғда оқшомгача шакарғуфторлик қилдик. Бу ерга Сафар аканинг дўстлари, қариндошлари йиғилишди.

Шоир бир гапириб, ўн кулар, жуда шод-масрур, ҳар гал Ромитанга келганида ана шундай яйрар эди.

– Жўрабек, қишлоққа келганимда болалигимга қайтаман. Ўша соф, бокира туйгуларни юракдан ўтказаман. Бу ёзувчи учун катта бойлик, туганмас хазина. Янги асарлар учун илдизларим чуқур кетган заминдан куч, таассурот оламан, – деди Сафар ака давра тарқаб хайрлашар эканмиз...

Сўнгра ҳеч кимни эргаштирмай, бир ўзи кекса қариндоши тўқсонни қоралаган кампир ҳузурига борагагини айтди.

– Кампиршо билан мириқиб, бақамти ўтириб суҳбатлашмоқчиман. Раҳматли онамнинг айтишларича, болалигимда у кишига кўп озор берган эканман.

Сафар ака бир сўзли эканини ҳаммамиз яхши билганимиздан, эътироз қилмадик. У киши машинага чиқмай, ўша кампирникига жўнади. Ва, биз бошқа учрашмадик... Чамаси бир йил ўтиб, совуқ хабар эшитдик...

...Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги сокин қабристон... Бу ерда шоир ва ёзувчи, ажойиб инсон, содиқ дўст Сафар ака мангу ором топган. Мизроб Қосимов, Бахтиёр Ёдгоров, шоирнинг ўғли Жаҳонгир ва мен совуқ қабр тошига тикилганимизча, «Қуръон» сураларини тиловат қиламиз, кўзёшлар ўз-ўзидан қуйилиб келади...

...Дунёи дуннинг ўткинчилиги-ю, ижодкордан қолган ёниқ сўз, ёниқ сатрларнинг абадийлиги ҳақида ўйлайман...

Ромитан



**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ,
профессор**

МОҲИЯТНИ АНГЛАТИШ ЙЎЛИ

Инсон ўзининг ўткинчилигини англагандан буён яшаган умрини абадийлаштиришга уриниб келади. Одамнинг бу борадаги интилишлари бадиий адабиётда, айниқса, ёрқин ва жозибали йўсинда намоён бўлади. Шу боисдан бадиий адабиётнинг моҳиятини англаб етиш нафақат филолог мутахассис, балки ўзи ҳақида ўйлайдиган ҳар бир фикр кишиси учун ўта муҳимдир.

Кишида бадиий асарни тўғри англаш ва таъсирланиш фазилати адабий асар ўқиш билан ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Бадиий асарнинг моҳиятини англаб етиш учун ҳар бир киши муайян даражада эстетик тайёргарликка эга бўлиши керакки, умуммиллий миқёсда бу юмуш фақат мактаб адабий таълими томонидан амалга оширилиши мумкин. Яъни, адабий таълим воситасида мактабни битирган ўқувчида бадиий асарни ўқиш ва англаш бўйича муайян тушунчалар шакллантирилиши, бадиий таҳлилнинг илк кўникмалари юзага келтирилиши керак. Ачинарлиси шундаки, амалда нафақат мактаб битирувчилари, балки филологик йўналишдаги олий ўқув юртини тугатган мутахассислар ҳам бадиий таҳлил малакасига деярли эга эмаслар. Чунки узоқ йиллар мобайнида олий ўқув юртларида бадиий таҳлил алоҳида фан сифатида ўқитилмай келинди. Яқин беш-олти йилдан буён «Бадиий таҳлил асослари» фани филологик йўналишдаги олий мактаб ўқув режаларига киритилган бўлса ҳам тегишли қўлланма ва дарсликлар яратилмагани учун қутилган самарага эришилганича йўқ. Шу маънода, ушбу мақолани бу борадаги кузатувлар асносида пайдо бўлган мулоҳазалар тарзида тушунмоқ лозим.

Ҳар бир филолог қўлга олган асарининг бадиийлигини таъминлаган омилларни кўра олиши лозим. Адабиётшунос ва танқидчининг вазифаси ҳам адабий санитар сифатида истеъдодсиз битикчиларни фош этиб, уларни ёзмайдиган қилишдан кўра, яхши асарларнинг фазилатлари нимадан иборатлигини кўрсатиб, ўқувчиларда уларга меҳр уйғотиш орқали яхши асарни эстетик жозибаси йўқ битиклардан фарқлайдиган ҳолатга келтиришдан иборатдир. Зеро, истеъдодсиз, аммо ёзишга ишқибоз одамни истеъдоди йўқлигига асло ишонтириб бўлмайди. Демак, талантсиз ёзувчини ёзишдан тўхтатиш мумкин эмас. Лекин ўқувчини сохта асарни таниш ва ўқимасликка ўргатиш мумкин. Шунинг учун ҳар қандай адабий товарнинг ўз олармани бўлишини кўзда тутган ҳолда, чинакам бадиий матннинг фазилатларини топиб, унинг жозибасини таъминлаган омиллар нималардан иборатлигини кўрсатиш орқали эстетик истеъмолчининг бадиий дидини имкон қадар юксалтиришга уриниш муҳимдир. Бу кечимда текширилаётган асарнинг диққатга лойиқ жиҳатларини илғаш, унинг ўзига хос қирраларини кўрсатишга йўналтирилган бадиий таҳлил йўллари эгаллаш катта аҳамият касб этади.

БАДИИЙ ТАҲЛИЛ ТУРЛАРИ

Адабиётшунослик илмида ҳозирга қадар бадиий таҳлил нима? У қандай мақсадларни кўзда тутган ҳолда амалга оширилиши керак? деган савол қатъий ва қониқарли жавобини топгани йўқ. «Адабиёт назарияси» номи билан босилган дарсликлар ёки бевосита бадиий таҳлил муаммоларига бағишлаб чоп этилган тадқиқотларда ҳам ҳодисага мутахассисларни қониқтирадиган дефиниция берилмаган. Таниқли адабиётшунос Дилмурод Қуроновнинг ўзида миллий эстетик тафаккурнинг сўнгги ютуқларини акс эттирган «Адабиётшуносликка кириш» дарслигида ҳам бадиий таҳлилнинг контекстуал ва имманент турлари ҳамда бу турларга мансуб усуллар тўғрисида фикр юритилган эса-да, бадиий таҳлилнинг ўзи нима? деган савол жавобсиз қолган.

Рус методист олими Борис Бобилевнинг «Миллий олий ўқув юртларда бадиий матнни филологик таҳлил қилишнинг назарий асослари» тадқиқотида адабий асарнинг бадиий таҳлили: *«Бадиий матннинг филологик таҳлилидан асосий мақсад муаллиф образини идрок этиш, унга этишишидир. Айни шу ҳолат бадиий матнни филологик таҳлил қилишнинг асосига қўйилиши лозим»*, деган тарзда изоҳланади. Мазкур изоҳда бадиий асар таҳлиliga оид бир қатор муҳим хусусиятлар қамраб олинган. Дарҳақиқат, тадқиқотчининг муаллифга этишиши адабий асарнинг тўла англанигини билдиради. Бадиий асарни муаллиф даражасида идрок этиш санъат намунасига хос дээрли барча жиҳатларни ҳис этиш, асар замиридаги мантиқий ва бадиий маънони тўлиқ англаш имконини беради.

Айни вақтда, адабиёт тарихи бадиий адабиёт намуналари орасида муаллиф истагидан ташқари маъноларни ташийдиган, унинг мўлжалидан кўра кўпроқ ижтимоий ва эстетик «юк»ни зиммасига олган, муаллиф хаёлига ҳам келтирмаган жиҳатлари билан бадиий дурдоналарга айланган кўплаб асарлар борлигига гувоҳдир. Муаллиф тасвирлаган ва ўқувчи томонидан идрок этилган бадиий манзара ҳамиша ҳам бир хил (адекват) бўлавермайди. Баъзан ўқувчи муайян асардан адиб мутлақо кўзда тутмаган, хаёлига келтирмаган, ҳатто унинг қарашларига зид бўлган хулоса чиқариши ҳам мумкин. Чунки ҳаётий вазиятнинг ўзгариши, ижтимоий воқелик ва тафаккурдаги янгиланишлар, кўзқарашдаги силжишлар баъзан ижодкорнинг оддий изҳори дили ифодасидан кутилмаган чуқур ижтимоий маънони келтириб чиқаришга олиб келиши мумкин. Ҳақиқий бадиий асар ва унинг хусусиятлари фақат яратилган замоний оралиққагина мансуб бўла олмайди. Психолог Виготскийнинг: *«Санъатни кўпроқ даражада кечиккан муносабат дейиш мумкин, негаки, унинг дунёга келиши билан таъсир кўрсата бошлаши ўртасида ҳамиша оздир-кўндир замоний оралиқ бор»*, деган фикри ҳам бунга далилдир.

Замонавий оралиқ ўқувчига адабий асардан ўзи яшаётган даврга мувофиқ хулоса чиқариш, шунга мос завқланиш имконини беради. Ўрганилаётган бадиий асарни тушуниш, ундан таъсирланиш ва муайян хулоса чиқариш таҳлилчининг савияси, диди, дунёқараши, ҳаётий тажрибаси, кайфияти каби омилларга ҳам боғлиқдир.

Бадиий таҳлилни асардаги турли эстетик унсурларни қидириб топишга қаратилган фаолият, деб қарайдиган мутахассислар ҳам анчагина. Чунончи, профессор Дилмурод Қуронов юқорида тилга олинган китобида: *«Таҳлил атамаси, одатда, илмда «анализ» деб юритиладиган истилоҳнинг синоними сифатида тушунилади. Анализ эса, маълумки, бутунни англаш учун уни қисмларга ажратишни, қисмнинг бутун таркибидаги моҳиятини, унинг бошқа қисмлар билан алоқаси ва бутунлигининг юзага чиқишидаги ўрнини ўрганишни кўзда тутади»*, деб ёзади. Рус олимаси Г. Тараносованинг қарашлари ҳам ўзбек касбдошиникига яқин: *«...таҳлил адабий асарни тўғридан-тўғри ва жўн тушуниш ўрнига уни фикран маъноли қисм ва унсурларга бўлиб қабул этишни кўзда тутадиган илмий фаолиятдир»*. Бу фикрларда асосли ўринлар жуда кўп. Дарҳақиқат, матнни қисмларга ажратиб текшириш

асарни жўн қабул этишдан, уни реал ҳаёт ҳодисаси билан аралаштириб юборишдан сақлайди. Лекин, маълумки, ҳар қандай асл бадиий асар яхлит поэтик бутунлик ҳисобланади ва бу бутунликка дахл қилиш унинг жозибасини йўққа чиқариши мумкин.

Ж. Азизов ва Г. Усова каби адабиётчилар қаламига мансуб «Адабий таҳлил назарияси ва амалиёти» рисолада: «...*таҳлил адабий асарнинг бадиий мантигини англаш мақсад қилиб қўйилган илмий изоҳдир*», деган тарзда таъриф берилади. Бу қараш бадиий таҳлил моҳиятини акс эттириши жиҳатидан ҳақиқатга жуда яқин. Бироқ, бу дефиницияда бадиий асарда акс этган ҳаётини мантиқни англаш ҳам ўта муҳимлиги назардан четда қолади.

Маълумки, бадиий адабиёт тарбиявий, коммуникатив, баҳолаш (аксеологик), гедонистик (ҳиссий завқланиш), маърифий ва бошқа қатор функцияларга эга. Ҳар бир бадиий асар билан танишиш асносида бу вазифалар қанчалик бажарилганлигини аниқлаш матннинг моҳиятига етиш имконини беради. Шундан келиб чиқиб, бадиий асар таҳлили тушунчасига: *Бадиий таҳлил адабий асарнинг муаллиф кўзда тутган ҳамда асар ўрганилаётган вақтдаги бадиий ва ҳаётини мантиги ҳамда эстетик жозибасини англашга йўналтирилган илмий фаолиятдир*, деган тарзда таъриф бериш мумкин. Бундай дефиниция ҳодисага хос деярли барча асосий хусусиятларни қамраб олади.

«Таҳлил» атамаси арабча сўз бўлиб, «*эритиб юбориш*», «*мураккаб бутунни қисмларга ажратиш*» маъноларини англатадиган «*ҳалала*» ўзагидан келиб чиққан. Баъзилар адабиётшуносликда бу сўз замирига «*ҳалоллаш*» маъноси ҳам юкланган, деб ҳисоблашади. Яъни, таҳлил дейилганда, бадиий матннинг маъноси ва жозибаси нимадан иборат эканини холис кўрсатиш ва ўқувчига бегона бўлган матнни эритиб, унинг шуурига жойлашга қаратилган фаолият кўзда тутилади. Санъат асаридан келиб чиқадиган ҳаётини маънони топиш, унинг бадиий тасвирига жозоба бағишлаган эстетик унсурларни кашф этиш, ўрганилаётган асарнинг бошқа битиклардан фарқини аниқлаш, миллий эстетик тафаккур ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатиш гоят муҳим. Бадиий завқнинг манбаси қаердалигини, китобхонни муайян асардан таъсирланишга олиб келган омиллар, кўркам сўзнинг мантиқий тушунчалар доирасига сиғмайдиган жозибаси нимадан иборатлигини аниқлаш катта аҳамият касб этади.

Бадиий таҳлил шаклига кўра: а) оғзаки; б) ёзма сингари икки турга бўлинади.

Маълумки, бадиий асар оғзаки шаклда ҳам таҳлил қилинади. Мактаб, коллеж ва академик лицейларнинг ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртининг талабалари билан биргаликда амалга ошириладиган бадиий таҳлиллар шу турга мансубдир. Шунингдек, турли адабий йиғинлар, баҳс-мунозаралар асносида қилинадиган таҳлил ҳам оғзаки бадиий таҳлил ҳисобланади. Бадиий таҳлилнинг оғзаки турида илмий фаолиятнинг тизимлилик ва изчиллик сингари асосий тамойилларига амал қилиш қийинроқ кечади. Шунинг учун ҳам бадиий таҳлил амалиётида ёзма шаклга устувор аҳамият қаратилади. Агар оғзаки таҳлил фақат таҳлил қилинган фурсатнинг ўзи учун дахлдор бўлса, ёзма бадиий таҳлил, кейинчалик, ҳатто, катта замонавий оралиқлардан сўнг ҳам таъсир кўрсатиши, инсон бадиий тафаккурини шакллантира олиши, боболардан урпоқларга мерос бўлиб ўтабилиш каби хусусиятлари билан ажралиб туради.

Бадиий асар таҳлили ундан кузатилган мақсадга кўра: а) илмий (филологик); б) ўқув (дидактик) сингари икки турга бўлинади.

Филологик (илмий) таҳлил адабий асарнинг муаллиф кўзда тутган ҳамда асар текширилаётган вақтдаги ҳаётини бадиий мантиги ҳамда эстетик ўзига хослигини англашга йўналтирилган ҳиссий-интеллектуал фаолиятдир. Илмий таҳлилда текширилган асар юзасидан чиқарилган хулосаларнинг аниқ дамда адабиётшунослик илми эришган даражага мувофиқ бўлиши талаб этилади. Бунда билдирилган фикр ҳам, мантиқий тушунчалар ҳам, эстетик қонуниятлар билан асосланган бўлиши лозимдир. Шунингдек, илмий таҳлилда ўрганилаётган асарнинг

умуммиллий адабиётда тутган ўрни ва миллий тафаккур тараққиётига кўрсатган таъсир даражаси текширилади.

Филологик таҳлил ҳар қандай адабий ҳодисага мутахассис назари билан қаралишини тақозо қилади. Илмий таҳлил адабий асарнинг бадиийлигини таъминлаган жиҳатлар нимадан иборат эканини кўрсатишга қаратилган илмий-эстетик фаолиятдир. У, асосан, бир киши томонидан амалга оширилади. Илмий таҳлил билан шугулланаётган мутахассис вақт жиҳатидан ҳам, имконият жиҳатидан ҳам бир қадар эркин бўлиб, ўзи белгилаб олган бош мақсадга қараб интилади.

Ўқув таҳлили *ўқувчи ёки талабаларда асар моҳиятини англашга хизмат қиладиган миқдордаги бадиий билим ва кўникмалар шакллантириш орқали уларни баркамол шахс сифатида тарбиялашга йўналтирилган жамоа шаклидаги эстетик-педагогик фаолиятдир.* Ўқув таҳлили мобайнида ўқитувчи ёки профессор ҳамиша ўқувчи ёхуд талабалар билан биргаликда фаолият кўрсатади. Бунда улар асарни танлаш имконига эга эмас (дастурга амал қилинади). Шунингдек, ўқув таҳлили жой (аудитория ёки синф) ва вақт (бир дарс ёки унинг қисми) жиҳатидан ҳам чекланган бўлади. Таҳлил асносида ўқувчиларнинг ёш ва интеллектуал даражаси ҳисобга олинишида намоён бўладиган интеллектуал-маънавий чегара ҳам мавжуд. Шу жиҳатдан ўқув таҳлилини амалга ошириш филологик таҳлилга нисбатан мураккаброқдир.

Миллий адабиёттанув илмининг бугунги даражаси таҳлилда текшириляётган асардаги бадиий тимсолларни ижобий ва салбий гуруҳларга ажратмаслик, ҳар бир персонажга қарама-қарши табиатли кишилар сифатида ёндашиш ва баҳолаш лозимлигини кўзда тутлади. Дунёдаги бирорта одамни қатъий йўсинда яхши ёки ёмон деб бўлмаганидек, бадиий тимсолларни ҳам ижобий ва салбийга ажратиб бўлмайди. Одам ўта мураккаб, табиати ва кайфияти ададсиз қирраларга эга, ўзгарувчан яратикдир. Шу маънода ҳар бир одамни тўлиқ ечими ҳеч қачон топилмайдиган математик номаълумлик дейиш мумкин. Бадиий адабиёт ана шу ечимсиз тенгламанинг қирраларини бутун мураккаблиги, жилвалари ва товланишлари билан тасвир этиш орқали ўқувчини ўзгани тушуниш ва ҳис қилиш орқали бировнинг дардини англашга ўргатади. Тўғри амалга оширилган бадиий таҳлил одам руҳиятида муайян ахлоқий сифатлар ҳосил қилади, унда шахслик фазилатларини шакллантиради.

ТАҲЛИЛДА ДУНЁҚАРАШ ВА МИЛЛИЙ МАНСУБЛИКНИНГ ЎРНИ

Бадиий асар текшириляётганда, ҳам муаллифнинг, ҳам ўқувчиларнинг дунёқараши ҳисобга олинсагина таҳлил тўлақонли бўлиши мумкин. Муаллиф дунёқарашидаги етакчи хусусиятлар тўғри ҳисобга олинмаса, асар моҳиятини англаб этиш мумкин бўлмайди. Одам томонидан дунёни билишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган фалсафий асос бадиий таҳлилни амалга оширишда ҳам муҳим ўрин тутлади. Дунё ҳодисаларига ёндашиш ва изоҳлаш тарзида таяниладиган назарий асос тўғри белгилаб олинмай туриб очунни тўғри тушуниш ҳам, эстетик идрок этиш ҳам ва бадиий тасвирлаш ҳам мумкин эмас. Фалсафий асос тўғри бўлмаса, бадиий асарга ёндашув бутунлай ғайриилмий характер касб этиши мумкин.

Фалсафий асос, таяниладиган назарий суянч бадиий ҳодис моҳиятига жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлиги ўзбек адабиёти тарихига енгилгина назар ташлаш билан аён бўлади. Чунончи, исломдан олдинги туркий адабиёт тамомила ўзгача йўналишга эга бўлганига тошбитиклар, Иссиқ кўрғони ва Селунгур ғоридан топилган адабий ёдгорликлар тонугдир. Бу обидаларда одам фақат унинг жанговарлик даражасига кўра баҳоланган. Инсонга асосан жангчи, ёғийга зарба берувчи, ўзгаларнинг нарсасини тортиб олиши керак бўлган куч деб қаралган. Одам хатти-ҳаракатларининг маънавий асослари тўғрисида деярли бош қотирил-

маган. Исломдан кейин адабий қаҳрамонлар ўз хатти-ҳаракатларини адолат, ҳалоллик, имон, эзгулик каби ўлчовларга сола бошлашди. Демак, фалсафий асоснинг турличалиги айни бир ҳодисани тамомила ўзгача қабул қилиш, изоҳлаш ва тасвирлашга сабаб бўлади. Шўро даври адабиётида одамга бирор ижтимоий қатламнинг вакили тарзидагина қаралди. Шунинг учун ҳам одам феълү атвориға кўра эмас, балки синфий-партиявий мансублигига кўра изоҳланди ва баҳоланди.

Агар фалсафий асос соғлом бўлмаса, таҳлил қанчалар билимдонлик билан ўзига хос йўсинда амалга оширилмасин, адабий асарнинг бутун жозибаси тўла намоеън бўлмайди. Зеро, оламда тасаввурлардан бўлак ҳеч нарса йўқ деган қарашда катта ҳақиқат бор. Бадиий асарлар нуқтаи назарнинг характериға қараб тамомила ўзгача моҳият касб этиши мумкин.

Соғлом фалсафа учун аллоҳ, олам, одам муносабатлари энг асосий ва ҳал қилувчи масала ҳисобланади. Олам яратилишининг мақсади бўлмиш одам ва унга хос хусусиятларни илғаш, сезги аъзоларига бўй бермайдиган тушунчаларни ҳам изоҳлаш, инсон руҳий оламининг беқиёс ранг-баранглигидан келиб чиққан ҳолда санъат асарларига ёндашиш соғлом илмий фалсафанинг асосий тамойилларидандир. Руҳга доир жиҳатларни ҳамиша ҳам ақл билан изоҳлаш мумкин эмаслиги, ҳар бир одам ҳиссиётининг бетакрор ва ўзига хослиги инсон ҳаётининг бадиий нуқси бўлмиш адабий асарни таҳлил қилишда ҳам айни шу руҳий, ҳиссий ва, демакки, эстетик қирраларни ҳисобга олишни кўзда тутати.

Ислом даврида Туркистон эстетикаси учун неча асрлар мобайнида назарий асос тасаввуф таълимоти ва ундаги тажалли назарияси бўлган. Шу боис ҳам асл бадиий асарга илоҳий ҳодиса тарзида ёндашилган. Туркий эстетика учун бадиий асар ҳеч қачон фақат воқеликнинг инъикоси ҳисобланмаган. Оламдаги барча моддий ва маънавий яратилар аллоҳнинг тажаллиси бўлгани учун бадиий ижодга ана шу тажаллининг эстетик моддийлашуви натижаси деб қаралган. Тажалли назарияси ҳар қандай бадиий ҳодисани аллоҳнинг эманацияси тарзида изоҳлайди. Яъни, *Кунботиш учун адабиёт моддиятнинг мавҳумлашиши* бўлса, *туркий-исломий эстетика учун эса адабиёт руҳиятнинг моддийлашувидан* иборатдир.

Ислом таъсиридаги туркий эстетика бадиий асарнинг энг кичик унсуридан ҳам гўзаллик қидирган ва топа билган. Бадиий асарлардан чиқадиган маъно, фикр, гоёга нафосатнинг ҳосиласи сифатида қаралган. Чунки тамкинлик, уйғунлик, мутаносибликка эга ҳар қандай гўзал шаклда етук фикр, чуқур мазмун бўлиши табиий ҳисобланган.

Мумтоз адабиётимиздаги сиртдан қаралганда турғун, қотиб қолган ва сийқ-адай туюлувчи адабий шаклларда ҳам бадиий кашфиётлар қилишнинг адоқсиз имкониятлари бўлган. Бадиий ижоднинг бутун сеҳри ҳам эски воситалар ёрдамида янги туйгуларни, оҳорли руҳий ҳолатларни акс эттиришда эканлиги Кунчиқар эстетикаси учун оддий ҳақиқат саналган. Бадиий кашфиёт, инжалик деярли ҳамиша асарларнинг қатига яширинган ва ҳеч қачон очиқ бўлмаган. Чунки излаб топилган гўзалликкина кишига лаззат беради. Шунинг учун мумтоз адабиётдан таъсирланиш учун таъсирлантирувчи омилни излаб топадиган даражада эстетик маълумотли бўлиш талаб этилган. Нафосатни фақат воқелик ёки ижтимоий ҳаёт мантиги билан изоҳлаш миллий эстетикамизга бегона бўлгани боис бизда талқиндан таҳлил устувор турган.

Кунботиш эстетикасида асосий эътибор бадиий асарнинг гоёси, унда илгари сурилган фикрни топишга қаратилади. Санъат асарининг гўзаллигига кўпроқ чиройли либос, жозибали ташқи безак тарзида қаралади. Кунчиқиш бадиияти учун эса ҳамиша тасвирнинг қандайлиги муҳим саналади. Шу сабабли Кунботиш эстетикасида асарда нима тасвирланганини, Кунчиқиш бадииятида эса ниманинг қандай тасвирланганини аниқлаш бадиий таҳлилнинг диққат марказида туради.

Ўзбек адабиётида бадиий ижод асосида ҳамиша гўзаллик ва ишқ масаласи турган. Олам ва одам аллоҳнинг тажаллиси ўлароқ гўзал экани ва бадиий асар ана шу гўзалликни имкон қадар назокат билан ифодалаши кераклиги кўзда тутилган.

Ҳар қандай ижтимоий ва эстетик ҳодиса муайян миллий заминда пайдо бўлади. Бинобарин, уни тушуниш, тадқиқ этиш ва тушунтиришда ўша миллатга хос хусусиятлар ҳисобга олиниши лозим. Бирор миллат учун эзгулик ёки гўзаллик намунаси ҳисобланган ҳодиса бошқа этнос назарида ёвузлик бўлиб кўриниши ҳам мумкин. Чунончи, ўзбекларда гўзаллик тимсоли бўлмиш ой руслар учун кўпроқ, лоқайдлик, бепарқлик рамзидир. Голландлар энг сулув ва назокатли қизларни сизирга ўхшатишади. “Қизил ва қора”, “Бовари хоним” асарларидаги де Ренал хоним ва Эмма Бовари образларини Кунботиш китобхонлари инсоний туйғулар ҳурлиги ва эркин муҳаббат йўлида қурбон бўлган тимсоллар тарзида қабул қилса, ўзбек китобхонида бу аёллар тимсоли кўпроқ тўқликка шўхлик йўлини тутган кимсалар сифатида таассурот қолдиради. Демак, бадиий таҳлил илмий-эстетик жиҳатдан пухта, холис ва асосли бўлиши учун нафақат ёзувчининг, балки ўқувчиларнинг миллий мансублиги ҳам ҳисобга олиниши керак бўлади.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ ТАМОЙИЛЛАРИ

Текширилаётган бадиий асарнинг бутун сеҳру жозибаси тўлиқ намоён бўлиши, унда акс этган инсон руҳияти манзаралари тўла англашилиши ва изоҳланиши учун таҳлилни амалга оширишда бир қатор тамойилларга таянилиши керак. Тамойил бирор хатти-ҳаракатнинг юзага келиши учун бажарилиши лозим бўлган шартлар тушунчасини англатади.

Мукамал ва тугал таҳлилнинг бўлиши мумкин эмаслиги бадиий асар таҳлилини амалга оширишда риюя қилинадиган биринчи тамойилдир. Бадиий таҳлилда мантиқий тушунчалар асосида иш кўрилиб, илмий хулосалар чиқарилсада, бунда аниқ фанлардаги каби бир хил натижага келинмаслиги мумкин. Санъат ҳодисасига хос хусусиятларни мантиқ категориялари ва тафаккур тушунчалари қолипига тўлиқ, тугал ва бешикаст афдариш мумкин эмас. Мантиқий категорияларга тўла тушадиган, барча қирралари тугал изоҳланадиган ҳодиса чин санъатга тегишли бўлмайди. Санъат мантиқий тушунчаларга сиздириш мумкин бўлмаган жойдан бошланади. Бинобарин, энг зўр тадқиқотчи ҳам асл ижод намунасини ўзгача талқинга ўрин қолдирмайдиган тарзда тўлиқ таҳлил қилолмайди.

Чинакам бадиий матн уни идрок этган шахсларнинг савияси, диди, интеллект даражасига мувофиқ равишда турли даврларда турлича қабул этилаверади. Ҳатто, баъзан бир асарнинг ўзи битта одам томонидан кайфиятининг қандайлигига қараб ҳар хил идрок этилиши мумкиндир.

Бадиий асар таҳлилида амал қилинадиган иккинчи тамойил ҳар қандай таҳлилнинг шахсий мулоҳаза экани ва у ҳеч қачон мутлақ ҳақиқат бўлмаслигидир. Таҳлилчи қанчалик билимдон ва моҳир бўлмасин, унинг фикрлари ҳаминша фақат шахсий мулоҳаза мақомида бўлади. Илмий ҳақиқатлар кўпчилик томонидан бирдай қабул қилинади, аммо эстетик ҳақиқатлар тўғрисида бундай деб бўлмайди. Ҳар бир ўқувчи асарни ўзича ўқийди, тушунади, таъсирланади, ҳис этади ва ўзича тўхтамга келади. Бир асарни ўқиган бир қанча киши ўртасида ўзаро ўхшаш фикрлар бўлгани сингари, бир-бирини мутлақо инкор этадиган қарашлар учраши ҳам табиий ҳолдир.

Бирор бадиий асарнинг исталган бир мутахассис томонидан қилинган таҳлили нечоғлик чуқур эканига қарамай, ўзга бир шахс бу хилдаги талқинни ё қисман, ёки бутунлай қабул этмаслиги ва бадиий ҳодисага ўз позициясидан келиб чиқиб, тамомила бошқача баҳо бериши мумкин. Бадиий асарнинг ўта шахсий фаолият натижаси бўлиб, тинимсиз ўзгаришлар оғушидаги кайфият ва туйғулар ифодаси экани унинг қабул этилиши ҳам гоаят индивидуал йўсинда кечишига асос бўлади.

Адабий асар таҳлилининг муҳим тамойилларидан бири санъат асарига гоаят ифодалаш воситасигина деб қарамаслик ва унинг, биринчи навбатда, эстетик

ҳодиса эканини ҳисобга олиш кераклигидир. Адабиётшуносликда ҳанузгача ҳам бадиий асарга, аввало, қандайдир ғояни ўтказиш йўли, деб қараш учраб туради. Бу ҳол бадиий асарнинг асл қимматини пасайтиради. Унинг биринчи навбатда эстетик завқ манбаи эканини эътибордан ташқарида қолдиради.

Таҳлилда таянилиши зарур тамойиллардан яна бири бадиий асарга борлиқнинг нусхаси тарзида ёндашиш мумкин эмаслигидир. Санъат ҳодисасини табиат ёки ижтимоий ҳаётга тақлид натижаси деб тушуниш асарни реал воқеликка мос келиш-келмаслик нуқтаи назаридан баҳолашни тақозо этади. Ҳолбуки, ҳаётдагидай тасвирлашнинг ўзи бирор асарнинг савияси ҳақида ҳулоса чиқаришга асос бўла олмайди. Ҳаётдан кўчириш ҳам китобдан кўчиришдай нусхакашликдир.

Бадиий мантиқ ҳамиша ҳам ҳаёт мантиғига мувофиқ келавермайди. Баъзан бадиий тасвир ҳаёт ҳодисасидан теранроқ, аҳамиятлироқ, салмоқлироқ бўлиши ҳам мумкин. Чунки бадиий асар реал воқеликдаги ҳаётини хаос (бетартиблик)дан яхлит ва ички интизомга бўйсунувчи, қатъий бадиий мантиққа биноан ҳаракатланувчи эстетик космос (интизом, гўзаллик) яратишга қаратилган ижодий фаолият натижасидир. Бу ҳақда норвег адабиётшуноси Э. Ховардсхолм: «*Поэзия реал борлиқнинг тақлиди ҳам ёки унинг қандайдир талқини ҳам эмас. Поэзия ўз ҳолича ортиқ даражадаги реалликдир*», деб ёзади.

Бадиий таҳлилнинг муҳим тамойилларидан яна бири яхлитлик ҳисобланади. Яхлитлик талаби ўрганиладиган бадиий асарга мустаҳкам эстетик тизим сифатида исталганча таркибий қисмларга ажратиб ташлаш мумкин бўлмаган бутунлик тарзида ёндашишни кўзда тутати. Санъат асарининг бутунлигига дахл қилинмагандагина унинг ичига кириб бориш, моҳиятини англаш мумкин. Инсон интелекти, туйғулари ва маънавиятини шакллантиришга йўналтирилган бадиий таҳлил ҳар бир шахснинг яхлит ижтимоий-биологик ҳодиса эканини ҳисобга олиши зарур. Чунки инсонга аввал ақлий, сўнг ахлоқий, сўнгра жисмоний, ундан кейин меҳнат, ундан сўнг ватанга муҳаббат, улардан кейин инсонпарварлик ва ҳоказо тарзидаги сифатларни сингдириб бўлмайди. Одам ё турли омиллар таъсирида бир қатор маънавий хусусиятларга эга яхлит бир шахс сифатида шаклланади ёхуд ҳеч қачон тўла маънодаги шахсга айланолмай қолаверади.

Бадиий асарга мўъжизавий бир бутунлик тарзида ёндашилмаса, унинг сиру жозибаси йўққа чиқиб, таъсир қудратидан маҳрум бўлади. Ўрганилаётган асарнинг барча жиҳатига бирваракайига синчков ёндаша билиш ва унинг қисмларида бузилмас бутунликнинг жозибаси борлигини кашф этиш таҳлил муваффақиятини таъминлайдиган омилдир.

Бадиий таҳлилда амал қилиниши керак бўлган зарур тамойиллардан бири тизимлиликдир. Тизимлилик яхлитлик тамойилининг мантиқий давоми бўлиб, унда бадиий асарни ташкил этган унсурларнинг муайян тизимли кўринишда бўлиши ҳисобга олинади. Асл санъат асаридаги барча бадиий унсурлар бири иккинчисига чамбарчас боғлиқ бўлади. Бирор бир асарда портрет, ўшатиш, пейзаж, кўчим, муболага, кичрайтириш сингари воситалар тасодифий равишда келмайди ва тасвирнинг умумий даражасига таъсир қилмай қолмайди. Таҳлил текширилаётган асардаги бадиий унсурларнинг айна шу тартибда гуруҳлашувининг ички мантиқий-коммуникатив, тасвирий-ифодавий қонуниятини очишга қаратилади.

Бадиий асар таҳлилида ҳамиша суянилиши лозим бўлган тамойиллардан бири тарихийликдир. Адабий асар муайян тарихий шароитда, конкрет вақтда яшаб ўтган одам томонидан яратилгани учун унда акс аттирилган воқеаларгина эмас, балки руҳий ҳолат манзараларида ҳам ўша даврнинг тамғаси бўлади. Шунингдек, бадиий матн ҳамиша конкрет замон ва маконда яшаётган одам томонидан қабул этилади. Бинобарин, таҳлилга тортилган ҳар қандай бадиий асарнинг яратилган ва текширилаётган даврларга хос хусусиятларини ҳисобга олмай туриб, асосли эстетик тўхтамга келиш имконсиз. Ўрганилаётган асарга тарихийлик нуқтаи назаридан ёндашилмаса, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини ҳам, уларни бирор хатти-ҳаракатга ундаган сабабларни ҳам тушунмаслик мумкин.

Тарихийлик тамойилига таяниш, айниқса, замонавий асарларни текширишда алоҳида аҳамият касб этади. Чунки агар мумтоз адабиётнинг асл намуналари бошданоқ соф санъат асари тарзида яратилиб, ўтмиш санъаткорлар учун бадиий шакл устувор мақомда турган бўлса, замонавий ижодкорлар учун ўзгача ҳолат хосдир. Оламни эстетик идрок этишда глобал тасвир йўналишида кетаётган замонавий ўзбек адиблари томонидан яратилган деярли барча асарлар бирор ҳаётий туртки туфайли вужудга келган ва ўша тарихий шароит ҳисобга олинмаса, асарни тўғри тушуниш ҳамда тушунтириш маҳолроқдир.

Адабий асарни таҳлил қилишнинг муҳим принципларидан бири эстетик асосларнинг устуворлиги тамойилидир. Бадиий асар инсон руҳияти манзараси бўлгани боис, ўқувчиларни энг қабарик, энг таъсирчан туйғулар билан юзма-юз қилади. Шу тарика, китобхонлар ўзга одамларнинг руҳиятига ошно бўладилар. Аслида, ўз туйғуларинида англаб етишга қийналадиган китобхонни ўзгалар ҳиссиётини туйишга йўналтириш унинг сезимларини ингичкалаштириб, кечинмаларини ўткирлаштиради. Эстетик асослар устувор бўлган бадиий таҳлилга ўқувчининг қалб кўзини очиб, уни туйғусизлик ва ҳиссизликдан қутқаради. Бадиий асар воситасида бепарволик ва лоқайдликдан халос бўлиш инсон маънавий тараққиётида улкан аҳамият касб этади.

Маълумки, чинакам бадиий асарнинг эстетик жозибаси унинг сиртида турмайди. Матндаги яширин нафосатни, зарифликни англаш, унинг бадиий қатламларини кашф этиш учун муайян адабий билим ва эстетик диддан ташқари гўзалликни керакли жойдан қидира билиш малакаси ҳам шаклланган бўлиши керак. Чин гўзаллик ҳамини яширинган бўлади. Яширин гўзалликни топиш эса осон эмас. Ижодкор томонидан «шифрлаб қўйилган» номаълум бадиий маънони, эстетик жозибани топиш адибнинг эстетик идеалини, тасвир услубини пайқай олган кишига насиб этади. Бадиий таҳлил қилинмаган асар ечилмаган тест каби номаълумликдир. Таҳлил ана шу номаълумликни очадиган мантиқий-эстетик калит вазифасини бажаради.

Таҳлилда эстетик асосларга етарли эътибор бермаслик асл санъат асарларини йўққа чиқариши мумкин. Ҳазрат Навоийнинг «*Лолазор эрмаски, оҳимдин жаҳонга тушди ўт, Йўқ шафақким, бир қироқдин осмонга тушди ўт*», матласи билан бошланадиган газалига фақат мантиқий тушунчалар асосида ёндашган киши ундан ўта чуқур маъно тополмаслиги мумкин. Бу сатрлар юксак ва бетакрор ҳиссий ҳолат ифодаси тарзида ўрганилгандагина ундаги тенгсиз жозибани туйиш мумкин бўлади. Қип-қизил бўлиб очилган чексиз-чегарасиз лолазор қўйнида турган лирик қаҳрамон маъшуқаси ҳажрида куйиб, ичи оловга тўлиб кетган. Унинг назарида, уфқларга қадар туташиб кетган бепоён қизиллик очилган лолазор эмас, балки маъшуқа фироғида куйган ғамбода ошиқнинг оҳидан дунёни тутиб кетган олов. Лолазор бориб туташган уфқ тепасидаги қизиллик ҳам шафақ нури эмас, балки ошиқнинг оҳидан чиққан ўт ерни ёндириб бўлиб, осмон ер билан туташган жойдан кўкка чирмашди ва энди осмон ҳам бир қирғоғидан ёниб кетмоқда. Шу хилдаги ёндашувгина мисралар жозибасини тўла ҳис этишга хизмат қилади.

Бадиий таҳлилни амалга оширишда эмоционаллик тамойили ҳам катта ўрин тутаяди. Бадиий адабиёт борлиғича ҳиссиётга асосланган ҳодиса. Демак, бадиий таҳлилда ҳам асарнинг ҳиссиёт кўзгаш хусусияти кўзда тутилиши муҳим. Ҳиссиёт ҳисобга олинмаган таҳлилда бадиий асарнинг эстетик ўзига хослиги йўққа чиқади. Таҳлил кишининг туйғулар оламига даҳл қилсагина, асарнинг бадиий ва ҳаётий мантиги ҳамда эстетик жозибаси очилади.

БАДИЙ ТАҲЛИЛНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Бадиий таҳлилда адабий матнга қандай ёндашилаётгани, унинг қайси жиҳатини тадқиқ этиш кўзда тутилаётгани ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. *Таҳлил этилаётган бадиий асарнинг қайси жиҳатига бирламчи эътибор берилиши лозимлигини белгилаш таҳлилнинг йўналиши тушунчасини англатади.* Бадиий асар таҳлилининг тўлақонли бўлиши таҳлилчининг матнни қандай йўналишда текшираётганига боғлиқдир.

Бадиий таҳлил илмида асар таҳлили генетик, типологик, функционал, фалсафий, психологик ва филологик сингари олти йўналишда амалга оширилиши қайд этилади. Албатта, таҳлил йўналишларининг бу хилдаги таснифи бирмунча шартлидир. Негаки, одатда бадиий таҳлил жараёнида бу йўналишлардан бирортаси устувор ўрин турса-да, деярли ҳеч қачон фақат биттасидан фойдаланилиб, бошқаси четлаб ўтилмайди. Чунки ўрганилаётган асар эстетик тизим бўлгани учун унинг таҳлилига ҳам ажралмас қисмлардан иборат бутунлик тарзида ёндашиш, яъни, матнга ҳар жиҳатдан қараш зарурияти ҳамиша сақланиб қолади.

Бадиий асар генетик йўналишда таҳлил этилганда, асарнинг юзага келиш жараёни, вариантлари, ёзилиш сабаблари тадқиқ этилади. Бунда асарни юзага келтирган омиллар кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Типологик йўналишда таҳлил қилинаётган асарни юзага келтирган бадиий ёки ҳаётий манбалар, таҳлил этилаётган асарнинг ўша даврда яратилган бошқа асарларга ўхшаш ҳамда фарқли томонлари, асар муаллифи билан ўзга адиблар орасидаги ижодий таъсир, бадиий ворислик кабиларни аниқлашга эътибор қаратилади.

Функционал йўналишдаги таҳлилда асарнинг ижтимоий таъсир кучини аниқлашга алоҳида диққат қилинади. Унда ўрганилаётган асарнинг муайян миллат маънавиятида қандай ўрин тутиши текширилади. Таҳлил қилинаётган асарнинг миллий адабий жараёндаги ўрни, яратилган замондаги ёки текширилаётган даврдаги кишилар тафаккурига қилган таъсирига алоҳида аҳамият берилади. Асардаги қайси образ ёки тасвир орқали қандай ижтимоий қонуният ёхуд муаммо ёритилгани текширилади. Ўзбек бадиий таҳлил амалиётида функционал йўналишдан кенг фойдаланилади. Бу йўналиш қатор ижобий хусусиятлар билан биргалликда тенденциозлик, матннинг бадиий жозибасини эътибордан қочириш сингари салбий жиҳатларга ҳам эгадир.

Бадиий асар фалсафий йўналишда таҳлил қилинганда, ёзувчининг дунёқарashi ва эътиқоди, олами кўриш, англаш, тушунтириш ҳамда тасвирлашда таянадиган фалсафий асос текширилади. Бу йўналишдаги бадиий таҳлил матндан узилган фалсафий мушоҳадалардан иборат бўлиб қолмаслиги керак. Текширилаётган асар матндан келиб чиқмайдиган ҳар қандай фалсафий-назарий хулоса амалий аҳамият касб этмайди.

Психологик йўналишда ўрганилаётган асар муаллифи шахсиятидаги ўзига хослик, адибнинг асар устида ишлаш усули, ижодий жараён психологияси, шу кечимдаги руҳий ҳолати ва унинг таҳлилланаётган асарда қолдирган нуқси, муаллиф руҳий дунёсининг матн савиясига кўрсатган таъсири каби жиҳатлар ўрганилади. Таҳлилнинг бу йўналишида муаллифнинг тасвир услубини тайин этган омиллар, шахсиятга хос жиҳатларнинг бадиий ҳақиқатга эврилиш йўсини текширилади.

Лингвистик йўналишдаги бадиий таҳлилда асосий эътибор асарнинг тил жиҳатига қаратилади. Бу йўналишда асар филологик ҳодиса сифатида тил ва тасвир воситаларини қўллаш, тилнинг тасвир имкониятлари доирасида бадиий шакллар яратиш нуқтаи назаридан текширилади. Бунда муаллифнинг фаолияти анъанавийлик ва новаторлик позициясидан баҳоланади. Сўзнинг ўз ва бадиий маъноси, контекстдаги жозибаси, бадиий матн замирига яширилган мазмун ва бу яширилганликнинг ҳаётий-эстетик сабаблари сингари жиҳатларга эътибор қаратилади.

Таъкидлаш керакки, юқорида саналган йўналишлар деярли ҳеч қачон биттадан қўлланилмайди ва ҳамиша бир нечаси ёхуд барчасидан аралаш ҳолда фойдаланилади.

БАДИЙ ТАҲЛИЛ БОСҚИЧЛАРИ

Жиддий ҳозирликни талаб қиладиган илмий-эстетик жараён сифатида бадиий таҳлил муайян bosқичларда амалга оширилади. Амалиётда адабий таҳлилнинг уч bosқичи мавжудлиги кузатилади. Биринчи тайёрланиш bosқичда тадқиқотчи бадиий таҳлилга имконият ҳозирлайди. Иккинчи, яъни, таҳлил қилиш bosқичида бадиий матн таҳлил этилади. Учинчи bosқич хулосалашдан иборат бўлади ва

таҳлил юзасидан билдирилган фикрлар муайян тизим тарзида умумлаштирилиб, илмий хулоса чиқарилади, асарнинг ютуқ ва камчиликлари, ўзига хослиги кўрсатилиб, унинг адабиётдаги ўрни белгилаб берилади.

Тайёргарлик босқичида таҳлил этиладиган асар матни синчиклаб ўрганилиши, таҳлил кечимида эътибор қаратиладиган, урғу бериладиган жиҳатлар аниқланиши, асосий нуқталар белгиланиши лозим. Шунда таҳлилнинг иккинчи босқичи муваффақиятли амалга оширилиши мумкин.

Бевосита бадиий таҳлил амалга ошириладиган иккинчи босқичда матннинг жозибadorлигини таъминлаган эстетик омиллар: тимсоллар тизими, персонажлар руҳиятини кўрсатишда қўлланилган усуллар, ифода тарзидаги ўзига хослик, тил хусусиятлари сингари жиҳатлар текширилади. Таҳлил қилинаётган асарнинг эстетик қиммати, миллат бадиий тафаккур тараққиётидаги мавқеи белгилаб берилади.

Хулосалаш-умумлаштириш босқичида асарнинг муайян ижодкор эстетик тақдири ва миллий бадиий тафаккур тараққиётида тугган ўрни юзасидан умумлашма йўналишдаги тўхтамга келинади.

Чуқур бадиий таҳлилсиз теран бадиий тасвир бўлиши гумон. Кўп асрлик ўзбек адабиёти тарихи мобайнида бадиий матн ривожини билан адабий фикр, яъни, эстетик таҳлил тараққиёти ёнма-ён келади.

Бадиий таҳлил ҳам бадиий матн яратиш борасидаги босқичларга бир мунча мувофиқ келадиган босқичларни босиб ўтди. Жумладан, янги ўзбек адабиётида XX асрнинг бошларидан эътиборан бадиий таҳлил асар сюжетининг қайта баёни ва ундан ижтимоий маъно келтириб чиқаришдан иборат бўлди. Бу хил таҳлил учун асарнинг эстетик қимматини тайин этишдан кўра, унинг ижтимоий аҳамиятини кўрсатиш муҳим саналар эди. Шу сабабдан бу босқичда бадиий матнга функционал ёндашув устуворлик қилди.

XX асрнинг 30-50-йилларида жамият ҳаёти қарама-қарши синфлар ва улар ўртасидаги аёвсиз курашлардан иборат деган қараш ҳукмронлик қилди. Бинобарин, бадиий асар таҳлилида ижтимоий ёндашув устувор бўлди. Бадиий асарлар фақат синфий позициядан таҳлил қилинди. Сирасини айтганда, бу даврда бадиий таҳлил эмас, ижтимоий талқин амалда бўлди. Бу хил ёндашувда асарнинг бадиий жиҳатлари, жозибаси эмас, балки қайси мавзуга бағишлангани, қандай масала кўтариб чиқилгани, қай бир ижтимоий қатлам манфаатига хизмат қилгани, кимлар қаҳрамон қилиб олинганлиги каби жиҳатларни аниқлаш муҳим саналди. Бу даврда бадиий таҳлил асар матнини ўрганиш, муаллифни англаш йўлидан бормади, балки асар юзасидан ҳукм ўқиб, адибнинг шахсий тақдирини ҳал этишга уринди.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, миллий адабиёттанувда чинакам таҳлилга юз бурилиб, асарнинг жозибасини таъминлаган, унинг завқибелигига сабаб бўлган омиллар текширила бошланди.

Инсоннинг ижтимоий-физиологик мақоми, унинг имкониятлари даражасига соғлом мантиқ билан ёндашила бошланган замонавий адабиётда ҳаётни мантиқий яқунга эга ҳодиса тарзида кўрсатишдан унинг боши-охири йўқ узлуксиз ҳодисотлар занжири сифатида тасвирлаш босқичига ўтилди. Одам нафақат ҳаётни, балки ўз умрини, ҳатто тириклигининг биргина кунини ҳам фақат ўзи истаганидай йўлга қўя олмаслиги, унинг умри олий бир куч томонидан ўзигагина маълум йўсинда бошқарилиши англаб етилди. Миллий адабиёттанувда ҳам масалага шундай ёндашиш, бадиий таҳлил кечимида шу ҳолатни кўзда тутиш ўзлаштирилмоқда. Бу ҳол нигоҳларини кўпроқ ўз ички дунёсига қаратган адабий қаҳрамонларнинг табиатидаги яширин жиҳатларни инкишоф этиш учун матнни заргарона аниқлик билан тадқиқ этиш заруриятини келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам бугунги бадиий таҳлил борган сари тадқиқотга айланиб бормоқда. Бу бадиий таҳлилнинг асар моҳиятини англаш воситасига айланаётганидан далолатдир.

«...ТЕЛБАГА ЙЎҚДУР ҚАЛАМ»

Шекспир асарларидаги ақл чегарасига сизмайдиған телбалар, содда-айёрлар, масхарабозлар образи, персонажлар аро муносабатлардаги номутаносибликлар, ҳаракат ва нутқ жараёнидаги мантиқсизликлар, сюжет чизигида кузатиладиган фавқулодий узилишлар ўқувчида гоҳ ҳайрат, гоҳ тушунмовчилик, гоҳида жиддий эътироз уйғотади. Бу муаммога жаҳон бадий тафаккур эгалари томонидан турлича талқин бериб келинаётгани ҳам кўпчиликка маълум. Аммо, шунга қарамасдан, буюк драматург ижодининг мазкур жиҳати жаҳон шекспиршунослиги олдида ҳамон жумбоқлиғича қоляпти.

«Жаҳон адабиёти» журналида 1998 йил ноябрь, декабрь ойларида нашр этилган Толстойнинг «Шекспир ва драма тўғрисида» номли мақоласи Шекспир ижодига доир айна масала кўламини кенгайтирибгина қолмай, мураккаблаштирди ҳам. 1906 йилда «Русское слово» газетасида чоп қилинганидан сўнг, жаҳон шекспиршунослигида жиддий саросима уйғотган мазкур танқидий мақола, ордан тўқсон икки йил ўтиб, ўзбек адабиётшуносларини ҳам ўйлатиб қўйди. Зотан, сўз салтанатининг икки номдор паҳлавони ўртасида кечган бу курашга бефарқ қараш мумкин эмас. Айна пайтда, уларга ҳакамлик қилиш ҳам ўринсиздек...

Толстой мақоласини маҳорат билан ўзбекчага ўгириб, унга мухтасар сўзбоши ёзган профессор Озод Шарафиддинов (у кишини оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) шундай мулоҳазаларни баён қилади: «Толстой мақоласини қабул қилганлар ҳам бор, аммо уни кескин рад этганлар ҳам анчагина. Лекин, қандай бўлмасин, шу пайтга қадар дунёда ҳали бирон киши Толстой мақоласини чуқур далиллар билан, асосли равишда ишонарли қилиб рад этгани йўқ». Домланинг ушбу сўзлари негизида ўжар далиллар ётибди. Далилга таянган ҳақиқатни эса инкор этиш мумкин эмас. Айна пайтда, бундай «ўжар далиллар» негизида дунёда шундай ҳақиқатлар бўладики, уларнинг инкори-да ҳақиқатга олиб боради, деган парадоксал мантиқ овозига ҳам ўрин бордек.

Шу маънода, ушбу мулоҳазаларимизнинг мақсади бутун умр ақл ва мантиққа содиқ қолган, буюк реалист қарашларига раддия билдириш эмас, балки Толстой баҳона Шекспир ижодининг баъзи гайриоддий жиҳатлари хусусида фикр юритишга уринишдан иборат.

Салмоқдор мақоласида: *«Шекспирни нафақат даҳо ёзувчи, балки энг жўн, ўртамиёна ижодкор деб ҳам тан олиб бўлмаслигини кўрсатишга»* (таъкид бизники-У.Ж.) интилган Толстой, бизнингча, танқидий назарини Шекспир шахсияти, дунёқарашини ва ижодига доир уч муҳим нуқтага қаратган.

Булар:

а) Европа ижтимоий ҳаётида Уйғониш давридан бошланган маънавий, эътиқодий эврилишлар; моҳиятан христианлик ақидаларини бадий усулда талқин ва тарғиб этишга қаратилган драматургиянинг анъанавий функциясидан чекинганлиги; Европа Уйғониш даври мутафаккирларининг католицизм ва христианлик ақидаси ислоҳи, замонавий талқини ўлароқ туғилган протестантизмга янги адабий-драматик шакл топишга эриша олмаганлари, оқибатда, ушбу оммабоп адабий турнинг «ноқис одамлар характери ва уларнинг дунёвий эътиросларини» (Толстой) тасвирлашга шўнғиб кетгани; классик услубда юнон драматургиясига хос

илоҳий моҳиятни англамаслик; Шекспир дараматургияси ҳам мана шу психологик вазиятнинг меваси эканлиги ва бундай кайфият ҳали-ҳануз (Толстой даври назарда тутиляпти – У.Ж.) давом этиб келаётгани;

б) Толстой томонидан жумлама-жумла таҳлил этилган «Қирол Лир», айрим масалалар юзасидан мурожаат қилинган «Отелло», «Гамлет» трагедияларида мазмуннинг саёзлиги; қаҳрамонлар характерининг ҳаракат ва нутқ мантиқидан келиб чиқмаслиги ва, айнан, ҳаракат, нутқдаги яқраглик, мантиқсизлик; сюжет қурилишида классик вариантларнинг жиддий ўзгаришга учрагани, улардаги тизимсизлик, тугун, трагик вазиятлар ва, умуман, асарлар архитектуроникасида меъёрнинг йўқлиги ҳақидаги Толстой хулосалари;

в) Шекспирга хос гўзаллик туйғусининг жўнлиги, Шекспир асарлари эстетикаси ва этикаси замирида тор дунёвий мақсад ётиши («Шекспирнинг асосий принципи-мақсад бўлса, исталган воситани қўллаш мумкин деган принципдир» – Толстой); Шекспир асарларида самимиятнинг йўқлиги, бунинг ўрнини ҳашамдорлик, дабдаба, сунъийлик эгаллагани; Шекспир дунёқарашдаги шовинизм боис, унинг асарларида бошқа миллатларга нисбатан ноҳолис муносабат етказилик қилиши ва ҳоказо.

Толстойнинг юқорида бир қадар умумлаштириб берилган эътирозларини тўғри тушуниш, ҳолис талқин этиш учун, бизнингча, Европа ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий муҳитига хос айрим масалаларга ойдинлик киритиш зарурати бор. Эстетика тарихи гувоҳлик беришича, Шекспир адабиёт майдонига қадам босган давр Ўрта аср Европасида гегемонлик қилиб келган христиан ақидасининг инқироз палласига тўғри келади. Инсон феноменига муносабатда мутаассибона позицияда турган католик ва христианлик черкови ақидасининг ислоҳи, маълум маънода инкори сифатида Европа протестантлиги ва кальвинизм таълимоти пайдо бўлди. Эски ва янги ақида аро кураш узоқ вақт – 17-18-асрларгача давом этди. Бундан келиб чиқадики, эски ақида ўз ўрнини янги диний таълимотга осонликча бўшатиб бермаган. Бунинг яна бир сабаби қарийб бир ярим минг йилдан ортиқ Европа халқларининг қон-қонига сингиб кетган анъанавий ақидадан воз кечиш ёки унинг ўрнига нисбатан бегона таълимотни қабул қилиш омма психологияси учун бир қадар ёт бўлган. Бундай маънавий эврилишлар учун ташқи таъсирлар, сунъий ташвиқотлар қоникарли натижа келтирмаслиги, айна жараянда керагича вақт, воқеликнинг табиий оқими шарт эканлиги қундай равшан. Шунингдек, протестантлик ва кальвинизм жорий даврдаги мутафаккир табақанинг барчасини ҳам ишонтира, ортидан эргаштира олмаган. Янада аниқроғи, янги универсал таълимот сифатида даврининг илғор тафаккур эгалари талабларини қондиришга ожизлик қилган. Тарихий далилларга кўра, бошида Лефевр де Этапль (1455-1537) турган протестантлик, Жан Кальвин (1509-1564) асос солган кальвинизм таълимотлари Франция ижтимоий-маънавий муҳитида катта аҳамият касб этган бўлса ҳам, бошқа Европа мамлакатларида, хусусан, Англияда у қадар кенг қулоч ёя олмаган. Бизнингча, айнан шу сабаблар туфайли Уйғониш даврининг энг етакчи мутафаккирлари ё илм-фан, ақл ва тажрибани ё халқ поэтик тафаккурини ёки ислом Шарқи фалсафий қарашларини бадиий адабиёт, хусусан, драма учун, маънавий таянч ўлароқ танлашни маъқул кўрганлар. Баъзи Уйғониш даври мутафаккирлари ижодида саналган омилларнинг бири, баъзи кенг қамровлиларида эса уларнинг барчаси мужассам тарзда бадиий-эстетик асос бўлиб хизмат қилган.

Толстой мақоласида кўп бор тилга олинган юнон классик драмалари, Антик ва Ўрта аср ривоятлари, гаройиб сюжетга эга солномалар Уйғониш даври адабиёти учун маънавий асос бўла олмасди. Чунки, ушбу манбалар бу даврга келиб маънан эскирган, тафаккур шакли сифатида ўз умрини яшаб бўлган эди. Инсоният тарихидан маълумки, ҳеч бир жамият ёки шахс маънан эскирган ақидага қайтган эмас. Бу қонуният. Шунинг учун Уйғониш даври мутафаккирлари гарчи Юнон классик сюжетига мурожаат қилган бўлсалар-да, уларга фақат шаклий восита сифатида қараганлар, холос.

Жаҳон классицизм адабиётининг асл намуналарини ва, айнан, драматик асарларни кузатганимизда шунга амин бўламизки, юксак бадиий потенциал билан истифода этилган классик шакл на адабиёт тараққиётини, на истеъдодни чеклайди. Аксинча, классицизмнинг гениал намуналарида муаллиф бадиий концепцияси, классик сюжетни истифода этароқ, умумэстетик, умуминсоний моҳият касб этади. *Бундан келиб чиқадики, катта адабиёт майдонида драма ҳам, роман жанри сингари, муаллиф савияси ва ижтимоий қараешларининг ўзгариши натижаси ўлароқ жанрий, йўналиший хусусиятларини ўзгартириб турар экан.*

Шекспир ўзининг машҳур асарларини ёзганда, ўзигача мавжуд бўлган драмалар, комедиялар, солнома ва ривоятлар сюжетидан фойдаланганини ҳамма билади. Лекин, шунга қарамадан, Шекспир асарлари пафоси, бадиий концепцияси, характери жиҳатидан ўз даври учун том маънода янгилик эканини ҳам инкор этиш мумкин эмас. Толстой мақоласида Шекспирнинг «Қирол Лир»ига манба бўлган «эски драма»нинг жозибаси Шекспир асаридан устун қўйилади. Ҳақиқатан, бу асарнинг сюжет тизими, нутқи, ҳаракатлари рисоладагидек. Барча драматик вазиятлар мантиқий асосга эга. Воқеалар тушунарли. Ушбу асар сўнггида Лир ҳам, қизлари ҳам ўлмайдилар. Аксинча, кекса Лир қатор драматик вазиятлардан кейин севимли кенжа қизи Корделия билан бирга қолиб, мурод-мақсадига етади. Зотан, унинг мақсади умрининг сўнгини Корделия ҳузурида тавба-газарру билан ўтказиш эди, вассалом. Шекспир асаридаги Глостер оиласи билан боғлиқ сюжет чизиги эса классик драмада умуман йўқ. Шу нуқтаи назардан айни драма ягона сюжет чизиги, ягона мантиқ ва мақсадга эга. «Гамлет» ва «Отелло»нинг классик сюжетларига нисбатан ҳам шу гапни айтиш мумкин. (Бу ўринда «классик» терминини анъанавий деган маънода қўллаймиз — У.Ж.).

Хўш, Шекспирга ушбу классик сюжет нега керак бўлди?

Бизнингча, Шекспирнинг мақсади, классик драмадаги сингари, Қирол Лир ҳаёти билан боғлиқ мантиқ ва ҳаётий мувозанатга эга қизиқарли воқеани акс эттиришига бўлмаган. Асар таҳлили «Қирол Лир»да бир эмас, бир нечта умуминсоний муаммо икки сюжет тизимида универсаллаштирилгани, бадиий синтез қилинганидан далолат беради. Яъни, **Лир сюжет тизимида:** 1) оталар ва болалар муаммоси (бу муаммо ҳамма замонларда Европа маънавий ҳаёти учун хос бўлган); 2) иззаттаблик ва такаббурлик (мутакаббир сифати фақат оллоҳга хослигини барча ислом Шарқи алломалари таъкидлайдилар); 3) маънавий бузуқлик (мол-дунё, шухратга ўчлик, никоҳга, қондошларга, дўстларга хиёнат). **Глостер сюжет тизимида:** 1) никоҳсиз туғилган фарзанд (Шарқда валади зино); 2) мунофиқлик, ҳасад (Шарқ ислом фаслсафасида мунофиқлик ўта ёмон қусур ҳисобланади. Ҳатто мунофиқликнинг қотил ва зинокордан ҳам хавфлироқ экани, бундайлар оила ва ижтимоий муҳитда улкан инқирозлар юзага келишига сабаб бўлишлари мумкинлиги айтилади). Шунингдек, мустақил асарлар бўлган «Гамлет» ва «Отелло»да хиёнат, рашк ва қасос каби маънавий категориялар эстетик категория даражасига кўтариладики, бу ҳам Шарқ халқлари маънавий қадриятларига яқин келади.

Шекспирнинг мазкур уч асари жанр нуқтаи назаридан трагедия, деб белгиланган. Кўринадикки, Шекспир классик солнома ва драмалар сюжетидан фойдаланиб, бадиий талқиннинг энг юксак намунаси-трагедияни ижод қилган. Маълумки, ушбу жанрдаги асарлар учун трагик сюжет, трагик нутқ, трагик вазият, трагик тугун, трагик кульминация, трагик ечим ва ҳоказолар етакчилик қилиши шарт. Демак, Шекспир ўз асарларида ўзигача мавжуд бўлган солномалар, комик ёки драматик асарларнинг шакл этиборидан фойдаланган, натижада ўқувчи (томошабин)га тамомила оригинал талқин турини — трагик пафосни тақдим этган. Муҳими шундаки, классик вариантлар қаҳрамонлари мантиқий воқелик, жамият ёки муайян кучлар қаршисида драматик вазиятларни бошдан кечирсалар, Шекспир қаҳрамонлари объектив шаклга эга бўлмаган, ҳар қандай маъни-мантиққа бўйсунмайдиган, ақлни лол қиладиган яширин куч, хаотик энергия, шаҳвоний истаклар, қудратли ва ёвуз туйғулар қаршисида ожиз қоладилар. Изоҳ шуки,

Шарқда барча ёвузликлар инсон ботинида бўлиши, ўз нафсини енгган одамгина комилликка эришиши, қалб муолажаси жамият ва оила саодатининг калити экани уқдириб келинади. Демак, инсоннинг нафс олдидаги ожизлиги энг улкан фожиаси, Шекспир трагедияларида айнан шу муаммо акс эттирилади.

Шекспир трагедияларида, Толстойда энг кўп эътироз тугилишига сабаб бўлган телба, айёр ва масхара образлари асосий ўринни эгаллайди десак, янглишмаймиз. Уларнинг баъзилари (Гамлет, Эдгар) муаллиф томонидан атайин телбага айлангиларилса, бошқа бир тоифаси (Лир, Отелло, Офелия) ҳақиқатан телба бўлиб қоладилар. Бу икки тоифа телбаларнинг бир қарашда мантиқсиз туюладиган бадий функцияси моҳиятида Шекспирнинг асл бадий концепцияси, таъбир жоиз бўлса, темир мантиқи бор. *Назарий жиҳатдан, Шекспир трагедияларида телбалик, ечимсиз вазиятда қолган қаҳрамон учун трагик ечим вазифасини ўтайди.* Мазкур назарий хулосани Шекспир асарларидаги телбаларнинг бадий функцияси тўла далиллайди.

Шекспир трагедияларидаги телбаларнинг икки тоифага бўлиниши ҳам тасодиф бўлмай, муайян ички тизимга асосланади. Яъни, қайси қаҳрамон объектив кучлар қаршисида ожиз қолиб трагик вазиятга тушса, улар бу вазиятдан ясама (сунъий) телбалик воситасида чиқиб кетишади. Бундай қаҳрамонларни фақат телба деб аташ ноўрин. Уларга нисбатан масхара ёки телба-айёр жуфтлигини қўллаш тўғрироқ бўлади, бизнингча. Муҳими, уларнинг нутқлари ҳам ўзига хос, унда алжираш, ҳикмат ва киноя оҳанглари синтезлашиб кетади.

Масалан, «ўзга дунё» вакили - отаси орқали барча мудҳиш сирлардан воқиф бўлган Гамлет биродаркуш амакиси, хиёнаткор онаси, молпараст мулозими, лаганбардор дўстларининг ёвуз туйғулари қаршисида ёлғиз қолади. Шундай улкан кучга қарши курашга маҳкумлиқ туйғуси, қасос изтиробни уни трагик шахсга айлантиради. Трагик вазиятдан чиқишнинг объектив имконияти бу ўринда йўқ. Айни вазиятда, Гамлет айёрликка ўтади. Ўзини жинниликка солади. Хусусан, Клавдийнинг содиқ мулозими Полоний томонидан: «Мен қўлингиздаги китобда нима ёзилганини сўраётирман», дея берилган саволга шундай жавоб қилади:

«Тухмат ёзилган. Бу муттаҳам ҳажвчининг ёзганига ишонсак эмиш, чолларнинг сочлари оқ бўлармиш, бетлари ажинларга тўлармиш, гўё кўзларидан мум шираси ва олхўлари елими куюқ-куюқ оқиб кетармиш ва гўёки уларнинг калласида ақлдан хотиржамлик, сонларида эса дармондан камлик содир бўлармиш...» (Шекспир. Танланган асарлар. Гамлет. Беш жилдлик. Учинчи жилд. Тошкент, 1983 йил. Мақсуд Шайхзода таржимаси). Кўринадики, телба Гамлет аён ҳақиқатни инкор қилиб, телбалигини намоён этаётган бўлса ҳам, нутқидаги киноя оҳанги, шунга хос қурилма трагедиянинг бутун ҳикматини, трагик қаҳрамон пафосини англаиб турибди. «Қирол Лир» трагедиясида зинодан тугилган мунофиқ ука тухматига учраган покдомон ўғил, улугвор ният соҳиби, «айбсиз айбдор» – Эдгар ҳам ўзини телбага солар экан, Флибертижиббит номли шахватпараст алвасти ҳолижонига қўймаётганидан зорланади. Аламзада Лирга қарата: «Қадамнингни ишратхоналардан, қўлингни хотинлар этагидан, қаламингни қарз тилхатлари ёзишдан йироқ тут», деган мазмундор кинояни ўртага ташлайди. Ва маънисиз туюлган ушбу нутқида биратўла учта ахлоқий муаммони: ишратпарастлик, зино ва судхўрликни инкор қилади. Зотан, бунда Лир фожиасининг ҳам, Эдгар фожиасининг ҳам мазмун-моҳияти акс этади.

Шекспир телбаларининг иккинчи тоифаси ўз нафслари қаршисида ожиз қоладилар. Улар, ёвуз кучлар қутқусидан ўзини телбаликка солиб қутилган Гамлет ва Эдгардан фарқли равишда, шахват(нафс) тузоғидан ақл воситасида қутилиб кетолмайдилар. Оқибатда ҳақиқий телбага айланадилар. Шекспир трагедияларига хос бундай ҳолатлар ҳам трагик ечимни ифодалайди, аммо бунда биринчи мисолдаги каби рационал(ақлий) ечим эмас, балки иррационал (жунуний) ечим бадий концепция ўзагини ташкил этади.

«Қирол Лир»да Лир, «Гамлет»да Офелия, «Отелло»да Отелло образларида намоён бўладиган бундай ҳолатларни жаҳон адабиётшунослари «дионисийское (ди-

онисийлик)» деган назарий термин остида изоҳлайдилар. Ушбу назарий тушунча И.Кант, Ф.Шиллер, Ф.Нитше, Й.Винкельман, В.Хализов сингари файласуф ва назарийчилар асарларида, адабий манбалар мисолида, эстетикликнинг зидди ўлароқ талқин этилади. Қисқача тушунтирилганда «эстетическое» (эстетиклик) тартиб-космосга асосланган бадиий воқеликни акс эттирса, «дионисийское» тартибсизлик - хаосга асосланган бадиий воқеликни ифодалайди. Олимп фуқароси Дионис билан боғлиқ антик мифда шу тушунчанинг рамзий изоҳи яширингани боис, «дионисийское» термини илмий муомалага олиб кирилган.

Гарчи, ўзбек адабиётшунослигида ушбу мустақил категория илмий истеъмолга кирмаган бўлса-да, адабиётимиз бундай ҳолатларни азалдан талқин этиб келади.

Ҳазрат Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асаридаги «Шайх Санъон» ҳикоятида руҳий ҳолатнинг юксак намунаси тасвир этилган. Торсо қиз ишқида адо бўлган Шайх Санъон бир тақводор муридианинг:

*Бири деб: — К-эй муқтадои аҳли роз,
Бу бало дафъига вожибдур намоз, —*

дея берган маслаҳатига шундай жавоб қилади:

*Шайх дебким: — Урма бу маънида дам,
Телбадурман, телбага йўқтур қалам.*

(Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн учинчи том. Лисон ут-тайр. Тошкент. 1996 йил).

Бу ўринда, ҳазрат Навоий «қалам» деганда илоҳий қонуниятларни назарда тутаётганига шубҳа йўқ. Демак, телба одам учун наинки ижтимоий қонуниятлар, илоҳий қонуниятлар ҳам ўзгача. Шайх Санъон айтган ҳақиқат эса ўзбек халқи орасида бироз бошқачароқ шаклда — «Жиннига қонун йўқ» ҳикматида акс этади.

Шекспирнинг Лир, Офелия, Отелло сингари қаҳрамонлари учун ҳам, жунун ҳолатида, табиат ва жамиятнинг барча қонунлари ҳечга айланади. Ўзининг иззатталаблиги ва такаббурилиги туфайли қизлари томонидан рад этилиб, ечимсиз вазиятда қолган Лир трагик ечимга телбалик орқали келади. Энди унинг учун давлат қонуниятлари ҳам, киборлар муҳити қонуниятлари ҳам, табиат қонуниятлари ҳам (бўронни эсланг) ўз аҳамиятини йўқотади.

Илло, подшоҳликни дабдабаю асаслари, хазиналарию аскарлари, бутун ер-мулки, киборлар жамиятини барча шон-шавкати, қизларини фарзандлик ҳаққи билан ташлаб чиққан бу трагик қаҳрамон қайси қонунни тан олиши мумкин эди? «Жиннига қонун йўқ» экан, ундан мантиқ талаб қилишнинг ўзи мантиқсизлик бўлмайми?

Ўзидаги сўқир рашк туйғусини жиловлай олмаган Отелло бегуноҳ Дездемонани бўғиб ўлдиради. Айнан рашк уни ақдан оздиради, аммо қизиғи шундаки, Отеллонинг телбалигида ҳам улугворлик бор. Чунки, қотилликка қўл ураётган Отелло то сўнгги дақиқаларгача ўзини ҳақ деб билади, хиёнаткорга жазо бераётганига ишонади. Аммо хатосини англаб етганда эса, (бу асарнинг трагик кульминацияси) гишт қолипдан кўчган бўлади.

Умидсиз муҳаббат изтиробни Офелияни ҳам телбага айлантиради. У отасининг қотилини севолмас, севмаса ҳам бўлмас эди. Мана шу амбивалент (икки зид туйғунинг синтезлашуви — У.Ж.) туйғу Офелиянинг телбалигига асос бўлади. Айнан телбалиги боис, Офелия илоҳий қонунлардан юз ўгиради, жонига қасд қилади.

«Қирол Лир» трагедиясининг 3-парда, 6-саҳнаси сўнггида асардаги Масхара образи саҳнани бутунлай тарк этади, қайтиб кўринмайди. Баъзи адабиётшунослар трагедиядаги ушбу ҳолатни ҳам, Шекспирнинг мантиқсизлигига йўядилар. Адаби-

ётшунос Сувон Мели эса айна ҳолатни қуйидагича изоҳлайди: «... Лир вужудида Масхарага, унинг тафаккур тарзига хос жиҳатлар бисёр бўлиб, муайян нуқтада бундай жиҳатлар йўқолади. Руҳан қайта тугилган (телба бўлгани назарда тутилмоқда-У.Ж.) Лирда Масхарага, яъни, ўз-ўзини назорат қилишга энди зарурат ҳам йўқ, куч ҳам. Зеро, Масхара образи моҳиятини ташкил этувчи аччиқ киноя инсоннинг ўз-ўзини четдан туриб кузатиши, таҳлил қилиши учун муҳим воситадир.

Олий ҳақиқатга киноя ёт. Киноя ожиз ва аламзадалар қуроли». (Сувон Мели. Ҳазиллашманг даҳо билан. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. 2002 йил).

Олий ҳақиқатга киноя ёт экани, шубҳасиз. Шу боис ҳам олий ҳақиқат юкини елкасига олган телба Лир руҳиятига Масхара сиймайди. Эндиликда, у олий ҳақиқат арқонини тутганча, ўз қисматининг интиҳоси томон одимламоқда эди. Айна пайтда, олий ҳақиқат фақат улугвор трагик образ тимсоли ўлароқ намоён бўлгучи Лиргагина эмас, балки шундай улугвор гоёлар соҳиби бўлмиш Шекспирга тегишли экани бор гап. Воқеан, олий ҳақиқат универсал бўлади. Яхшиёмон, оқ-қора, гўзал-хунук, оқил-телбаларнинг барчаси бирдек унга хизмат қилади.

Хуллас, шекспирона гўзаллик тушунчасининг чигал ва мураккаблиги ҳам, олий даражадаги трагизими ҳам, энг муҳими, миллат ва замон танламаслиги ҳам ундаги ҳаққониятда. Самовий бадиият (ҳақиқат) шу қадар юксак, баъзан уни англаш учун тафаккур ва мантиқнинг ўзи кифоя қилмайди. Толстой танқидига хос ҳақиқат эса, кўпроқ мантиққа таянадикки, у ҳам, ўз навбатида, бир ижодкор қараши сифатида аҳамиятлидир.



Аҳмад АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

«ШЕЪРИМДА УЗОҚ БИР ИШҚНИНГ ШАРҲИ БОР...»

Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг шеърларида ишқ ва муҳаббат дарди мумтоз адабиётимизга хос сўз ва мастона оҳангда эмас, балки замонавий тарзда, жиддийлик ва бардамлик услубида ифодаланганини сезамиз. Шоир шеъриятида ақл, идрок муҳокама ва мулоҳазалар иштирокида, солим ҳиссиёт билан фикр юритилади. Масалан, шоир «Ёшлик» шеърида ёзишича: «севги қайғу, фалокат эмас, у ям-яшил ўглоқ ва бахмалсимон орзулар», сирасида намоён бўлади.

Яна бир жиҳат. Шоирнинг ўзи эътироф этишича, у шеърларида «узоқ бир ишқнинг шарҳини» берадики, бу «узоқлик» замиридаги ишқ илоҳийми ёхуд реалми, мажозийми, уни аниқ ҳис этиш мушкул. Усмон Азимнинг «Сайланма», «Куз» ва бошқа мажмуаларидан ўрин олган қатор шеърларидан аёнки, унинг «узоқ ишқи» оллоҳ ишқи ёхуд ўзи ўзига қоим зотнинг муҳаббати эмас. Балки бу – лирик қаҳрамоннинг реал ишқи бўлиб, ҳаётдаги маҳбубанинг васлига етиш машаққатлари ҳажридир. Шу тариқа, Усмон Азим ижодидаги муҳаббат ҳаётга муҳаббат ва инсон севгиси бўлиб, у орзулар ва самимий ҳиссиёт билан ифода этилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, замонавий шеъриятда нафис оҳанг ва туйгулар таассуроти бошқача шаклда намоён бўлмоқда. Эндиликда, шоирлар шеърларини ўқувчининг эстетик диди, савияси, орзу-истаги ва дил изҳорини ҳисобга олган ҳолда, шабададек майин, шабнам каби тарутоза, гулдек назокатга бой шаклда оро бериб тақдим этадилар. Ўқувчи шеър ўқиганида хаёлот билан чулганган орзу-армонларга гарқ бўлади ва нафосат дунёсига шўнгийди. У шеърдаги сўзлар ҳароратидан, гўзаллигидан, балки сўз эмас, дилкаш оҳангидан масрурлик ҳис этади. Усмон Азим нозик ҳиссиёт билан ёзади, шеърни майин наво, таъсирчан туйғу ва юракдан жой оладиган муҳаббат деб билади. Унинг сатрларига бир эътибор беринг-а:

*Гулим...
Кўчадан сотиб олдим сени,
Кўкламга ярашиқсан...*

«Гулим» шеърдан;

*Жоним маним,
Қалбим маним,
Кўзим маним,
Ўзга вужуд аро топган ўзим маним,
Юзсиз қолган бу дунёда юзим маним.
Кўзим маним,
Кўзимдаги сўзим маним...*

«Бир севги» шеърдан;

*Тун бўйи гуелади тақдир шамоли
Тушимда,
Жонимда,
Қалбимда эсди.
Учди сукунатнинг бахтли камоли.*
«Кичкина бахт» шеърідан.

Усмон Азим шеърляти — тақдирлар давоми ва йиллар орзуси. Шоир шеърлари ҳаёт каби гўзаллик нашидасидан сарчашма олган туйғу ва, айни пайтда, метин каби мустақкам нидолардир. Ҳар бир шеъри яхлит шаклга эга ва уларни синчиклаб ўрганиш натижасида ижодкорнинг маҳоратини илғаб олиш мумкин. Жумладан, унинг «Сарсон қушлар» шеърисида салмоқ билан айтилган қуйидаги мисраларига диққатни қаратайлик:

*Қанотлари кесилган қушлар
Ер ҳукмига этиб риоя,
Умрларин этагин ушлаб
Яшайдилар монанди соя.
Тушларида энтиқиш, парвоз,
Аммо тушининг умри қисқадир.
Ҳамма ташвиш — бахтга иқтибос,
Чин ҳаётдан чала нухадир.*

Шоирнинг сўзларида бир соҳирлик мавжуд. Уларни киши ўқиб баъзан ҳайрон қолади: улар ихтиёрсиз равишда ўқувчини ўзига тортади, алоҳида кайфият бағишлаб, давомли илиқ қисса каби ширин орзуларга чорлайди. Бу борада «Куз» мажмуасидаги биринчи, эпиграф сифатида келтирилган «Ёмғир ҳиди» номли хаёломуз шеърининг бошланишига эътибор берайлик:

*Ёмғирли кечада фалакка учдим,
Шамоллар юзимга ёпишди ивиб.
Юлдузлар армонли шивирга тушди:
Ёмғирнинг ҳиди-ку, ёмғирнинг ҳиди!*

Шоир шундай сеҳрли ва назокатли шеър ёзиши лозим. Шеър фақат қофия, радиф, вазн ва санъатлар тизимидан иборат бўлмайди. У оддий сўз бўлса-ю, аммо ўқувчини мафтун этса, хаёлот дунёсига чорласа ва бу саёҳат орзуу армонларга чулғаниб кишини коинотга олиб чиқса — бу ҳақиқий мушоҳада ва таассуротдан иборат оҳангдор сўз бўлади, янги руҳдаги эъжозмонанд шеърга айланади. Усмон Азим шеърларининг кўпчилиги шу тарзда яратилган ва ундаги шоирона дид, назарий гоё ва теран мулоҳазалар ҳиссиёт туфайли кучли жозиба ва қувват касб этган.

Таъкидлаганимиздек, Усмон Азим шеърлари образ ва топилмаларга бой. Шоирона образлар тизими, шеърининг гардишлар, нодир санъатлар силсиласи шоир шеърларига жозиба бахш этиб, уларни сержило тимсолларга айлантган. Шоир маҳбубанинги шамолда ҳилпираётган энгини семурғнинг қанот қоқишига қиёслаб, рангоранг манзаравий бир ҳолат яратадики, ўқувчи уни ўқиб ўйга чўмади:

*Семурғнинг қанотидай
Нега ҳилпирар энгинг?
Мен ҳам дашт ҳаётимни —
Сени соғиниб келдим.*

Соғиниш — кимгадир ва нимагадир қаттиқ интилиб, кўмсашдир. Даштдаги ҳаётни соғиниш юртни соғинишдир; у билан лирик қаҳрамоннинг тақдирини боғ-

ланган; унинг қучоғида туғилиб, улғайган. Шунинг учун лирик қаҳрамон дашт ҳаётини эслаганда, унинг шамоли, ўзига хос кўриниши, ҳар бир фаслнинг бири-биридан фарқли қиёфаси, баҳордаги рангоранг гуллари ҳақидаги туйғуларини ифода этади:

*Шамол менинг тақдирим
Баҳорда бир очилмоқ.*

Усмон Азим бошқа бир шеърида тун манзарасини ифодалаб, коинотдаги Сомон йўлига эътибор қаратади ва уни тоғдан тушаётган узун шаршарага қиёслайди. Ушбу қиёс сабаб теран шоирона дид ва гўзал тахайюлот ёдга тушади. Сомон йўли ҳақиқатдан шаршарага ўхшайди: ранги билан ҳам, ҳаракати билан ҳам.

*Сомон йўли — шаршарани
Шопирар боғ узра тун.
Қучоғида капалакни
Босиб-босиб ухлар гул.*

Шоирнинг «Безовта баҳор» шеърида шундай сатрлар бор:

*Қўлингда ҳеч нарса йўқ эди сенинг,
Аммо...
Топмоқ истаб кўнглимни
Худди гулдастадай тутдинг қўлингни.*

Қандай ҳайратбахш сўз! Ушбу сатрлар ўқувчи руҳиятини ҳаяжонга келтиради. Бечора ошиқ маҳбуба кўнглини топиш учун бир даста гулга ҳам кучи етмайди. Лекин у иложини топади. Қўлини худди гулдастадек қилиб, уни маҳбуба томон узатади. Маҳбуба эса ошиқнинг бу ҳолатини пайқайди ва ҳайрат билан унинг кайфиятига боқиб, қандай қилиб уни ўйлаб топганини сўрайди. Шу сўраш катта бир аломатга айланади. Бу ҳолат уларни бир-бирига яқинлаштиради, кўнглиларнинг қўшилишига сабаб бўлади.

Усмон Азим шеърларидаги образ ва топилмалар бадиий тасвирнинг жисм-жони ва вужудига айланган. Яъни, айтмоқчимизки, шоир шеърларида тасвир санъати кучли. Шоир нимани тасвирга туширса худди рассомдек унга жон, жозоба ва куч-қувват бахш этади. Шунда унинг тасвирлари шеъринг портретга ўхшаб кетади, тинмай ўзига тортади. Масалан, у юракни моҳирлик билан ҳарирга ўраб, унга шоирона ранг бериб, сифатлашга ҳаракат қилади. Натижада, образлар бирин-кетин ҳаракатга тушиб, тасвир қудратли бир тимсолга айланиб, юрак деган тунча яхлит бир кучга дўнади ва дунё миқёсидаги мадад-баракат манбаи бўлади:

*Юрак, сен мавждирсан, мавждаги ойсан,
Дарёсан, қудратсан, мангу ҳаракат.
Тиниқ оқишларга ҳамиша бойсан,
Қақраган дунёга мадад-баракат.*

Инсон юраги шоирона тасвир туфайли илоҳий қудратга айланган, дунё тимсоли ва унинг вужуди бўлган юрак ҳақиқатан шундай кучга эга, аммо уни шоирона тасаввурот ила тасвирга тушириш санъатдир. Шоирнинг бошқа бир шеърида гўзал либосга ўраниб хиромон бораётган ҳурилик маҳбуба кейинги сатрлар оғушида келинчақдек безанган шакл-шамойилда тасвирга туширилади:

*Сенинг либосларинг қандай чиройли,
Уфурар бўйнингда қандай атирлар?*

*Борасан — гўёки бир гўзал ойни
Авайлаб чулгамиш ҳарир абрлар.*

Мазкур сатрлар биноси дилкаш иборалар орқали қад ростлаган. «Чиройли либос», «атрлар ифори», «гўзал ой», «ҳарир абрлар» назокат билан айтилган хусноро иборалар бўлиб, шеърга нафосат, сокинлик, ҳушбўйлик ва чирой бахш этган. Шоирона бадийлик ва жонфизо тасвирлар шундай бўлади. Аммо зебо либосга ўраниб бораётган ойдек маҳбубанинг йўли туганмасдир, лирик қаҳрамон бутун умри давомида уни кутади ва йўлига интизор бўлади, лекин маҳбуба етиб келмайди: мақсади ёрга азоб бериш, уни интиқ қилиш ва унга тоқат, сабрбардош тилашдир. Охир-оқибат маҳбуба йўлидан қайтади, уйга киради ва фароғат топади. Тонгда у деразани очса, атроф оппоқ қор... У йўлга чиқмайди.

Қандай тасвир бу? Ошиқона ва шоирона тахайюлга ўраб айтилган бир туйғу ва орзу бўлса керак, албатта. Мақсад ширин сўзлар, нозик адолар ва ёқимли ҳикоятлар билан шоирона илҳомдан башорат бериш ва уни ўқувчи ҳаёлотига жойлаштириш, унинг завқини келтириш ва нафосат дунёсига олиб киришдир. Шеърятдаги бундай ташбеҳлар шоирона ҳунар бўлиб, у адабий тахайюл деб аталади. Усмон Азим эса бу санъатнинг донишманд вакили сифатида саҳнага чиққан ва унинг янграган майин таронаси бу оҳангда жилва этган:

*Урим тугаяпти — йўқдир дарагинг,
Сенсиз вужудимда қанча тоқат бор?
Тонгда деразани очдинг, қарадинг —
Ташқарида қордир, ташқарида қор.*

Шоирона нафис тасвир ва чексиз тахайюл Усмон Азим шеърларининг моҳитини ташкил этади. Зотан, шеър тахайюлсиз бўлмайди, унда бадий ҳаёлот асосий ўринда туради. Усмон Азим шеърятда эса бу ҳунар бутун жозибаси билан намоён бўлади. Тасвир ва тахайюл, ўз навбатида, образли сўзларни вужудга келтиради.

*Икки қошинг — иккита қанот
Икки кўзинг — икки умидқуш...
Дунё каби кўнглим ёришсин,
Қон ичида кулгу ярат... кул.
Лабларимда маним очилсин
Шафақ рангли гунча — қизил гул.*

Мазкур шафақ рангли мисралар ҳақиқатан кўнгилларни ёритадиган дилкушо кучга эга. Маҳбуба кулгуси ва табассуми — ошиқ учун жонбахш озуқа ва тирилтирувчи куч. Шу боис, шоир орзу-умид ва қизил гул нашидаси тарафдори, уларни меҳр билан тасвирлайди. Бу эса Усмон Азимнинг шеърый дунёси ва ул шеърлар дунёнинг рангинкамони, нафосату иссиқлиги. Шунинг учун ҳам унинг шеърлари адабий-бадий ва илмий-услубий таҳлилга лойиқ.

Усмон Азим бир суҳбатида ногаҳон модерн шеърятга ҳақида икки оғиз сўз айтди ва ундан шуни англадимки, у модернга бепарво ва лоқайд. У модернни анъанавий ва янги йўналишдаги шеърлардан устун қўймайди, аниқроғи, ёқтирмайди. Аммо «Куз» мажмуасига қарасак, модерн шеърларининг намуналари кўп учрайди ва бу санъат нафосат билан айтилган жозибали шеърлар либосида намоён бўлади. Аммо модернда кўпроқ рамзу киноя, сарбаста мазмунлар, ўқувчи англамайдиган мавҳум нидолар, лирик қаҳрамоннинг ҳаётга, борлиққа бўлган ички муносабати, уларнинг қандай шаклда кераклиги, муаммоларнинг муҳокамаси, изтироб, сирли фикрлари ҳукм сурадики, Усмон Азим улар ҳақида бошқача фикрдадир. Унингча, модерн шаклидаги шеърлар ёзиш учун рамзу киноя ва нидолар шарт эмас — улар агар ёлғон ва ёхуд тўқима бўлса-чи?!

Жумладан, у модерндаги «иккиюзламачи» тасвирлар, ички муносабатларнинг ноаниқлиги, лирик қаҳрамоннинг зўрма-зўраки гаплари, сохта изтироблару сирли андишаларнинг мавҳумлиги, хунук ва ноўрин нидоларни яхши кўрмайди ва шунинг учун уларга эътибори йўқ.

Таниқли мунаққид Умарали Норматов Ҳамидулла Болтабоев билан адабиёт назарияси масалалари ҳақида яқинда қилган бир баҳсида бугунги адабий жараён муаммоларига ҳам тўхтаб, модерн ва унинг намояндаларига бундай баҳо беради: «Кундай равшан» Чўлпон-Ойбек – Рауф Парфи ижоди орқали муайян тамойил тусини олган тўқсон йиллик миллий модерн шеърятимиз мавжуд. Бугунги кунда бу анъанани янгича кўринишда давом эттираётган Абдували Қутбиддин, Фахриёр, Баҳром Рўзимуҳаммад каби ўнлаб забардаст модерн шоирларимиз бор», («Тафаккур» журнали, 2009 йил, №1, 77-бет).

Фахриёр ва Баҳром Рўзимуҳаммадни билмайман-у, Абдували Қутбиддин ҳақида «забардаст модерн шоир» деган таъбир баландпарвоз кўринади. Бугунги ўқувчи ёлгон ва ножоиз рамзу кинояларга ўраб берилган пастмазмун шеърларни ёқтирмайди. Уни илиқ туйғулардан иборат шеърый ҳиссиёт қизиқтиради; унга ширин оҳанг билан айтилган нафис ва нозик изтироб, муҳаббат, садоқат, ва самимият керак ва уларни айрим шоирларимиз, жумладан, Усмон Азим жуда монанд ҳолда, тонг насими ва шабнам каби назокатли ҳамда, нурли адолар либосида айта олади.

Абдували Қутбиддиннинг бир шеърида қуйидаги мисрани учратдим: «Мабодо алдасам, қўлларим синсин». Рауф Парфининг мисраси ёдимга тушди: «Сен мени алдамайсанми, алдамайсанми?» Алдаш билан қўлларининг синиши ўртасида қандай боғлиқлик бор? Лирик қаҳрамон маҳбуба олдида алдоқчи бўлган бўлса, унга нисбатан аниқ ва мувофиқ таъбир ишлатиш керак. Яна, Абдували Қутбиддиннинг Ватан ҳақида айтган бир мисрасига эътибор берамиз: «Нурим, қорачиқ-қинам, ёрим, онажонгинам». Ватан «онажонгинам» бўлса, унга нисбатан «ёрим» дейиш мантиқан тўғри бўладими?

Мана, сизга модерннинг айрим кайфияти ва тузилиши. Шеър шеърят одобини талаб қилади. XVI асрда машҳур ёзувчи Зайниддин Маҳмуд Восифий Самарқандга келиб, адабий кечада иштирок этаётган шоирдан бир байт эшитиб, қаҳқаҳ уриб кулиб юборади. Мажлис аҳли ҳайрон қолиб унга қарайди. Шунда Восифий айтади: «Тақсир, сиз «тахаллус» билан «тажассус» сўзларини қофияда келтириб хато қилдингиз. Икки охирги «с»-лар икки шаклда: биттаси (тахаллус) «сод» билан, иккинчиси (тажассус) «син» билан ёзилади», дейди. Биз ҳозир модерн деб қофия, радиф, вазн ва таносубга талаб даражасида риоя қилмасак, рамзу кинояларни ноўрин ишлатсак, сўзларнинг муносабатига эътибор бермасак, сохта мазмун ва паришон хаёлларни пардапўш қилиб уларни юксакка кўтарсак, шеърятда ножоизлик бўлмайдами?

Менимча, Усмон Азим юқорида қайд этилган суҳбатида шу ҳақда ўйлаган эди ва шунинг учун унинг модернга нисбатан лоқайлигини мен тушундим. Аслида, Усмон Азим шу шеърый услубнинг тарафдори ва шеърларида ундан фойдаланади. Унинг шеърларида анъана ҳам бор, лекин улар янги типдаги замонавий ижод намуналари ва бугунги ўқувчига маъқул ҳамда мақбул тушадиган санъат тароналаридир. Шоир сўзда таносуб санъатига қаттиқ риоя қилади. Унинг шеърларида ҳар бир сўз, таъбир, ибора услубий ҳамоҳангликка эга ва, шу сабаб, улар маржонга ўхшаб кетади, равон ва мусалсал ўқилади, ўқувчи диққатини тортиб, бошдан охиригача лангар каби мавзун ва мусиқа каби муассир ва муқтадир шеърлар сирасини эслагади. Масалан, қуйидаги байтларда гулларга ўралган шамол ва ундан таассуротга ботган юрак бир-бирига пайванд тарзда, занжир каби силсиладор оҳангга тасвирланади. Шоирнинг ҳамма сўзлари таносубда ва улардан сўз эмас, дилнавоз оҳанг эшитилади, ўқувчи бир олам хаёлотга ботади. Бу байтларни шабада ва шабнамга ўхшаган нафосатли дилжў шеърлар намунаси дейиш мумкин.

*О, боғлар гуллади,
Илиди шамол.
Ёмғирга елка тут — ўсасан юрак...
Сен қандай яхшисан —
Мана, бемалол
Айланиб-айланиб
Турасан фалак.*

Усмон Азим шеърларининг яна бир хусусияти уларнинг қанот қоқиб баланд парвоз қилишида. Масалан, уларнинг баъзилари чаманоро қушга ўхшаб, гоҳ майин, гоҳ гулгуладор парвоз қилса, баъзилари юксакликни забт этиш учун шиддат касб этади. Зотан, агар шеър шоир остонасидан нари ўтмаса, хира ва қоронғуда қолиб, ўз хусусиятини йўқотса, муаллифни барвақт маҳв этади.

Шоирнинг руҳият нафаси билан оғушта шеърлари, биринчи навбатда, гўзаллик тимсоли ва сарчашмасидир. Шу боис, уларнинг парвози ҳақиқатан лочин парвозига ўхшайди ва ўзларидан табиий бир нур таратади. Усмон Азим шеърлари шундай хусусиятга эга. Чунончи, шивирлаб осойишта ўқиладиган куйидаги таъсирли мисралардан мазкур ранг-баранглик ҳолатига ғарқ бўлиш аниқ ва бу ҳолатлар эса мафтункор ва эъзозли қуёш зиёсига ўхшаб кетади:

*Ариқларда оқиб борар ой —
Ариқ борар кўтариб фонус.
Ойдин кунда кечганича лой,
Пишқирмасдан сув ичар полиз.
О, қанақа эртадан тушди —
Ёнарқурт-ку бу тирик олов?!
Унинг митти шафагин қучди
Юлдуз каби тўкилди қиров.
О, нақадар фароғатда дил —
Дил ой каби сочади зиё.
Мени нега қийнадинг қирқ йил,
Бахтли бўлиш осон-ку, дунё?!*

Усмон Азим ижоди серқирра ғояларга бой. Мен фақат унинг айрим замонавий шеърларини кўриб чиқдим. Шоирнинг лирик ва эпик шеърлари бир уммон. Уларнинг асос моҳияти ишқ муҳаббатдан иборат ва биз уларнинг айрим намуналари билан танишдик. Шоир шеърлари кўпинча ақлий муҳокамалар билан қоришиб кетган. Бу эса жиддийлик ҳамда донишмандлик самараси ва аломати. Замон билан ҳамнафас шоир шеърлари мазмундор ва бугунги ҳаёт оҳангини акс эттираётган гўзал асарлардир.

Усмон Азимнинг дoston ва драмалари унинг ижодий имконият доираси янаям кенглигидан далолат беради. У киносценарий соҳасида ҳам самарали ижод қилмоқда. Бахшиёна оҳангдаги шеърлари халқона ва ўйноқи хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Бу халқона ва ўйноқилик замирида жуда катта фалсафий донишмандлик ва ижодий тажриба ётади. Шоир кўп насрий асарлар, жумладан, қисса, ҳикоялар муаллифи ҳамдир. Буларнинг ҳаммаси Усмон Азимнинг ижодий салоҳияти кенглиги ҳамда мўллигини кўрсатади. Олтмиш ёшга тўлган ижодкорнинг ижодий олами янаям тўлишиб бораверсин.



Абдулахат ҚАҲҲОРОВ,
социология фанлари доктори,
профессор

МАЪРИФАТ ОСМОНИДАГИ ЮЛДУЗ





Ўрта асрлардаги буюк Шарқ мутафаккири, ўз ижоди билан ижтимоий фалсафа, тилшунослик, мантиқ, адабиётшунослик, шеърят, ижтимоий лингвистика, табиат-шунослик ривожига улкан ҳисса қўшган, бой мероси жаҳон фани тараққиётига жиддий таъсир кўрсатган Маҳмуд Қошғарий таваллуд топганига минг йил тўлда.

Фавкулудда иқтидор соҳиби Маҳмуд Қошғарийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кўплаб асарлар ва мақолалар ёзилган. Мутафаккир юбилеи эса унинг ажойиб таржимаи ҳоли ҳамда жаҳон маданияти ривожидagi ролини қайта кўриб чиқишга даъват қилади.

Маҳмуд Қошғарий XI асрда туркий Қорахонийлар даврида яшаб, ижод қилди. Тахминан 400 йилга яқин ҳукм сурган Қорахонийлар даври Марказий Осиё ва ён-атрофдаги халқлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Қорахонийлар давлатида X асрда халқнинг миллий онги ривожланиши ва ўсиши асносида илм-фан ва адабиёт ҳам равнақ топди. Худудда шу даврнинг машҳур олимлари — Хоразмий, Хўжандий, Юсуф Хос Ҳожиб, Ал Фаробий, Ибн Сино, Беруний яшаб, ижод қилди. Бу каби донишманд, иқтидорли ва юксак маънавиятли олимлар пайдо бўлиши шундан далолат берадики, Марказий Осиёда Уйғониш даври Европа Уйғониш даврига нисбатан бир неча аср аввал бошланган. Хусусан, Қошғар, Хотан, Боласоғун, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Термиз, Марв ниҳоятда гўзал шаҳарларга айланиб, тобора кенгая бошлагани ҳам фикримиз далилидир.

Қорахонийлар пойтахти — Қашғар юксак маданиятига кўра бутун Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллар эди. У бутун дунёга ўқув юртлари, бетакрор меъморий мажмуалари, карвонсаройлари билан танилган эди. Халқаро савдо йўллари (Буюк Ипак йўли)нинг асосий чорраҳаси Қорахонийлар худудида жойлашган эди. Шарқдан Фарбга ва Фарбдан Шарққа йўл олган карвонлар ва элчилар Қашғар, Хотан, Боласоғун, Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Урганч, Термиз шаҳарлари орқали ўтган, янги халқаро савдо йўли қадим замондан буён туркий халқлар



назорати остида эди. Ўзаро савдо муносабатлари хунармандчиликни ривожлантириши билан бир қаторда, маданий алмашинувларга ижобий таъсир кўрсатди.

Қорахонийлар давлати ҳукм сурган тўрт аср мобайнида Марказий Осиё халқлари нисбатан тинч-осуда ва фаровон яшади. Бунинг оқибатида барқарор вазият ҳукм суриб, илм-фан ва маданиятнинг равнақ топиши учун имкониятлар вужудга келди. Натижада улуг аждодларимиз — файласуфлар, тарихчилар, астрономлар, шоирлар самарали ижод қилишди. Туркий олимлар араб ва форс тилларини, бинобарин, Ғарб ижодкорларининг юнон тилидан арабчага ўгирилган асарларини мукамал билишган ва туркий ислом маданиятини яратишда улардан фойдаланишган.

Қорахонийлар даври юқори даражали маданиятдан буюк Фирдавсийнинг “Шоҳнома” достони билан қиёсланиши мумкин бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадгу билиг» («Саодатга элтувчи билим») – фалсафий-дидактик достони ва Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони лугатит турк” асари чинакамига гувоҳлик беради.

Буюк тилшунос олим Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони лугатит турк” асари Қорахонийлар даврининг ноёб дурдонаси ҳисобланади. У ўлмас обида сирасига киради ва ўзида давр тили, адабиёти, тиббиёти, тарихи, географияси, этнографияси, хунармандчилиги ва астрономияси ҳақидаги билимларни қамраб олган.

“Девони лугатит турк”даги географияга оид маълумотлар гоят муҳим аҳамият касб этади. Сабабики, асарида туркий халқлар жойлашган ҳудудлар таърифини келтирган ва у муаллиф дунёдаги энг қадимий туркий харита муаллифи ҳисобланади. Ушбу харита XI асрдаги Осиёнинг энг қадимий ва аҳамиятли харитаси бўлиб, унда геометрик аниқ шаклларда тоғлар, кўллар ва дарёлар кўрсатилган, энг муҳим шаҳарлар ва қабилалар қайд этилган.

Ер юмалоқ экани ҳақидаги қарашлар қадимдан пайдо бўлганини биласиз. Маҳмуд Қошғарий бу борадаги фикрларни илмий асосда ривожлантирган. Ер юмалоқлигини тасдиқловчи у яратган харита ўз даври учун гоятда қадрли ҳисобланади.

Ваҳоланки, Европада XVI асрдагина Коперник (1473—1543) Маҳмуд Қошғарий ҳақлигини – ер юмалоқлиги, ўз ўқи атрофида айланишини исботлаб берди.

Маҳмуд Қошғарий Қорахонийлар давлати ҳукмдори Юсуп Қодирхоннинг эвраси эди. Бу ҳақдаги хабар “Девони лугатит турк”да учрайди.

Қорахонийлар даврида туркий тилдаги адабиёт жадал тараққий этди. Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар шеваларини тадқиқ қилувчи асари орқали мумтоз туркий адабиёт ва шеърият, халқ оғзаки ижоди равнақи учун замин ҳозирлади, туркий халқлар адабий тилини ишлаб чиқди, унга сайқал берди. Натижада туркий шеъри-ятнинг асосий жанрлари шаклланди, ривожланган шеърий лексикага эга истиоралар тизими ва нутқ воситалари туғилди. Маҳмуд Қошғарий жаҳонда туркий тилнинг ижтимоий лингвистикаси асосчиси, деб тан олинishi бежиз эмас.

Янада муҳими шундаки, “Девони лугатит турк” асарида ўша даврнинг илгор кишиларини ўйлантирган ҳамда туркий халқларнинг туб манфаатларини акс эттирган фикрлар ва гоёлар жамланган, шахс ва жамиятнинг янада ижтимоийлашуви йўллари белгилаб берилган. Кўп босқичли фалсафий-ахлоқий муаммолар, бинобарин, бойлик ва билимнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги фикрлар чуқур ифодаланган.

Бошқача айтганда, илк ўрта асрлар олими ва ижтимоий файласуфининг қарашлари олам, халқ тақдири, инсон, маданият, ижтимоий адолат тўғрисидаги мушоҳадаларга йўғрилган эди.

*Билим ва бойлик гўёки атиргул ва нарғис каби
Гулламайди гар турсалар ёнма ён.
Кимдаки бойлик бисёр, унинг билими йўқдир,
Кимдаки билим бўлса — бойлиги йўқ ҳисоби.*

Қадимий туркий шеъриятда тилга олинган ушбу муаммо — билим ва бойликнинг бир-бирига зидлиги тўғрисидаги тушунча ўша давр учун долзарб аҳамиятга эга бўлган. Бу масала шарҳи ўрта асрлардаги кўплаб шоирлар, олимлар, мутафаккирлар меросида учрайди. Айни пайтда у туркий тил ва адабиётининг асосчиси — Маҳмуд Қошғарий асарларида алоҳида ўрин эгаллайди.

Маҳмуд Қошғарий воқеликни жонли бў ёқларда акс эттиради, унумли ҳаёт кечириш, инсофли бўлиш, илм эгаллаш, барча қувончлардан баҳраманд бўлишга даъват этади.

“Девони лугатит турк” ниҳоятда юксак тарихий ва бадий аҳамиятга эга, айни пайтда у туркий халқлар ва умуман туркий оламнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига кучли таъсир кўрсатди.

Тарихий ва тарихий-адабий манбаларда Маҳмуд Қошғарий ҳаёти ҳақида ниҳоятда кам маълумот сақланиб қолган. Маълумки, у 1008 йилнинг бошида Қошғар шаҳри яқинидаги Опал қишлоғида туғилган. 1105 йилда 97 ёшида оламдан ўтгач, Опалда дафн этилган. Мақбараси Муқаддас устоз сағанаси, дея ном олган бўлиб, унга беҳисоб зиёратчилар ташриф буюришади ва мутафаккир хоки олдида бош эгишади.

Маҳмуд Қошғарий бутун Шарққа машҳур бўлган Сонгра мадрасасида таҳсил олиб уни тахминан 1055 йилда тамомлади. Сўнфаўқишини Бухоро ва Нишопурда давом эттирди. Таҳсил даврида фалсафа, мантиқ, адабиёт, ҳуқуқшунослик, тарих, илоҳиёт, математика, астрономия, тиббиёт фанларини пухта ўзлаштирди. Туркий тилдан ташқари араб ва форс тилларини мукамал эгаллади, уларнинг грамматикасидан хабардор бўлди ва ҳақиқий қомусий билим соҳибига айланди.

“Девони лугатит турк” асарини яратиш учун Маҳмуд Қошғарий туркий қабилалар яшайдиган кўплаб шаҳарлар ва қишлоқларни кезиб чикқан. 14 йиллик (тахминан 1057 йилдан 1071 йилгача) сафари давомида кенг кўламли тарихий материалларни тўплади. Буюк олим ўз китобида 6800 дан зиёд туркий сўзни гуруҳлаштирди, (110 ҳудуд, кўл ва дарё, 40 элат ва қабила номлари), туркий тилда изоҳлар келтирди. Китобдан 242 та шеър, 262 та мақол ва матал ўрин олган. Ҳайратланарлиси шундаки, у қўллаган 875 та сўз, 60 та мақол ва матал бирон-бир ўзгаришсиз замонавий туркий тилимизга кириб келган.

Ушбу асар илк филологик тадқиқот ва туркий сўзлар этимологияси келтирилган биринчи қиёсий лугатдир. Айни пайтда бу асарни фақат лугат деб ҳисоблаш нотўғри, унда Марказий Осиё халқларининг халқ оғзаки ижоди намуналарига хос кўплаб ноёб маълумотларни кузатамиз.

Кириш сўзида Маҳмуд Қошғарий шундай ёзади: “Мен Фалак туркийлар заманида давлат яратганини кўрдим. Фалак бу халқларни «туркий» дея атади ва уларни давлат бошқарувида кўйди. Ҳукмдорлар туркийлар эди ва ҳокимият уларнинг қўлида эди, улар одамларни бошқарди. Одамлар ўз ҳукмдорларининг адолатли ишларини қўллаб-қувватларди, улар билан ёнма-ён курашар эди ва туркийлар ёмон ишлардан сақланишга қодир эди. Туркийлардан сакланиш учун ҳар бир оқил киши уларга эргашмоққа интиларди. Туркийлар қўллаб-қувватлашлари учун уларнинг тилида сўзламоқ керак”.

Ушбу фикрлар XI асрда ташкил топган Қорахонийлар давлати тўғрисида айтилган эди.

Чиндан ҳам “Девони лугатит турк” қомусий асардир. У туркий исломий маданиятни янада бойитиб, юксак поғонага кўтарди.

Маҳмуд Қошғарий қонун ва тартибга риоя қилишга даъват этиш билан бирга ҳаётни бебаҳо неъмат сифатида қадрлашни уқтирди, қайта-қайта илмни улуғлади. Бир сўз билан айтганда “Девони лугатит турк” бутун маънавий бадиий хусусиятлари билан бетакрор обидага, туркий халқлар тарихи тўғрисидаги дostonга айланди.

Асар бош ғояси битта фалсафий фикрга йўналтирилган. Олим юртни улуғлаш, туркий халқларни бирлаштириш, ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш муҳимлигини таъкидлайди.

700 саҳифадан иборат “Девони лугатит турк” асари жаҳон маданияти ва илм-фани ривожига қўшилган улкан ҳисса ҳисобланади. Қўлёманинг ягона ва энг қадимги нусхаси 1226 йилга оид бўлиб, Туркия Миллий кутубхонасида сақланади.

Маҳмуд Қошғарий шунини исботладикки, туркий тилнинг аҳамияти араб тилиникидан кам эмас. Тил ва адабиётнинг қадимий обидаси — “Девони лугатит турк” яратилганидан буён ўн асрдан ошиқ вақт ўтди. У ҳамон туркий халқлар тарихини ўрганишда бетакрор манба ҳисобланади. Буюк олим, туркий лексикограф, грамматист ва диалектолог Маҳмуд Қошғарий номи туркий халқлар тарихига қизиқувчи барча инсонлар учун қадрлидир.

Кўрамизки, Маҳмуд Қошғарий ўз давридан ўзиб кетган қомусий билим ва иқтидорга эга инсон бўлган, дунёда ўхшаши йўқ нодир лугат яратган. Замонавий туркологияни бу асарсиз тасаввур этиш мушкул. Ўзига хос хусусияти шу билан изоҳланадики, у биринчи тарихий-қийсий тадқиқотдир. Жаҳон китобхонлари ҳамон бу асарга катта қизиқиш билан қарашади. Унинг тўлиқ таржимаси Туркияда амалга оширилган. Айни пайтда асар инглиз, немис, француз, уйғур, қозоқ, озарбайжон, туркман, ўзбек ва рус тилларига ўтирилган. Материалларининг кўп қисми Германияда босилган қадимий турк тиллари лугатида фойдаланилган. Ўтган асрда чоп этилган “Қадимий туркий лугат” асари катта шуҳрат қозонган бўлиб, унга “Девони лугатит турк” асари асос бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистонда Маҳмуд Қошғарийнинг ижодий мероси муфассал ўрганиб келинмоқда. Хусусан, Республика Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти олимлари “Девони лугатит турк” асарига таянган ҳолда қуйидаги қимматли маълумотларни тўплашди:

- лугат бойлиги, маълум турдаги лексика;
- туркий халқлар жойлашган ерлар ҳақида маълумотлар;
- туркий тилларнинг гуруҳлаштирилиши;
- тарихий фонетика ва грамматика ҳақида маълумотлар;
- туркий шеърят, фольклор ҳақида маълумотлар;
- қийсий тилшунослик ҳақида маълумотлар;
- туркий ижтимоий лингвистика асослари тўғрисида маълумотлар ва ҳоказо.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, институт олимлари профессор С.Муталибов раҳбарлигида бу асарни ўзбек тилига ўгириб, тўрт томда нашр қилдиришди. (Тошкент, “Фан” нашриёти, 1967 йил). Айни пайтда ушбу мавзуда бир қатор илмий мақолалар ва рисоалар чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти Қўлёмалар фондида Маҳмуд Қошғарий ижодига мансуб қўлёмалар сақланмоқда.

Маҳмуд Қошғарий буюк устоз, шоир, олим, мутафаккир сифатида ардоқланади. Юбилейи туркологик тадқиқотлар анъаналари ривожланган Германия ва Францияда, Туркия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Туркменистон, ХХРнинг Шинжон Уйғур автоном туманида тантана қилинмоқда. У туркий оламнинг буюк алломаси бўлиб, орадан минг йил ўтса-да, ҳамон биз билан ёнма-ён яшамоқда. ЮНЕСКОнинг фан ва маданият бўйича халқаро ташкилоти Маҳмуд Қошғарийнинг 1000 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилгани бежиз эмас.





Улуғбек ДОЛИМОВ,
педагогика фанлари доктори

АБАДИЙ ЗИЁ МАСКАНИ

Мадрасалар қадимдан олий ўқув юрти мақомида бўлган. Уларнинг пайдо бўлиши ўқитишда янги усулларнинг вужудга келиши билан узвий боғлиқдир. VIII-IX асрларда талабалар, асосан, масжидларда ўқитилар, уларда мусулмон дини ақидалари, исломий илмлар (нақлий илмлар) билан бир қаторда, аниқ фанлар (ақлий илмлар) ўқитилар эди. Талабаларга ўқитиш жараёнида айтиб турилган, улар ёзганлар. Бу «имло» усули деб юритилган. X асрдан бошлаб ўқув муассасаларида «имло» усулидан воз кечилди. Швейцариялик арабшунос олим Адам Мец бу ҳақда куйидагиларни ёзади: «Ўқитишда янги усулларнинг вужудга келиши, ўз навбатида, янги турдаги ўқув муассасаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Аввал айтиб туриб ёздириш, яъни, «диктовка» («имло») усули ўқитишда энг юқори даража ҳисобланган бўлса, X асрдан бошлаб «тадрис» («шарҳ», «изоҳ», «мунозара») усули етакчи мавқени эгаллади. «Тадрис» усули ўша даврда қабул қилинган илмий мунозара билан узвий боғлиқ эди, масжидлар эса мунозара учун мувофиқ эмас эди. Натижада, бу даврга келиб мадраса вужудга келди. (Адам Мец. Мусульманский ре-нессанс. Москва. Издательство «Наука». 1978. стр.154).

«Усули тадрис» кўпроқ мадрасаларда қўлланган. Натижада, янгича ўқитиш усуллари: мунозара, тафсир, шарҳ усуллари (Европада герменевтика таҳлили – У.Д.) талабларига жавоб берадиган мадраса вужудга келди ва масжиддан ажралиб чиқди, мактаблар эса масжидлар тасарруфида қолди. Энди мадрасалар учун махсус бинолар қурила бошланди. Мусулмон шаҳарларидаги энг йирик мадрасалар шоҳлар, хонлар, амирлар, беклар, йирик мулкдорлар, шариат-дин пешволари томонидан қурдирилган, шарқ меъморчилиқ санъатининг энг гўзал анъаналари мадрасаларда ўз ифодасини топган. Самарқанддаги Улуғбек, Шердор, Тиллакори; Бухородаги Мир Араб, Абдуллахон; Тошкентдаги Кўкалдош; Хивадаги Оллоҳқулихон, Исломхўжа мадрасалари ва миноралари мусулмон шарқи меъморчилиқ санъатининг энг ноёб намуналаридир.

Самарқанддаги Улуғбек мадрасаси Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг энг эътиборли мадрасаларидан бири ҳисобланган. Икки қаватли бу мадрасанинг 55 та хужраси бўлган. Ҳар бир хужра 2 талаба учун мўлжалланиб, уч хонадан: ётоқхона, дарсхона, қазноқ (озик-овқат ва бошқа маҳсулотлар учун)дан иборат бўлган. Улуғбек мадрасасида 100 талаба таълим олган. Талабаларга Самарқанднинг деярли ҳамма улуғ олимлари: Қозизода Румий, Мирзо Улуғбек, Шамсиддин Муҳаммад Ҳавофий, Фиёсиддин Жамшид Коший, Аловуддин Али Кушчи аниқ фанлар (илми ақлия) дан дарс берганлар ва Улуғбек расадхонасида ҳам илмий-тадқиқот ишлари олиб борганлар. Улуғбек мадрасаси билан расадхона фаолияти ўртасида яқин алоқа бўлган. Мантиқ, фикҳ, адабиётшунослик, тилшунослик, тафсир, ҳадис илмларидан Фазлуллоҳ Абулайсий Абулқосим Самарқандий, Абдурахмон Жомий дарс берганлар.

Мадрасаларда қоидага мувофиқ ҳафтанинг тўрт куни: шанба, якшанба, душанба, сешанба ўқиш кунлари; икки кун: чоршанба, пайшанба мустақил мурола кунлари; жума дам олиш куни ҳисобланган. Мадрасаларда ўқиш бир йилда олти ой давом этган, умумий қоидага мувофиқ ўқув йили мезон ойининг биринчи куни (22 сентябрь) бошланиб, ҳамал ойининг биринчи куни (22 март) тугаган; ҳамал, савр, жавзо саратон, асад,

сунбула ойлари талабалар тирикчилик ишлари билан машғул бўлганлар. Ўқитиладиган илмлар таснифи, ўқитиш савияси, мударрислар мавқеига кўра мадрасалар икки босқичга бўлинган: биринчиси умумий таълим берувчи ўқув маскани — у **мадраса** деб юритилган. Ушбу гуруҳ мадрасаларда илми нақлия — диний илмлар анча чуқур ўргатилган, шу билан бирга, илми ақлия — табиий фанлардан умумий маълумот берилган. Бундай мадрасалар кичикроқ шаҳарларда, туманларда, баъзан катта маҳаллаларда ҳам бўлган.

Иккинчиси **мадрасайи олия** деб юритилган ва таълим-тарбиянинг энг олий босқичи ҳисобланган. Унда юксак илмий мартабага эришган алломалар фаолият кўрсатган, бундай мадрасалар, асосан, пойтахтларда, илм-фан, маданият ривожланган шаҳарларда бўлган.

Мадрасаларнинг ҳар икки гуруҳида араб тилининг сарфи (морфологияси), наҳви (синтаксиси) анча чуқур ва узоқ вақт ўқитилган. Чунки мадрасаларда бошқа фанлар бўйича ўқитиладиган асарлар ва уларнинг шарҳлари деярли ҳаммаси араб тилида битилган ва араб тилини мукаммал билиш талаб этилган. Мадрасаларнинг кўпроқ қандай фанларга мўлжалланганлигидан қатъий назар, улуми нақлия ва у билан боғлиқ бўлган илмлар таълим дастурининг асосини ташкил этган. Баъзи мадрасаларда, уларнинг ихтисосига кўра, улуми ақлия, улуми маъмурия, улуми ҳарбия илмлари ўқитилган. Чунки уларда, асосан, давлат маъмуриятида хизмат қилувчи, элчилик ишлари билан шуғулланувчи давлат арбоблари ёки лашкарбошилар тайёрланган. Шунга кўра бундай мадрасаларда Кайковуснинг «Қобуснома», Низомулмулкнинг «Сияр ул-мулк» («Сиёсатнома»), Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари анча чуқур ўргатилган.

Мадрасаларнинг ҳам иқтисодий, ҳам маънавий мақомини белгиловчи асосий ҳужжати унинг вақфномаси ҳисобланган.

XV асргача фаолият кўрсатган мадрасалар вақфномаларининг бизгача етиб келмаганлиги ёки топилмаганлиги туфайли уларда ўқитилган фанлар, ўқув жараёни, дастури, китоблар, ўқитиш усуллари тўлароқ маълумот бериш имкониятига эга эмасмиз. Аммо Алишер Навоий «Вақфия» асарида ўзи қурдирган «Ихлосия», «Шифоия», «Хисравия» мадрасаларига ажратилган вақфи ҳақида, уларда фаолият кўрсатган мударрисларга, толиби илмларга йиллик, ойлик маоши, ҳатто бўғдой ва арпа ҳисобида ошлик (озиқ-овқат) белгиланганлиги ҳақида кенг маълумот беради: «Арбоби вазоиф — икки олими муттақи мударрис бўлғай: ҳар бирининг йиллик вазифаси минг икки юз олтун нақда, йигирма тўрт юк¹ ошлиқгим, сулсн² арпа, сулсон³ бўғдой бўлғай. Ҳар ҳалқай дарсда⁴ ўн бир толиби илмким, бориси йигирма икки бўлғай, аёло — ҳар бирига ойлик нақд йигирма тўрт олтун, йилда бўғдой беш юк; васат — секиз: ойлик ҳар бирига нақда ўн олти олтун бўғдой йиллик тўрт юк; адно — секиз: ойлик ҳар бирига нақда ўн икки олтун, ошлик йиллик учун юк. Олти хушхон ҳофиздан мусалдирга⁵ йиллик нақди беш юз олтун муносафа⁶ ошлик ўн беш юк; сойирдан ҳар бирига йиллик нақда юз саксон олтун, бўғдой тўрт юк. Шайхқа йиллик нақда минг олтун, муносафа ошлик ўн юк. Воизга йиллик нақда беш юз олтун, бўғдой ўн юк. Илмоғи масжиди жомийда хатиб бўлуб, мактаб дағи тутғай, йиллик нақда икки юз олтун, бўғдой ўн юк. Муқрига⁷ йиллик нақда юз олтун, бўғдой беш юк. Хонақоҳ таббохнинг⁸ йиллиги нақда икки юз саксон олтун, бўғдой беш юк. Табақчиға⁹ йиллик нақда юз олтун, бўғдой беш юк. Бир фаррош ва икки ходимдан ҳар бирига икки юз олтундан олти юз олтун, бўғдой беш юкдан ўн беш юк».

Мадрасалар вақфномаларида фақат иқтисодий жиҳатларгина эмас, балки мадрасалардаги тартиб-интизом, ўқитиладиган илмлар ҳақида, талабаларнинг уч — адно, авсат, аёло гуруҳлариға бўлиб ўқитилиши, демак, уларнинг ўзига хос ўқув дастурлари бўлганлиги ҳақида маълумот беради. XV аср Самарқанд ва Ҳирот мадрасаларида ўқиш муддати саккиз йил бўлган. Агар талаба шу муддат ичида дастур талабларини бажара олмаса, белгиланган вазифа тўхтатилган ва талабалар кўрсатилган имтиёзлардан маҳрум этилган. Алишер Навоийнинг «Вақфия» асаридан яна шу нарса маълум бўладики, мадрасадаги тартиб-интизом, талабаларнинг дарсга қатнашиши қаттиқ назорат қилинган, дарс қолдирганларға вазифа бериш тўхтатилган ва ҳатто уч қатла сабабсиз дарс қолдирса, мадрасадан чиқарилган, унинг ўрниға муносиб талаба қабул қилинган.

Давлат миқёсидаги мадрасайи олиялар вақф мулкидан ташқари давлат хазинасидан ҳам таъминланар эди.

¹ Юк — бир улов кўтарадиган оғирликдаги юк.

² Сулс — учдан бир.

³ Сулсон — учдан икки.

⁴ Ҳалқай дарс — синфдаги талабаларнинг устоз атрофида халқа бўлиб ўтириши.

⁵ Мусалдир — бошловчи, бошчи.

⁶ Муносафа — бир нарсани иккига бўлиш.

⁷ Муқри — қироат билан ўқувчи, қори.

⁸ Табох — ошпаз.

⁹ Табоқчи овқат ташувчи.

Умуман, мадрасалар аълам, қозикалоннинг умумий раҳбарлигида фаолият кўрсатган аммо мадрасайи олия — давлат миқёсидаги мадрасаларга мударрис тайинлаш, уларнинг билим савиясини текшириш, талабаларни вақти-вақти билан имтиҳон қилишда подшоҳлар, хону амирлар бевосита бошчилик қилганлар. Алишер

Навоийнинг кичик замондоши, тарихчи олим, шоир Зайниддин Восифий ўзининг «Бадоеъ ул-вақоеъ» асарида Улугбекнинг Самарқандда бино қилган мадрасайи олияга мударрис тайинлаши билан боғлиқ бир воқеани шундай тасвирлайди: «823- йил (1420 йил милодий) куз фаслининг фараҳбахш куни, мадраса қурилиши итмомига етган, ҳаммаёқ саранжом-саришта, олимлар, толиби илмлар, қозиюл-қуззот, сарой аҳли янги мадраса ҳовлисига жам бўлган. Ҳаммани бу фирдавсмонанд мадрасанинг биринчи мударриси (ҳозирги атамада ректор — У.Д) ким бўлиши қизиқтирар эди. Мирзо Улугбек тўпланганларга мурожаат қилиб: «Ҳамма илмларда етукликка эришган киши ушбу мадрасанинг биринчи мударриси бўлсин», дейди. Шу пайт, одамлар эътиборидан ташқарида, гишт қолдиқлари уюми устида ўтирган, бир ҳолатда кийинган одам ўрнидан туриб: «Бу мартабага мен лойиқдурман», дейди. Мирзо Улугбек уни бир оз синаб кўрди ва илмий етуклигига ишонч ҳосил қилгач, имтиҳон дарси ўтишни буюрди. У ҳаммомда покланиб, тоза кийимлар кийиб, белгиланган куни худди шу Улугбек мадрасасида тўқсон олим ва талаба ҳузурда имтиҳон дарсини ўтди. Батлимус (Клавдий Птолемей)нинг «Ал-Мажастий» («Альмагест») 1-2 асрларгача бўлган астрономия фани ютуқларининг геоцентрик тизимдаги баёнига бағишланган) асари бўйича ниҳоятда юксак илмий савияда ўқилган бу имтиҳон дарсини фақат Қозизода Румий ва Мирзо Улугбек тунунди, холос. Бу ўз даврининг етук олими ва мударриси Шамсиддин Муҳаммад Ҳавофий эди»

Бу анъана XX аср бошларигача давом этди. Хоразмнинг улуг маърифатпарвар хони Муҳаммад Раҳимхон — Феруз вақти-вақти билан мадраса талабаларни имтиҳон қилар, мударрисларнинг билимини текшириб турар экан. Давлат аҳамиятига молик бўлган мадрасалар мударрисларини ўзи тайинлаган, дарсларни қандай савияда ўтишларини аниқлаш мақсадида, ҳозирги атама билан айтганда, мударрисларни «очиқ дарслар» ўтказишга даъват этган. Бу ҳақда хоннинг замондоши, тарихчи олим, ҳаттот Ходим қўйидагиларни баён қилади: «Арабхон мадрасасининг охуни (мударриси — У.Д) Юсуф Ҳожи Доий адабиёт илми бўйича Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарлари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари бўйича сабоқ берганида, Феруз мазкур асарлар юзасидан саволлар бериб, бизни имтиҳон қилдилар. Ана шундай пайтларда бирортаммиз газал ўқишда хатоликка йўл қўйсак ёки бирорта сўзни ногўри талаффуз этсак, Феруз бизни тўхташиб, хатоларимизни тўғрилар, у ёки бу сўзнинг маъносини айтиб берар, ҳеч хафа қилмасдан камчилигимизни йўқотишга ёрдам берарди...Хон ҳазратларининг мударрислар дарсларини тез-тез кузатиб туриш одати бор эди». (Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий Тошкент. Камалак наширёти. 1991 йил. 254-бет).

Демак, мадрасалар фаолияти ҳаммавақт давлат аҳамиятига эга бўлган ва подшоҳлар, амирлар, хонлар эътиборида турган.

Мадрасайи олияда дарс бериш, ўқитиш усуллари алоҳида эътиборга лойиқдир. Улугбек дарс бериш жараёнида, айниқса, мунозара-баҳс усулига тез-тез мурожаат қилган. Дарҳақиқат, мунозара усули, биринчидан, талаба нутқини ўстирса, иккинчидан, масала моҳиятини чуқур идрок қилишга олиб келади. Улугбек фақат талабаларга дарс бериш билан чекланмай, мадраса мударрисларига, расадхонада ишловчи олимларга ҳам дарс ўқир, мунозаралар ўтказар, шу билан уларнинг малакасини оширар эди. Ўзига хос академия вазифасини ўтаган Улугбек расадхонаси мударрислар малакасини оширадиган илм маскани ҳам саналган. Мадрасайи олиянинг деярли ҳамма мударрислари расадхонада илмий изланишлар, асарлар яратиш билан машғул бўлганлар. «Самарқанд академияси» ҳақида бундан 250 йил муқаддам машҳур француз ёзувчиси, файласуфи Франсуа Вольтер анча эътиборга лойиқ фикрлар баён қилган.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага ойдинлик киритиш мақсадга мувофиқдир. Ўтмишда мадрасалар билан ёнма-ён масжид ва хонақоҳлар қурилган. Шўролар мафкурасига кўра кўпинча илмий асарларда хонақоҳларфақат дарвеш ва қаландарлар, шайх ва зоҳидлар зикр тушадиган маскан сифатида баҳолаб келинган. Аслида, хонақоҳлар ҳам мадрасалар вазифасини бажарадиган бўлиб, талабар учун бир неча хужралари, дарсхоналари, кутбхона, илмий мунозара ўтказиш учун махсус катта хона, мударрис ва воиз учун мрамар ёки ёғочдан ишланган минбари бўлган, талабаларга мунтазам дарс берилган. Тарихчи олим Гиёсиддин Хондамир ўзининг «Хулосат ул-ахбор» асарида Алишер Навоий бино қилган «Ихлосия» мадрасасида ҳамда «Халосия» хонақоҳида дарс берган даврнинг 20 дан ортиқ атоқли мударрисларини санаб ўтади. Унинг мударрислар Мавлоно Бурҳониддин Атоуллоҳ ҳамда Амир Иброҳим Машҳадий ҳақидаги сўзларга эътибор беринг: «Хулқининг яхшилиги, фахму фаросатининг тезлиги билан замондошларидан мумтоздр. Бир мунча вақт ҳоқони Саид ҳазратлари Шоҳруҳнинг мадрасасида ҳамда султон ҳазратларининг янги дўст (Алишер Навоий)нинг «Халосият» хонақоҳида дарс бериш билан машғул бўлди... Амир Иброҳим Машҳадий «Султония» мадрасасида ҳамда фази-

латли «Халосия» хонақоҳида дарс бериш билан машғул, талабаларнинг кўплари ул жанобга мулозим бўлиб, кўп баҳра олмоқдалар».

Худди ҳозирги етакчи университетларда бўлгани каби, Улугбек мадрасайи олиясида ҳам иқтидорли, қобилиятли ёшлар мадраса хатимдан кейин мударрис сифатида олиб қолинган. Мана шундай ёшлардан Алоуддин Али Қушчи, Абдурахмон Жомий, Мансур ал Коший ва бошқалар улуг алломаи замон Қозизода Румий ҳамда Улугбеклар эътиборига тушган ва шу мадрасада дарс берган эдилар. Абдурахмон Жомий 1452 йилга қадар Улугбек мадрасасида сарф ва наҳддан дарс берган эдилар. У кейинчалик мударрислик тажрибаларини умумлаштириб, «Шарҳи мулло» асарини яратди, бу асар «Ал-қофия» асарига шарҳ бўлиб, XX аср бошларида ҳам мудрасаларда асосий дарсликлардан бири сифатида қўлланиб келган. Мадрасайи олияни муваффақиятли хатм қилганларга турли мадрасаларда мударрислик қилиш мумкинлиги ҳақида ижозатнома (баъзи манбаларда санад) — диплом берилган.

Талаба домланинг дарси билан (энг юқори илмий савияда ўтса ҳам) чекланиши мумкин эмас. У китоб устида мустақил ишлаш малакасига эга бўлиши керак. Талаба илмдаги бир муаммо юзасидан олимларнинг турлича қарашларини билиши ва уларга ўзининг шахсий муносабатини англата олиши керак. Шу мақсадда мадрасайи олиялар қошида бой кутубхоналар, уларда ноёб китоблар бўлган, даврнинг кўзга кўринган дабирлари, саҳҳофлари, ҳаттотлари фаолият кўрсатганлар, улар янги-янги китобларни кўчирганлар, кутубхонани керакли асарлар билан бойитганлар. Булардан ташқари, подшоҳлар, улуг мутафаккирларнинг шахсий кутубхоналари бўлган, улардан иқтидорли талабалар фойдаланганлар.

Шарқ мамлакатлари, айни замонда, Марказий Осиё мадрасаларида асосий ўқитиш усулларидан бири — шарҳлаб ўқиш усули эди. Маълумки, мадрасаларда аниқ фанлардан: риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, жўгрофия, тиб илмлари; ижтимоий фанлардан: мантиқ, фикҳ, илми қофия, илми бадеъ, илми маоний кабилар ўқитилган. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу фанлар йўналишида улуг олимлар томонидан яратилган илмий асарлар талабалар билим савиясидан анча юқори эди. Олимлар кўп ҳолларда ушбу асарларини ёзаётган вақтда мадраса талабаларининг билим савиясини, ёшлик хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда ўзларининг билимларини асарга киритганлар. Чунки бу асарлар дарслик эмас-да. Шунинг учун талабалар ўқиётган асар материалларини пухта ўзлаштира олмаганлар, қийналганлар. Буни яхши тушунган кенг маълумотли мударрислар — олимлар бундай асарларни талабаларбоп қилиб қайта ишлаб чиққанлар — мадрасада ўқитиладиган ҳар бир асар учун шарҳ ёзганлар. Мазкур шарҳловчи олимлар асарнинг бошидан охиригача шарҳ беришга, асар муаллифининг фикрларини кенг миқёсда очишга ҳаракат қилганлар. Бундай шарҳлар мадраса талабаларининг асарни тушунишлари учун катта ёрдам берган. Демак, талаба илмий асарни ҳам, унга ёзилган шарҳни ҳам ўқишга мажбур бўлган. Шарҳ асардаги ҳар бир муаммони очишга хизмат қилган. Айниқса, мантиқ илмини, илми аруз, илми маоний, илми бадеъ каби адабиётга оид илмларнинг моҳиятини очишда шарҳлаб ўқитиш усули катта ёрдам берган. Кейинчалик шарҳ фақат мадрасаларда ўқитиладиган асарлар учун эмас, балки барча илмий асарларга кенг изоҳ бериш, муаллифнинг фикрларини кенгайтириш, соддалаштириш учун хизмат қилган.

Маълумки, Шайх Муслиҳиддин Саъдийнинг «Гулистон» асари неча-неча асарлар давомида мадрасаларда ўқитилган. 1909 йилда Муродхўжа дома Солиххўжа ўғли уни ўзбек тилига таржима қилган; шу билан бирга, талабаларга ва мударрисларга қулай бўлсин учун кўпгина сўфиёна фикрларга, жўгрофий номларга, тарихий исмларга кенг шарҳ берган. Шундай шарҳлар талабалар учун асар мазмуни, бадииятини, ижодкорнинг фалсафий қарашларини чуқур идрок қилиш имконини берган. Шунинг учун ҳам китобга шарҳ берувчи мударрис турли манбаларни кўздан кечиради ва шарҳ учун материаллар тўплайди.

Мадрасаларда шарҳлаб ўқитиш тарихий анъанага эга. Бу анъана, айниқса, мадрасаларда кенг қўлланган. Шарқ мамлакатларида, шу жумладан, Марказий Осиёда шарҳлаб ўқитиш X асрдан эътиборан мадрасаларга ҳамда қисман мактабларга татбиқ этила бошланди. Шарҳнинг энг илғор Улугбек мадрасасида Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид Коший, Улугбек, Али Қушчи математика ва астрономия илми фанидан, Ҳожи Бурҳониддин тиббиёт илмидан, Фазлulloҳ Абулайсий фикҳ, илми бадеъдан, Абулқосим Самарқандий тилшунослик, адабиётшунослик илмларидан, Абдурахмон Жомий сарф ва наҳддан дарс берганлар. Мударрислар талабалар таълим-тарбиясига ниҳоятда катта масъулият билан қараганлар. Ўз даврининг олимлари томонидан яратилган ва дарслик сифатида фойдаланиладиган асарлар талабалар руҳиятини, билим савиясини яхши билган мударрис — педагоглар, бундай асарларга шарҳ яратганлар. Шарҳловчи мударрис дарслик-асарнинг бошидан-охиригача тушунтириш матнини ёзган, асар муаллифининг илмий фикрларини кенг таҳлил этган, керакли ўринларда шу мавзудаги бошқа илмий асарлар билан муқояса қилган. Шундай шарҳ берувчиларни **шорих** деб атаганлар. Шо-

риҳлар мударрис-педагог бўлиш билан бирга, ўз даврининг билим доираси анча кенг олимлари ҳам бўлганлар. Кўп ҳолларда шориҳлар шарҳларни китобнинг ҳар бети ҳошиясига ёзганлар. Бундай шарҳни **шарҳи муҳашшо** ёки **ҳошияйи шарҳ** деб атаганлар. XV асрда Алишер Навоий раҳнамолигида Ҳирот шаҳрида ўнлаб шориҳлар етишиб чиқдилар. Гиёсиддин Хондамир ўзининг «Мақорим ул-ахлоқ» ва «Хулосат ул-ахбор» асарларида Сайфиддин Аҳмад Тафтазоний, Ҳусайн Виоз Кошифий, Фасиҳиддин Муҳаммад Низомий, Имомиддин Абдулазиз Абхарий, Ҳожа Абулқосим Абулайсий (Фазлulloҳ Абулайсийнинг ўғли — У. Д.) каби мударрис-шориҳлар ва уларнинг шарҳий асарлари ҳақида кенг маълумот беради: «Охунд Фасиҳиддин Муҳаммад Низомийнинг ҳикмат, риёзиёт, маънилар баёни, сарф ҳамда наҳв илмлари бўйича ёзган асарлари кўп ва уларнинг аксарияти талабалар орасида машҳурдир. Ул жаноб фикҳ ва ҳадис илмлари бўйича ҳам бениҳоят моҳир бўлгани учун шу кунларда «Виқоя»га шарҳ ёзиш билан банддир, иншооллоҳ, тамомлаш зийнатига муяссар бўлғай».

Буюк мутафаккирлар асарларига ёзилган шарҳлар талабалар учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳақда қомусий олим Ибн Сино ўзи билан кечган қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади. Ибн Сино одати бўйича китоб дўконларини айланиб юрганида, — саҳҳоф унга бир китобни тавсия қилади ва пулга ниҳоятда муҳтожлигини ҳам айтади. Ибн Сино бу китобни дўкондор айтган нархга олади ва уйидаги китоб жавонига ташлаб қўяди. Кунлардан бир кун олим шу китобни варақлай бошлайди. Тасодифни қарангки, у даражада хушига ёқмай олган ушбу китоб Арастунинг «Метифизика» асарига Абу Наср Фаробий томонидан ёзилган «Мо баъда ат-табиа» («Табиатдан ташқари нарсалар») шарҳи эди. Арастунинг «Табиатдан ташқари нарсалар» китоби мақсадларини тушунмай, диққат бўлиб юрардим. Бир кун Абу Насрнинг бу борада шарҳини топиб олдим, бундай китоб топганимдан хурсанд бўлиб, худога шукур қилдим ва атайлаб рўза тутдим, фақирларга хайр-садқа улашдим». Абу Наср Фаробий ҳаёти давомида юнон мутафаккирлари Платон, Аристотель, Эвклид, Птолемей асарларига шарҳ ёзган.

Мадраса таълимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, араб ва форс тилларини ўқитиш масаласига алоҳида эътибор берилган. Мактабларда тушунмасдан қуруқ ёдлш асосий ўринни эгаллаган бўлса («катта бўлганда тушуниб олади» деган ақида одат тусига кирган — У.Д.), мадрасаларда эса ўқилган асарни чуқур таҳлил этиш, идрок қилиш, бошқа асарларга нисбатлаш, мантиқий фикрлаш биаринчи ўрнига кўтарилган. Бунинг учун, аввало, араб ва форс тилларини, мантиқ илмисни мукамал билиш талаб қилинар эди.

Мадрасаларимиз тарихидаги бундай нурли саҳифалар асргача давом этди. Ватанимиз чор Россияси томонидан босиб олинган, бошланғич ва олий таълимдаги инқироз чуқурлашди. Мактаб ва мадрасаларни асрлар давомида иқтисодий жиҳатдан таъминлаб келган вақф мулклари мустамлакачилар тасарруфига ўтди. Мактаб ва мадрасаларда фақат диний илмларгина ўқитилиб, аниқ фанлардан ибтидоий билим олмоқчи бўлганлар учун рус-тузем мактабларида ўқиш жорий этилди. Натижада, миллий таълим йўққа чиқарилди, бу ҳол узокни кўра оладиган ўзбек зиёлиларининг норозлигига сабаб бўлди. Улар чор Россиясидек маккор мустамлакачилар таъқиб ва тазийқлари остида инқироз ботқоғига ботган ибтидоий мактаблар ўрнида «усули савтия» методига асосланган «усули жадид» мактаблари ташкил қилиш, мадрасаларни замонавий илмлар заминида қайт тиклаш, замонавий олий ўқув юртлари — университетлар очиш учун кураш олиб бордилар. Бу зумранинг тепасида Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Саидахмад Васлий каби истиқлол фидойилари турдилар.

Туркистон ўлкасида мадрасалар ислоҳи маҳаллий мактабларга нисбатан бирмунча кеч бошланди. Бунинг асосий сабабларидан бири мустамлакачиларнинг мадрасалар ислоҳотига кескин қаршилик кўрсатиши эди. Н.Ильминский 1879 йил 29 сентябрда Н.Остроумовга йўллаган хатида мадрасаларни асло ислоҳ қилмаслик, уларнинг дастурига дунёвий, амалий ва илмий фанларни киритишга йўл қўймасликни маслаҳат беради. Унинг фикрича дунёвий фанлар маҳаллий ёшлар миллий онгининг уйғонишида асосий восита бўлади, бу эса, ўз навбатида, Россиянинг ўлкадаги ҳукмронлигига қарши курашда улар учун қурол бўлади.

Аниқ фанларни англаш орқалигина ўлкани қолоқликдан, халқни жаҳолатдан қутқариш мумкинлигига ўзбек мутафаккирлари ишонар эдилар. 1880 йиллардаёқ Шайхаван Тахур даҳаси қозиси Шарифхўжа Пошшоҳўжа ўғли мадрасаларда физика фанини ўқитиш масаласини генерал губернаторга олиб чиққан эди. Шарифхўжа Пошшоҳўжа ўғли ва Себзор даҳаси қозиси Муҳиддинхўжа Ҳакимхўжа ўғли Тошкентнинг руслар яшайдиган қисмига яқин бўлган Эшонқули додхоҳ мадрасасида рус тилини ўқитиш масаласи билан чиқдилар. Аммо Н.Ильминский гоёларига амал қилган генерал губернатор маъмурлари уларнинг бу талабларига тиш-тирноқлари билан қарши бўлдилар.

Туркистон ўлкасидаги мадрасалар аҳволи Ризо Фахриддиннинг «Шўро» журналида қизгин муҳокама ва мунозара мавзуси бўлди. Бу борада, Садриддин Айнийнинг «Бухоро шаҳрида таҳсил», Н.Евушевнинг «Самарқанд мадрасалари», «Туркистон мадрасаларида

дарс програми», А.Асманийнинг «Хива мамлакатада мадрасалар», С.Мустафонинг «Бухоро мадрасалари» каби мақолаларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур мақолаларда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон мадрасалари ҳақида фикр юритилиб, уларнинг ташқи кўриниши меъморий санъат намунаси сифатида юксак баҳоланади. Аммо мадрасаларнинг ички аҳовли, яъни, улардаги ўқув дастур ва дарсликлари, ўқитиш усуллари — умунам педагогик технологияси тамоман яроқсизлиги, замон талабларига бутунлай жавоб бермаслиги қаттиқ тнқид қилинади, бор ҳақиқат айтилади. Хусусан, Бухоро мадрасаларидаги 18-20 йиллик ўқув дастури, талабалар умрининг бекор ўтиши, ўқитилаётган фанларнинг давр эҳтиёжларига мос келмаслиги кўп афсус билан тилга олинади.

XX асрга келиб, мадрасалар ислоҳоти ҳақида «Туркистон вилоятининг газати» саҳифалари орасида мадрасалар фаолияти, уни ислоҳ қилиш масалалари билан кўпроқ мударрис, ислоҳотчи педагог Саидаҳмад Васлий шугулланди. Унинг мадрасалар ислоҳига бағишланган мақолалари «Туркистон вилоятининг газати», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» газеталарида, «Ойна», «Ал-ислоҳ» журналларида чоп этилган. Албатта, ўлка мадрасаларининг тартиб-интизомсизлиги, ўқитиш усулларнинг тараққиётдан бутунлай узилиб қолганлиги, айниқса, мадрасалар учун умумий дастурнинг йўқлиги, уларнинг давлат эътиборидан бутунлай четдалиги илғор фикрли мударрисларни ташвишга солар эди. 1915 йилда «Ал-ислоҳ» журналида мадрасалар ислоҳоти бағишланган анча катта мунозара бўлиб ўтди. Мунозара Саидаҳмад Васлий билан бошланди. Унда муаллиф мадрасаларда ўқитилиши зарур бўлган илмлар, мадрасаларнинг ўқув дастурлари, ўқиш муддати, мударрис ва талабаларнинг маънавий қиёфаси, билим даражаси каби муҳим масалаларга доир ўн та савол билан ўлка мударрисларига мурожаат қилади:

1. Муддати таҳсил неча сана бўлмак керак?
2. Ҳар санада неча ой таҳсил оини бўлур?
3. Ҳар ҳафтада неча кун дарс ўқилур?
4. Бир сана ўқутулмуш китобининг неча дарсга тақсим топиши лозим?
5. Ҳар таҳсил кунлари неча дарс ўқулса, нофеъ бўлур?
6. Ҳар дарсинг миқдори неча саҳифа бўлмоқ вожиб?
7. Шогирдларнинг тушунмаклари лозимми ёки дарсхонага кириб-чиқса бўлурми?
8. Мударрисларга жаҳд ила шогирдларни маълумотлик қилмаклари вожибми ёки кун ўтказиб, шогирдларни ишга мардикор қилсалар жоизми?
9. Ижозат олиб хатим карда бўлмак учун, расмий дарсларни билмак учун улуи фунунга олим бўлмак лозимми ёки барвақт жамоага шерикул дарс бўлиб, келиб-кетиб уч-тўрт сўм бериб, Мулла Жалол бўлса кифоями?

10. Ҳар ким ўз бошича умр кечуруб, вақфларни еб, мударрисман деб юра бўлурми ёки улуғ уламолар ва ҳукумат тарафларидан назорат ва таҳқиқ фарзми? Вассалом, яна керак нимарсаларни фузалойи киром ҳазратлари ёзуб «Ислоҳ» саҳифаларини музаррин қилсунлар, токи, бора-бора бирор маслаҳат юз бериб, нофеъи умумий ҳосил бўлса эди, қорин киром «Ислоҳ»га салом ўқуб, қатъий калом эдирам».

Саидаҳмад Васлий ўртага қўйган масалалар бўйича ўша давр газета ва журналларида мударрислар фаол чиқишлар қилган.

Хулоса қилиб айтганда, мадрасалар ислоҳоти масаласи замонавий олий маълумотли мутахассислар тарбиялаб етиштириш масалалари билан боғланиб кетди.



Ўктам МИРЗАЁР

ЯМОҚ

Ҳажвия

Нозимхон тўра уч сотихли ҳовлисининг деворига пешонаси урилишидан кўрққандек ўртада туриб, чойхона ҳиди унниққан, ёғ ва тердан ялтираб кетган каллапўшини бошидан олиб, куракдай кафтига бир-икки урди-да, қайта кийди. «Хўш», – деди у. Сўнг отаси қачонлардир думбаси тоғарадай-тоғарадай қўй боқадиган, эндиликда рўзғорнинг лаш-лушлари қалашиб ётган бостирма тагига борди. Кўнгли чойхонани тусаб турибди-ю, кириб боришига баҳона йўқ. Борса, уч-тўртга бекорчига ем бўлади.

Хаёл сурганча бош қашларкан, рангги тўқ қизил, бўялаверганидан палахса-палахса бўлиб кетган буюмга кўзи тушди. Қизиқсиниб устидаги доиранинг қосноғини, йиртиқ ғалвир, хом теридан тўқилган чигилни, боғлам-боғлам қоғозни бир-бир четга олиб, қарасаки, Шокир косибдан қолган этикдўзлик дастгоҳи экан. Қопқоғига эски қоплама қулф илинган. Бус-бутун.

Шокир бува отасининг қадрдони эди. У дастгоҳини гузардаги тут остига ўрнатиб, эртадан кечгача косибчилик қиларди. Нозим ўшанда олти ёки етти ёшларда эди чамаси, аниқ эслайди – дастгоҳдан ўнг томондан тик дастурхон тўшалган сандалдаги ликопчада ўн-ўн беш дона увитилган туршак, бир ҳовуч парварда, кўк чой дамланган турарди. Болалар билан ўйнаб, ютоқиб келган Нозим сўзсиз-сўроқсиз туршаклардан истаганча еб, муздай кўк чойни симириб мазза қиларди. Шокир бува уни уришмас, аксинча ялангоёқ, қорни гумбаздай Нозимни бағрига босиб, «Бўйларингдан айланай, Нозимхон тўрам», – деб бошини силаб кўярди. Нозимнинг бирваракай ҳам хон, ҳам тўралиги шундан.

Шокир буванинг фарзанди йўқ эди. Хотини бўлган-бўлмаганини Нозим эслай олмайди. У оламдан ўтгач, Нозимнинг отаси – Шерим бува этикдўзлик қилмаса ҳам қадрдонидан қолган биргина шу меросни ташлаб юбормади.

Айтишларича, Шерим бува яхшигина кўшиқ айтарди. Дутор чертиб, тебраниб ўтирар, Шокир бува эса унга доирада жўр бўларди. Кўнгил-да! Икки улфат ҳавас учун қилган хонишларни нафақат чойхоначилар, балки, йўловчилар ҳам бир дам тўхтаб, тинглашар эди.

Нозим баъзан-баъзан буваларига ўхшагиси келиб, торгина ҳовлисини бошига кўтариб, радио-телевизорларда эшитган кўшиқларини ванг қўйиб юборар эди.

Топар-тутари ночорроқ бўлишига қарамай, «Элнинг ошини еганман, элдан қарзим бор», деб мард келадиган, ор-номусли одамлар тўй қилса, наҳори ошни ўтказиб бериш учун Нозимхон тўрани ҳофиз сифатида таклиф қилиб туришарди.

Шундай кезлардагина эгни янги кийим кўради. Санъаткор аҳли киядиган ялтироқ костюм-шим. Оқ куйлак. Бошда носнусха духоба дўппи. Аммо, бўйинбоғ боғламайди. Ҳазил аралаш шаъма қилсангиз, «У даражага етганимиз йўқ», – дейди илжайиб.

Новча бўйли Нозимхоннинг тўйни ўтказиб қайтиши мароқли: қўлтигида тор гилофи, чап қўлида тўйхонадан берилган риск-насиба солинган тугунча. Ўнг қўли маҳалладошлари билан сўрашиш учун ҳамиша бўш бўлади. Торгина кўчани тўлдириб, ўнг қўлини кўксига қўйиб, бир-бир қадам босиб, керилиб келаверади. Учраган одам билан узоқ ва батафсил сўрашади. «Хуш кўрдик, хуш кўрдик», – дейди қалин лабларини меҳр билан чўччайтириб. Каттароқлар учрамаса, болаларни ҳам тўхтатиб ота-онаси, буви-бувакалонларининг ҳолини ҳам бир-бир сўраб чиқади. Маҳалладошларининг кўзига бирам ёқимли, бирам одамохун бўлиб кўринадики, боши кўкларга етади. Аммо, ундай кунлар ҳамиша ҳам бўлавермайди-да!

Нозимхон тўра бўш қолса таниш-билишлар «бир жуфт эшитайлик», – деб чойхонага судрашарди. Кунда-шунда улфатлар кўшиқ тинглаб завқланганда ягири чиққан дўпписига уч-тўрт сўм қистириб хурсанд қилишади. Ишқилиб куни ўтиб туради...

Нозимхон тўра дастгоҳни ёругроқ жойга олиб чиқиб, шу атрофда ётган латта-путта билан чангини артди. Ҳатто суви қишин-ёзин оқиб ётадиган букри жумрак ёнига бориб, латтани намлаб келди-да, ҳафсала билан дастгоҳни қайта-қайта артди. Қоплама қулфнинг тешигига миҳ тиқиб очди. Шу дам ҳаяжонли пишиллаши кўшниларга ҳам эшитилган бўлса ажаб эмас.

Дастгоҳ қопқоғининг ички томонига турли-туман асбоб-ускуналар тартиб билан терилган эди. Улар эчки чармидан буриб-буриб ҳафсала билан ясалган гилофларга тикилган бўлиб, устига ёғ, бўёқ, доғ теккан, шунча йил ўтган бўлса-да, елим сўргичнинг таниш ҳиди анқиб турган латта ёпилган. Шокир бува ишлаётганда шу латтани тиззасига тўшарди.

Дастгоҳга тикилиб ўтириб хаёлга берилган Нозимхон тўранинг фикри ёришди. Ана, Шокир бува дўкон қуриб ўтирадиган тутнинг ости ўт босиб, хувиллаб ётибди. Ҳар гал ўтганда болалиги эсига тушиб, юраги ҳаприқиб кетади. Шу тут атрофини обод қилиб, Шокир бува касбини давом эттиради. Ҳар ҳолда бировнинг қўлига қарагандан кўра, шу маъқул эмасми? Ўзи диққинафас чойхона жонига тегувди. Ичкилик, гала-говур, қий-чув. Ширакайф улфатлар «яна битта бўлсин»лашиб жонингга тўйдириб юборади...

Шокир буванинг пойабзал ямашларини кўравериб кўзи пишиб кетгани боис қўли тез ўрганди. Учинчи куни маҳалладош ўқитувчи Нурмат домла бозор сумкасини тўлдириб хотин, бола-чақаларининг оёқ кийимларини ташлаб кетди. «Бир ҳафтадан кейин келасиз», – деганига қарамай кун ўтказиб, айна пешинда яна ҳозир бўлди.

– Шу ишни яхши бошлабсиз, энди айбга буюрмайсиз, туфлигимнинг ости тешилиб, беҳузур қилиб юборди. Шуни...

– Ҳечқиси йўқ. Энди бироз кутасиз, тақсир. Дарс-парс йўқмиди ишқилиб?

– Озодмиз, бугун.

– Шу дейман, ҳозирги болаларнинг ичи тор, дарсда ўтиравериб, зерикиб кетишса керак-а? Шуларнинг калласига бирор нарса кираяпти, деб ўйлайсизми домла?!

– Илм берилади. Олиш уларнинг иши... Менга қаранг, уста, ўзингиз ўқувчи бўлмаганмисиз?

– Бўлганман, ҳамма қатори, бориб юрганман-да, бу ёғи тирикчилик дегандай.

– Ҳа, шу тирикчилик ўлсин-да! Ҳамма айбга тирикчилик қопқоқ. Ўзи ҳам шундай дейишингизни билардим.

– Сабаб? – Нозимхон тўра пойабзал таглашдан тўхтаб, домланинг юзига ажабсиниб тикилди.

– Хафа бўлмасангиз айтаман.

– Эй, ҳали хафаям қиласизми?

– Хўш, – деди Нурмат домла бир дам устанинг қўл ҳаракатларига тикилиб, табассум билан. Саводингиз ҳаминқадар: биринчидан, она тилидан нолсиз, иккинчидан талаффуз умуман йўқ. Қўшиқни бузиб айтасиз...

– Эй, домла, дардингиз ичингизда эканку-а?! Қўшиқларимни шунча одам тушунмаганидан қийқириб эшитишар эканда-а?!

Нозимхон тўра ишини йиғиштириб ёнига қўйди. Ўнг қўлидаги бигизни чангаллаб, тиззасини ликиллата бошлади. Нурмат домла устанинг авзойини кўриб, даъфатан ҳамла қилиб, бигизини тикиб олмасин, деб курсичасини орқароққа сурди.

– Айтдим-ку хафа бўласиз деб.

– Хафа бўлган номард! Қани айтингчи, қўшиқларимнинг нимаси ёқмайди-а?! Айбимни билиб қўйганим яхши-да!

– Огринманг ҳофиз, огринманг, Худойим сизга яхшигина овоз берган. Аммо савиядан ҳам бироз берганда эди... оҳ,...оҳ,...оҳ,...

– А?! – Нозимхон тўра ўйга чўмди. – Тавияни билардим, отам раҳматли ойимни тавия дер эдилар, савия нимаси? Кўринишимми? Худога шукур, яхшироқ кийинсам, анави афти бужмайган артистларингиздан кўркароқ кўринаман.

– Савия бутунлай бошқа нарса, уста, савлатингиз михдай, – деди Нурмат домла бош бармоғини кўрсатиб. – Савия эса дид билан боғлиқ. Дид эса фаросатнинг ҳосиласи...

– Менга қаранг, домла чайналмасдан гапни лўнда қилаверинг. Бўлмаса ялангоёқ қоласиз.

– Хафа бўлманг-да, энди, айтдим қўйдим-да. Вақтида андаккина билим олганингизда, ҳозир ким билади, балки, катта ҳофиз бўлармидингиз...

– Худога шукур, ҳозир ҳам ҳеч кимдан кам эмасман. Остонамга илтимос қилиб келадиганлар бор. Унчаям саводсиз эмасман, домла! Обрўйим чакки эмас. Минг қўйлининг бир қўйлига иши тушади, деганларидек, мана, ўзингиздай одам ҳам қаршимда ялангоёқ ўтирибсиз-ку.

– Ҳа, энди тўғри, ҳамма ўқимишли бўлиб кетса, ковушни ким тикади?

– Гапни айланторманг, домла. Қўшиқларимнинг нимаси ёқмайди сизга ўзи-а? Айтаверинг...

– Хафа бўляпсиз-ку!

– Хафа бўлган номард дедим-ку! Бўлди-да энди. Сиз айтмасангиз ким айтади. Камчилигим бўлса тузатарман. Яна ростдан ҳам элга кулги бўлиб юрган бўлмай.

– Ана бу бошқа гап. Ҳар ҳолда мен тилчиман, биров гапирганида талаффузига эътибор бераман. Энди ҳали айтганингиздай, элга кулги бўлманг дейман-да. Хуллас гап бундай, «Самарқандга борсам мен агар» бор-ку, ўшани секин, хиргойи қилаверасиз, мен хатосини топиб айтаман. Маъқулми?

Нозимхон тўра бош ирғади-да, ангишвонадек болгачасини ҳозиргина бостирилган пойабзалнинг таглигига хиргойига мос тарзда тўқ-тўқ уриб куйлай бошлади:

*...Самарқандга борсам мен агар,
Улуғбекни кўрмай қайтмайман,
У қон йиғлаб турар ҳар саҳар,
Мен дардимни кимга айтаман...*

Нурмат домла қорачадан келган қоқ суяк эди. Киртайиб ич-ичига чўкиб кетган кўзларини юмганича қўшиқни тинглай бошлади. Бошини ўнг томонга сал эгиб, батамом шайдо бўлди. Бироқ қошлари қабоғини беркитди.

... Қанча оҳу ютмаган эдим...

Нурмат домла бирдан қулочини ёзиб қичқирди.

– Агар саводингиз бўлганда «оҳу» билан «оғу»нинг фарқига борардингиз.

Шоир «Қанча оғу ютмаган эдим...», деб ёзган. Сиз эса «Қанча оғу ютмаган эдим», деб шундай гўзал қўшиқни расво қилиясиз. Шоир акаимиз бобоколонимиз Улутбек ҳазратлари тилидан ўғли Абдулатифга «Қанча заҳар тотмаган эдим, камига сен ҳам ҳаётимни барбод қилиясан», демоқчи бўлдингизми?

– Менга қаранг, домла, мана туфлингиз, – Нозимхон тўра бир пойи тагланган туфлини домланинг олдига илкис отиб юборди. – Ялинсангиз ҳам унисини ямамайман, борб тошингизни теринг!

Нурмат домла туфлисини олиб, товони йиртилган пайпоғини қоқиб, инқиллаб оёғига илди.

– Менга қаранг, ҳофиз, тўғриси айтсам, нега жаҳлингиз чиқади-а? Айбингизни тан олинг-да энди! Аслида-ку сиздан таниқлироқлари ҳам авлиё эмас. Биттаси ўзи аёл бўла туриб, «Ларзонингга қурбон ўлам» деб ҳанграйди. Уста, ўзингиз хафа бўлган номард девдингиз-ку! Бунисиниям ямаб беринг. Худо ҳақи, қўлингиз гул экан. – Нурмат домла оёғидаги туфлисини у ёқ-бу ёққа буриб кўрсатди. – Ликиллаб юраманми, болаларга масҳара бўлиб?!

Нозимхон тўра қўлидаги болгачасини маҳкам сиқимлаганча анқовланиб домлага тикилди. Бироз шу алфозда тургач, юмшоқ жилмайди.

– Кийик денг?

– Ҳа, шундай.

– Ваҳо-ҳо-ҳо, – бирдан кулиб юборди Нозимхон тўра, – ваҳо-ҳо-ҳо, ваҳо-ваҳо... – Сўнг кулгидан тўхтаб муштини тишларкан, кулгидан киприклари намланди. – Оббо, шу пайтгача анча кийикни ютуб юборибмиз-да-а?!

– Энди қорнингиз тўйгандир? – Нурмат домла бароқ қошларини кериб кесатди.

– А-а, лаббай?

Нозимхон тўра қизариб-бўзариб кетган эди.

– Ё, ё, сиз ростдан ҳам хафа бўлдингиз, чоғи. Сизга қўшиқ айтманг деяётганим йўқ-ку. Айтинг, айтинг бинойидай овозингиз бор, фақат билиб, сўзларни ҳис қилиб айтинг-да, тақсир.

Нозимхон тўра, бирдан жиддий тортиб, қўлини домла томон чўзиб, иккинчи пойафзалга ишора қилди. Нурмат домла дарҳол пойабзалини ечди.

Нозимхон тўра уриниқиб кетган туфлининг у ёқ-бу ёғини соқолга ўхшаш чўтка билан тозалаб, таглигига ўткир ҳидли елим сурди. Елим қуригач, чарм босиб, ангишвонадай болгачаси билан таглик атрофига тўққиллатиб уриб чиқди ва ён томонларини чархга тутиб силлиқлади....

– Саломат бўлинг, – деди Нозимхон тўра, бу гал пойабзални домланинг қўлига тутқазиб. – Келиб туринг.

Нурмат домла тортишув сабабли ўзини ноқулай сезаётган эди. Ёнидан икки минг сўм олиб узатди. Нозимхон тўра пулга қарамай қўлини қайтарди:

– Буниси сизга гонорея.

Нурмат домла бошини чайқаб кулди:

– Гонореямас, уста Нозим, гонорар.

– Гонореями, гонорарми, қайдан билай, шундай деб эшитганман-да? Хуллас, пули тўланган ҳисоб.

– Розимисиз?

– Розиман, розиман.

Нозимхон тўра гап тамом, дегандек, қўлига бошқа пойабзалларни бир-бир олиб, ўз ишига мойил бўлди.

Нурмат домла унинг ҳаракатларини бир муддат кузатиб турди-да, янгидек товланаётган туфлисини бир-бир босиб, у ёқ-бу ёғига қараб: «Раҳмат-раҳмат, уста барибир устада-а?!» – деганича узоқлашди...